

**БОБОҚУЛ ТОШЕВ,  
ФИРУЗ НАБИЕВ**

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ:  
ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ  
МУҲОФАЗАСИ**

**(ўқув қўлланма)**

**Тошкент-2019**

**УЎК: 347.4:341**

**КБК: 67.404 3**

**Интеллектуал мулк ҳуқуқи: товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси. Ўқув қўлланма // Бобоқул Тошев, Фируз Набиев – Тошкент: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2019. – 194 б.**

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг илмий кенгашининг 2019 йил 26 августдаги мажлисида муҳокама қилинган (1-сонли баённома) ва нашр қилиш учун тавсия этилган.

### **Такризчилар:**

Н.Ф.Имомов, Тошкент давлат юридик университети  
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси мудири, ю.ф.д., профессор.

С.А.Марипова, Юристлар малакасини ошириш маркази  
Фуқаролик ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, доцент.

Мазкур ўқув қўлланмада интеллектуал мулк ҳуқуқи доирасида товар белгиларининг ҳуқуқий муҳофазаси, товар белгиларининг вужудга келиш асослари, унинг муҳофаза ҳужжати, товар белгиларини муҳофаза қилишнинг миллий ва халқаро-ҳуқуқий асослари, соҳага оид ҳуқуқбузарликлар ва жавобгарлик билан боғлиқ айрим масалалар, айниқса, миллий қонунчиликни халқаро нормаларга мослаштириш йўллари билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар ўз аксини топган.

Қўлланма ҳуқуқ йўналишида таълим олаётган талабалар, магистрантлар, илмий изланувчилар ва интеллектуал мулк ҳуқуқи билан қизиқувчи бошқалар учун мўлжалланган.

**© Б.Тошев, Ф.Набиев, Тошкент, 2019.**

**© ЮМОМ, Тошкент, 2019.**

## Кириш

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган ислохотлар, авваламбор, миллий иқтисодиётимизни юксалтириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шу орқали тадбиркорлик фаолияти ривожига кенг йўл очиб беришга қаратилган. Ишлаб чиқарувчиларнинг товарларини диверсификация қилиш ва уларнинг ўз товар белгиларига бўлган мутлақ ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мазкур соҳадаги устувор йўналишлардан бирига айланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, интеллектуал мулк ҳуқуқи тизимида товар белгиси ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек соҳага оид қонун ҳужжатлари нормаларини тизимлаштириш, унификациялаш орқали янада такомиллаштириш, товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг таъсирчан тизимини яратиш, шу билан бирга товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланишнинг олдини олиш механизмларини хорижий давлатлар илғор тажрибасидан келиб чиқиб такомиллаштириш тақозо этилмоқда.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва ишлаб чиқарувчиларнинг товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқларини муҳофаза қилишда ривожланган давлатлар тажрибаси алоҳида эътирофга сазовордир.

Шу ўринда, товар белгиларини ҳуқуқий тартибга солишда бир қанча муаммолар мавжуд. Хусусан, товар белгиси эгасининг товар белгисига бўлган ҳуқуқини Интернетда ҳимоя қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётида товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланган ҳуқуқбузар ноқонуний хатти-ҳаракати натижасида мутлақ ҳуқуқ эгасига етказилган зарарни аниқлаш ва ўлчашнинг ягона мезонлари мавжуд эмаслиги, товар белгисига оид низоларни кўриб чиқишдаги судлов амалиётининг кенг аҳамият касб этмаганлиги, товар белгисининг суд томонидан барчага маълум деб топишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш зарурати товар белгилари соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини, шунингдек мавжуд ташкилий механизмларини такомиллаштириш, қолаверса товар белгиларининг ҳуқуқий ҳимояси соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўллари чуқур, илмий асосланган ҳолда комплекс тадқиқ этишни тақозо этади. Мазкур қўлланмада юқорида кўрсатилган муаммоларнинг ечимини топиш ва уни илмий, назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилинган.

# I-БОБ. ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

## 1.1. Товар белгиси тушунчаси ва хусусиятлари

Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, бу - бир юридик ёки жисмоний шахснинг товарлари ва хизматларини бошқа юридик ёки жисмоний шахсларнинг худди шу турдаги товар ва хизматларидан фарқлашга ёрдам берадиган ҳамда ўз соҳиби номига тегишли тартибда расмийлаштирилган нишон-тамғадир. Бундай белгилар сифатида сўзлар, ҳарфлар, рақамлар, тасвирлар, муайян шакллар, логотиплар, этикеткалар ва уларнинг бирикмалари, бир ёхуд турли рангдаги жамланма ифодалар рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Илмий адабиётларда товар белгиларининг функциялари қуйидаги уч асосий гуруҳга ажратилади<sup>1</sup>:

шахсийлаштириш функцияси – бир ишлаб чиқарувчи муайян турдаги товарни рақобатчи ҳисобланган бошқа ишлаб чиқарувчининг аналогик товаридан фарқлашга хизмат қилади;

ахборот функцияси – истеъмолчига товар ҳақидаги ахборотларни етказиб бериш ҳамда уларга танлаш имкониятини яратишга хизмат қилади;

реклама функцияси – товар сифати тўғрисидаги ахборотларни жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш орқали, уни истеъмолчилар орасида танитиш.

Хитойлик олим Олкин Ёнинг фикрича, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг товар белгилари товарлар, ишлар, хизматлар, шунингдек фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг хусусий аломатларини ўзида акс эттириши билан бир қаторда, истеъмолчида товарлар, ишлар, хизматлар ва уларнинг сифати тўғрисидаги ахборотларнинг шаклланиши жуда муҳим восита ҳисобланади<sup>2</sup>.

Товар белгилари ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (товарлар, ишлар, хизматлар) хусусий аломатларини акс эттирувчи восита сифатида турлича асосларга кўра таснифланиши мумкин.

Хусусан, ифодаланиш шаклига кўра, товар белгилари сўзли, тасвири, ҳажмли, жамланмали, овозли, ҳидли ва рангли бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность: Законодательство и практика его применения: Учебное пособие. -М.: 1997. -С. 79-80.

<sup>2</sup> Li. K. O. Economics Today. The Macro View. Shanghai. 2001.; p.87

Фойдаланилаётган белгилар тизимига кўра, товар белигилари тилга оид, тилга оид бўлмаган ва комбинацияли каби турларга ажратилиши мумкин.

Фойдаланувчи субъектларнинг сонига кўра, товар белгилари индивидуал товар белгилари ва коллектив товар белгилари каби таснифланади.

Истеъмолчилар орасида таниқлилигига кўра, товар белгилари оддий, ҳаммага маълум ва жаҳон товар белгилари каби таснифланади.

Товар истеъмолчиларининг ҳуқуқлари кафолатларининг даражасига кўра, оддий ва сертификацион белгиларга ажратилади.

Юқорида қайд этилган белгилардан энг кенг фойдаланиладигани товар белгилари ҳисобланади. К. Веркманнинг таъкидлашича, халқаро амалиётда сўзли белгилар барча фойдаланиладиган белгиларнинг тахминан 80 % ни ташкил этади<sup>1</sup>.

Умумий қоидаларга асосан, сўзли товар белгилари сифатида тилдаги турғун сўзлар, сунъий яратилган сўз кўринишидаги белгилар рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Ушбу ҳолатда биринчи белгиларнинг иккинчисидан фарқли жиҳати унинг эсланиб қолишлиги билан ифодаланади.

Сўзли товар белгиларига мисол тариқасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

тилдаги мавжуд сўзлар – “Triumph” – автомобиллар учун; “Apple” компьютерлар учун,

эркин белгилар – “Coca-Cola”, “Kodak”, “Nikon”, “Xerox”;

номлар – “Ford”, “Peugeot”, “Kellogg”;

шиорлар – “We Try Harder”, “Everybody Needs Milk”;

рақамлар: 4711 – одеколонлар учун, 555 – сигаретлар учун;

ҳарфлар бирикмаси – RCA, MG, VW, BMW<sup>2</sup>.

Илмий адабиётларда товар белгилари икки асосий турларга таснифланади – фонетик ва фонографик<sup>3</sup>. Фонетик товар белгилари фақатгина уларнинг талаффузи (эшитилиши) воситасида ҳимоя қилинади ва мазкур белгиларда уларнинг график кўриниши унчалик ҳам аҳамият касб этмайди. Фонографик товар белгиларида эса ҳарфларнинг жойлашув тартиби, уларнинг ҳажми ва бошқа визуал элементлари муҳим аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> Веркман Каспер Дж. Товарный знак: Создание, психология, восприятие. -М.: 1986. -С 178.

<sup>2</sup> Интеллектуальная собственность: Основные материалы: В 2 ч. Ч. 1 / Пер. с англ. Новосибирск, 1993. С. 131.

<sup>3</sup> Серов С.И., Марич В.В. Виды и формы товарных знаков // Вопросы изобретательства. 1976. N 8. С. 29 - 30.

Тасвирли товар белгилари ўзида белгиларни акс эттирувчи куйидаги тасвирларни намоён этади:

ўзида рамзий маъно-мазмун акс эттирувчи;  
ишлаб чиқариш жараёнига алоқадор;  
маҳсулот характерини ўзида акс эттирувчи;  
ҳарфли унсурларни ўзида акс эттирувчи<sup>1</sup>.

Тасвирли товар белгиларининг ўзига хос характерли жиҳати уларнинг бадиий композициялар асосида яратилган тасвирлар ва расмларнинг рангли жойлашуви асосида шаклланган график элементлар сифатида намоён бўлишидир.

Ҳажмли товар белгилари ўзида маҳсулотни тасдиқловчи (совун ёки шоколаднинг бир парчаси шакли) ёхуд унинг ўрамида акс этувчи (атирлар учун шиша идиш, конфетлар учун идиш) уч ўлчамли шакллар, фигуралар ва чизиқлар комбинациясини акс эттиради.

Комбинацияли товар белгилари эса ўзида мураккаб маънони ифодаловчи турли сўз, ҳарф, рақам, расм қўшималари орқали шаклландиган белгиларни намоён этади. Кўпчилик ҳолларда композицияли товар белгилари ўзида мустақил мазмун-моҳият касб этувчи сўзли ва тасвирли унсурлардан иборат бўлади.

Умумий қоидаларга асосан, овозли товар белгилари хизмат кўрсатиш белгилари сифатида фойдаланилади ва ўзида мусиқавий куйлар, позитив радиостанциялар ва бошқа турдаги акустик товушларни намоён этади. Бироқ, бугунги кунда овозли товар белгиларининг ҳуқуқий ҳимояси соҳасида хорижий давлатнинг қонун ҳужжатларини ўрганиб айтиш мумкинки, ушбу мамлакатларда овозли товар белгиларининг ҳуқуқий ҳимояси турлича тартибга солинади. Хусусан, овозли товар белгиларига тўғридан-тўғри ҳуқуқий ҳимоя тақдим этишни назарда тутувчи нормалар АҚШ, Германия, Польша, Кореянинг қонун ҳужжатларида акс эттирилган. Бироқ, Япония, Хитой, Бразилия ва Мексика қонун ҳужжатларига асосан, овозли товар белгиларига ҳуқуқий ҳимоя тақдим этилмайди.

Хорижий мамлакатлар, хусусан, ХХРнинг қонунчилик амалиётида, ҳидли товар белгилари овозли товар белгиларига нисбатан кам фойдаланилади. Мазкур белгилар ўзида таркиби, умумий қоидаларга асосан, ишлаб чиқарувчининг ноу-хауси ҳисобланган оригинал ҳидларни намоён қилади. Рангли товар белгилари эса ўзида фарқлаш хусусиятига эга бўлган турли рангли эффектларни намоён этади.

---

<sup>1</sup> Шестимиров А.А., Фролова Л.Ф. Экспертиза товарных знаков и промышленных образцов. М., 1989. С. 6.

Товар белгилари орасида жамоавий товар белгилари алоҳида урин эгаллайди. Хўжалик уюшмаси ёки корхоналарнинг бошқа бирор-бир ихтиёрий бирлашмасининг улар ишлаб чиқарадиган ва сотадиган товарларини белгилаш учун мўлжалланган товар белгиси жамоавий белгиси ҳисобланади. Бунда ушбу товарлар ягона сифат ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлиши керак<sup>1</sup>.

Жамоавий товар белгиларнинг индивидуал ва якка тадбиркор номига расмийлаштириладиган белгилардан фарқли жиҳати шундаки, у бир ишлаб чиқарувчи томонидан эмас, балки муайян турдаги товар ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни (товар, иш, хизмат) индивидуаллаштириш учун хизмат қилади.

Жамоавий товар белгиларига ҳуқуқий ҳимоя тақдим этиш хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларида турлича тартибга солинади. Хусусан, ХХР, АҚШ, Франция, Италия, Австрияда жамоавий товар белгиларининг ҳуқуқий ҳолати, умумий тартибда товар белгилари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Финляндия, Швеция, Норвегия ва Дания каби скандинавия мамлакатларида эса жамоавий товар белгиларни алоҳида махсус қонун ҳужжатларида ҳимоя қилинади<sup>2</sup>. Жамоавий товар белгиларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисидаги асосий қоидалар Саноат мулк объектларининг ҳимояси тўғрисидаги Париж конвенциясида мустаҳкамланган.

Ҳаммага маълум товар белгиларларининг оддий товар белгиларидан фарқли жиҳати шундаки, мазкур товар белгилари товар истеъмолчилари томонидан кенг фойдаланилади. Бу эса, ўз навбатида, мазкур товар белгиларига нисбатан махсус ҳуқуқий ҳимоя тақдим этиш заруратини келтириб чиқаради. Бунда умум маълум товар белгисига махсус ҳуқуқий ҳуқуқий ҳимоя тақдим этишдан асосий мақсад, ҳуқуқ эгасига сезиларли даражада моддий зарар этказувчи, унинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи, шунингдек истеъмолчида товар ва унинг ишлаб чиқарувчиси тўғрисида асоссиз ва ёлғон таассурот келтириб чиқарувчи ноҳалол рақобат хатти-ҳаракатларининг олдини олишдир.

Айрим мамалакатлар, хусусан, Австрия ва Японияда ҳаммага маълум товар белгиларига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаларининг

---

<sup>1</sup> Harris P. Trademark dilution and the missing links:// TW.- 2008.- N 206. -p.128

<sup>2</sup> Nurton J. Bud ruling says TM applications are property // Managing IP.-2007.-p. 166.

ҳуқуқлари ноҳалол рақобатнинг олдини олиш механизмлари воситасида таъминланади<sup>1</sup>.

Сертификат товар белгилари муайян стандартларга асосан товарлар ва хизматлар сифатининг мувофиқлигини кўрсатишга хизмат қилади. Белгиларнинг мазкур тури стандарт товарнинг бошқа товарлар орасидаги сифат характеристикасини белгилашда фойдаланилади. Хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларида “сертификат белгиси” турлича талқин этилади. ХХР қонунчилигида “сертификат белгилари - ваколатига маълум бир товар ва хизматлар устидан назорат қилиш кирувчи ташкилотга тегишли бўлган белги. Мазкур ташкилот бошқалар томонидан ёки жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган товар ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, келиб чиққан жойи, фойдаланилган материаллар, ишлаб чиқариш усули ва бошқа хусусиятларини тасдиқловчи белги сифатида сертификат белгиларини тақдим этади” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида товар келиб чиққан жой номларининг таснифи мавжуд эмас. Бироқ, юридик адабиётларда товар келиб чиққан жой номларини таснифлашда турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, Н.М.Фролованинг фикрича, товар келиб чиққан жой номи икки асосларга кўра таснифланади, яъни ҳудудийлик бўйича ва товар сифати устидан у ёки бу шаклда назоратнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги<sup>2</sup>.

Юқорида келтирилган биринчи асосларга кўра, товар келиб чиққан жой номлари миллий ва халқаро товар келиб чиққан жой номлари турларига таснифланади.

Товар келиб чиққан жой номи бир мамлакат ҳудуди учун характерли бўлган географик муҳит хусусиятларини ўзида акс эттирса, у миллий товар келиб чиққан жой номи сифатида эътироф этилади. Ўз навбатида, миллий товар келиб чиққан жой номларининг ҳуқуқий муҳофазаси миллий қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга асосан амалга оширилади.

Товар келиб чиққан жой номи икки ёки унда ортиқ мамлакат ҳудуди учун характерли бўлган географик муҳит хусусиятларини

---

<sup>1</sup> Саленко Л.П. Значение и особенности правового положения общеизвестных товарных знаков // Вопросы изобретательства. 1988. N 12. С. 31; Петрова Т.Д. Признание товарных знаков общеизвестными // Патенты и лицензии. 2001. N 11. -С. 17.

<sup>2</sup> Фролова Н.М. Наименование мест происхождения товаров как объект правовой охраны // Сб. науч. тр. / Сост. В.В. Долинская. М., 1995. -С. 76 - 77.



ўзида акс эттирса, у халқаро товар келиб чиққан жой номи сифатида эътироф этилади. Халқаро товар келиб чиққан жой номларининг ҳуқуқий муҳофазаси халқаро шартномаларда назарда тутилган нормаларга асосан амалга оширилади.

Юқорида назарда тутилган иккинчи асосларга кўра, товар келиб чиққан жой номлари қуйидагича таснифланади:

одатдаги, бунда товарларнинг табиий махсус хусусиятлари географик муҳит таъсири остида шаклланади;

қатъий белгиланган, бунда товарларнинг махсус хусусиятлари уларни ишлаб чиқарилишига талаб сифатида олдин қатъий белгиланган бўлади. Товарнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги устидан назорат товар ишлаб чиқаришнинг сўнги босқичида ёки уни бозорга чиқариш олдидан амалга оширилади;

назорат қилинадиган, бунда товарларнинг махсус хусусиятлари устидан назорат уларнинг сифатини кафолатлаш мақсадида ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, барча технологик жараёнларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига асосан, товар келиб чиққан жой номи сифатида мамлакат, аҳоли пункти, жой ёки бошқа жуғрофий объектнинг (бундан буён матнда жуғрофий объект деб юритилади) товарни белгилаш учун ишлатиладиган, унинг алоҳида хусусиятлари тамомила ёки асосан мазкур жуғрофий объектга хос табиий шароитлар билан ёки бошқа омиллар ёхуд табиий шароитлар ва ушбу омилларнинг бирикмаси билан белгиланадиган номи эътироф этилади.

Республикамизда жорий этилган қонунчиликка кўра, товар ва хизмат кўрсатиш белгилари бир хил ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан муҳофаза қилинади. Бу юртимизда бошқа соҳалар қатори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳам ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилганидан, жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган интеллектуал мулк муҳофазаси шаклланидиган, у товар ва хизмат кўрсатиш белгилари ҳамда товар келиб чиққан жой номлари бозорини шакллантириб, тараққий топтиришга хизмат қилаётганидан далолат беради.

## 1.2. Товар белгилари мақомининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига асосан, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг товар белгилари сифатида товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилар ва товар келиб чиққан жой номлари, фирма номлари эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 65-боби 2-параграфи Товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) деб номланади. Бироқ мазкур параграфда товар белгисига таъриф берилмаган. Хусусан, ФКнинг 1102-моддасида товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) уни рўйхатдан ўтказиш асосида ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиниши белгилаб берилган, холос.

Товар белгисига ҳуқуқий таъриф Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги 267-П-сонли Қонунининг 3-моддасида белгилаб берилган. Чунончи, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (бундан буён матнда товар белгиси деб юритилади) бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини (бундан буён матнда товарлар деб юритилади) бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир.

Юқорида қайд этилган Қонуннинг ижроия механизмини Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Бош директорининг 2009 йил 24 июндаги 72-сонли буйруғи билан тасдиқланган Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қоидалари билан тартибга солинади.

ХХРда товар белгилар билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар 2013 йилнинг 30-августидан 12-чақириғидаги Халқ вакиллари Умумхитой йиғилиши Доимий қўмитасининг 4-қурултойида янги таҳрирда қабул қилинган ХХРнинг “Товар белгилари тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади<sup>2</sup>. Шу билан бирга мазкур Қонун

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 178-модда

<sup>2</sup> ХХРнинг “Товар белгилари тоғрисида”ги Қонуни 1982 йилнинг 23-августидан қабул қилинган. Музкур қонунга 1993 йилнинг 22-февралидан ва 2001 йилнинг 27-октябридан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. (Хитой Халқ Республикаси Халқ вакиллари Умумхитой йиғилиши Доимий қўмитаси Қонунлари тўплами, 1982 й., 2-сон, 21-модда)

асосида қабул қилинган “Товар белгиларини рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш тўғрисида”<sup>1</sup>ги Қоидалар товар белгиларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига киритишнинг тартибини белгилаб беради.

ХХР қонунчилигида 2003 йил 14-апрелда қабул қилинган “Ҳаммага маълум товар белгилариларнинг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида”ги Низом<sup>2</sup> мавжуд бўлиб, мазкур Низом ҳаммага маълум товар белгилариларнинг ишлаб чиқарин ва хизмат кўрсатишда ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг механизмини белгилаб беради.

Қолаверса, товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларининг ҳуқуқий жиҳатдан айнан мазмун-моҳият касб этиши соҳага оид халқаро шартномаларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, 1994 йилнинг 27 октябрида Женевада имзоланган “Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисида”ги Шартноманинг<sup>3</sup> 16-моддасига асосан, Аҳдлашувчи томонлар хизмат кўрсатиш белгиларига нисбатан Париж конвенциясининг товар белгиларига нисбатан тегишли қоидаларини қўллайдилар ва уларни рўйхатдан ўтказадилар. Бундан ташқари, Интеллектуал мулкнинг савдо жиҳатлари тўғрисидаги Битимнинг (ТРИПС) 15-моддасига кўра, бир корxonанинг товарлари ва хизматларини бошқа корxonанинг товарлари ва хизматларидан фарқлаш фойдаланиладиган исталган белги ёки белгилар комбинацияси товар белгиси сифатида эътироф этилади.

1883 йилнинг 20 мартда имзоланган “Саноат мулки муҳофазаси тўғрисида”ги Париж конвенциясининг<sup>4</sup> 6<sup>ter</sup>-моддаси нормаларига асосан, Иттифоқ мамлакатлари расмий белгилар ва назорат тамгалари ва кафолатлар, байроқлари ва бошқа давлат эмблемалари товар белгилари сифатида ёки ушбу герблар белгиларининг элементлари сифатида ваколатли маъмурларнинг рухсатсиз рўйхатдан ўтказилишини рад этиш ва ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ва тегишли чора-тадбирлар кўриш йўли билан тақиқлашга, шунингдек геральдики нуқтаи назаридан бунга ҳар қандай тақлид қилишни тақиқлашни ўз зиммаларига оладилар. Қолаверса, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар

<sup>1</sup> Хитой Халқ Республикаси Халқ вакиллари Умумхитой йиғилиши Доимий қўмитаси Қонунлари тўплами, 1997 й., 4-сон, 87-модда

<sup>2</sup> Хитой Халқ Республикаси Халқ вакиллари Умумхитой йиғилиши Доимий қўмитаси Қонунлари тўплами. 2003 й., 7-сон, 39-модда

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси мазкур Шарномага 1998 йилнинг 8-сентябрида, ХХР эса 1995 йилнинг 3 январда кўшилган.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси мазкур Шарномага 1995 йилнинг 21-декабрида, ХХР эса 1949 йилнинг 6-июнида кўшилган

келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моддасига асосан, товар белгилари сифатида давлат герблари, байроқлар ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар, давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари, расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар; давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари; фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар; муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар; умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар; товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар; товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар; товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар; жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар ва шу кабилар рўйхатдан ўтказилмайди.

Европа Иттифоқида эса Европа Иттифоқи Кенгашининг “Товар белгилари бўйича миллий қонунчиликни гармонизация қилиш тўғрисида”ги 89/104-сонли Директивасининг<sup>1</sup> 3-моддаси ранг, овозлар ва ҳидлар шаклидаги ноанъанавий товар белгиларини рўйхатдан ўтказишни назарда тутмайди. Яъни, Директива ранглар ва ранглар бирикмасидан иборат бўлган товар белгиларининг ҳуқуқий ҳимояси бўйича алоҳида нормаларни ўзида акс эттирмаган, бироқ Директивада мазкур белгиларни товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишни рад этувчи қоидалар ҳам мавжуд эмас.

Шунингдек, 89/104-сонли Директиванинг 3-моддаси иккинчи қисми “b” бандига асосан, диний рамзлар ёки юқори мазмун-моҳият касб этувчи бошқа белгилар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас.

Европа Иттифоқининг 89/104-сонли Директивасининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур Директива товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш ёки ҳақиқий эмас деб топишнинг мажбурий ҳамда факультатив асосларини назарда тутди. Хусусан, 89/104-

---

<sup>1</sup> URL: [http://www.lawguru.com/regulations/trade\\_marks\\_15](http://www.lawguru.com/regulations/trade_marks_15)

сонли Директива 3-моддаси биринчи қисмининг “b” бандига асосан, товар белгисида фарқловчи хусусиятларнинг мавжуд эмаслиги, уни товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилишининг рад этилишига асос бўлиб хизмат қилади.

“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши товар белгилари билан бир қаторда, товар келиб чиққан жой номларининг ҳуқуқий ҳимояси борасида янги босқични бошлаб берди ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ички бозорда ва чет элда ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этди. Бироқ, бунга қадар товар келиб чиққан жой номларининг ҳуқуқий ҳимояси бўйича нормалар 1958 йил 31 октябрда қабул қилинган “Товар келиб чиққан жой номлари муҳофазаси ва уларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги Лиссабон битимида<sup>1</sup> мустаҳкамланган эди. Товар белгиси каби товар келиб чиққан жой номи нафақат мазкур товарни бошқа аналогик товарлардан фарқловчи шахсийлаштириш воситаси, балки мазкур товарнинг у келиб чиққан жой билан боғлиқ махсус хусусиятларини ва тайёрлашдаги анъаналарни ўзида акс эттирувчи идеал белгидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқаро доирада мутлақ ҳуқуқларни самарали муҳофаза қилишда ТРИПС (Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights, ингл.-ТРИПС-интеллектуал мулкнинг савдо аспекти бўйича битим) битимининг ўрни катта. Ҳозирги пайтда Бутунжаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлишни истаган ҳар бир давлат ТРИПС битимини имзолаши ва унинг нормаларига амал қилиши, миллий қонунчиликни уйғунлаштирмоғи шарт. ТРИПС битимининг предмети бўлиб, интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқлари мавжуд бўлган товарлар савдосини тартибга солишдир. Зеро, ТРИПС битимида мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва уни самарали механизми очиб берилган.

Шуни алоҳида кайд этиш жоизки, мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А. Каримов 2014 йил 20–21 май Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг IV-саммитида қилган маърузасида икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланиши учун янада жадаллик билан амалга оширишни таъкидлаб ўтган эди. Фикримизча мазкур соҳада, хусусан товар белгиларини муҳофаза қилишда ҳукуматлараро товар белгиларини

---

<sup>1</sup> URL: [http://www.wipo.int/legal\\_acts/international/lisbon](http://www.wipo.int/legal_acts/international/lisbon)

муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида икки томонлама битим имзоланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқорида келтириб ўтилганларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг товар белгилари ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда ҳуқуқий воситаларни тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланишда ушбу объектларни тўғри ва аниқ таснифлаш муҳим ҳисобланади. Шу боис, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг товар белгиларини таснифлашда хорижий мамлакатларнинг илғор қонунчилик тажрибасидан, шунингдек халқаро шартномалар нормаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## **II-БОБ. ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ**

### **2.1. Товар белгиларини рўйхатга олиш ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига киритиш тартиби**

Товар ва хизмат кўрсатиш белгиси тадбиркорлик билан машғул юридик ёки жисмоний шахсининг маҳсулотлари ёки хизматларини индивидуаллаштириш (маркалаш) ҳамда уларни бошқа рақобатчилар таклиф этаётган айнан шу хилдаги ёки шу турдаги товар (хизмат)лардан ажрата олиш имконини беради. Муайян нишон-тамға остидаги маҳсулот (хизмат)ларнинг сифати истемолчиларни қониқтирса, келажакда улар шу белгиларга қараб ўша товарларни сотиб олишга ёки ўша хизматлардан фойдаланишга одатланадилар. Қолаверса, рўйхатдан ўтказилган товар ёки хизмат белгиси бошқа тадбиркор ва ишбилармонларнинг ундан фойдаланиш учун лицензия сўраб мурожаат қилишларига, икки ўртада ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилишига туртки бериши мумкин. Бундан руҳланган белги эгаси эса тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришга, ўз маҳсулотини, иши ва хизмати сифатини янада яхшилашга, улар ҳақида рекламалар бериб, жамоатчилик назарига тушишга, бозордан мустаҳкам ўрин эгаллашга интилади. Пировардида унинг ҳамкорлари, харидорлари ва мижозлари кўпаяди, даромадига даромад қўшилиб, обрў-эътибори ошади.

Аксарият мамлакатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам қонунан тадбиркорлик билан шуғулланаётган, товар белгисидан фойдаланиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бериш ниятида бўлган ҳар қандай жисмоний ва юридик шахс уни рўйхатдан ўтказишга ҳақли. Бунинг учун у Интеллектуал мулк агентлигига талабнома топшириши керак. Агентлик шу асосда экспертиза ўтказиб, мамлакатимизда аввал расмийлаштирилган товар белгилари орасида ўша маҳсулот ёки хизматга жорий этилиши кўзда тутилган белгига айнан ўхшаши йўқлигини аниқлагач, уни рўйхатдан ўтказиб, муҳофаза ҳужжати беради.

Ўзбекистонда умумий қоидадан истисно бор: агар анча аввалги белги эгаси розилик берса, кейинги белги рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Лекин, бу истисно айнан бир хил белгиларга эмас, балки

фақат аралаштириб юбориш даражасидаги ўхшаш белгиларга нисбатан татбиқ этилади<sup>1</sup>.

2001 йил 30 августда қабул қилинган “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Бош директорининг 2009 йил 24 июндаги 72-сонли буйруғи билан тасдиқланган Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қоидаларига асосан товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ёки жисмоний шахс томонидан (талабнома берувчи) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига берилади. Агентликнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 майдаги ПҚ-1536-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори<sup>2</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йилнинг 8 июнида қабул қилинган 166-сонли қарори<sup>3</sup> билан тартибга солинади.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилган сана мазкур талабнома Интеллектуал мулк агентлигига келиб тушган санага қараб белгиланади.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома, агар унда бир неча товар кўрсатилган бўлса, талабнома берувчининг илтимосномасига кўра дастлабки талабнома берилган сана сақланган ҳолда икки ёки бир неча талабномага ажратилиши мумкин.

Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш учун бериладиган талабнома бир товар белгисига ёки товар келиб чиққан бир жой номига тааллуқли бўлиши лозим.

Талабномада қуйидагилар бўлиши керак:

---

<sup>1</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. –Т.: ТДЮИ. 2004. 158-бет

<sup>2</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 22-23-сон, 227-модда

<sup>3</sup> "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2011 йил, 22-23-сон, 236-модда.



товар белгиси сифатида белгини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

талабномада кўрсатилган белгининг тасвири;

белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига мувофиқ гуруҳланган, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарларнинг рўйхати;

товар ишлаб чиқарилган жойни жўғрофий объект чегарасида кўрсатган ҳолда товар келиб чиққан жой номини ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товар турининг номи ҳамда унинг алоҳида хусусиятлари тавсифи.

Қуйидагилар товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

1) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;

2) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;

3) расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;

4) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;

5) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар;

6) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар;

7) умум эътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар;

8) товарларни, шу жумладан уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар;

9) товар ёки унинг тайёрловчиси хусусидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

10) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

11) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи жўғрофий номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, мазкур жойда чиқарилмаган

товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек башарти улар таржима қилиниб ёки «кўринишдаги», «турдаги», «усулдаги» ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолда қўлланилса;

12) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар;

13) қуйидаги белгилар:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча илгарироқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

муҳофаза қилинадиган товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказилаётган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар;

14) қуйидаги белгилар:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун товар белгисига доир талабнома келиб тушган санадан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

саноат намуналарини, агар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлса, такрорловчи белгилар;

Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан

кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллусларини ва улардан ясалган сўзларни, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, башарти булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлса, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

Баъзи товар белгилари бўйича идоралар мажбурий равишда мавжуд бўлган товар белгилари ва ҳаммага маълум белгилар билан тўқнаш келиш эҳтимолини текширувчи экспертиза ўтказдилар, аксарияти товар белгисининг рўйхатдан ўтказилгани расмий нашрда эълон қилинган, учинчи тараф томонидан баҳсга сабаб бўлсагина, бу ишга қўл урадилар<sup>1</sup>. Умумий қоидага кўра эса, агар айнан бир хил ёки бир турдаги товарларга нисбатан товар белгиси муқаддам мавжуд бўлган (ёки илгари талабнома берилган, лекин рўйхатдан ўтказилмаган) товар белгиси билан айнан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида бир хил бўлса, талабнома инкор этилади ёки товар белгисига берилган гувоҳнома бекор қилинади.

Товар белгисини рўйхатга олишда товар белгисининг устуворлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун ваколатли органга талабнома берилган санага қараб белгиланади.

Товар белгисининг устуворлиги товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун биринчи талабнома Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига қўшилган давлатда берилган санага қараб, башарти шу санадан кейинги олти ой мобайнида ваколатли органга товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган бўлса (конвенция устуворлиги), белгиланиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ бу ҳуқуқнинг эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин. Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ бу ҳуқуқнинг эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 17 июнда 1481-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар

---

<sup>1</sup> Wang, D., Chang R. New court and practice // Managing IP. 2008. N183. p.96

белгиси, хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларни бериш ва лицензия шартномаларидан фойдаланиш, интеграл микросхемалар топологиясига бўлган ҳуқуқни тўлиқ ёки қисман бериш, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурга, маълумотлар базасига бўлган барча мулкӣ ҳуқуқларни бутунлай ёки қисман ўзгаларга бериш ва мулкӣ ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси давлат Патент идораси директорининг буйруғи<sup>1</sup> билан тартибга солинган. Унга кўра товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга, башарти у истеъмолчини товар ёки унинг тайёрловчиси хусусида чалғитадиган бўлса, йўл қўйилмайди.

Товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқи товар белгисининг эгаси (лицензиар) томонидан лицензия шартномаси бўйича бошқа шахсга (лицензиатга) берилиши мумкин.

Лицензия шартномасида лицензиат товарларининг сифати лицензиар товарларининг сифатидан паст бўлмаслиги ҳақида шарт қўйилган бўлиши ва лицензиар бу шартнинг бажарилишини назорат қилиши кўрсатилиши лозим.

Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома ёки лицензия шартномаси Агентликда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Саноат мулкчини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига қўшилган давлатлардан бирининг худудида ташкил этилган расмий халқаро кўрғазмаларнинг ёки расмий деб тан олинган шундай кўрғазмаларнинг экспонатларига қўйилган товар белгисининг устуворлиги экспонат кўрғазмада очик намоиш этила бошланган санага қараб (кўрғазма устуворлиги), башарти шу санадан кейинги олти ой мобайнида ваколатли давлат органига товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган бўлса, белгиланиши мумкин. Шундан келиб чиқиб товар белгисининг товар белгисининг устуворлиги конвенция ва кўрғазма устуворлигига бўлинади.

Конвенция ёки кўрғазма устуворлиги ҳуқуқини сўраётган талабнома берувчи қўйилган талаб ҳаққоний эканлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда бу ҳақда товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани бераётганида ёки ваколатли давлат органига талабнома тушганидан кейин икки ой мобайнида маълум қилиши шарт ёхуд бу ҳужжатларни товар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 176-модда

белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома тушган вақтдан эътиборан уч ойдан кечиктирмай ваколатли давлат органига тақдим этиши лозим.

Товар белгиларини рўхатга олишда патент вакилларининг ўрни мўҳимдир. Патент вакили Агентликда юридик ва жисмоний шахсларнинг вакиллик ҳуқуқини амалга оширади. Патент вакилларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 298-сонли қарори билан тасдиқланган «Патент вакиллари тўғрисида»ги низомга асосан белгиланади.

Ўз мамлакати ҳудудида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси патент вакили бўлиши мумкин. Патент вакилларига қўйиладиган малака талаблари, уларни аттестациядан ва рўйхатдан ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахслар ёки чет эллик юридик шахслар товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини юритишни ҳамда бу ишлар билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни Агентликда рўйхатдан ўтган патент вакиллари орқали амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин вақтинчалик унинг ҳудудидан ташқарида бўлган жисмоний шахслар товар белгиларини ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ишларини ва бу ишлар билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни ёзишма учун Ўзбекистон Республикаси доирасидаги манзилни кўрсатган ҳолда патент вакилисиз амалга оширишлари мумкин.

Патент вакилининг ваколатлари ишончнома билан тасдиқланади.

Талабнома берувчи товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш даврида бу талабнома юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ўз ташаббуси билан талабнома материалларини тузатиш, аниқлаштириш ёки талабнома моҳиятини ўзгартирмайдиган маълумотлар билан тўлдиришга ҳақли.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказишдаги муҳим қадам давлат экспертизаси ҳисобланади. Товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш

ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани расмий экспертизадан ўтказиш талабнома Агентликка берилган санадан эътиборан ўттиз кунлик муддат ичида амалга оширилади.

Расмий экспертизадан ўтказиш жараёнида товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабноманинг мазмуни, зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, шунингдек уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

Талабномада ифодаланган белгини экспертизадан ўтказиш товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарорга мувофиқ, талабнома берилган санадан эътиборан етти ой ичида Агентлик томонидан амалга оширилади.

Экспертизадан ўтказиш чоғида талабномада ифодаланган белгининг товар белгисини экспертиза қилишда “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасининг биринчи қисми ҳамда 10-моддаси (10-моддаси биринчи қисмининг 14-банди бундан мустасно) қоидаларига, товар келиб чиққан жой номини экспертиза қилиш ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда эса Қонуннинг 6 ва 11-моддалари қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Экспертиза натижаларига биноан Агентлик товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва (ёки) ундан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида ёхуд уларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади, талабнома берувчи бу хусусда хабардор қилинади.

Талабнома берувчи давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан Агентликнинг Апелляция кенгашига қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч ой мобайнида шикоят беришга ҳақли.

Э.П.Гавриловнинг фикрича, товар белгиларини рўйхатдан ўтказишни рад этишнинг мутлақ асосларидан кўзланган мақсад оммавий манфаатларни ҳимоя қилиш бўлса, нисбий асослардан кўзланган мақсад эса хусусий манфаатларни ҳимоя қилишдир<sup>1</sup>. Юқоридаги фикрлари орқали Э.П.Гаврилов товар белгиларини рўйхатдан ўтказишни рад этишнинг нисбий асосларига нисбатан,

---

<sup>1</sup> Гаврилов Э.П., Данилина Е.А. Комментарий к Закону РФ "О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров": Подзаконные нормативные акты. М., 2004. С. 38.

мутлоқ асосларига асосий урғу беради. А.П. Рабецнинг фикрича эса, белгини рўйхатдан ўтказишни рад этишнинг мутлоқ асослари белгининг ички хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, бунда белгига нисбатан бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги унчалик муҳим ҳисобланмайди. Ўз навбатида, белгини рўйхатдан ўтказишни рад этишнинг нисбий асослари эса, товар белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги оқибатида бузилиши мумкин бўлган учинчи шахслари манфаатларига асосланади<sup>1</sup>.

Талабнома берувчи давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан Агентликнинг Апелляция кенгашига қарор қабул қилинган санадан эътиборан уч ой мобайнида шикоят беришга ҳақли.

Давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари устидан Апелляция кенгашига шикоят бериш тартиби Агентлик томонидан белгиланади.

Агентлик давлат экспертизасидан ўтказиш натижалари асосида, патент божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат олинган санадан эътиборан уч кун ичида товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини тегишли реестрда рўйхатга олади. Реестрга киритиладиган маълумотлар таркиби Агентлик томонидан белгиланади.

Товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Агентлик томонидан белгиланади.

Товар белгисига доир гувоҳнома товар белгиси сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини, товар белгисининг устуворлигини ва товар эгасининг гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан товар белгисига бўлган мутлоқ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома товар келиб чиққан жой номи сифатида талабномада ифодаланган белги рўйхатдан ўтказилганлиги фактини ва гувоҳнома эгасининг ундан гувоҳномада кўрсатилган товар турига нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Товар белгисига доир гувоҳнома ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой

---

<sup>1</sup> Рабец А.П. Правовая охрана товарных знаков в России. С. 145.

номидан фойдаланиш ҳуқуқи тегишли реестрда рўйхатга олинганидан кейин ўн кун ичида Агентлик томонидан берилади. Гувоҳномалар шакли ва уларда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Агентлик томонидан белгиланади.

Товар белгисига доир гувоҳнома ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома талабнома берилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида амал қилади.

Товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати гувоҳнома амал қилаётган охириги йил мобайнида унинг эгаси томонидан берилган аризага биноан ҳар сафар ўн йилга узайтирилиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганидек, товар белгисининг ҳар қандай давлатнинг ҳудудидаги ҳуқуқий муҳофазаси уни рўйхатга олиш кучга киргандан сўнг юзага келади. Фақат рўйхатга олингандан кейингина талабнома берувчи товар белгисининг эгаси деган мақомни ва белги учун тегишли мутлоқ ҳуқуқларни олади. Шунинг учун товар белгисининг хорижий рўйхатга олиниши ўз маҳсулотини чет мамлакатга экспорт қилаётган корхона бизнеси муваффақиятли бўлишининг мажбурий шартларидан бири ҳисобланади. Бунинг акси эса маҳсулот экспорт қилувчини рақобатчилар ёки “қароқчилар” олдида ҳимоясиз қилиб қўяди ва бу уларга ўзларининг кўпинча сифатсиз бўлган маҳсулотларини бошқаларнинг товар белгиси остида жазоланишдан чўчимай сотиш имкониятини беради. Ихтиролар каби товар белгилари ҳам бир неча йўллар билан хорижда рўйхатга олиниши мумкин.

Биринчи йули Париж Конвенцияси белгилаб берилган тартибдан иборат. Белгиларни рўйхатга олиш ихтиролар ва саноат намуналарини патентлаш амалиётига ўхшашдир. Асосий фарқ Конвенция устуворлиги ихтиролар ҳолатидаги каби 12 ойни эмас, балки 6 ойни ташкил қилишидан иборат.

Агар талабнома берувчи (маҳсулотни экспорт қилувчи)нинг манфаатлари товар белгисини оз миқдордаги мамлакатларда ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлса, Париж Конвенциясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Стратегик манфаатлари товар белгисини кўпгина мамлакатларда ҳимоя қилишдан иборат бўлган талабнома берувчи учун бошқа йўл Белгиларни рўйхатга олиш Мадрид тизимининг тартиблари ҳисобланади.



Мадрид тизими бир вақтнинг ўзида бир неча давлатларда амал қиладиган товар белгиларини рўйхатга олишнинг халқаро тизимидан иборат.

Ҳозирги вақтда Мадрид тизими бир-бирига муносиб равишда амал қиладиган иккита мустақил тартибларни ўз ичига олади:

Белгиларни халқаро рўйхатга олиш тўғрисидаги Мадрид Битимининг тартиблари;

Белгиларни халқаро рўйхатга олиш тўғрисидаги Мадрид Битимига Баённоманинг тартиблари (Мадрид баённомаси).

Даставвал Ўзбекистон Республикаси 1995 йилнинг 21 декабрида Мадрид Битими<sup>1</sup>га аъзо бўлган. Вақт ўтиб мазкур Битим замон талабига жавоб бермай қолди. Ўзбекистон 2006 йилнинг 27 декабрида Мадрид Битимини денонсация қилиб, товар белгиларининг ҳуқуқий табиатини янгича белгилаб берувчи Мадрид Битимининг Баённомаси<sup>2</sup>га қўшилди.

Ўзбекистонлик талабнома берувчилар учун Ўзбекистон аъзоси бўлган Мадрид Битимига Баённоманинг тартиблари қулай ва фойдали ҳисобланади.

Мадрид Битимининг моҳияти шундан иборатки, Баённоманинг иштирокчи мамлакатларидан бири (келиб чиқиш мамлақати)да рўйхатга олинган товар белгиси БИМТ Халқаро бюроси (Женева)да халқаро рўйхатга олиш йули билан бошқа иштирокчи мамлакатларда соддалаштирилган тартибда муҳофаза қилиниши мумкин. Ушбу Баённомага мувофиқ рўйхатга олиш халқаро рўйхатга олиш ҳисобланади, чунки ҳар бир бундай рўйхатга олиш муҳофаза сўралаётган барча мамлакатларда кучга эга. Яъни, талабнома берувчидан бошқа иштирокчи мамлакатларда миллий рўйхатга олиш учун ҳеч қандай қўшимча хатти-ҳаракатлар талаб қилинмайди. (халқаро патент бериш кўзда тутилмайдиган ихтиролар учун РСТ тизимидан тубдан фарқ қилишига алоҳида эътибор бериш лозим).

Талабнома берувчи томонидан товар белгисининг ўз мамлақати (белгининг келиб чиқиш мамлақати)нинг миллий патент идорасида дастлабки рўйхатга олинishi товар белгисини халқаро рўйхатга олиш йулидаги биринчи қадам деб ҳисобланиши мумкин. Миллий патент идорасида рўйхатга олинмаган товар белгисини халқаро рўйхатга олиш мумкин эмас.

---

<sup>1</sup> Мадрид Битими 1891йилнинг 14 апрелида имзоланган (1900 йилнинг 14 декабры Брюссельда, 1911йилнинг 2 июнида Вашингтонда, 1925 йилнинг 6 ноябры Гаагада., 1934 йилнинг 2 июнида Лондонда, 1957 йилнинг 15 июнида Ниццада, 1967 йилнинг 14 июлида Стокгольмда қайта кўриб чиқилган)

<sup>2</sup> Мадрид Битимига Баённома (Мадрид баённомаси) 1989 йилнинг 27 июнида имзоланган.

Товар белгисини халқаро рўйхатга олиш учун талабнома келиб чиқиш мамлакатининг миллий патент идораси орқали БИМТ Халқаро бюросига тақдим этилади. Талабнома таркибига махсус бланкада тузилган ариза (иловада бланканинг нусхасини келтирилган) ва рўйхатга олиш учун талабнома берилаётган белгининг тасвири киради. Талабнома халқаро рўйхатга олиш сўралаётган товар ва хизматлар учун рўйхат, шунингдек уларнинг ТХХТ (МКТУ)<sup>1</sup> бўйича тоифасини ўз ичига олиши керак. Мадрид Битимининг расмий тили француз тили ҳисоблангани сабабли, халқаро талабноманинг барча материаллари фақат француз тилида тузилади.

Халқаро талабнома тақдим этишда белгиланган миқдорда халқаро бож тўланиши зарур.

Миллий патент идораси халқаро рўйхатга олиш учун талабномани олгандан кейин унинг рўйхатга олинган миллий товар белгисига мос келишини текширади ва талабнома бериш санасини белгилайди. Агар талабнома ўрнатилган талабларга мос келса, миллий патент идораси талабномани Халқаро бюрога жўнатади.

Халқаро бюро талабномани олгандан кейин зудлик билан ушбу товар белгисини рўйхатга олади. Шундан сўнг товар белгиси халқаро рўйхатга олинганлиги тўғрисида талабнома берувчини, талабнома берувчи ўз белгисини муҳофаза қилишни сўраётган мамлакатларнинг миллий патент идораларини хабардор қилади ва БИМТ чоп этадиган даврий бюллетенда халқаро рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотларни нашр қилади.

Мадрид Битимига мувофиқ, ҳар бир давлат ушбу белги миллий рўйхатга олиш талабларига тўғри келмаса, бир йил (12 ой) мобайнида халқаро рўйхатга олишни тан олмай, рад этиш ҳуқуқига эга. Бироқ, бир йилдан кейин халқаро рўйхатга олинган белгини рад этиш мумкин эмас. Агар йил давомида бундай рад этиш ҳоллари қайд этилмаса, халқаро рўйхатга олиш ундан келиб чиқадиган мутлоқ ҳуқуқлар билан бирга миллий рўйхатга олиш кучига эга бўлади.

Халқаро рўйхатга олишнинг амал қилиш муддати 20 йилни ташкил қилади ҳамда уни бир неча бор худди шундай даврга узайтириш мумкин бўлади. Халқаро белгининг беш йил давомидаги ҳуқуқий муҳофазаси унинг келиб чиқиш мамлакатада мавжуд

---

<sup>1</sup> Товар ва хизматларнинг халқаро таснифлаш бўйича Ницца Келишуви 1957 йилнинг 15 июнида имзоланган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Келишувга 2002 йилнинг 12 январидан аъзо бўлган.

бўлишига боғлиқлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Яъни, келиб чиқиш мамлакатада белгининг амал қилиши тўхтаса, халқаро рўйхатга олиш ҳам ўз кучини йўқотади. Мадрид Битимининг бу қондаси “марказий ҳужум” деб ном олди. Ушбу беш йиллик давр тугаганидан кейингина халқаро рўйхатга олиш миллий рўйхатга олишдан тўлиқ мустақил бўлади.

Мадрид Битими бўйича халқаро рўйхатга олиш тартиби ҳам товар белгиларининг эгалари, ҳам миллий патент идоралари учун бир қатор афзалликлардан иборат:

талабномани турли тилларда, ҳар бир мамлакатда алоҳида бериш ҳамда ҳар бир миллий идорага бож тўлашнинг ўрнига талабнома берувчи фақат битта тилда (француз) битта талабномани бериш ва битта орган (Халқаро бюро)га божни тўлаш йули билан Мадрид Битимининг иштирокчи мамлакатларида белгини рўйхатга олишни амалга оширади;

миллий патент идоралари учун Мадрид Битимининг афзаллиги ишлар ҳажмининг сезиларли қисқаришидан иборат. Масалан, расмий экспертиза ўтказиш, товар ва хизматларнинг таснифини аниқлаштириш, халқаро товар белгиларини нашр қилиш ва бошқаларга зарурат ўз-ўзидан йўқолади. Бундан ташқари, Халқаро бюро оладиган божларнинг бир қисми товар белгисини муҳофаза қилиш сўралаётган мамлакатларга берилади.

Юқорида таъкидланганидек, Мадрид Битимининг тартиблари талабнома берувчилар ва патент идоралари учун бир қатор муҳим афзалликларга эга.

Бироқ, талабнома берувчилар учун Мадрид Битимининг камчилиги унинг иштирокчилари орасида АҚШ, Япония, Буюк Британия каби муҳим мамлакатларнинг йўқлиги ҳисобланади<sup>1</sup>. Мадрид Битимининг қондалари бу мамлакатларни тўлиқ қаноатлантирмайди, масалан, бир мамлакатда белгини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг келиб чиқиш мамлакатадаги унинг ҳуқуқий ҳолатига боғлиқлиги ва ҳоказо.

Бундай келишмовчиликларни бартараф этиш учун 1989 йилда алоҳида Битимдан иборат Мадрид Битимига Баённома имзоланди. Баённома Мадрид Битимини истисно этмаслиги ёки қондаларининг қандайдир қисми ўрнини босишини билдирмаслигини таъкидлаш мумкин. Баённома кучга кирганидан сўнг Мадрид Битимининг барча тартиб- лари аввалги кўринишда амал қилишда давом этади. Бундай

---

<sup>1</sup> URL: [http://www.wipo.int/agreements/madrid/member\\_countries/list](http://www.wipo.int/agreements/madrid/member_countries/list)

иккита бир-бирига мутаносиб битимнинг пайдо бўлишига Мадрид Битимининг кўпгина иштирокчи давлатлари 1891 йилдан бери амал қилаётган ва уларни қаноатлантираётган механизмни хавф-хатарга қўйишни истамасликлари сабаб бўлди.

Талабнома берувчи учун муҳим бўлган Баённома тартибларининг Мадрид Битимидан асосий фарқлари қуйидагилардан иборат:

халқаро рўйхатга олиш нафақат миллий рўйхатга олишга, балки товар белгиси учун миллий талабномага асосланиши мумкин;

миллий идора томонидан белгининг халқаро рўйхатга олинганлигини ўз ҳудудида тарқатишни рад этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш муддати бир йилдан 18 ойгача, низоли ҳолатларда эса ундан ҳам узоқ муддатга узайтирилган;

“марказий ҳужум” ўтказиш муносабати билан бекор қилинган белгини халқаро рўйхатга олиш илгариги устуворлик санаси билан миллий (минтақавий) талабномаларга айлантирилиши мумкин;

Баённоманинг иштирокчи давлатлари белгини миллий рўйхатга олишдаги каби бож суммасини олиши мумкин. Бу, айниқса миллий божлар миқдори белгиланган халқаро божларниқидан юқори бўлса муҳимдир;

халқаро рўйхатга олиш муддати халқаро рўйхатга олиш санасидан бошлаб ўн йилни ташкил этади ҳамда уни бир неча бор худди шундай даврга узайтириш мумкин бўлади;

халқаро талабномани нафақат француз, балки инглиз тилида ҳам тақдим этиш мумкин.

Ҳозирги вақтда Мадрид Битими ва Мадрид Баённомаси учун Мадрид Иттифоқининг қарори бўйича ягона Йўриқнома амал қилади. Ягона Йўриқноманинг қабул қилиниши Мадрид Тизимининг яхлитлигини таъкидлайди ва икки тартибнинг ўхшаш қоидалари ва фарқларини инобатга олиш имконини оладиган талабнома берувчилар учун қулай ҳисобланади.

## **2.2. Товар белгиларини ҳимоя қилиш механизмлари**

Кўпгина тадбиркорлар иш бошлаётганда ўз фаолиятини тезроқ йўлга қўйишни кўзлаб, қинғир ишларга ҳам қўл урадилар, кам харж, чиқим асосида истеъмолчиларни жалб этишга ҳаракат қиладилар. Ўз брендларини яратиб, уни истеъмолчиларга танитиш, шу мақсадда маблағ, куч сарфлаш, ғоя излаш ўрнига машҳурлик касб этган

бренддан нусха кўчириб кўя қолиш осон туюлади уларга. Аммо, бу танилиш истеъмолчилар бозорида ўз ўрнини эгаллашнинг хатарли усули бўлиб, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тўғридан-тўғри бузишдир.

Маърифатли ва маданиятли бизнес ўз тараққиёти учун анча-мунча пул сарфланишини талаб этади ва шу йўл билан савдо маркаси ютукқа эришувини таъминлайди<sup>1</sup>. Ана шу марка товарнинг кўпчилик танийдиган номи бўлиши, унинг обрў-эътибори ва нуфуздан дарак бериши, савдога барака киритиши учун эса вақт керак. Ўзгаларнинг товар белгиларига билинар-билинемас ўзгартишлар киритиб кўя қолиш мазкур товар белгилари эгаларининг обрў-эътиборига путур етказди, истеъмол бозоридаги нуфузини эса шубҳа остига кўяди. Товар белгисидаги биттагина ҳарфни ўзгартирган куйи қонунга хилоф тарзда фойдаланишга журъат этган ноҳалол рақобатчи ҳалол, инсофли ишлаб чиқарувчини йиллар мобайнида барпо этган, шакл ва сайқал топтирган нарсаларини барбод этишга қодир.

Бунақа ўзлаштирма номлар яратувчилари томонидан ҳуқуқлари бузилаётган истеъмолчилар ўз ишончларини қозонган компаниянинг товари ёки кўрсатган хизмати учун ҳақ тўлаётганликларига ишонадилар, оқибатда эса сифати ноаён нарсага эга бўладилар, холос<sup>2</sup>. Моҳият-эътибори билан бунда инсофсиз рақобатчиларнинг ўзи ҳам кўп нарса ютқазди. Улар ўзгаларнинг ютуғи ҳисобидан сохта дивидендларга эга бўлаётганлари боис бизнес ишини ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳаракатини қилмайдилар, талаб-эҳтиёж ортиши, савдо яхшиланишини, маркетинг дастурлари рисоладагидек ишлашини ўйламайдилар ҳамда пировард натижада орқада судралиб юрувчилар қаторига тушиб қоладилар. Зотан, улар рақобатга қарши қаратилган хатти-ҳаракатлари учун эртами-кечми жавоб беришлари турган гап<sup>3</sup>. Бунақа ишлар у ёки бу йўсинда жамоатчиликда тегишли фикр уйғотади. Бу эса унинг келгуси фаолиятига таъсир этмай қолмайди. Хуллас, инсофсиз рақобат ҳалол, инсофли ишлаб чиқарувчигагина эмас, истеъмолчига, қолаверса, умуман истеъмол бозорига берилган зарбадир.

---

<sup>1</sup> Palm J. Canon, Waterford. How the Issue of Similarity of goods should be determined in the Field of Trade Mark Law // EIPR.- 2007.- Vol.29.-N12.; p.124

<sup>2</sup> Trimmer B. Similarity and relativity trademark law: An analysis of the cases that determine degrees of similarity // TW.- 2009.- N 213.p.211

<sup>3</sup> Singh H. Paying the price for infringement // Managing IP.-2007.-N167.p.65

Тадбиркорлик ривожланиб бориши билан бозор муносабатлари доирасига «инсофсиз рақобат» деган тушунча ҳам жадал кириб борди. Бу нарса дастлаб 1883 йили қабул қилинган Саноат мулки муҳофазасига доир Париж конвенциясида илк бор қайд этилган эди. Унинг алоҳида бир моддаси билан саноат ва савдо-сотик ишларидаги ҳалол одатларга зид ҳар қандай рақобат ҳаракати ман этилди.

Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги 2012 йил 6 январдаги Қонуни ва «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ҳамда товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги қонунлар товар белгиларини ҳимоя қилиш механизмларини белгилаб бериш ва инсофсиз рақобатдан ҳуқуқий ҳимояланишнинг асосий воситаларидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида белгиланишича, инсофсиз рақобат хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатларидир. Кўпинча товар белгилари инсофсиз рақобат объекти бўлиб қолмоқда. Бундай белгилар ишлаб чиқарувчиларни ҳамда уларнинг маҳсулотларини индивидуаллаштиришни таъминлаш орқали товарнинг танилувчанлигига эришади, истеъмолчига уни ким ишлаб чиқарганлигини эслатиб туради.

Товар белгиси харидорга маҳсулот сифатидан, унинг ишлаб чиқарувчиси обрў-эътиборидан, бозордаги мавқеидан дарак бериши мумкин. Товар белгисини юридик шахслар ҳам, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар ҳам Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказишлари мумкин. Товар белгиси рўйхатга олинган пайтдан эътиборан ҳуқуқий муҳофаза остида бўлади ва эгасининг рухсатсиз ундан ҳеч ким фойдаланишга ҳақли эмас. Товар белгисидан ноқонуний тарзда фойдаланиш маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Товар белгисининг эгаси товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқига эга. Товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқ гувоҳномада кўрсатилган товарларга нисбатан амал қилади ва

расмий ахборотномада эълон қилинган санадан эътиборан рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиши даври мобайнида амалга оширилади.

Товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

Товар белгиси уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда ва (ёки) уларнинг идиши ҳамда ўровида товар белгисининг эгаси томонидан ёки ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ лицензия шартномаси асосида бундай ҳуқуқ берилган шахс томонидан қўлланилиши товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Товар белгисини рекламада, босма нашрларда, расмий бланкаларда, пешлавҳаларда, Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган кўргазмалар ва ярмаркаларда экспонатларни намойиш этиш вақтида ишлатиш ҳам товар белгисидан фойдаланиш деб эътироф этилиши мумкин.

Воситачилик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар товарларни тайёрловчининг товар белгиси билан бир қаторда шартнома асосида ўз товар белгисидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Товар келиб чиққан жой номини товарда, унинг идиши ҳамда ўровида, пешлавҳаларда, расмий бланкаларда, рекламада, босма нашрларда ва товарни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда ишлатиш товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш деб ҳисобланади.

Лицензия шартномаси асосида товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга, бундай ҳуқуқдан бошқа шахслар фойдасига воз кечиш тўғрисида битимлар тузишга ва товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга йўл қўйилмайди.

Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси бўлмаган шахсларнинг товар келиб чиққан жойнинг рўйхатдан ўтказилган номидан фойдаланишига, ҳатто башарти бунда товар келиб чиққан жойнинг ҳақиқий номи кўрсатилган ёки ном таржима қилиб ёхуд «кўринишдаги», «турдаги», «усулдаги» ва шунга ўхшаш сўзларни қўшиб

қўлланилган тақдирда ҳам, шунингдек ҳар қандай товар келиб чиққан жой номи ва товарнинг алоҳида хусусиятлари тўғрисида истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган ўхшаш белгилардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Товар белгисининг эгаси ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг эгаси товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номи билан бир қаторда товарда ёки унинг идиши ҳамда ўровида қўлланилган белги Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган товар белгиси ёки товар келиб чиққан жой номи эканлигини билдирувчи лотин алифбосидаги «R» ёки айлана ичига олинган «R» ҳарфи тарзида огоҳлантирувчи тамға қўйиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, товар белгисидан мутлақ ҳуқуқ эгаси розилигисиз, қонунга хилоф равишда фойдаланишга қарши кураш, ҳуқуқбузарлик натижасида келиб чиққан юридик оқибатларини бартараф этиш, шунингдек содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатларининг олдини олиш бўйича нормалар соҳага оид қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши зарур бўлган энг муҳим нормалардан биридир. Товар белгилари ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашда ҳуқуқий воситаларни тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланишда ушбу объектларни тўғри ва аниқ таснифлаш муҳим ҳисобланади.



## **III-БОБ. ТОВАР БЕЛГИЛАРИГА ОИД НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИ**

### **3.1. Товар белгисидан қонунсиз фойдаланганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик келиб чиқиш асослари**

Узоқ йиллар давомида интеллектуал мулк объектларини яратиш, мазкур объектларга нисбатан мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ ҳуқуқларни амалга ошириш соҳасида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар мулк ҳуқуқида назарда тутилган умумий қоидалар асосида тартибга солиб келинган бўлишига қарамасдан, интеллектуал мулк соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб чиқиш асослари мулк ҳуқуқида назарда тутилган қоидалардан фарқ қилади. Чунки, барча турдаги интеллектуал мулк объектлари ҳам мулкӣ характерда бўлмайди<sup>1</sup>.

Бирок, интеллектуал мулк объектлари, хусусан товар белгилари айни пайтда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Шу боис, товар белгиларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни амалга ошириш, шунингдек ушбу объектлардан мутлақ ҳуқуқ эгаси розилигисиз қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик келиб чиқиш асосларини белгилаш ва ҳуқуқбузар ноқонунӣ хатти-ҳаракатларига нисбатан тегишли жавобгарлик таъсир чораларини тайинлашда фуқаролик ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган умумий қоидаларга таянилади.<sup>2</sup>

Шартномавий-ҳуқуқий жавобгарлик лицензия шартномаси ёки франшизинг шартномасида (комплекс тадбиркорлик шартномаси) белгиланган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада адо эмаслик натижасида юзага келади. Шартномадан ташқари жавобгарлик эса товар белгисидан ушбу объектга нисбатан ҳуқуқ эгаси розилигисиз, ҳақ тўламасдан қонунга хилоф равишда фойдаланиш натижасида унинг мутлақ ҳуқуқларига зарар етказилганлик факти асосида юзага келади.

Хорижий давлатларнинг ушбу соҳасидаги қонунчилик тажрибаси таҳлили шуни кўрсатмоқда-ки, хорижий мамлакатларнинг товар белгилари соҳасидаги қонун ҳужжатларида

---

<sup>1</sup> Новосельцев О.В. Право интеллектуальной собственности и имущество предприятия. -М., 2000. -С. 20.

<sup>2</sup> Тошев Б.Н. Муаллиф ва қонун. –Т.: “Тарғибот” муаллифлик ҳуқуқи маркази, 1998.

товар белгиларига бўлган мутлақ ҳуқуқларнинг мулк ҳуқуқи билан алоқадорлигини ифодаловчи қоидалар акс эттирилган.

Умуман олганда, интеллектуал мулк соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб чиқишига мазкур объектлар бўйича тузилган шартномаларда назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада адо этмаслик ёхуд объектлардан ҳуқуқ эгасининг розилигисиз фойдаланиш натижасида унинг мулкӣ ва (ёки) шахсий номулкий ҳуқуқлари бузилишига олиб келадиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг амалга оширилиши фақти асос бўлиб хизмат қилади.

Айрим хорижий мамлакатлар (ГФР, Франция, Италия, Япония) қонунчилиги каби Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи қонун ҳужжатлари ҳам бир шахснинг иккинчи шахсга зарар етказишини ўз-ўзидан ноқонуний деб эътироф этувчи ва етказилган зарарни қоплаб бериш мажбуриятини келтириб чиқарувчи умумий деликт тамойилига асосланади.

Буюк Британия, АҚШ, Канада каби англо-саксон ҳуқуқ тизими амал қилувчи мамлакатларда эса товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг бузилиши натижасида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб чиқиши «infringement» (дахл қилиш) тамойилига асосланади. Бунда товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасидан зарар етказилганлик фактини исботлаши талаб қилинмайди. Бироқ, мазкур ҳолатда ҳуқуқбузар ўзини виждонан ҳаракат қилганлиги, яъни интеллектуал мулк объектига нисбатан ҳуқуқларнинг мавжудлиги билмаган ёки билиши ҳам мумкин бўлмаганлиги фактини исботлаб берган тақдирда ҳуқуқ эгасига етказилган зарар қоплаб берилмайди.

Товар белгиси соҳасида жавобгарликнинг келиб чиқишига асос қилиб мазкур объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг мавжудлиги фақти олиниши мақсадга мувофиқ. Чунки, товар белгиси, бошқа интеллектуал мулк объектлари сингари объектив шаклга эга бўлган вақтдан бошлаб, ҳуқуқ эгасига мазкур объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар вужудга келади. Айни пайтда ушбу ҳуқуқларга ҳуқуқ эгасининг розилигисиз дахл қилиш ўз-ўзидан ҳуқуқбузарлик ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар бузилиши орқали ҳуқуқий жавобгарлик келиб чиқиши ва ноқонунуний хатти-ҳаракатлар оқибатида ҳуқуқ эгасига етказилган зарарни қоплаб

беришни ҳуқуқбузардан талаб қилишда қуйидаги асослар талаб этилади:

қоидабузарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарарнинг мавжудлиги;

қоидабузарнинг хатти-ҳаракатларида ноқонунийлик аломатларининг мавжудлиги;

етказилган моддий зарар билан қоидабузарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги;

зарар етказган шахснинг айби мавжудлиги<sup>1</sup>.

Товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгасига етказилган моддий зарар билан қоидабузар ноқонуний хатти-ҳаракатлари ўртасидаги сабабий боғланишнинг ўзига хос жихати шундаки, у зарар айнан ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракатлари натижасида етказилганлигини кўрсатиб беради.

Н.Эгамбердиеванинг фикрича, фақатгина бевосита зарарлар ундирилиши керак, билвоситалари эса ундирилиши лозим эмас, чунки ҳуқуқбузарлик ва уларнинг юзага келиши ўртасидаги сабабий боғланиш ҳуқуқ томонидан ҳисобга олиш учун етарли эмас<sup>2</sup>.

Товар белгилари соҳасида ҳуқуқбузарлик келиб чиқишининг асосий шартларидан бири қоидабузар томонидан мазкур объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бузишга қаратилган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни содир этиши ҳисобланади.

Товар белгисидан мутлақ ҳуқуқ эгаси розилигисиз ноқонуний фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий жавобгарлик қуйидагилар билан характерлидир:

ҳуқуқий жавобгарлик товар белгисидан мутлақ ҳуқуқ эгаси розилигисиз қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланадиган мажбурлов таъсир чорасидир;

товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларга даҳл қилган қоидабузарга нисбатан тегишли жавобгарлик таъсир чораси фақатгина ваколатли давлат органи томонидан белгиланади;

товар белгилари соҳасидаги ҳуқуқий жавобгарлик қоидабузарга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда у томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаб бериш билан боғлиқ муайян хатти-ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятни,

---

<sup>1</sup> Гаврилов Э.П. Судебные споры по вопросам интеллектуальной собственности. /Хозяйство и право/. - № 2.2000. - С.61.

<sup>2</sup> Эгамбердиева Н. Савдо муносабатларида тарафларга етказилган зарарни қоплаш. /Бозор иктисод-ёти шароитида савдо муносабатларини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари. -Т.: ТДЮИ. 2004. -Б.161-166.

шунингдек қоидабузарга нисбатан тегишли мажбурлов таъсир чорасини белгилашни назарда тутати;

товар белгилари соҳасидаги ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлиб энг аввало, ушбу объектга нисбатан ҳимоя воситаси (гувоҳнома)нинг мавжудлиги факти хизмат қилади<sup>1</sup>.

Қолаверса, товар белгиси соҳасидаги жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлиб товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бузишга қаратилган ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) амалга оширилиши факти ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларнинг товар белгилари соҳасидаги қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, чет эл қонун ҳужжатларида товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларини бузиш сифатида эътироф этиладиган ноқонуний хатти-ҳаракатлар мажмуи аниқ белгилаб берилмаган. Хусусан, Буюк Британиянинг интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатларида интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келадиган ноқонуний хатти-ҳаракатлар таснифи акс эттирилмаган. Мазкур хатти-ҳаракатларнинг айрим ўзига хос хусусиятлари мутлақ ҳуқуқ эгасида тақдим этилган тегишли ёрликда кўрсатилган, холос<sup>2</sup>.

Интеллектуал мулк объекти ҳисобланган товар белгиси соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг субъекти сифатида юридик шахс, жисмоний шахс ҳамда давлат эътироф этилиши мумкин. Ушбу ҳолатда чет эллик юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми «миллий тартиб» тамойилига асосланган ҳолда белгиланади.

Хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатларида товар белгиларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бузганлик ҳуқуқий жавобгарликнинг яна бир муҳим шarti сифатида ҳуқуқбузар айбининг мавжудлиги эътироф этилади. Мазкур ҳолатда айб шахснинг ўз ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва мазкур хатти-ҳаракатлар натижасида келиб чиқадиган юридик оқибатларга бўлган руҳий муносабатида намоён бўлади.

Айб учун жавобгарлик тамойили умумий аҳамиятга эга бўлиб, у «бош деликт» тушунчасининг мажбурий унсури ҳисобланади. Баъзан, қонун мазкур тамойилдан истисно ҳолатларни ҳам белгилайди, бироқ бу мазкур тамойилни рад этиш учун асос бўла

<sup>1</sup> Мэггс П.Б., Сергеев А.П. Интеллектуальная собственность. — М.: Юристь, 2000. -С.92

<sup>2</sup> Пантюхина А. Интеллектуальная собственность как объект гражданского законодательства. М.: Бухгалтерский учет. 1995.

олмайди. Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқида узоқ муддат мобайнида айбни шахснинг ўз ҳатти-ҳаракатларига нисбатан руҳий муносабати сифатида талқин этиш концепцияси амал қилиб келган. Айбни бундай тушуниш деликт жавобгарлиги учун ҳам хос бўлган<sup>1</sup>. Айб тушунчасининг замонавий талқинига кўра, айбни ҳуқуқбузарнинг ўз ҳатти-ҳаракати ва унинг натижасига нисбатан «руҳий муносабати» сифатида талқин этиш амалий жиҳатдан фойдасиздир<sup>2</sup>. Айбдорлик ёки айбсизлик масаласини шахснинг ўз ишлари ва мажбуриятларига нисбатан муносабатини таҳлил қилиш орқали ҳал қилиши мумкин. И.Зокировнинг фикрича, айб деганда шахснинг мажбуриятини бажаришга талаб қилинган тарзда муносабатда бўлмаганлиги, қонун ва ахлоқ талабларига мувофиқ риоя қилмаганлиги тушунилади<sup>3</sup>. Агар, шахс муайян вазиятда зарур бўлган масъулият ва кузатувчанликни намоён эта олган бўлса, унда бу шахсни айбсиз деб топиш мумкин. Мазкур ҳолатлар одатда айбнинг эҳтиётсизлик шакли учун хосдир. Қасд шаклидаги айбда эса бир шахснинг бошқа шахсга мулкӣ зарар етказишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги аҳамиятга эга бўлади.

Бироқ, айб товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни бузганлик учун ҳуқуқӣ жавобгарлик келиб чиқишининг универсал шarti ҳисобланмайди. Чунки, айб фақатгина мутлақ ҳуқуқ эгасига етказилган зарарни ундириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Айрим ҳолатларда жавобгарлик айб мавжуд бўлмаганда ҳам юзага келиши мумкин. Бундан ташқари, хорижий мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида етказилган зарарни қоплаб бериш бўйича айбни истисно этувчи чекланган жавобгарлик ҳам назарда тутилган. Товар белгилари соҳасида ҳуқуқӣ жавобгарликнинг келиб чиқишининг яна бир муҳим шarti зарар етказиш факти ҳисобланади.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, шартномадан ёхуд бошқа бир томонлама битимдан келиб чиқадиган мажбуриятларда унинг бажарилмаслиги бошқа шахсга ғайриқонуний равишда зарар етказиш – барча ҳолларда ҳуқуққа хилоф бўлиб кўрилади.

Зарарлар ҳамма вақт ҳам қарздорнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигидан келиб чиқавермайди. Баъзи ҳолларда мажбуриятнинг бажарилмаслиги натижасида юқорида айтилганидек, мулкӣ зарар бўлмаслиги ҳам

<sup>1</sup> Иоффе О.С. Обязательственное право.-М.:Юрид.лит.1975.-С.128.

Раҳмонкулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи.-Т.:ТДҶОИ, 2005.-Б.190-191.

<sup>2</sup> Брагинский М.И., Витрянский В.В. Договорное право.-М.:1998.-С.568.

<sup>3</sup> Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I-қисм. -Т.: ТДҶОИ. 2006. –Б.334.

мумкин. Аммо, аксарият ҳолларда зарар жавобгарликни белгилаш учун зарур шартлардан бири бўлиб кўрилади.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар баъзи ҳолларда қонун йўл қўйган ҳаракатлар натижасида ҳам етказилиши мумкин. Масалан, давлат, жамият ёки айрим фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда етказилган зарар қонуний, ҳуқуқ йўл қўйган ҳаракат бўлиб кўрилади. Демак, умумий қоидаларга кўра, мутлақ ҳуқуқ эгасидан зарар етказилган фактини исботлаш талаб этилмайди. Мутлақ ҳуқуқ эгаси ушбу фактни фақатгина етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаб бериш мақсадида исботлаши лозим.

Моддий зарар биринчи навбатда, мутлақ ҳуқуқ эгасининг мулкӣ манфаатларига зарар етказган реал харажатларни ўз ичига олади. Маънавий зарар эса мутлақ ҳуқуқ эгасига етказилган руҳий азоб, унинг ишчанлик обрўси, шунингдек бозордаги ўрнига путур еказилишида намоён бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиб айтиш мумкинки, интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатларида интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий асослари белгилаб берилган. Шу боис, товар белгилари соҳасида ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб чиқиши асослари, шу билан бирга ҳуқуқбузарга нисбатан белгиланадиган ҳуқуқий таъсир чоралари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

### **3.2. Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик**

Товар белгилари ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек соҳага оид қонун ҳужжатлари нормаларини тизимлаштириш ва унификациялаш орқали янада такомиллаштириш билан уларни халқаро шартномаларга яқинлаштириш, шу билан бирга ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини яратишни тақозо этмоқда.

Товар белгиларидан ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз, қонунга хилоф равишда фойдаланишнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик

натижасида келиб чиққан юридик оқибатларини бартараф этиш бўйича нормалар соҳага оид қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши зарур бўлган энг муҳим нормалардан бири сифатида эътироф этилиши лозим.

Ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқи қонун ҳужжатларини оғишмай ижрога қаратиш ҳамда уларда белгиланган нормаларини амалиётда тўғри қўллашда фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек уларнинг келиб чиқиш асосларини аниқ ва тушунарли қилиб белгилаш ўта муҳим ҳисобланади.

Товар белгиларининг ҳуқуқий ҳимояси ва мазкур объектлардан фойдаланиш билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ҳуқуқий жавобгарлик турларидан бири ҳисобланган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятларини ўзида намоён этади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик юзага келиши учун ҳуқуқбузарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижаси мулкӣ зарар келиб чиқиши, жавобгарликнинг махсус асослари, яъни фуқаролик ҳуқуқбузарлигининг таркиби мавжуд бўлиши талаб этилади. Фуқаролик ҳуқуқи доктринасида назарда тутилган қарашларга асосан, қуйидаги фактлар фуқаролик ҳуқуқбузарлигининг таркиби сифатида эътироф этилади:

жавобгарлик тайинланаётган шахснинг хатти-ҳаракатларида (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ноқонунийлик аломатининг мавжудлиги;

жабрланувчида моддий ва маънавий зарарнинг мавжудлиги;

ҳуқуқбузарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги;

– ҳуқуқбузар айбининг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддаси учинчи қисмига асосан, товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш ёки уларни шу мақсадда сақлаш ёхуд улар билан адаштириб юборадиган даражада айнан ўхшаш бўлган бир хилдаги товарларни белгилаш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни

бузиш ҳуқуқбузар хатти-ҳаракатларининг ноқонуний эканлигига асос бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддаси иккинчи қисмига асосан, зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади. Зарарнинг таркибини ташкил қилувчи элементнинг фарқли жиҳати шундаки, ҳақиқий зарар жабрланувчининг мулкӣ бойликларнинг камайиши билан ифодаланса, бой берилган фойда эса ҳуқуқбузарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари содир этилмаганида, яъни одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлар билан ифодаланади.

Бироқ амалиётда, товар белгиларидан ҳуқуқ эгасининг розилигисиз қонунга хилоф равишда фойдаланганлик натижасида шахсийлаштириш воситаси эгасига етказилган зарарни ҳисоблаб чиқишда муаммолар мавжуд. Яъни, ушбу ҳолатда ҳуқуқбузарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари содир этилмаганида, яъни одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадларни аниқлашда аниқ мезонлар мавжуд эмас. Шу боис, шахсийлаштириш воситаси эгасининг мулкӣ даъвосини қаноатлантиришнинг мақбул йўли сифатида ҳуқуқбузар томонидан шахсийлаштириш воситасидан ҳуқуқ эгасининг розилигисиз қонунга хилоф равишда олинган барча даромадларни ҳуқуқ эгасининг фойдасига ундириб беришни эътироф этиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ ҳисобланади<sup>1</sup>. Шахсийлаштириш воситасидан ноқонуний фойдаланиш натижасида етказилган ҳуқуқ эгаси томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим этилган ҳолда исботлаб берилиши мумкин.

Етказилган моддий ва маънавий зарарни (ҳақиқий зарар ва бой берилган фойда) қоплаб бериш тарзида фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик таъсир чораси ҳуқуқбузарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) ҳамда келиб чиққан ҳақиқий зарар ва

---

<sup>1</sup> Козырев А.Н. Оценка интеллектуальной собственности. -М., 1997; Оценка интеллектуальной собственности: Учебное пособие / Под ред. С.А. Смирнова. М., 2002; Конов Ю. Масштабы и основные показатели оценки убытков от нарушения прав на товарный знак // Интеллектуальная собственность. 2000. N 12.



бой берилган фойда ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлган ҳолларда қўлланади.

Қонунда ва шартномада жавобгарликнинг бошқача асослари назарда тутилмаган бўлса, айб ҳуқуқбузарни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Айб фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг субъектив шарти ҳисобланади ва фуқаролик ҳуқуқбузарлигининг таркибини ташкил қилувчи бошқа асосларга нисбатан ўзига хос характерда бўлади. Бугунги кунда мунозарали масаласи сифатида сақланиб қолаётган бўлишига қарамай, “айб” тушунчаси цивилист олимлар томонидан батафсил тадқиқ ҳамда таҳлил қилинган. “Айб” тушунчасига нисбатан энг кенг тарқалган ёндашувлардан бирига асосан, айб ўзида “шахснинг жамият ва бошқа шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини эътироф этмаслик билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатларига бўлган руҳий муносабатини” намоён этади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига айбдан қатъий назар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик доираси кенгайди, яъни Фуқаролик кодексининг 401-моддаси биринчи қисмига асосан, шахс мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Фуқаролик кодексининг 401-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган нормаларга асосан, товар белгиларидан фойдаланиш соҳасидаги жавобгарлик айбдан қатъий назар, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик доирасида шартномавий ва шартномадан ташқари жавобгарлик турлари мавжуд.

Шартномавий жавобгарлик фуқаролик-ҳуқуқий шартномада, товар белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги ёки лицензия бериш ҳақидаги шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада адо этмаганлик ҳолатида юзага келади. Ушбу ҳолатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, томонлар ўз

---

<sup>1</sup> Гражданское право / Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. -Т. 1. -С.673.

мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада адо этмаган иккинчи томонга мулкӣй характердаги исталган мажбурлов таъсир чорасини қўллашга ҳақли ҳисобланади.

Шартномадан ташқари жавобгарлик эса, шахсийлаштириш воситасидан ҳуқуқ эгасининг розилигисиз, шартнома тузмаган ҳолда қонунга хилоф равишда фойдаланганлик оқибатида, унинг шахсийлаштириш воситасига бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузганлик ҳолати юзага келади. Ушбу ҳолатда фуқаролик-ҳуқуқӣй жавобгарликнинг характери ва чегараси қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Масалан, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 38-моддасига асосан, товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Шартномавий ва шартномадан ташқари жавобгарлик ўртасидаги тафовут етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаб бериш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган. Агар, зарар шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада адо етмаганлик оқибатида етказилган бўлса, у Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 24-боби (*Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик*) 324-339 моддаларда белгиланган тартибда ундирилади.

Агар, зарар шартномавий муносабатларда бўлмаган шахс томонидан етказилган бўлса, у Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 57-бобида (*Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар*) белгиланган тартибда ундирилади.

Юқорида қайд этилганидек, шахсийлаштириш воситасидан ҳуқуқ эгасининг розилигисиз, шартнома тузмаган ҳолда қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 38-моддасида белгилаб берилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1107-моддасига асосан, товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган шахс қоидабузарликни тўхтатиши ва товар белгисининг эгасига етказилган зарарни тўлаши шарт. Бундан ташқари, ҳуқуқбузар зиммасига тайёрлаб қўйилган товар белгиси тасвирларини йўқ қилиш, қонунга хилоф равишда фойдаланаётган товар белгисини ёки

алмаштириб юбориш даражасида унга ўхшаш бўлган белгини товардан ёки унинг идиши ва ўровидан йўқотиш мажбурияти юкланади. Агар, товар белгиси тасвирларини йўқ қилиш, алмаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган белгини товардан ёки унинг идиши ва ўровидан йўқотишнинг иложи бўлмаса, тегишли товар йўқ қилиб ташланиши лозим бўлади.

Амалиётда ҳуқуқбузарга нисбатан етказилган зарарни пул кўринишида қоплаб бериш тарзидаги жавобгарлик таъсир чорасини қўллашда айрим қийинчиликлар келиб чиқади. Чунки, бунда ҳуқуқбузарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида шахсийлаштириш воситаси эгасига етказилган зарарни аниқлаш ва ўлчашнинг аниқ мезонлари ханузгача мавжуд эмас. Бундан ташқари, товар белгиларидан ҳуқуқ эгасининг розилигисиз, шартнома тузмаган ҳолда қонунга хилоф равишда фойдаланганлик натижасида етказилган зарар пул кўринишида қоплаб бериш бўйича суд амалиёти унчалик ривожланмаган. Бироқ, шунга қарамасдан, жабрланувчи томон ўзининг харажатлари ҳисоб-китобини ҳамда ҳуқуқбузарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида мулкый характердаги оқибатларнинг баҳосини судга тақдим этиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **3.3. Товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлик учун маъмурий жавобгарлик**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, ҳуқуқбузарлик содир этилган ва ҳудудда амал қилган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун тегишли маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун келиб чиқадиغان маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 177-моддасига (*Маҳсулот белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузиш*) асосан белгиланади. Ушбу моддада назарда тутилган нормаларга асосан, бир хил маҳсулотларни белгилаш учун маҳсулот белгисидан ёки хизмат кўрсатиш белгисидан ёхуд унга ўхшаш белгидан маҳсулот белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузган ҳолда фойдаланиш фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 177-моддаси таҳлили шуни кўрсатадики, модданинг диспозициясига асосан, товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси ёки унга ўхшаш белгидан мутлақ ҳуқуқ эгаси розилигисиз қонунга хилоф равишда, унинг ҳуқуқларини бузган ҳолда фойдаланиш факти ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилиб, тегишли тартибда ҳуқуқий жавобгарлик келтириб чиқади.

Моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг объекти сифатида товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгиси) нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ҳисобланади. Яъни, бунда ҳуқуқбузарнинг мазкур белгиларга нисбатан амалга оширган ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилмоғи лозим бўлади.

Моддада назарда тутилган нормаларга асосан, ҳуқуқбузарлик субъекти сифатида фойдаланиш фуқаролар ва мансабдор шахслар эътироф этилади. Ўз навбатида, Кодекснинг 11-моддасига асосан, ўн олти ёшга тўлган, ўз хатти-ҳаракатларини баҳолай оладиган ақли расо шахс ҳуқуқбузарлик субъектидир.

Объектив томондан мазкур ҳуқуқбузарлик Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонуни билан муҳофаза қилинадиган товар белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланаётган фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 177-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг

субъекти сифатида фуқаролар ва мансабдор шахслар эътироф этилади.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони қасд шаклидаги айб ҳисобланади. Чунки, ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра таснифлашнинг кўшимча мезони сифатида айб шакли ҳам ҳисобга олинган. Демак, бу нормада ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ҳуқуқбузарлик деб ҳисоблаш учун фақатгина қонунда белгиланган жавобгарлик таъсири чораси миқдори эмас, балки айб шакли ҳам зарурий мезон сифатида қатнашади.

Кодекснинг 177-моддасининг санкциясига асосан, ҳуқуқ эгасининг товар белгисига нисбатан қонун билан кўриқланадиган мутлақ ҳуқуқларига тажоввуз қилиш фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача жарима солинишига сабаб бўлади.

Ўз навбатида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 25-моддасига асосан, жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундириш ҳисобланиб, унингнинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб кўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса – ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги энг кўп миқдори эса фуқароларга энг кам иш ойлик ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга – энг кам иш ҳақининг юз бараваригача ва мансабдор шахсларга – юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Бироқ, шу ўринда қайд этиш жоизки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 177-моддасида товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларидан ноқонуний фойдаланишда ишлатилган предметларни мусодара қилиш деган норма акс эттирилмаган. Айни пайтда, хорижий давлатларнинг соҳага оид аналогик қонунчилик амалиёти таҳлили шуни кўрсадики, Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларидан ноқонуний фойдаланиш

натижасида орттирилган даромадларни давлат фойдасига ўтказиш тўғрисидаги нормалар Россия Федерация Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 14.10-моддасида (*Товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш*), Беларусь Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 155<sup>19</sup>-моддасида (*Рақобатчининг ишчанлик обрўсидан ноқонуний фойдаланиш*), Украина Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51<sup>2</sup>-моддасида (*Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бузиш*) назарда тутилган.

Хусусан, Россия Федерациясининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 14.10-моддасига асосан, бир хил турдаги товарларни белгилашда бошқа шахсининг товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номи ёки мазкур белгиларга ўхшаш белгилардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, фуқароларга товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан алоқадор материалларни конфискация қилган ҳолда бир ярим минг рублдан икки минг рублгача жарима; мансабдор шахсларга – товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан алоқадор материалларни конфискация қилган ҳолда, ўтиз минг рублдан қирқ минг рублгача жарима; юридик шахсларга эса товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан алоқадор материалларни конфискация қилган ҳолда бир ярим минг рублдан икки минг рублгача жарима солинишига сабаб бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланган ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жавобгарлик таъсир чорасини белгилашда, фақатгина жарима билан чекланиб қолмасдан, юқорида қайд этилаган хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 177-моддасида товар белгисидан қонуний фойдаланишга алоқадор ашёни конфискация қилишни назарда тутувчи нормани акс эттириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади..

Бундан ташқари, товар белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик соҳасидаги амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан товар белгилари, хизмат

кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларидан ноқонуний фойдаланганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик белгиланган бўлишига қарамасдан, ушбу ишларни кўриб чиқишга ваколатли давлат органи белгилаб берилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июндаги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисида”ги Низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ушбу соҳадаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда фирма номлари ва тижорат белгиларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1031-моддаси (*Интеллектуал мулк объектлари*) ва Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрдаги “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига асосан, фирма номлари ҳам фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг шахсийлаштириш воситаси сифатида эътироф этилади ҳамда мазкур объектларга интеллектуал мулк объектларига тааллуқли бўлган қоидалар татбиқ этилади. Шу боис, юқорида қайд этилганларни инобатга олган ҳолда келгусида фирма номларнинг ҳуқуқий муҳофазасини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини тегишли нормалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида яна шуни ҳам айтиш керакки, товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ ишларни мазмунан кўриб ҳал этишда, ваколатли давлат органи фақатгина ҳуқуқзарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига нисбатан тегишли жавобгарлик таъсир чорасини бўлгилаш билан чекланиб қолмай, балки ҳуқуқбузарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эсининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тез ва самарали тиклашнинг зарурий чораларини криши зарурдир. Шу боис ҳам, юқоридагиларни инобатга олиб товар белгиларининг ҳуқуқий ҳимояси соҳасидаги маъмурий жабообгарлик амалиёти ривожланган хорижий давлатларнинг соҳага оид илғор қонунчилик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу соҳадаги ҳуқуқни кўллаш

амалиётини янада жадаллаштириш бўйича амалий чоралар кўриш, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **3.4. Товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик**

Жиноий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг бир тури ҳисобланади ва ўз навбатида ҳуқуқий жавобгарлик энг қаттиқ тури ҳисобланади. Жиноий жавобгарлик жиноят қонун ҳужжатларида белгиланган жиноят таркибининг барча белгиларини ўзида акс эттирган ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширганлик ҳолатидагина юзага келади.

Ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун барча жиноятлар учун зарур бўлган жиноят белгилари ишлаб чиқилган, шунингдек, жиноятда айбли эканлик ва ана шу белгилар ҳамда айбнинг бирор шакли мавжуд бўлсагина, қилмиш жиноят ҳисобланади. Жиноий қилмиш ҳар доим ҳам ижтимоий хавфли бўлибгина қолмасдан, балки ғайриқонуний, яъни жиноий ҳуқуқий нормалар билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилиш ҳамдир. Қилмиш ижтимоий хавфли бўлиши учун янги жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказа оладиган даражада хавфли бўлиши керак. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, ғайриқонунийлиги, жиноий жазога сазоворлиги жиноятнинг зарурий белгиларидир. Ушбу тавсифдан келиб чиқиб, жиноятнинг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин.

- ижтимоий хавфлилиги;
- айбнинг мавжудлиги;
- ҳуқуққа хилофлиги;
- жазога сазоворлиги.

Жиноят қонун ҳужжатлари нормаларига асосан, жиноят таркиби деганда ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб эътироф этилишига асос бўлиб хизмат қиладиган объектив ва субъектив белгилар тушунилади.

Жиноят таркибининг барча элементларини ташкил этувчи ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли асосдир, яъни жиноий-ҳуқуқий таъқибни рўёбга чиқарувчи орган гумонланувчи (айбланувчи)ни жиноий жавобгарликка тортиш учун унинг қилмишида жиноят таркиби мавжудлигини аниқлаш лозим.



Товар белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликнинг умумий асослари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 149-моддаси, 2001 йил 30 августдаги “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 26-моддасининг учинчи қисмида мустаҳкамланган.

Бироқ, хорижий давлатларининг товар белгилари ҳуқуқий муҳофазаси соҳасидаги аналогик қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, МДХга аъзо давлатларнинг ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларида юқорида қайд этилган жиноят таркиби, ушбу жиноят учун тайинланадиган жазо турлари ва миқдори ўхшаш бўлса-да, бошқа Европа, Америка ва Осиё давлатларининг мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётда турлича ривожланган.

Хусусан, МДХга аъзо давлатлар ўз Жиноят кодексларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда аксарият ҳолларда 1996 йил қабул қилинган Аъзо давлатлар учун Модель Жиноят кодекси нормаларига асосланишган<sup>1</sup>. Хусусан, Модель Жиноят кодексининг “Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш” деб номланган 267-моддасига (“Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш”) асосан, бегона товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, фирма номи, товар келиб чиққан жой номидан, қолаверса рақобатчининг товар тамғаси ёки бир турдаги товарлар ва хизматлар учун уларга ўхшаш белгилардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, агар ушбу ҳаракатлар натижасида кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, жиноят унча оғир бўлмаган жиноят сифатида эътироф этилади.

Хусусан, Озарбайжонда товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 1999 йилги Жиноят кодексининг 197-моддасида акс эттирилган бўлиб, модданинг биринчи қисмига асосан, бир турдаги товарлар ва хизматлар учун бегона товар белгиси, фирма номи, товар келиб чиққан жой номи ёки унга ўхшаш белгидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, агар ушбу ҳаракатлар бир неча марта содир этилган ёхуд анча миқдорда зарар етказилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг минг бараваридан беш минг бараваригача жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Модданинг иккинчи қисмига асосан эса, юқорида қайд этилган ҳаракатлар кўп

<sup>1</sup> Модельный Уголовный кодекс. Приложение к «Информационному бюллетеню». 1996. № 10. .188.

миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган<sup>1</sup>.

Арманистонда товар белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 2003 йилги Жиноят кодексининг 197-моддасида назарда тутилган. Ушбу моддага асосан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача муддатда ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд худди муддатда қамоқ жазоси билан жазоланади<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, Арманистон Жиноят кодекси 197-моддасининг диспозициясида юқорида қайд этилган ҳаракатларни бир неча мартаба содир этиш таркиби мавжуд эмас.

Грузияда товар белгиси ёки бошқа тижорат белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 1999 йилги Грузия Жиноят кодексининг 196-моддасида назарда тутилган<sup>3</sup>. Модданинг биринчи қисмига асосан, бегона товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси), товар келиб чиққан жой номи ёки ўхшаш географик кўрсаткич ёки фирма номидан ноқонуний фойдаланиш, агар ушбу ҳаракатлар анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Модданинг иккинчи қисмига асосан, тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилмаган товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси), товар келиб чиққан жой номи ёки ўхшаш географик кўрсаткич ёки фирма номидан фойдаланиш жарима ёки бир юз йигирма соатда бир юз саксон соатгача ижтимоий фойдали меҳнат ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Модданинг учинчи қисмига асосан эса, юқоридаги ҳаракатларни такроран содир этиш уч йилгача озодликни чеклаш ёки тўрт ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёхуд жарима билан жазоланади.

Қозоғистонда товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 1997 йилги Қозоғистон Жиноят кодексининг 7-боби 199-моддасида назарда тутилган<sup>4</sup> бўлиб, унинг биринчи қисмига

---

<sup>1</sup> Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. Перевод с азерб. Б.Э. Аббасова.- СПб.- Юридический центр Пресс. 2001. С.214.

<sup>2</sup> Уголовный кодекс Республики Армения 2003 г.// [http://www. Parliament.am/legislation.php](http://www.Parliament.am/legislation.php)

<sup>3</sup> Уголовный кодекс Грузии. –СПб. –«Юридический центр Пресс». –2002. –С.230.

<sup>4</sup> Уголовный кодекс Республики Казахстан. –СПб. – «Юридический центр Пресс». – 2001. –С.225-226.

асосан, бир турдаги товарлар ва хизматлар учун бегона товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси, фирма номи, товар келиб чиққан жой номи ёки унга ўхшаш белгилардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, агар ушбу ҳаракатлар бир неча марта содир этилган ёхуд анча миқдорда зарар етказилган бўлса, ойлик ҳисоб кўрсаткичининг икки юз бараваридан беш юз бараваригача жарима ёки бир юз саксон соатдан икки юз қирқ соатгача муддатга жамоат ишлари ёки олти ойгача қамок ёхуд икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Модданинг иккинчи қисмига асосан эса, Қозоғистонда рўйхатдан ўтказилмаган товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси, товар келиб чиққан жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, ушбу ҳаракатлар бир неча марта содир этилган ёки кўп миқдорда зарар етказилган бўлса, ойлик ҳисоб кўрсаткичининг икки юз бараваридан беш юз бараваригача жарима ёки бир юз йигирма соатдан бир юз саксон соатгача жамоат ишлари ёки уч ойгача муддатга қамок, ёхуд бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Айтиш керакки, Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида мазкур жиноятлар таркибини квалификациялаш белгилари назарда тутилмаган.

Товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлик жиноий жавобгарлик 2001 йилги Украина Жиноят кодексининг 229-моддасида назарда тутилган. Ушбу моддага асосан, бир турдаги товар ва хизматлар учун бегона белги, фирма номи (рўйхатдан ўтказилган), товар тамғасидан фойдаланиш, агар ушбу ҳаракатлар натижасидан кўп миқдорда даромад олинган бўлса, фуқаролар энг кам даромадидан олинандиган солиқнинг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки юз соатдан икки юз соатгача муддатда жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади<sup>1</sup>.

Латвияда товар белгиси ёки бошқа белгилардан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик ёки қалбакилаштирганлик учун жавобгарлик 1998 йилги Латвия Жиноят кодекси<sup>2</sup>нинг 206-моддасида назарда тутилган бўлиб, унинг биринчи қисмига кўра, бегона товар белгиси, шунингдек товар ва хизматларни фарқловчи бошқа белгилардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, қалбакилаштириш ёки тарқатиш бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки қамок ёки мажбурий ишлар ёхуд энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима билан жазоланади. Модданинг иккинчи қисмига асосан эса, юқорида

<sup>1</sup> Уголовный кодекс Украины.- СПб.- Юридический центр Пресс. -2001.

<sup>2</sup> Уголовный кодекс Латвийской Республики. СПб. Юридический центр Пресс. 2001. С. 207-208.

қайд этилган ҳаракатлар давлат ёки шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказса, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг саксон баравари миқдорида жарима билан жазоланади.

Эстонияда товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 1992 йил 7 майда янги таҳрирда қабул қилинган Жиноят кодексининг 283-моддасида назарда тутилган<sup>1</sup> бўлиб, унга асосан, фойдали модель, саноат намунаси, микросхемалар топологияси ёки товар белгиси эгасининг ҳуқуқларини бузиш жарима ёки бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

МДҲга аъзо давлатларнинг жиноят қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият аъзо давлатлар жиноят кодексларида товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, фирма номи ёки товар келиб чиққан жой номидан ноқонуний фойдаланганлик учун асосан жарима жазоси назарда тутилган. Бунда ташқари, жамоат ишларига жалб қилиш Беларусь ва Қозоғистон жиноят кодексларида қолаверса, Грузия ва Қозоғистон жиноят кодексларида ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш ва қамоқ, Грузия, Озарбайжон жиноят кодексларида озодликни чеклаш, Латвия Жиноят кодексиди мажбурий меҳнат жазо тариқасида ҳам тайинланади.

Товар белгисида қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жазо тайинлаш амалиётини қиёсий ўрганиб, хулоса қилиб айтиш керакки:

**биринчидан**, товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун тайинланадиган жарима тариқасидаги энг максимал жазо миқдори Озарбайжон Жиноят кодексиди (*энг кам ойлик иш ҳақининг беш минг баравари миқдорида*), энг минимал миқдори Латвия Жиноят кодексиди (*энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорида*) назарда тутилган.

**иккинчидан**, қамоқ жазосининг энг максимал муддати этиб 6 ой белгиланган (*Қозоғистон*). Бирок, Латвия Жиноят кодексиди қамоқ муддати аниқ белгилаб берилмаган.

**учинчидан**, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо (*барча давлатларнинг жиноят кодексларида назарда тутилган*) бир йилдан икки йилгача бўлган муддатга белгиланган.

**тўртинчидан**, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг энг максимал муддати (*беш йилгача*) Латвия Жиноят кодексиди,

---

<sup>1</sup> Уголовный кодекс Эстонской Республики. –СПб. – «Юридический центр Пресс». –2001.

минимал муддати (*бир йилгача*) Озарбайжон Жиноят кодексидан назарда тутилган.

Франциянинг 1992 йилги Жиноят кодексидан товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларидан ноқонуний фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи махсус норма мавжуд эмас. Товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик Франциянинг 1964 йил 31 декабрда қабул қилинган № 64-1360-сонли “Фабрика ва товар белгилари ҳамда товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни асосидан тартибга солинади. Қонундан товар белгисини контрафакция ва чалғитувчи шаклда қалбакилаштириш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Бундан контрафакция сифатида бошқа шахсга тегишли бўлган товар белгиси ёки унинг қисмини белгига нисбатан ваколатли ҳисобланмаган шахс томонидан тўлиқ ёки қисман ўзгартириш эътироф этилади<sup>1</sup>. Товар белгиси асосий элементларига унча катта бўлмаган ўзгартиришлар киритиш, агар ушбу ўзгартиришлар, ҳақиқий товар белгисидан фойдаланишда иккиланишга сабаб бўлмаса, контрафакция сифатида эътироф этилади<sup>2</sup>. “Фабрика ва савдо белгилари ҳамда хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига асосан, товар белгиларини контрафакция қилиш, шунингдек ёлғон имитация учун бир хил даражада жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Бундан ёлғон имитация факти мавжудлигини аниқлаш учун товар белгисининг асосий элементлари ёки унинг асосий хусусиятларидаги ўхшашликни исботлашнинг ўзи етарли ҳисобланади.

Испанияда товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик 1995 йилги Испания Жиноят кодексининг 274-моддасидан назарда тутилган<sup>3</sup> бўлиб, унинг 1-бандига асосан, бошқа шахснинг товар белгисини тижорат мақсадида саноат мулки ҳуқуқи эгасининг розилигисиз, шунингдек мазкур белгиларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида билад туриб ўзгартириш, қалбакилаштириш, шунингдек бир турдаги товарлар ва хизматларни белгилаш учун бошқа шахснинг товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисидан қасддан фойдаланиш олти ойдан икки йилгача озодликдан маҳрум этиш ва ойлик иш ҳақининг олти бараваридан йигирма тўрт бараваригача миқдорда жарима билан жазоланади. Модданин 2-бандига асосан, юқоридаги ҳаракатларни содир этиш орқали товарлар

<sup>1</sup> Еременко В.И. Закон Франции о товарных знаках.- М.: 1984. -С.32.

<sup>2</sup> Свядосц Ю.И. Правовая охрана товарных знаков в капиталистических странах.-М.: 1969.- С.155.

<sup>3</sup> Уголовный кодекс Испании. Под ред. проф.Н.Ф. Кузнецовой и проф. Ф.М. Решетникова. -М.: Изд-во «ЗЕРЦАЛО».1998.

ва хизматларни савдо муомаласига киритиш имкониятига эга бўлиш ёки савдога киритиш, ҳаттоки товарлар чет элдан келтирилган бўлса-да, товар белгиси эгаларининг мутлақ ҳуқуқларни бузиш сифатида эътироф этилади ва 274-модданинг 1-бандида назарда тутилган жазо қўлланишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, Испания Жиноят кодекси 274-моддасининг 1-банди товар белгилари эгаларининг мутлақ ҳуқуқларини бузиш, ҳаттоки товарлар эркин муомалага киритилмаган бўлса ҳам жиноий жавобгарликни назарда тутса, 274-модданинг 2-банди эса келгусида тижорат муомаласига киритиш мақсадида қалбаки товар белгилари остида ишлаб чиқарилган товарларни қўлга киритганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутди.

Германия Жиноят кодексига (1998 йилда қабул қилинган таҳрири) товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган<sup>1</sup>. Франциядаги каби Германияда ҳам товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 1961 йил 9 майда қабул қилинган “Товар белгилари тўғрисида”ги Федерал қонунда (1979 йил 29 январда қабул қилинган таҳририда) назарда тутилган. Қонуннинг 26-параграфига асосан, товар ва унинг ўрамини бегона товар белгиси билан тамғалаш, реклама материалларида фойдаланиш, қонунга ҳилоф равишда бегона товар белгиси билан тамғаланган товарларни эркин муомалага киритганлик ёки сақлаганлик жиноий жавобгарликка сабаб бўлади<sup>2</sup>. 26-параграфнинг диспозициясидан кўриниб турибдики, унда назарда тутилган жиноий ҳаракатларнинг объектив томони сифатида жиноят натижасида кўп миқдорда зарар етказиш ёки такроран содир этиш назарда тутилмаган.

“Товар белгилари тўғрисида”ги Қонуннинг 26-параграфига асосан, товар ёки унинг ўрамини бегона товар белгиси билан тамғалаш, шунингдек мазкур товарларни омборда сақлаш, ўзга шахснинг товар белгиларидан рекламада фойдаланиш ва товарларни эркин муомалага киритиш фактининг ўзи жиноий жавобгарлик келиб чиқишига асос бўлиб хизмат қилади.

Швейцарияда товар белгисидан ноқонуний фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 1937 йилги Жиноят кодексининг 18-бўлими (“Хизмат ва касб мажбуриятларига қарши жиноий хатти-ҳаракатлар”) 326<sup>ter</sup>-моддасида (“Фирмага тегишли ҳуқуқий

<sup>1</sup> Уголовный кодекс ФРГ /пер. с нем.-М.: Изд-во Зерцало. 2000.-208 с.

<sup>2</sup> Калиновский В.Е. Охрана товарного знака в ФРГ. – М.: –1984. –С.40

хужжатларни бузиши”) назарда тутилган бўлиб, унга асосан, савдо реестрига киритилган белгилардан чалғитиш мақсадида фойдаланиш камоқ ёки жарима билан жазоланади.

Польшада товар белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик 1997 йилги Польша Жиноят кодекснинг 36-боби (“*Хўжалик фаолиятига қарши жиноятлар*”) 306-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга асосан, бегона товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади<sup>1</sup>.

Голландияда товар белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 1886 йилги Голландия Жиноят кодекси XI-бўлими (“*Тамгалар, муҳрлар ва белгиларни қалбакилаштириш*”) 219-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга асосан, товар белгиси, тамға ёки бошқа шахсийлаштириш воситасини қалбакилаштириш ва ушбу белгилар воситасида товарларни эркин муомалага чиқариш икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки бешинчи даражали жарима билан жазоланади.

Болгарияда товар белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 1968 йилги Болгария Жиноят кодексининг 7-боби (“*Интеллектуал мулкка қарши жиноятлар*”) 172<sup>б</sup>-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга асосан товар белгисидан мутлақ ҳуқуқ эгаси розилигисиз қонунга хилоф равишда фойдаланиш беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки беш минг лев миқдорида жарима билан жазоланади.

АҚШда товар белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик 1946 йилги “Товар белгилари тўғрисида”ги Қонун (Лэнхем қонуни) 1114-моддасининг “а” бандида назарда тутилган бўлиб, унга асосан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисининг қайта ишланган, қалбакилаштирилган, нусха олинган ва шунга ўхшаш тақлид қилинган вариантдан савдо муомаласида фойдаланиш ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилади. Бунда савдо муомаласида фойдаланиш деганда, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисининг қайта ишланган, қалбакилаштирилган варианты билан белгиланган товарлар ёки хизматларни сотиш, сотишга тақлиф қилиш ёки реклама қилиш тушунилади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, товар белгиси ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, ушбу объектдан қонунга хилоф равишда

<sup>1</sup> Уголовный кодекс Польши./ Перевод с польск. Д.А. Барилевич.- СПб.: Юридический центр Пресс. 2001.

фойдаланишнинг олдини олиш ва унинг юридик оқибатларини бартараф этиш усуллари ва воситаларини соҳага оид қонун ҳужжатларида аниқ мустаҳкамлаш, шунингдек хорижий давлатларнинг илғор қонунчилик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи махсус норма билан тўлдириш келгусида товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан тизимини яратишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддасида товар белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги нормаларда аниқлик етишмайди. Бирок, аксарият хорижий давлатларда товар белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик аниқ белгидаб берилган. Хусусан, Беларусь Республикаси Жиноят кодекси 248-моддаси (*рақобатчининг ишчанлик обрўсидан ноқонуний фойдаланиш*), Молдова Жиноят кодекси 185<sup>2</sup>-моддаси (*саноат мулки объектларига бўлган ҳуқуқларни бузиш*), Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси 197-моддаси (*товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш*), Россия Жиноят кодекси 180-моддаси (*товар белгисидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш*), Украина Жиноят кодекси 229-моддаси (*товар ва хизмат белгилари, фирма номлари, товар келиб чиққан жой номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш*), Хитой Жиноят кодекси 213 (*савдо белгиларидан ҳуқуқ эгасининг розилигисиз фойдаланиш*), 214 (*товарни қалбаки савдо белгилари остида савдога чиқариш*), 215- (*қалбаки савдо белгиларини яратиш*) моддаларида акс эттирилган.

Юқорида келтирилган хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг товар белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи махсус нормалар билан тўлдирилиши келгусида мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда улар оқибатида келиб чиққан юридик оқибатларини бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



### 3.5. Товар белгиларига оид низоларни ҳал этиш тартиби

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам миллий қонунчилигимизда ҳам интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар энг муҳим фуқаролик ҳуқуқлардан бири сифатида тан олинади. Ҳар бир инсон ўзи муаллифи ҳисобланган илмий, адабий ва бадиий фаолият натижаларига нисбатан маънавий ва моддий манфаатларини муҳофаза қилиниши ҳуқуқига эгадир<sup>1</sup>.

Республикамызда ижод ва унга бўлган эътибор Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан мустақилликнинг илк даврлариданоқ белгилаб берилган эди: «Ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш лозим. Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб этишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республикамыз чинакам мустақиллигини ва равақ топишини таъминлаб бўлмайди»<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида" 2000 йил 28 апрелдаги қарорида "Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг объектив ифодаланган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган мутлақ ҳуқуқ-интеллектуал мулки қонун билан қўриқланади ва давлат томонидан ҳимоя қилинади. Мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал мулкдан бошқа шахслар фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фодаланишлари мумкин. Шунинг учун, интеллектуал мулкдан ҳар қандай қонунсиз фойдаланиш бу ҳуқуқнинг қўпол бузилиши ҳисобланади. Жумладан, тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал фаолияти натижаларини ўзлаштириб олиш Жиноят кодексининг 149-моддаси билан тавсифланиши мумкин. Агар, интеллектуал мулк объектлари моддий қимматликка эга бўлса, айбдорнинг қилмишлари талон-торож сифатида баҳоланади<sup>3</sup>" деб таъкидланади.

Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 июлдаги 298-сон қарори билан

<sup>1</sup> Насриев И.И. Муаллифлар шахсий ҳуқуқларини муҳофазалаш. – Т.: Мехнат, 2003. – 190-б.

<sup>2</sup> Каримов. И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон.1992. 32-б

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 144-модда

тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши тўғрисида” Низомга асосан фаолият юритиб келган. Ушбу Низом «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида», «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида» ҳамда «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгаши (кейинги ўринларда Апелляция кенгаши деб аталади) ваколатларини, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Апелляция кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини, селекция ютуқларини, интеграл микросхемалар топологияларини, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан боғлиқ апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи коллегиял органи сифатида амалга оширади.

Апелляция кенгаши:

Агентликнинг талабнома берилган:

товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номларига нисбатан қабул қилинган қарорлари юзасидан апелляцияларни кўриб чиқади;

манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг интеграл микросхемалар топологияларининг рўйхатдан ўтказилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, товарнинг келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлиги;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгининг халқаро рўйхатдан ўтказилишининг амал қилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгиларига берилган, товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқига берилган гувоҳномаларнинг амал қилиши тўхтатилиши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади;

товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказилиши бекор қилиниши юзасидан апелляцияларини кўриб чиқади.

Апелляцияларни ёки аризаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция кенгаши апелляцияларни ёки аризаларни қаноатлантириш, қисман қаноатлантириш ёки апелляцияларни ёки аризаларни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Апелляция кенгаши қабул қилинган қарорларнинг асосланганлигини ва қонунийлигини таъминлайди.

Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Апелляция кенгаши айна пайтда ушбу рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқига берилган гувоҳномаларнинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Апелляция кенгаши қарори юзасидан қарор қабул қилинган санадан бошлаб олти ой мобайнида судга шикоят қилиниши мумкин.

Товар белгиларини кўриб чиқиш ва нозоларни ҳал этиш комиссияси:

саноат мулки объектлари;

селекция ютуқлари;

интеграл микросхемалар топологиялари;

товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси, товарнинг келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқийлиги юзасидан протестларни кўриб чиқади.

Комиссия протестларни қаноатлантириш, қисман қаноатлантириш ёки протестларни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларга нисбатан суд ҳимояси қонун билан кафолатланади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларни муҳофаза қилиш усуллари ичида суд орқали ҳимоя қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқлар суд орқали кўп ҳолларда фуқаролик ҳуқуқий усуллар билан ҳимоя қилинади. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишни умумий ва махсус усулларга бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФКда фуқаролик ҳуқуқларини умумий ҳимоя қилиш белгиланган. Ушбу ҳимоя усуллари интеллектуал мулк объектларига нисбатан фуқаролик ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг ҳам умумий усуллари ҳисобланади. Ўзбекистон

Республикаси ФКнинг 11-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқлари қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилинади:

ҳуқуқни тан олиш; мутлақ ҳуқуқни тан олиш – бунда интеллектуал мулк ҳуқуқи объектига нисбатан ҳуқуқ эгасининг мутлоқ ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан ёхуд давлат, жамоат органи томонидан ёхуд суд томонидан эътироф этилади. Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ тегишли эканлиги бўйича баҳс-низолар мавжуд бўлган ҳолда ҳам, шунингдек, бундай баҳс-низо бўлмаган тақдирда ҳам, масалан, мутлақ ҳуқуқ вужудга келганлиги ва маълум шахсга тегишли эканлиги фактини гувоҳлантириш учун ҳам ушбу усулдан фойдаланиш мумкин. Агарда ҳуқуқни тан олиш илгари бундай ҳуқуқни бузган шахс томонидан содир этилса, содир этилган ҳуқуқбузарлик шаклига ҳуқуқни тан олиш шакли мос келиши лозим. Масалан, маълум товар белгисига гувоҳнома олганлиги ҳақида вақтли матбуотда нотўғри хабар тарқатган шахснинг ҳуқуқини тан олиниши худди шундай вақтли матбуот нашрида ушбу товар белгисига нисбатан гувоҳнома ҳақиқатда кимга тегишли эканлиги ҳақида хабар бериш орқали амалга оширилади<sup>1</sup>.

ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш (масалан, лицензия шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш);

давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;

бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;

зарарни тўлаш (масалан, “агар ҳуқуқбузар товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни бузиш оқибатида даромадлар олган бўлса, ҳуқуқ эгалари бошқа зарарлар билан бир қаторда бой берилган фойдани бундай даромадлардан кам бўлмаган миқдорда қоплашини талаб қилишга ҳақли.”)<sup>2</sup>

неустойка ундириш;

маънавий зиённи қоплаш;

ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

<sup>1</sup> Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Т.:ТДЮИ, 2004. – б. 71

<sup>2</sup> Городов О.А. Право на средства индивидуализации: Товарные знаки, знаки обслуживания, наименования мест происхождения товаров, фирменные наименования, коммерческие обозначения. -М.: Волтерс Клувер, 2006. -С.254

давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги.

Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин. Махсус ҳимоя усуллари интеллектуал мулк объектларига доир муносабатларини тартибга солувчи умумий қонунчиликда ёки махсус қонунчиликда тўғридан-тўғри айнан интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш усули сифатида белгилаб берилади. Масалан, ФКнинг 1040-моддасида интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари кўрсатиб ўтилган. Мазкур моддада интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ФКнинг 11-моддасида назарда тутилган умумий усуллардан ташқари мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг махсус усуллари белгиланган. Унга кўра:

мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий объектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий объектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш орқали;

йўл қўйилган бузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий суръатда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали;

қонунда назарда тутилган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, махсус усуллар мазкур соҳани тартибга солувчи жорий қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилади. Масалан, ХХРнинг “Товар белгилари тўғрисида”ги Қонунининг 37-моддасида товар белгисига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари белгиланган. Унга кўра, товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш:

юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш мақсадида суд қарори тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрликлар, идишлар ва ўровлардан ҳуқуқбузар ҳисобидан олиб ташлаш;

ноқонуний фойдаланилган товар белгисини контрафакт товарлар, ёрликлар, идишлар ва ўровлардан олиб ташлаш мумкин бўлмаган тақдирда, уларни ҳуқуқбузар ҳисобидан йўқ қилиб ташлаш;

контрафакт товарлар, ёрликлар, идишлар ва ўровларни товар белгисига бўлган ҳуқуққа эгалик қилувчи юридик шахсга бериш

орқали амалга оширилади. Фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усуллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Худди шундай махсус усулларни Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”<sup>1</sup>ги Қонунида ҳам кўришимиз мумкин.

Интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш қонунчилигимизга асосан умумий юрисдикция ва иқтисодий судлар судловига тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги<sup>2</sup> қонуннинг 12-моддаси талабларига мувофиқ тартибда тузилган битим бўлса, бундай низоларни ҳал этилиши иқтисодий судларга топширилиши ҳам мумкин.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда махсус патент судлари фаолият юритишади. Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиб бориши ва интеллектуал мулкнинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ва ўрнини кескин ошиб бораётганлиги республикамизда ҳам шундай ихтисослашган судларнинг ташкил этилишига кейинчалик зарурат келтириб чиқариши мумкин.

Шундай қилиб, мутлақ ҳуқуқларнинг самарали муҳофаза қилиниши интеллектуал мулк объектига нисбатан ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, маданий қароқчиликнинг олдини олишда, интеллектуал мулк объектларининг яратувчилари ва уларга нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ваколатларини мустаҳкамлашда, қолаверса мамлакат иқтисодий ривожига фан ва техника ютуқларини жорий этишни кенгайтиришда катта амалий аҳамиятга эгадир.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон, 370-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 21-сон, 67-модда.

## ХУЛОСА

Товар белгиларини ҳуқуқий муқофаза қилмасдан маданий бозор муносабатларини ўрнатиш мумкин эмас. Интеллектуал мулк объекти сифатида товар белгисининг ўзига хос хусусияти унинг товар ва хизматлар бозоридаги бажарадиган роли билан тушунтирилади.

Тадқиқот жараёнида товар белгилари ҳуқуқий муқофаси соҳасидаги муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши, ҳимоя этилиши ва товар белгилари ҳимоясининг қонунчилик асослари билан боғлиқ қатор мавзулар, хусусан, шахсийлаштириш воситаларининг ҳуқуқий ҳимоясига доир миллий қонун ҳужжатлари нормалари ва бошқа хорижий давлатларнинг аналогик қонун ҳужжатлари нормалари, товар белгиларидан ноқонуний фойдаланганлик оқибатида келиб чиқадиган ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлари ва таснифи, мазкур объектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий усуллари, шунингдек ушбу объектларга нисбатан ҳуқуқ эгаларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш таҳлилий ўрганиб чиқилди.

Миллий қонунчилигимизда тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин. Кўриниб турибдики, овозлар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилмаган.

**Биринчидан,** товар белгиси унинг хусусиятларини ва бажарадиган функцияларини инобатга олган ҳолда ҳуқуқий категория сифатида қуйидаги характерга эга: номоддий характер; тижорат қимматликка эгаллиги; ахборот беришлилик функцияси; фарқлаш хусусияти; янгиликка эгаллик.

Товар белгиси (ёки хизмат кўрсатиш белгиси) фуқаролик муомаласи иштирокчилари ва улар ишлаб чиқарадиган мақсулотлар (ишлар, хизматлар)ни хусусий аломатларни акс эттирувчи (индивидуаллаштириш) учун хизмат қиладиган белгидир. Яъни, товар белгиси бир товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчининг товар ва хизматларини бошқа товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчининг худди шундай товар ва хизматларидан фарқлаш учун мўлжалланган;

**Иккинчидан,** товар белгисининг ҳимоя қилишга асос товар белгиси эгасининг мутлақ ҳуқуқларини унинг рухсатсиз бузиш

ҳисобланади. Товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш фуқаролик, рақобат, маъмурий ва жиноят қонунчилигини бузиш билан изоҳланади;

**Учинчидан**, товар белгиларига оид фуқаролик ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг умумий ва махсус усуллари мавжуд. Махсус ҳимоя усуллари товар белгиларига доир муносабатларини тартибга солувчи умумий қонунчиликда ёки махсус қонунчиликда тўғридан-тўғри айнан товар белгиларига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш усули сифатида белгилаб берилади. ФКнинг 1040-моддасида интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари кўрсатиб ўтилган;

**Тўртинчидан**, бугунги ҳуқуқни қўллаш амалиётида товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланган ҳуқуқбузар ноқонуний хатти-ҳаракати натижасида мутлақ ҳуқуқ эгасига етказилган зарарни аниқлаш ва ўлчашнинг ягона мезонлари мавжуд эмас;

**Бешинчидан**, товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Хусусан, товар белгисидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг қўлланилиши товар белгисининг фуқаролик ҳуқуқидаги тушунча ва категорияларидан келиб чиқиб белгиланади. Кўрсатиб ўтилган жавобгарлик турлари ҳуқуқбузарлик субъектлари, ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони ва қўлланилувчи ҳуқуқий таъсир чораси билан ўзаро фарқланиши белгилаб ўтилган.

**Олтинчидан**, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига товар белгиларидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи махсус нормалар мавжуд эмас. Шунингдек, мазкур жиноятлар иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар сифатида эътироф этилишини инобатга олиб, Жиноят кодексини товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номидан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш билан боғлиқ норма киритиш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, келгусида товар белгилари ҳуқуқий муҳофазаси янада кучайтириш борасида қуйидаги қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми томонидан товар белгиларига оид ҳуқуқларни мутлақ ҳуқуқ



эгасининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда унга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш масалаларида тушунтириш бериш мақсадида “Товар белгиларига оид низоларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Олий Суд Пленуми қарорини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан,** товар белгиларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни Интернетда ҳимоя қилиш соҳаси ҳозирги кунда миллий қонунчилигимизда тегишлича тартибга солинмаган. Товар белгиларига бўлган мутлақ ҳуқуқларни Интернетда ҳимоя қилиш соҳасида қуйидаги муҳим жиҳатларни инобатга олиш лозим. Домен номлари интеллектуал мулк объекти ҳисобланмайди. ХХР қонунчилига асосан домен номлари товар белгисини жойлаштиришнинг усули ҳисобланади (Қонуннинг 5-моддаси).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” Қонунининг 27-модда (“Товар белгисидан фойдаланиш”)си биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда беришни таклиф қиламиз:

“Товар белгиси уни ишлатиш учун рўйхатга олинган товарларда, уларнинг идиши ҳамда ўровида ҳамда Интернетда товар белгисининг эгаси томонидан ёки ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ лицензия шартномаси асосида бундай ҳуқуқ берилган шахс томонидан қўлланилиши товар белгисидан фойдаланиш деб ҳисобланади”.

**Учинчидан,** Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” Қонунига кенг истеъмол молларига нисбатан ишлатиладиган белгиларнинг мажбурий равишда товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишни белгилаб берувчи норма кўшилса товар белгилари билан боғлиқ низоларни олдини олишда муҳим қадам бўлар эди. Бу орқали эса ҳалол рақобат тамойилига асосланган савдони ривожлантириш, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мумкин бўлди.

**Тўртинчидан,** Ўзбекистон Республикаси товар белгиларини муҳофаза қилишда ҳуқуматлараро товар белгиларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида икки томонлама битим имзоланиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## I. Раҳбарий адабиётлар

1.1. И.А. Каримов. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон НМИУ. 2007 й.

1.2. И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, 2010 йил 12 ноябрь.

1.3. И.А. Каримов. Ўзаро ишонч муносабатларни янада ривожлантириш йўлида. Осиё ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйча кенгашнинг IV саммитида қилган маърузаси. 2014 йил 20-21 май Шанхай. Хитой Халқ Республикаси.

1.4. Мирзиёев Ш.М.Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. – Тошкент : “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

1.5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. -56 б.

1.6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.-104 б.

## II. Халқаро ҳужжатлар

2.1. Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилотини таъсис этувчи Стокгольм конвенцияси. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари тўплами, 2004 йил.

2.2. Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Мадрид Битими. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари тўплами, 2004 йил.

2.3. Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида Мадрид Битимига Баённома. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари тўплами, 2004 йил.

2.4. Патент кооперацияси тўғрисида Шартнома. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари тўплами, 2004 йил.

2.5. Товар белгилари бўйича қонунлар тўғрисида Шартнома. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари тўплами, 2004 йил.

2.6. Халқаро патент таснифи тўғрисида битими. Т.: ИПС. НОРМА.1971.

2.7. Белгиларни рўйхатга олиш учун товарлар ва хизматларни халқаро таснифлаш тўғрисида Ницца битими. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари тўплами, 2004 йил.

2.8. Адабиёт ва бадиий асарларни химоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари тўплами, 2004 йил.

2.9. Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари тўплами, 2004 йил.

2.10. Патент ҳуқуқи тўғрисида Шартнома. Т.: ИПС. НОРМА. 2000.

2.11. Директива 89/104/ЕЭС Совета ( 994\_352 ) от 21 декабря 1988 г. о сближении законодательств государств-членов в отношении товарных знаков и знаков обслуживания

2.12. Директива № 2008/95/ЕС Европейского Парламента и Совета «О сближении законодательств государств-членов в отношении товарных знаков и знаков обслуживания» (Страсбург, 22 октября 2008 года)

2.13. Регламент Совета ЕС 2081/92 от 14 июля 1992 г., касающегося охраны географических указаний и наименований мест происхождения сельскохозяйственных и пищевых продуктов

2.14. Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights (TRIPS). Принято на Уругвайском раунде многосторонних торговых переговоров ВТО 15 апреля 1994 г.

### **III. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги**

3.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: ИПС. НОРМА. 1992 й.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Т.: ИПС. НОРМА. 1995 й.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. Т.: ИПС. НОРМА. 1998 й.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т.: ИПС. НОРМА. 1995 й.

3.5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова.

3.6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Тошкент, “Адолат”, 1997 й.

3.7. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 267-II-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, N 9-10, 178-модда.

3.8. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида” Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон.

3.9. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, 9-сон, 165-модда.

3.10. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 9-сон, 418-модда.

3.11. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, N 1, 10-модда.

3.12. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N 5-6, 61-модда.

3.13. Ўзбекистон Республикасининг “Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 52-сон, 555-модда.

3.14. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // Халқ сўзи // 2012 йил 3 май.

3.15. Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон, 370-модда.

3.16. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 3-сон, 28-модда.

3.17. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 8-модда.

3.18. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда.

3.19. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 24 июндаги 72-сонли буйруғи билан тасдиқланган Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш Қоидалари. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 30-31-сон, 353-модда.

3.20. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк Агентлиги бош директорининг 2011 йил 30 сентябрда 1988-1-сон билан рўйхатга олинган Буйруғи. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 40-сон, 417-модда.

## **V. Монографиялар ва махсус адабиётлар**

5.1.1. Баратов М.Х. Давлат мулки ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б. 280;

5.1.2. Бирюкова И.В. Проблемы правового регулирования биопатента и его совершенствование. Автореф. дисс...канд. юрид. наук. – Т., 2006. – 21 с.;

- 5.1.3. Гулямов С.С. Правовые проблемы корпоративного управления: теория и практика. – Т.: ТГЮИ, 2004. – 392 с.;
- 5.1.4. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 384 б.;
- 5.1.5. Имомов Н.Ф. Селекция ютуқлари бўйича муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 145 с.;
- 5.1.7. Насриев И.И. Муаллифлар шахсий ҳуқуқларини муҳофазалаш. – Т.: Мехнат, 2003. – 184 с.;
- 5.1.8. Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Т.: ТДЮИ, 2004. – 434 б.;
- 5.1.9. Раҳмонқулов Ҳ.Р. ва бошқ. Халқаро хусусий ҳуқуқ /. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002. – 448 б.;
- 5.1.10. Рашидов К.К. О применении норм международного права в Республике Узбекистан // Общественные науки в Узбекистане. 1999. № 11-12. – С. 32-39;
- 5.1.12. Рустамбоев М.Ҳ, Абдуҳолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. – Т.: ТДЮИ, 2005;
- 5.1.14. Тошев Б. Н. Законодательные основы и формы защиты авторских прав в Узбекистане. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Т., 1999. – 21 с.;

### **Хорижий тиллардаги адабиётлар**

- 5.3.1. Адуев А.Н., Белогорская Е.М. Товарный знак и его правовое значение. М., 1972.;
- 5.3.2. Азгальдов Г.Г., Карпов Н.Н. Оценка стоимости интеллектуальной собственности и нематериальных активов: учеб. пособие.-М. Международная академия оценки и консалтинга,2007.;
- 5.3.3. В.В.Белов, Г.В.Виталиев, Г.М.Денисов. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика применения. Москва: Юристь, 2006.;
- 5.3.4. Беркман К.Д. Товарные знаки. Создание, психология, восприятие. М., 1986.;
- 5.3.5. Богуславский М.М. Международные соглашения в области изобретений и товарных знаков. М., ЦНИИПИ, 1964.;
- 5.3.6. Боденхаузен Г. Парижская конвенция по охране промышленной собственности: Комментарий / Пер. с франц. Н.Л. Тумановой. Под ред. Богуславского М.М., 1977.;

5.3.7. Гейвандов Э.А., Наумов Б.П. Сходство и автоматизированный поиск изобразительных товарных знаков.- М.: ИНИЦ «ПАТЕНТ», 2008.;

5.3.8. Городов О.А. Право на средства индивидуализации: Товарные знаки, знаки обслуживания, наименования мест происхождения товаров, фирменные наименования, коммерческие обозначения. М.: Волтерс Клувер, 2006.;

5.3.9. Гульбин Ю.Т. Исключительные права на средства индивидуализации товаров товарные знаки, знаки обслуживания, наименования мест происхождения товаров: Гражданско-правовой аспект. - М.: Статут, 2007.;

5.3.10. Дайксель А . Товарный знак в Европе и в России : Вопросы теории и истории : Плакаты. Листовки. Знамена. Упаковки. Товар, знаки. СПб., 2002.;

5.3.11. Данилина Е.А. Правовая охрана средств индивидуализации: учеб. пособие.-М.:ИНИЦ "ПАТЕНТ",2008.;

5.3.12. Дамян М.С. Изобретение, товарный знак, ноу-хау фирменный бренд. Партизанские войны за право быть лучшим.- М.: Эксмо, 2008.;

5.3.13. Harris P. Trademark dilution and the missing links:// TW.- 2008.- N 206.

5.3.14. Harris P., Schmitz S. Bereskin D. Afterthoughts by Dan Bereskin // TW.- 2007.-N201.;

5.4.15. Ионова О.В. Международные соглашения по охране наименований мест происхождения и указаний происхождения товаров: Обзор основных положений. Новосибирск, Наука, 1992.;

5.4.16. Калятин В.О. Интеллектуальная собственность (исключительные права). М., 2000.;

5.4.17. Коршунов Н.М., Мареев Ю.Л., Черячукин В.В., Молчанов А.А., Харитонова Ю.С., Карпычев М.В., Рахматулина Р.Ш. Интеллектуальная собственность (Права на результаты интеллектуальной деятельности и средства индивидуализации). М., 2009.;

5.4.18. Мамяфа И.Э. Понятие и определение товарного знака / Практика изобретательской и патентно-лицензионной работы. Л., 1981.;

5.4.19. Мельников В.М. Охраноспособность товарных знаков в свете решений зарубежных ведомств и судов.-М.:ИНИЦ "Патент",2007.;

5.4.20. Мельников В.М. Товарные знаки за рубежом: Практика ведомств и судов. М., 2000.;

5.4.21. Мерзликина, Р.А. Право интеллектуальной собственности: учебник.-М.; Ставрополь: Финансы и статистика; Сервисшкола,2008.;

5.3.21. Nurton J. ECJ clarifies well-known definition // *Managing IP*.- 2007/2008.- № 175.; Nurton J. Bud ruling says TM applications are property // *Managing IP*.-2007.-N 166.;

5.4.22. Орлова В.В. Правовая охрана общеизвестных товарных знаков в Российской Федерации/. 2-е изд., перераб. и доп. М., 2007.;

5.3.23. Palm J. Canon, Waterford. How the Issue of Similarity of goods should be determined in the Field of Trade Mark Law // *EIPR*.- 2007.- Vol.29.- N12.;

5.3.24. Phillips J. Continental drift // *Managing IP*.- 2007.- N 168.;

5.3.25. Prandin D., Galletti S.V. Compensating for damages // *Managing IP*. 2007/2008. № 175

5.3.26. Reeskamp P. Is Comparative Advertising a Trade Mark Issue? // *EIPR*.-2008.- Vol.30.- № 4.

5.3.27. Singh H. Paying the price for infringement // *Managing IP*.-2007.- N167.;

5.3.28. Steward B., Badger C. The wink of an eye: Is the English Court of Appeal diluting trademark owners' rights? // *TW*.- 2007/2008.- № 203.;

5.3.29. Trimmer B. An Increasingly Uneasy Relationship: The English Court and the European Court of Justice in Trade Mark Disputes // *EIPR*.- 2008.-Vol.30.- N3.;

5.3.30. Trimmer B. Similarity and relativity trademark law: An analysis of the cases that determine degrees of similarity // *TW*.- 2009.- N 213.is. USPTO pulls the plug on Dell's "cloud computing" mark // *TW*.-13 2072008.-N211.

5.4.31. Рабец А.П. Правовая охрана товарных знаков: современное состояние и перспективы. Спб., 2003.;

5.4.32. Сергеев В.М. Экспертиза товарных знаков. Л., 1984.;

5.4.33. Сергеев В.М. О правовой охране товарных знаков и знаков обслуживания // *Круглый стол интеллектуальной собственности*. М. 2001.;

5.4.34. Сергеев А.П. Право на фирменное наименование и товарный знак. СПб., 1995.;

5.4.35. Фомичева Л.П. Товарные знаки и знаки обслуживания: правовые основы, учет и налоги/Л.П.Фомичева.-М.:Вершина,2008.

5.4.36. Шведова, В.В. Патентная неуязвимость: как не нарушить чужие патентные права. М., 2008.

5.4.37. Замирович Е.Н. Инвентаризация результатов интеллектуальной деятельности и средств индивидуализации.-М.:ИНИЦ ПАТЕНТ,2008.;



5.4.38. Зенин И.А. Наука и техника в гражданском праве. М., 1977.;

## **VI. Диссертация ва авторефератлар**

6.1. Караходжаева Д.М. Развитие и совершенствование законодательства о праве собственности юридических лиц в Республике Узбекистан. Автореф. дисс. докт. юрид. наук. – Т., 2008.

6.2. Огай Д.А. Проблемы совершенствования международно-правового регулирования средств индивидуализации. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Т., 2009. – 27 с.

6.3. Окюлов О. Правовой статус интеллектуальной собственности. Автореф. дисс. докт. юрид. наук. – Тошкент: 2001. – 43 с.

6.4. Самарходжаев Б.Б. Проблемы правового регулирования отношений по инвестициям в Республике Узбекистан (международно-частноправовой аспект). Автореф. дисс. докт. юрид. наук. – Т., 2004.

6.5. Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан. Автореф. дисс. докт. юрид. наук. – Т., 2004. – 44 с.

6.5. Барановский П.Д. Международно-правовые проблемы охраны интеллектуальной собственности в сети Интернет: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – М., 2005.

6.7. Бирюкова И.В. Проблемы правового регулирования биопатента и его совершенствование. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Т., 2005. – 21 с.

6.8. Дельцова Н.В. Объекты интеллектуальной собственности: Система признаков и система правового регулирования: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Волгоград, 2004.

6.10. Евдокимова М.В. Совершенствование российского законодательства по товарным знакам с учетом законодательства США и практики его применения: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – М., 2004.

6.11. Зубкова М.Н. Правовой режим товарного знака: Соотношение частных и публичных интересов: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Волгоград, 2004.

6.12. Караходжаева Д.М. Развитие и совершенствование законодательства о праве собственности юридических лиц в Республике Узбекистан. Автореф. дисс. докт. юрид. наук. – Т., 2008;

6.13. Карунная Я.А. Правовая природа средств индивидуализации коммерческих организаций: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Новосибирск, 2005.

6.14. Маевская Т.В. Товарный знак (знак обслуживания) как объект промышленной собственности: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Минск, 2003.

6.15. Милютин З.Ю. Соотношение доменных имен со средствами индивидуализации: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – М., 2005.

6.16. Немец Ю. Наименование домена в Интернете – новый объект права интеллектуальной собственности: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – М, 2004.

6.17. Рузиев Р.Ж. Договорно-правовые проблемы имущественного найма в условиях рыночной экономики: Автореф. дисс... докт. юрид. наук. – Т., 2002. – 48 с;

6.18. Самарходжаев Б.Б. Проблемы правового регулирования отношений по инвестициям в Республике Узбекистан (международно-частноправовой аспект). Автореф. Дис. докт. юрид. наук. – Т., 2004;

6.19. Степанова А.В. Интеллектуальные права как совокупность имущественных и личных неимущественных прав: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Волгоград, 2006.

6.20. Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан. Автореф. дисс... докт. юрид. наук. – Т., 2004. – 44 с.;

6.21. Шорахметов Ш.Ш. Возникновение и развитие правового регулирования рационализаторских предложений. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Т.: ИФП АН Узбекской ССР. 1965. – 15 с.;

6.22. Эргашев В.Ё. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари. Юрид. фан. ном. дисс... автореф. – Т., 2005. – 22 с.

## **VII. Интернет сайтлар**

7.1. [www.stat.uz/economy/foreign\\_exports21/contries\\_china](http://www.stat.uz/economy/foreign_exports21/contries_china)

7.2. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)

7.3. [www.lawguru.com/regulations/trade\\_marks\\_15](http://www.lawguru.com/regulations/trade_marks_15)

7.4. [www.wipo.int/legal\\_acts/international/lisbon](http://www.wipo.int/legal_acts/international/lisbon)

7.5. [www.wipo.int/agreements/madrid/member\\_countries/list](http://www.wipo.int/agreements/madrid/member_countries/list)

7.6. [www.wipo.int/statistics/trade\\_marks/2013\\_/415](http://www.wipo.int/statistics/trade_marks/2013_/415)

## **ИЛОВАЛАР**

# ТОВАР БЕЛГИЛАРИГА ДОИР ҚОНУНЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА<sup>1</sup>

*1994 йил 27 октябрда Женевада имзоланган*

## 1-модда

### Қисқартирилган сўзлар

Мазкур Шартнома мақсадлари учун ва махсус шартлар мавжуд бўлмаганда:

(i) «идора» Аҳдлашувчи томонлар белгиларни рўйхатдан ўтказишни топширган агентликни англатади;

(ii) «рўйхатга олиш» белги идора томонидан рўйхатдан ўтказилишини англатади;

(iii) «буюртманома» рўйхатдан ўтказиш учун буюртманомани англатади;

(iv) «шахсга ҳавола» жисмоний ва/ёки юридик шахсга ҳаволани англатади;

(v) «эгаси» белгилар реестрида рўйхатдан ўтказишнинг эгаси сифатида кўрсатилган шахсни англатади;

(vi) «белгилар реестри» идора шакллантирадиган маълумотлар жамини англатади. Реестр сақланиши манбаидан қатъи назар, барча рўйхатдан ўтказишларга нисбатан киритилган барча рўйхатдан ўтказишлар ва барча маълумотлар мазмунини ўз ичига олади;

(vii) «Париж конвенцияси» барча қайта кўриб чиқишлар ва тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда, 1883 йил 20 мартда Парижда имзоланган Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясини англатади;

(viii) «Ницца таснифи» қайта кўриб чиқишлар ва тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда, 1957 йил 15 июнда Ниццада имзоланган белгиларни рўйхатдан ўтказиш мақсадлари учун Товарлар ва хизматларнинг Ницца таснифи тўғрисидаги Ницца битими билан таъсис этилган таснифлашни англатади;

(ix) «Аҳдлашувчи томон» мазкур Шартнома қатнашчиси бўлган ҳар қандай давлат ёки ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотни англатади;

(x) «ратификация қилиш ёрлиғига ҳавола» қабул қилиш ва маъқуллаш тўғрисидаги ҳужжатга ҳаволани англатади;

(xi) «Ташкилот» Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини англатади;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси мазкур Шартномага 01.05.1998 йилда қўшилган.

(xii) «Бош директор» Ташкилотнинг Бош директорини англатади;

(xiii) «Йўриқнома» 17-моддада эслатиладиган ушбу Шартномага Йўриқномани англатади.

## **2-модда**

### **Шартнома уларга нисбатан қўлланиладиган белгилар**

(i) [Белгилар хусусияти] (a) Мазкур Шартнома Аҳдлашувчи томонлардан фақат ҳажмли белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун қабул қиладиганлари мазкур Шартноманинг амал қилишини бундай белгиларга жорий этишга мажбур эканлиги шарти билан, кўз билан кўриладиган белгилардан иборат бўлган белгиларга нисбатан қўлланилади.

(b) Мазкур Шартнома голографик белгиларга ва кўз билан кўриладиган белгилардан иборат бўлмаган белгиларга, жумладан, овозли ва ҳид сезадиган белгиларга нисбатан қўлланилмайди.

(2) [Белгиларнинг турлари] (a) Мазкур Шартнома товарларга (товар белгилари) ёки хизматларга (хизмат кўрсатиш белгилари) ёки товарларга ва хизматларга тегишли бўлган белгиларга қўлланилади.

(b) Мазкур Шартнома жамоавий, сертификацияли ва кафолатли белгиларга нисбатан қўлланилмайди.

## **3-модда**

### **Буюртманома**

(1) [Кўрсатмалар ёки буюртманомада мавжуд бўлган ёки унга илова қилинган элементлар. Бож] (a) Исталган Аҳдлашувчи томон буюртманомада қуйидаги кўрсатмалар ёки элементларнинг барчаси ёки айримлари бўлишини талаб қилиши мумкин:

(i) рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;

(ii) буюртманома берувчининг номи ва манзили;

(iii) агар буюртманома берувчи бирор-бир давлатнинг фуқароси ҳисобланса, фуқароси ҳисобланган давлатнинг номи; яшаш жойи мавжуд бўлган тақдирда, у яшаш жойига эга бўлган давлатнинг номи; буюртманома берувчи ҳудудида ҳақиқий ва сохта бўлмаган саноат ёки савдо корхонасига эга бўлса, ўша давлатнинг номи;

(iv) агар буюртманома берувчи юридик шахс ҳисобланса – юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий хусусияти ва давлатнинг номи, зарурат бўлганда эса, кўрсатиб ўтилган шахс унинг қонунчилиги билан таъсис этилган бундай давлатнинг таркибидаги ҳудудий бирлик;

(v) агар буюртманома берувчи ишончли вакилга эга бўлса, унинг номи ва манзили;

(vi) амалий ёзишма учун манзил, башарти 4 (2) (b)-моддага мувофиқ, бундай ёзишма талаб қилинса;

(vii) олдин берилган буюртманоманинг устуворлиги сўраладиган ариза, Париж конвенциясининг 4-моддасига мувофиқ, талаб қилиниши мумкин бўлган устуворлик тўғрисидаги бундай аризани қўллаб-қувватлайдиган кўрсатма ва исботлар билан биргаликда, башарти буюртманома берувчи бундай устуворлик ҳуқуқидан фойдаланишни хоҳласа;

(viii) товарлар ва/ёки хизматлар кўргазмага жўнатилиши натижасида пайдо бўлган муҳофаза сўраладиган ариза, Аҳдлашувчи томонларнинг қонунчилигига мувофиқ, талаб қилинадиган бундай аризани қўллаб-қувватлайдиган кўрсатма билан биргаликда, башарти буюртманома берувчи бундай муҳофаза устуворлигидан фойдаланишни хоҳласа;

(ix) агар буюртманома берувчи белги стандарт рамзлардан фойдаланилган ҳолда рўйхатга олиниши ва эълон қилинишини хоҳласа, - башарти Аҳдлашувчи томонлар бундай рамзлардан фойдаланса;

(x) белгининг фарқ қилиб турадиган элементи сифатида рангнинг, шунингдек, муҳофаза сўралаётган ранг ёки рангларнинг номи муҳофаза қилиниши сўралаётган ариза ва, рангларнинг ҳар бири муносабати билан, ушбу рангда бажарилган белгининг асосий қисмлари кўрсатилиши, башарти буюртманома берувчи бундай муҳофазани сўрашни хоҳласа;

(xi) агар белги ҳажмли бўлса, ариза;

(xii) белгининг бир ёки бир нечта тасвири;

(xiii) белгининг ёки унинг муайян қисмларининг транслитерацияси;

(xiv) белгининг ёки унинг муайян қисмларининг таржимаси;

(xv) Ницца таснифи класслари бўйича гуруҳлаштирилган белгининг рўйхатдан ўтказилиши сўралаётган товарлар ва/ёки хизматлар номи, бунда ҳар бир гуруҳдан олдин кўрсатиб ўтилган Таснифлашда кўрсатилган тартибда тақдим этилган товарлар ёки хизматларнинг ушбу гуруҳи мансуб бўлган ушбу Таснифлашнинг класс тартиб рақами берилиши керак;

(xvi) (4)-бандда кўрсатилган шахснинг имзоси;

(xvii) Аҳдлашувчи томонларнинг қонунчилиги талабларига мувофиқ, белгидан фойдаланиш нияти тўғрисидаги ариза.

(b) Ариза берувчи (a) (xvii)-кичик бандда эслатилган белгидан фойдаланиш тўғрисидаги ариза ўрнига ёки унга қўшимча равишда белгидан амалда фойдаланиш тўғрисида ариза бериши ва Аҳдлашуви томонларнинг қонунчилиги талабига мувофиқ, бунинг исботини тақдим этиши мумкин.

(c) Исталган Аҳдлашувчи томон унинг идорасига буюртманома берилиши муносабати билан бож тўланишини талаб қилиши мумкин.

(2) [Буюртманомани тақдим этиш] Буюртманома тақдим этишга қўйиладиган талабга нисбатан ҳеч бир Аҳдлашувчи томон буюртманомани рад этиши мумкин эмас,

(i) агар у, (3)-банд ҳисобга олиниши шарти билан ёзма шаклда қоғозда тақдим этилган бўлса: у Йўриқномада назарда тутилган Буюртманома бланкасига мувофиқ, бланкада тақдим этилган,

(ii) агар Аҳдлашувчи томон унинг идорасига билдиришнома телефакс бўйича берилишига рухсат берса ва буюртманома шу тарзда берилган бўлса, (3)-банд ҳисобга олиниши шарти билан, бундай бериш натижасида олинган қоғоз нусха (i)-кичик бандда эслатилган Буюртманомалар бланкасига мувофиқ, бўлади.

(3) [Тил] Исталган Аҳдлашувчи томон буюртманома идорада қабул қилинган тилда ёки тиллардан бирида тузилишини талаб қилиши мумкин. Агар унинг идорасида бир неча тиллар қабул қилган бўлса, ариза берувчидан ушбу идора томонидан тақдим этиладиган бошқа тил талаблари бажарилиши талаб қилиниши мумкин; бунда буюртманома биттадан ортиқ тилда тузилиши талаб қилиниши мумкин эмас.

(4) [Имзо] (a) (1) (a) (xvi)-бандда эслатилган имзо ариза берувчининг ёки унинг ишончли вакилининг имзоси бўлиши мумкин.

(b) (a)-кичик банд ҳисобга олинмасдан исталган Аҳдлашувчи томон (1)(a)(xvii) ва (b)-бандда эслатилган ариза, ҳатто, агар унинг ишончли вакили бўлган тақдирда ҳам, буюртманома берувчи томонидан имзоланишини талаб қилиши мумкин.

(5) [Бир неча классларга тегишли бўлган товарлар ва/ёки хизматлар учун битта буюртманома] Айни битта буюртманома улар Ницца таснифининг бир ёки бир неча классларига тегишлилигига

қарамай, бир нечта товарлар ва/ёки хизматларга тегишли бўлиши мумкин.

(6) [Амалда фойдаланиш] Агар белгидан фойдаланиш нияти тўғрисидаги буюртманома (1) (а) (xvii)-бандга мувофиқ, берилган бўлса, исталган Аҳдлашувчи томон буюртманома берувчи миллий қонун ҳужжатларида белгиланган муддат давомида ва Ўйриқномада кўрсатилган энг кам муддатни ҳисобга олган ҳолда унинг идорасига кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, белгидан амалда фойдаланишнинг исботини тақдим этишни талаб қилиши мумкин.

(7) [Бошқа шартлар бажарилишини талаб қилишни тақиқлаш] ҳеч бир Аҳдлашувчи томон буюртманоммага нисбатан (1)-(4) ва (6)-бандларда кўрсатилганлардан фарқ қиладиган шарт-шароитларни талаб қилиши мумкин эмас. Жумладан, буюртманоммага нисбатан у кўриб чиқилишининг бутун даври мобайнида қуйидаги шартларни бажариш талаб қилиниши мумкин эмас:

(i) ҳар қандай гувоҳнома ёки савдо реестридан кўчирма тақдим этиш;

(ii) ариза берувчи саноат ёки савдо фаолиятини амалга ошириши кўрсатилиши, шунингдек, тегишли исботлар тақдим этиш;

(iii) буюртманома берувчи буюртманомада санаб ўтилган тегишли товарлар ва/ёки хизматларга мувофиқ, бўлган фаолиятни амалга ошириши кўрсатилиши, шунингдек, исботлар тақдим этиш;

(iv) белги бошқа Аҳдлашувчи томон ёки Аҳдлашувчи томон ҳисобланмаган Париж конвенцияси қатнашчиси бўлган давлатнинг белгилари реестрида рўйхатдан ўтказилганлигининг исботи талаб қилиниши, буюртманома берувчи Париж конвенциясининг 6 quinquies моддаси қўлланишини сўраган ҳоллар бундан мустасно.

(8) [Исбот] Исталган Аҳдлашувчи томон буюртманома бўйича экспертиза ўтказиш давомида, агар идорада буюртманомада мавжуд бўлган исталган кўрсатма ёки элементнинг ишончлилигига нисбатан асосли шубҳалар пайдо бўлса, унинг идорасига исбот тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

#### **4-модда**

##### **Вакиллик. Амалий ёзишмалар учун манзил**

(1) [Амалиётга қўйилган ишончли вакиллар] Исталган Аҳдлашувчи томон унинг идораси томонидан қўлланиладиган исталган тартиб-таомил мақсадлари учун ишончли вакил сифатида



тайинланган шахс ушбу идора томонидан амалиётга қўйилган ишончли вакил эканлигини талаб қилиши мумкин.

(2) [Мажбурий вакиллик. Амалий ёзишмалар учун манзил]

(a) Исталган Аҳдлашувчи томон унинг идораси томонидан қўлланиладиган ҳар қандай тартиб-таомил мақсадлари учун унинг ҳудудида яшамайдиган ва ҳақиқий ҳамда сохта бўлмаган саноат ёки савдо корхонасига эга бўлмаган шахс ишончли вакил сифатида тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

(b) (a)-кичик банд маъносида вакилликни талаб қилмайдиган исталган Аҳдлашувчи томон унинг идораси томонидан қўлланиладиган ҳар қандай тартиб-таомил мақсадлари учун унинг ҳудудида яшамайдиган ва ҳақиқий ҳамда сохта бўлмаган саноат ёки савдо корхонасига эга бўлмаган шахс ушбу ҳудудда амалий ёзишмалар учун манзилга эга бўлишини талаб қилиши мумкин.

(3) [Ишончнома] (a) Аҳдлашувчи томон буюртманома берувчи, мулкдор ёки исталган бошқа манфаатдор шахс унинг идораси олдида ишончли вакил томонидан тақдим этилишига рухсат берган ва буни талаб қилган ҳолларда, у бундай ишончли вакил ҳолатга боғлиқ равишда буюртманома берувчи, мулкдор ёки бошқа шахснинг номи ва имзоси мавжуд бўлган алоҳида билдиришнома билан (кейинги ўринларда матнда "ишончнома" деб юритилади) тайинланишини талаб қилиши мумкин.

(b) Ишончнома унда кўрсатилган бир ёки бир неча буюртманомага ва/ёки рўйхатдан ўтказишларга, ёки ишончли вакилни тайинлайдиган кўрсатиб ўтилган шахснинг ҳар қандай истиснолари ҳисобга олинган ҳолда барча мавжуд ва бўлғуси буюртманомаларга ва/ёки ушбу шахснинг рўйхатдан ўтказишларига тегишли бўлиши мумкин,

(c) Ишончнома ишончли вакилнинг муайян юридик хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ ваколатларини чеклаши мумкин. Исталган Аҳдлашувчи томон ишончли вакил унга мувофиқ, буюртманомани чақириб олиш ёки белги рўйхатдан ўтказилишини рад этиш ҳуқуқига бўлган ишончномада бу аниқ қайд этилишини талаб қилиши мумкин,

(d) Агар билдиришномани идорага унда ишончли вакил сифатида кўрсатилган шахс берса, бироқ бундай билдиришнома олинган пайтда идора зарур ишончномага эга бўлмаса, Аҳдлашувчи томон бундай ишончнома унинг идорасига Аҳдлашувчи томон томонидан белгиланган муддат мобайнида ва Ўйриқномада

кўрсатилган энг кам муддат ҳисобга олинган ҳолда тақдим қилинишини талаб қилиши мумкин. Агар ишончнома Аҳдлашувчи томон томонидан белгиланган муддат мобайнида идорага тақдим этилмаса, Аҳдлашувчи томон кўрсатиб ўтилган шахснинг ишончномаси кучга эга эмаслигини назарда тутиши мумкин.

(е) Ишончнома тақдим этилиши ва унинг мазмунига қўйиладиган талабларга нисбатан ҳеч бир Аҳдлашувчи томон бундай ишончноманинг,

(i) агар у ёзма шаклда қоғозда тақдим этилган бўлса, (4)-банд ҳисобга олинган ҳолда Йўриқномада назарда тутилган тегишли Ишончнома бланкасида тақдим этилган бўлса,

(ii) агар (4)-банд ҳисобга олинган ҳолда бундай бериш натижасида олинган қоғоз нусха (i)-кичик бандда эслатилган Ишончнома бланкасига мувофиқ, бўлиши шарти билан Аҳдлашувчи томон унинг идорасига билдиришнома телефакс орқали берилишига рухсат берса ва ишончнома шу тарзда берилган бўлса, амал қилишини эътироф этмаслиги мумкин эмас.

(4) [Тил] Исталган Аҳдлашувчи томон Ишончнома унинг идорасида қабул қилинган тилда ёки тиллардан бирида тузилишини талаб қилиши мумкин.

(5) [Ишономага ҳавола] Исталган Аҳдлашувчи томон ушбу идора томонидан қўлланиладиган тартиб-таомил мақсадлари учун ишончли вакил томонидан унинг идорасига билдирилган ҳар қандай билдиришномада ишончли вакил унинг асосида ўз хатти-ҳаракатини амалга оширадиган ишончномага ҳавола мавжуд бўлишини талаб қилиши мумкин.

(6) [Бошқа шартлар бажарилишини талаб қилиш тақиқланиши] Ҳеч бир Аҳдлашувчи томон (3)-(5)-бандларда кўриб чиқиладиган масалаларга нисбатан ушбу бандларда назарда тутилганлардан фарқ қиладиган шартлар бажарилишини талаб қилиши мумкин эмас.

(7) [Исбот] Исталган Аҳдлашувчи томон, агар унинг идорасида (2)-(5)-бандларда эслатилган билдиришномаларнинг исталган бирида мавжуд бўлган ҳар қандай кўрсатманинг ишончилигига нисбатан асосли шубҳалар пайдо бўлса, унинг идорасига исбот тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

## **5-модда**

### **Буюртманомга бериш санаси**

(1) [Йўл қўйиладиган талаблар] (а) Аҳдлашувчи томонлар (b)-кичик бандни ва (2)-бандни ҳисобга олган ҳолда, буюртманомга

берилган сана сифатида унинг идораси томонидан 3(3)-моддада кўрсатилган тилда қуйидаги кўрсатмалар ва элементлар олиниши санасини белгилайди:

(i) белгини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган аниқ ёки назарда тутилаётган кўрсатма;

(ii) буюртманома берувчини идентификация қилиш имконини берадиган кўрсатма;

(iii) буюртманома берувчи ёки унинг ишончли вакили билан почта орқали алоқани ўрнатиш учун етарлича бўлган кўрсатма, бундай ишончли вакил бўлган тақдирда;

(iv) рўйхатдан ўтказилиши буюртманомада сўралаётган белгининг аниқ тасвири;

(v) улар учун рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар ва/ёки хизматлар рўйхати;

(vi) Аҳдлашувчи томонлар қонунчилиги талабларига мувофиқ, 3(1)(a)(xvii)-моддада эслатилган баёнот, ёки 3(1) (b)-моддада эслатилган баёнот ва исботлар, бунда, агар буни кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатлари талаб қилса, бундай баёнотлар, ҳатто, агар унинг ишончли вакили бўлган ҳолатда ҳам, 3(1) (a) (xvii) ёки (b)-модда қўлланилган ҳолларда буюртманома берувчининг ўзи томонидан имзоланиши керак.

(b) Исталган Аҳдлашувчи томон буюртманома берилган сана сифатида унинг идораси томонидан (a)-кичик бандда эслатилган кўрсатмалар ва элементларнинг барчаси эмас, балки фақат айримлари олинган, ёки уларнинг 3(3)-моддада кўрсатилган тилдан фарқ қиладиган тилда олинган санани белгилаши мумкин.

(2) [Йўл қўйиладиган қўшимча талаблар] (a) Аҳдлашувчи томонлар бериш санаси белгиланган божлар тўлангунга қадар белгиланмаслигини назарда тутиши мумкин.

(b) Аҳдлашувчи томон (a)-кичик бандда эслатилган талабни, агар у бундай талабни мазкур Шартномага қўшилиш санасида қўлласа, фақат ана шу ҳолатда қўллаши мумкин.

(3) [Тузатишлар ва муддатлар] (1) ва (2)-бандларга мувофиқ, тузатишлар киритиш шартлари ва муддатлари Йўриқномада белгиланади.

(4) [Бошқа шартлар бажарилишини талаб қилишни тақиқлаш] Аҳдлашувчи томонлардан ҳеч бири бериш санасига нисбатан (1) ва (2)-бандларда эслатилганлардан фарқ қиладиган шартлар бажарилишини талаб қилиши мумкин эмас.

## **6-модда**

### **Бир нечта классларга тегишли бўлган товарлар ва/ёки хизматлар учун битта рўйхатдан ўтказиш**

Агар Ницца таснифининг бир неча классларига тегишли бўлган товарлар ва/ёки хизматлар айна битта буюртманомага киритилган бўлса, у ҳолда ушбу буюртманома бўйича битта рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади.

## **7-модда**

### **Буюртманомаларни ажратиш ва рўйхатдан ўтказиш**

(1) [Буюртманомаларни ажратиш] (а) бир неча товарлар ва/ёки хизматлар санаб ўтилган ҳар қандай буюртманома (кейинги ўринларда матнда "дастлабки буюртманома" деб юритилади),

(i) ҳеч бўлмаганда, идора томонидан белгини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганга,

(ii) идоранинг белгини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги қарорига қарши эътироз кўриб чиқилиши билан боғлиқ бўлган тартиб-таомил даврида,

(iii) белги рўйхатдан ўтказилиши тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш билан боғлиқ тартиб-таомил даврида,

буюртманома берувчи ёки унинг илтимосига кўра икки ёки бир неча буюртманомага (кейинги ўринларда «ажратиб кўрсатилган буюртманомалар» деб юритилади) дастлабки буюртманомада санаб ўтилган товарлар ва/ёки хизматларни бундай буюртманомалар ўртасида тақсимлаш йўли билан ажратилиши мумкин. Ажратилган буюртманомалар дастлабки буюртманома берилган санани ва бу мавжуд бўлган тақдирда унинг устуворлигини сақлаб қолади.

(b) (а)-кичик банд ҳисобга олинган ҳолда исталган Аҳдлашувчи томон буюртманомани ажратишга, шу жумладан, бож тўлашга нисбатан талабларни белгилашда эркиндир.

(2) [Рўйхатдан ўтказишни ажратиш] Тегисли ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда (1)-банд рўйхатдан ўтказишни ажратишга нисбатан қўлланилади. Бундай ажратишга:

(i) учинчи шахсларнинг рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш ҳақидаги талаби билан боғлиқ ҳолда идора олдидаги тартиб-таомил пайтида,

(ii) идора томонидан олдинги тартиб-таомил давомида қабул қилинган қарорнинг устидан шикоят қилиш билан боғлиқ тартиб-таомил пайтида,

Аҳдлашувчи томон, агар унинг қонунчилиги учинчи шахсларга белги рўйхатдан ўтказилишига қарши у ҳақиқатда рўйхатдан ўтказилгунига қадар эътироз билдиришга рухсат берса, рўйхатдан ўтказиш ажратилиши имкониятини назарда тутмаслиги шарти билан рухсат берилади.

## 8-модда

### Имзо

(1) [Қоғоздаги билдиришнома] Агар Аҳдлашувчи томонларнинг идорасига юборилган билдиришнома қоғозда тақдим этилса ва имзо талаб қилинса Аҳдлашувчи томон

(i) (iii)-кичик бандни ҳисобга олган ҳолда ўз қўли билан қўйилган имзони қабул қилади,

(ii) ўз қўли билан қўйилган имзо ўрнига имзоларнинг имзолар қўйилган отгиски ёки штемпл сингари шаклларида фойдаланишга ёхуд муҳрдан фойдаланишга рухсат беришда эркиндир,

(iii) агар билдиришномани имзолайдиган жисмоний шахс унинг фуқароси ҳисобланса ва бундай шахснинг манзили унинг ҳудудида бўлса, ўз қўли билан қўйилган имзо ўрнига муҳрдан фойдаланишни талаб қилиши мумкин,

(iv) муҳрга жисмоний шахснинг номи ҳарфлар билан кўрсатилиши илова қилинишини талаб қилиши мумкин, агар бундай шахснинг муҳридан фойдаланилса.

(2) [Телефакс бўйича билдиришнома] (a) агар Аҳдлашувчи томон унинг идорасига билдиришнома телефакс бўйича берилишига рухсат берса, у, агар телефакс бўйича олинган босилган қоғозда имзонинг тасвири ёки, бу (1)(iv)-бандга мувофиқ, зарур бўлса, муҳридан фойдаланилаётган жисмоний шахснинг номи ҳарфларда кўрсатилган ҳолда, у билан биргаликда муҳрнинг тасвири мавжуд бўлса, билдиришномани имзоланган деб ҳисоблайди,

(b) (a)-кичик бандда эслатилган Аҳдлашувчи томон тасвири телефакс орқали ҳужжат Йўриқномада кўрсатилган энг кам муддат ҳисобга олинган ҳолда унинг идорасига муайян муддат мобайнида етказиб берилишини талаб қилиши мумкин.

(3) [Электрон алоқа воситалари орқали билдиришнома бериш] Агар Аҳдлашувчи томон билдиришнома унинг идорасига электрон алоқа воситалари орқали берилишига рухсат берса, у билдиришномани, агар унда Аҳдлашувчи томон кўрсатганидек, билдиришномани электрон алоқа воситалари билан юборган жўнатувчи кўрсатилган бўлса имзоланган деб ҳисоблайди.

(4) [Тасдиқлаш талаб қилинишини тақиқлаш] Ҳеч бир Аҳдлашувчи томон олдинги бандларда эслатилган шахснинг исталган имзоси тасдиқланишини, нотариал тартибда тасдиқланишини, легализация қилинишини ёки бошқача тасдиқланишини ёки тасдиқлашнинг бошқача воситаларини талаб қилиши мумкин эмас, Аҳдлашувчи томонлар қонунчилиги рўйхатдан ўтказиш рад этилиши муносабати билан имзо тасдиқланишини назарда тутган ҳоллар бундан мустасно.

### **9-модда**

#### **Товарлар ва/ёки хизматлар таснифи**

(1) [Товар ва/ёки хизматларни кўрсатиш] Идора томонидан буюртманомага нисбатан амалга оширилган ҳар бир рўйхатдан ўтказиш ва ҳар қандай эълон қилиш ёки рўйхатдан ўтказиш ва товарлар ва/ёки хизматлар кўрсатилиши, Ницца таснифи класслари бўйича ва кўрсатиб ўтилган Таснифлаш тартибида гуруҳлаштирилган ушбу товарлар ва/ёки хизматлар номини кўрсатади, бунда ҳар бир гуруҳда товарлар ёки хизматларнинг мазкур гуруҳи тегишли бўлган класснинг тартиб рақами бўлиши керак.

(2) [Айни бир классга ёки ҳар хил классларга тегишли бўлган товарлар ёки хизматлар] (а) Товарлар ёки хизматлар идора томонидан амалга оширилган исталган рўйхатдан ўтказиш ёки эълон қилишда товарлар ёки хизматлар Ницца таснифининг айни бир классда қайд этилганлиги асосида ўхшаш деб ҳисобланиши мумкин эмас.

(б) Идора томонидан амалга оширилган исталган рўйхатдан ўтказиш ёки эълон қилишда товарлар ёки хизматлар Ницца таснифининг ҳар хил классларида қайд қилинганлиги асосида товарлар ёки хизматлар бир-биридан фарқ қилади деб ҳисобланиши мумкин эмас.

### **10-модда**

#### **Номлар ёки манзилларни ўзгартириш**

(1) [Мулқдорнинг номини ёки манзилини ўзгартириш] (а) Агар рўйхатдан ўтказишнинг эгаси аввалгича қолса, бироқ унинг номи ва/ёки манзили ўзгарган бўлса, ҳар бир Аҳдлашувчи томон идора томонидан бундай ўзгартиришни рўйхатдан ўтказишнинг эгаси ёки унинг ишончли вакили томонидан имзоланган билдиришномада бажарилган ўзининг белгилар реестрига киритиш тўғрисидаги аризасини реестрга киритилиши керак бўлган тегишли рўйхатдан

ўтказиш ва ўзгартиришлар рақамини кўрсатган ҳолда эътироф этади. Бундай аризани тақдим этиш талабига нисбатан ҳеч бир Аҳдлашувчи томон,

(i) агар у, (с)-кичик банд ҳисобга олинган ҳолда, Йўриқномада назарда тутилган Ариза бланкасига мувофиқ, бўлган бланкада тақдим этилиши шарти билан ёзма шаклда қоғозда тақдим этилган бўлса,

(ii) агар Аҳдлашувчи томон (с)-кичик банд ҳисобга олинган ҳолда бундай бериш натижасида олинган қоғоз нусха, (i)-бандда эслатилган ариза бланкасига мувофиқ, бўлиши шарти билан унинг идорасига билдиришнома телефакс орқали берилишига рухсат берса ва ариза шу тарзда берилган бўлса, аризани рад этмайди.

(b) Исталган Аҳдлашувчи томон аризада қуйидагилар кўрсатилишини талаб қилиши мумкин:

(i) эгасининг номи ва манзили;

(ii) агар рўйхатдан ўтказиш эгаси бундай шахсга эга бўлса ишончли вакилнинг номи ва манзили;

(iii) агар рўйхатдан ўтказиш эгаси бундай ёзишмаларга эга бўлса, амалий ёзишмалар учун манзил;

(c) Исталган Аҳдлашувчи томон ариза унинг идорасида қабул қилинган тилда ёки тиллардан бирида тузилишини талаб қилиши мумкин.

(d) Исталган Аҳдлашувчи томон унинг идорасига буюртманома берилиши муносабати билан бож тўланишини талаб қилиши мумкин.

(e) Ҳатто, агар ўзгариш бир неча рўйхатдан ўтказишларга тегишли бўлса ҳам, унда барча тегишли рўйхатдан ўтказишларнинг тартиб рақамлари кўрсатилиши шарти билан битта ариза етарлидир.

(2) [Буюртманома берувчининг номи ёки манзили ўзгариши] Тегишли ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда (1)-банд ўзгартиришлар буюртманомага ёки буюртманомаларга, ёхуд буюртманома ёки буюртманомаларга ва рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишларга тегишли бўлган ҳолларда, агар тегишли буюртманомалардан исталган бирига ҳали тартиб рақами берилмаганлиги ёки бундай тартиб рақами буюртманома берувчига ёки унинг ишончли вакилига маълум эмаслиги шарти билан қўлланилади, ариза, шунга қарамай, бундай буюртманомани Йўриқномада кўрсатилганидек идентификация қилади.

(3) [Ишончли вакилнинг номи ёки манзили ёки амалий ёзишмалар учун манзилнинг ўзгариши] Тегишли ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда (1)-банд бундай ишончли вакил мавжуд бўлганда ишончли вакилнинг номи ёки манзили ҳар қандай ўзгаришига ва бундай ёзишмалар мавжуд бўлган тақдирда, амалий ёзишмалар учун манзилга тегишли ҳар қандай ўзгаришга нисбатан қўлланилади

(4) [Бошқа шартлар бажарилишини талаб қилишни тақиқлаш] Ҳеч бир Аҳдлашувчи томон мазкур моддада эслатилган аризага нисбатан (1)-(3)-бандларда эслатиб ўтилганлардан фарқ қиладиган шартлар бажарилишини талаб қилиши мумкин эмас. Жумладан, бундай ўзгаришни тасдиқлайдиган бирор-бир ҳужжат тақдим этилиши талаб қилиниши мумкин эмас.

(5) [Исботлар] Ҳар қандай Аҳдлашувчи томон, агар унинг идорасида аризадаги исталган кўрсатманинг ишончилигига нисбатан асосли шубҳалар пайдо бўлса, унинг идорасига исбот тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

## **11-модда**

### **Эгасининг ўзгариши**

(1) [Рўйхатдан ўтказиш эгасининг ўзгариши] (а) Рўйхатдан ўтказиш эгаси ўзгарган тақдирда ҳар бир Аҳдлашувчи томон бундай ўзгариш идора томонидан рўйхатдан ўтказишнинг олдинги эгаси ёки унинг ишончли вакили ёхуд рўйхатдан ўтказиш эгасига айланган шахс (кейинги ўринларда матнда «янги эга» деб юритилади) ёки унинг ишончли вакили томонидан имзоланган билдиришномада бажарилган белгиларни, реестрга киритилиши керак бўлган тегишли рўйхатдан ўтказиш ва ўзгаришлар тартиб рақамини кўрсатган ҳолда ўз реестрига киритиш тўғрисидаги аризани эътироф этади. Аризаларни тақдим этишга қўйиладиган талабларга нисбатан ҳеч бир Аҳдлашувчи томон,

(i) Агар у, (2)(а)-банд ҳисобга олинишини шarti билан Йўриқномада назарда тутилган Ариза бланкасига мувофиқ, бўлган бланкада тақдим этилган бўлса, ёзма шаклда қоғозда тақдим этилса,

(ii) Агар Аҳдлашувчи томон (2)(а)-банд ҳисобга олиниши шarti билан бундай бериш натижасида олинган қоғоз нусха, (i)-кичик бандда эслатилган Ариза бланкасига мувофиқ, бўлса, унинг идорасига билдиришнома телефакс бўйича берилишига рухсат берса ва ариза шу тарзда берилган бўлса, аризани рад этиши мумкин эмас.



(b) Агар эгасининг ўзгариши контракт тузилиши натижаси бўлса, исталган Аҳдлашувчи томон бу сўраётган томоннинг танлашига кўра қуйидаги ҳужжатларнинг бири илова қилинадиган аризада кўрсатилишини талаб қилиши мумкин:

(i) контракт нусхаси, бунда бундай нусха давлат нотариуси ёки исталган бошқа ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган бўлиши кераклиги талаб қилиниши мумкин;

(ii) рўйхатдан ўтказиш эгаси ўзгаришини акс эттирадиган контрактдан кўчирма, бунда бундай кўчирма давлат нотариуси ёки исталган бошқа ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган бўлиши кераклиги талаб қилиниши мумкин;

(iii) Йўриқномада кўрсатилган шакл ва мазмунга мувофиқ, тузилган ҳамда олдинги ва янги эгалари томонидан имзоланган белгига бўлган ҳуқуқ берилиши тўғрисидаги тасдиқланмаган гувоҳнома;

(iv) Йўриқномада кўрсатилган шакл ва мазмунга мувофиқ, тузилган ҳамда олдинги ва янги эгалари томонидан имзоланган белгига бўлган ҳуқуқ берилиши тўғрисидаги тасдиқланмаган ҳужжат.

(c) Агар эгасининг ўзгариши қўшиб юбориш натижаси ҳисобланса, исталган Аҳдлашувчи томон ваколатли органи томонидан тузилган ва бундай қўшиб юборишни исбот қиладиган ҳужжатнинг нусхаси, масалан, савдо реестридан кўчирма нусхаси илова қилинадиган аризада кўрсатилган бўлишини талаб қилиниши мумкин. Бунда бундай нусха бундай ҳужжатни берган орган ёки давлат нотариуси, ёки исталган бошқа ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган бўлиши талаб қилиниши мумкин.

(d) Контракт тузиш ёки бирга қўшиш натижасида бир ёки бир неча эга, бироқ барча эгалар ҳам эмас, ўзгарган тақдирда, исталган Аҳдлашувчи томон ўзгариш татбиқ этилмайдиган исталган биргаликдаги эгалик қилувчи ўзи томонидан имзоланган ҳужжатда эганинг ўзгаришига махсус розилигини берганлигини талаб қилиши мумкин.

(e) Агар эгасининг ўзгариши контракт тузиш ёки бирга қўшиш натижаси ҳисобланмаса, балки бошқа сабаблар, масалан, қонун қўлланилиши ёки суднинг қарори туфайли келиб чиққан бўлса, исталган Аҳдлашувчи томон бу аризада кўрсатилишини талаб қилиши мумкин. Аризага бундай ўзгаришни исботлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинади, бунда нусха бундай ҳужжатни

берган орган, давлат нотариуси ёки исталган бошқа ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган бўлишини талаб қилиш мумкин.

(f) Исталган Аҳдлашувчи томон аризада кўйидагилар кўрсатилишини талаб қилиши мумкин:

(i) олдинги эгасининг номи ва манзили;

(ii) янги эгасининг номи ва манзили;

(iii) агар янги эгаси бирор-бир давлатнинг фуқароси ҳисобланса, янги эгаси унинг фуқароси ҳисобланадиган давлатнинг номи; янги эгаси яшаш жойига эга бўлган давлатнинг номи, яшаш жойи бўлган тақдирда; янги эгаси ҳақиқий ва сохта бўлмаган саноат ёки савдо корхонасига эга бўлган давлатнинг номи, бундай корхона мавжуд бўлган тақдирда;

(iv) агар янги эгаси юридик шахс ҳисобланса, юридик шахснинг ташкилий хусусияти ва давлатнинг номи, зарурат бўлганда эса, кўрсатиб ўтилган юридик шахс унинг қонунчилигига мувофиқ, таъсис этилган бундай давлат таркибидаги ҳудудий бирлик номи;

(v) ишончли вакилнинг номи ва манзили, агар олдинги эгаси бундай ишончли вакилга эга бўлса;

(vi) амалий ёзишма учун манзил, агар олдинги эгаси бундай манзилга эга бўлса;

(vii) ишончли вакилнинг номи ва манзили, агар янги эгаси бундай манзилга эга бўлса;

(viii) амалий ёзишмалар учун янги эгасининг манзили, агар 4(2)(b)-моддага мувофиқ, амалий ёзишма талаб қилинса.

(g) Исталган Аҳдлашувчи томон буюртманома берилиши муносабати билан унинг идорасига бож тўланишини талаб қилиши мумкин.

(h) Ҳатто, агар эгасининг ўзгариши бир неча рўйхатдан ўтказишларга тегишли бўлса ҳам, ҳар бир рўйхатдан ўтказиш учун олдинги ва янги эгалар айна бир хил шахслар эканлиги ва буюртманомада ушбу рўйхатдан ўтказишларнинг тартиб рақамлари кўрсатилиши шарти билан битта буюртманома етарлидир.

(i) Агар эгасининг ўзгариши олдинги эгасининг рўйхатдан ўтказилишида санаб ўтилган товарлар ва/ёки хизматларнинг барчасига тегишли бўлмаса ва қонун ҳужжатлари бундай ўзгариш тўғрисидаги ёзувни киритишга рухсат берса, идора уларга нисбатан эгасининг ўзгариши юз берган товарлар ва/ёки хизматларга тегишли бўлган алоҳида рўйхатдан ўтказишни амалга оширади.

(2) [Тил. Таржима] (а) Исталган Аҳдлашувчи томон (1)-бандда эслатилган ариза, белгига ҳуқуқ берилиши тўғрисидаги гувоҳнома ёки бундай ҳуқуқ берилиши тўғрисидаги ҳужжат унинг идорасида қабул қилинган тилда ёки тилларнинг бирида тузилишини талаб қилиши мумкин.

(b) Агар (1)(b)(i) ва (ii), (c) ва (e)-бандларда эслатилган ҳужжатлар Аҳдлашувчи томонларнинг идорасида қабул қилинган тилда ёки тилларнинг бирида тақдим этилмаган бўлса, Аҳдлашувчи томон аризага таржима ёки унинг идорасида қабул қилинган тилда ёки тилларнинг бирида талаб қилинадиган ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси илова қилинишини талаб қилиши мумкин.

(3) [Буюртманомга эгасининг ўзгариши] Тегишли ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда (1) ва (2)-бандлар, агар тегишли буюртманомалардан исталган бирига ҳали тартиб рақами берилмаганлиги ёки бундай тартиб рақами буюртманомга берувчига ёки унинг ишончли вакилига маълум эмаслиги шарти билан эгасининг ўзгариши буюртманомга ёки буюртманомаларга ва рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишларга тегишли бўлган ҳолларда қўлланилади, аризада, шунга қарамай, буюртманомга Йўриқномада кўрсатилгани сингари идентификация қилинади.

(4) [Бошқа шартлар бажарилишини талаб қилишни тақиқлаш] Ҳеч бир Аҳдлашувчи томон мазкур моддада эслатилган аризага нисбатан (1)-(3)- бандларда кўрсатилганлардан фарқ қиладиган шартлар бажарилишини талаб қилиши мумкин эмас. Жумладан, қуйидаги шартлар бажарилиши талаб қилиниши мумкин эмас:

(i) (1)(c)-банд қоидалари ҳисобга олинган ҳолда, исталган ҳужжатни ёки савдо реестридан кўчирмани тақдим этиш;

(ii) янги эгаси саноат ёки савдо фаолиятини амалга ошириши кўрсатилиши, шунингдек, тегишли исботлар тақдим этиш;

(iii) янги эгаси унга эгасининг ўзгариши татбиқ этиладиган товарлар ва/ёки хизматларга тегишли фаолиятни амалга ошириладиганлиги кўрсатилиши, шунингдек, тегишли исботларни тақдим этиш;

(iv) олдинги эгаси ўз корхонасини ёки номоддий активларини янги эгага тўлиқ ёки қисман берганлиги кўрсатилиши, шунингдек, тегишли исботларни тақдим этиш.

(5) [Исботлар] Ҳар қандай Аҳдлашувчи томон унинг идорасига исбот тақдим этилишини, агар унинг идорасида аризадаги ва/ёки мазкур Моддада эслатилган исталган ҳужжатдаги кўрсатманинг

ишончилигига нисбатан асосли шубҳалар пайдо бўлса, уларга (1)(с) ёки (е)-банд қоидалари татбиқ этилган ҳолларда қўшимча исботларни талаб қилиши мумкин.

## 12-модда

### Хатоларни тўғрилаш

(1) [Рўйхатдан ўтказишга тегишли хатоларни тузатиш] (а) Ҳар бир Аҳдлашувчи томон унинг идорасига маълум қилинган ва белгилар реестрида ва/ёки унинг идорасининг исталган эълон қилишида акс этирилган буюртманомада ёки бошқа аризада бажарилган, тегишли рўйхатдан ўтказишни тартиб рақами кўрсатилган ҳолда рўйхатдан ўтказишнинг эгаси ёки унинг ишончли вакили томонидан имзоланган билдиришномада мавжуд бўлган тузатилиши керак бўлган хатолар ва реестрга киритилиши керак бўлган тузатишлар ҳақида хатоларни тузатиш тўғрисидаги аризани эътироф этади. Бундай ариза тақдим этилишига қўйиладиган талабларга нисбатан ҳеч бир Аҳдлашувчи томон

(i) агар у, (с)-кичик банд ҳисобга олинган ҳолда, Йўриқномада назарда тутилган ариза бланкасига мувофиқ, бўлган бланкада тақдим этилиши шарти билан ёзма шаклда қоғозда тақдим этилган бўлса,

(ii) (с)-кичик банд ҳисобга олинган ҳолда бундай бериш натижасида олинган қоғоз нусха (i)-кичик бандда эслатилган Ариза бланкасига мувофиқ, бўлиши шарти билан агар Аҳдлашувчи томон билдиришномани унинг идорасига телефакс орқали беришга рухсат берса ва ариза шу тарзда берилган бўлса, аризани рад этиши мумкин эмас.

(b) Исталган Аҳдлашувчи томон аризада қуйидагилар кўрсатилишини талаб қилиши мумкин:

(i) эгасининг номи ва манзили;

(ii) ишончли вакилнинг номи ва манзили, агар рўйхатдан ўтказишнинг эгаси бундай ишончли вакилга эга бўлса;

(iii) амалий ёзишмалар учун манзил, агар рўйхатдан ўтказишнинг эгаси бундай ёзишмаларга эга бўлса.

(с) исталган Аҳдлашувчи томон ариза унинг идорасида қабул қилинган тилда ёки тиллардан бирида тузилишини талаб қилиши мумкин.

(d) исталган Аҳдлашувчи томон унинг идорасига ариза берилиши муносабати билан бож тўланишини талаб қилиши мумкин.

(е) хатолар ва талаб қилинадиган тузатиш ҳар бир рўйхатдан ўтказиш учун айна ўша хатолар ва тузатишлар эканлиги ва аризада барча ушбу рўйхатдан ўтказишларнинг тартиб рақами кўрсатилиши шарти билан, ҳатто, тузатиш айна бир шахснинг бир неча рўйхатдан ўтказишларига тегишли бўлган тақдирда ҳам, битта ариза етарлидир.

(2) [Буюртманомага тегишли хатоларни тузатиш] Тегишли ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда, (1)-банд тегишли буюртманомалардан исталган бирига ҳали тартиб рақами берилмаганлиги ёки бундай тартиб рақами буюртманома берувчига ёки унинг ишончли вакилига маълум эмаслиги шарти билан хато буюртманома ёки буюртманомаларга, ёхуд буюртманома ёки буюртманомаларга ва рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишларга тегишли бўлган ҳолларда қўлланилади, аризада, шунга қарамай, буюртманома Йўриқномада кўрсатилгани сингари идентификация қилинади.

(3) [Бошқа шартлар бажарилишини талаб қилишни тақиқлаш] Ҳеч бир Аҳдлашувчи томон мазкур моддада эслатилган аризага нисбатан (1)-(2)-бандларда кўрсатилганлардан фарқ қиладиган шартлар бажарилишини талаб қилиши мумкин эмас.

(4) [Исботлар] Исталган Аҳдлашувчи томон, агар унинг идорасида тахмин қилинаётган хато ҳақиқатдан хато эканлигига нисбатан асосли шубҳалар пайдо бўлса, унинг идорасига исботлар тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

(5) [Идоранинг хатоси] Аҳдлашувчи томоннинг идораси ўзининг хатоларини ex officio ёки илтимосга кўра бирор-бир бож тўламасдан тузатади.

(6) [Тузатиб бўлмайдиган хатолар] Ҳеч бир Аҳдлашувчи томон қонун ҳужжатларига мувофиқ, тузатилиши мумкин бўлмаган исталган хатога нисбатан (1), (2) ва (5)-бандлар қоидаларини қўллашга мажбур эмас.

### 13-модда

#### **Рўйхатга олишнинг амал қилиш муддати ва уни узайтириш**

(1) [Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризадаги ёки унга илова қилинган ҳужжатлардаги кўрсатмалар ёки элементлар. Бож] (а) Исталган Аҳдлашувчи томон рўйхатдан ўтказишни узайтириш ариза бериш шарти билан амалга оширилишини ва бундай аризада қуйидаги кўрсатмаларнинг барчаси ёки айримлари мавжуд бўлишини талаб қилиши мумкин:

(i) рўйхатдан ўтказишни узайтириш тўғрисидаги илтимос;

(ii) рўйхатдан ўтказишнинг эгасининг номи ва манзили;

(iii) тегишли рўйхатдан ўтказишнинг тартиб рақами;

(iv) Аҳдлашувчи томоннинг танлаши бўйича - унинг натижасида тегишли рўйхатдан ўтказиш амалга оширилган ариза берилган сана, ёхуд тегишли рўйхатдан ўтказиш амалга оширилган сана;

(v) ишончли вакилнинг номи ва манзили, агар рўйхатдан ўтказишнинг эгаси бундай ишончли вакилга эга бўлса;

(vi) амалий ёзишмалар учун манзил, агар рўйхатдан ўтказишнинг эгаси бундай ёзишмаларга эга бўлса;

(vii) улар учун рўйхатдан ўтказишни узайтириш сўралаётган товарлар ва/ёки хизматлар реестрига киритилган номлар, ёки Ницца таснифи класслари бўйича гуруҳлаштирилган, рўйхатдан ўтказишни узайтириш сўралмаётган товарлар ва/ёки хизматлар реестрига киритилган номлар, бунда ҳар бир гуруҳда кўрсатиб ўтилган Тасниф класслари тартибида тақдим этилган товарлар ва/ёки хизматларнинг ушбу гуруҳига тегишли бўлган ушбу Тасниф классининг тартиб рақами берилиши керак. Агар Аҳдлашувчи томон рўйхатдан ўтказишни узайтириш белгилар реестрига киритилган товарлар ва/ёки хизматларнинг фақат айримларига нисбатан амалга оширилишига рухсат берса ва бундай узайтириш сўралаётган бўлса;

(viii) рўйхатдан ўтказишнинг эгаси ёки унинг ишончли вакилидан бошқа шахснинг номи ва манзили, агар Аҳдлашувчи томон рўйхатдан ўтказишни узайтириш тўғрисидаги ариза бундай шахс томонидан берилишига рухсат берса;

(ix) рўйхатдан ўтказишнинг эгаси ёки унинг ишончли вакилининг имзоси, ёки (viii)-кичик банд қўлланилган тақдирда, ушбу кичик бандда эслатиб ўтилган шахснинг имзоси.

(b) Исталган Аҳдлашувчи томон рўйхатдан ўтказиш узайтирилиши тўғрисида ариза берилганлиги муносабати билан унинг идорасига бож тўланишини талаб қилиши мумкин. Рўйхатдан ўтказишнинг дастлабки даври учун ёки рўйхатдан ўтказишнинг исталган даври учун бож тўлангандан кейин, бундай давр мобайнида рўйхатдан ўтказиш кучда сақлаб қолиниши учун, бошқа ҳеч бир тўлов талаб қилиниши мумкин эмас. Мазкур кичик банд мақсадлари учун ариза ва/ёки белгидан фойдаланишга нисбатан исботлар тақдим этилиши муносабати билан бож рўйхатдан ўтказишни кучда сақлаб қолиш учун тўлов сифатида қаралмайди ва унга мазкур кичик банд қоидалари татбиқ этилмайди.

(с) Исталган Аҳдлашувчи томон рўйхатдан ўтказишни узайтириш тўғрисидаги ариза тақдим этилишини ва (b) кичик бандда эслатилган тегишли бож, Йўриқномада кўрсатилган энг кам муддатлар ҳисобга олинган ҳолда, Аҳдлашувчи томонлар қонунчилигида белгиланган муддат мобайнида идорага тўланишини талаб қилиши мумкин.

(2) [Аризани тақдим этиш] Аризани тақдим этишга қўйиладиган талабларга нисбатан ҳеч бир Аҳдлашувчи томон аризани рад этиши мумкин эмас,

(i) агар у, (3)-кичик банд ҳисобга олинган ҳолда, Йўриқномада назарда тутилган ариза бланкасига мувофиқ, бўлган бланкада тақдим этилиши шарти билан ёзма шаклда қоғозда тақдим этилган бўлса,

(ii) (3)-кичик банд ҳисобга олинган ҳолда, бундай бериш натижасида олинган қоғоз нусха (i)-кичик бандда эслатилган Ариза бланкасига мувофиқ, бўлиши шарти билан, агар Аҳдлашувчи томон билдиришномани унинг идорасига телефакс орқали берилишга рухсат берса ва ариза шу тарзда берилган бўлса.

(3) [Тил] Исталган Аҳдлашувчи томон рўйхатдан ўтказишни узайтириш тўғрисидаги ариза унинг идорасида қабул қилинган тилда ёки тиллардан бирида тузилишини талаб қилиши мумкин.

(4) [Бошқа шартлар бажарилишини талаб қилишни тақиқлаш] Ҳеч бир Аҳдлашувчи томон мазкур моддада эслатилган аризага нисбатан (1)-(3)-бандларда кўрсатилганлардан фарқ қиладиган шартлар бажарилишини талаб қилиши мумкин эмас. Жумладан, қуйидаги шартлар бажарилиши талаб қилиниши мумкин эмас:

(i) белгининг тасвири ёки бошқа идентификацияси тақдим қилиниши;

(ii) белги рўйхатдан ўтказилганлигининг ёки белгининг рўйхатдан ўтказилиши бошқа исталган Аҳдлашувчи томоннинг белгилар реестрида узайтирилганлигининг исботи талаб қилиниши;

(iii) белгидан фойдаланишга нисбатан ариза ва/ёки исбот талаб қилиниши.

(5) [Исботлар] Исталган Аҳдлашувчи томон рўйхатдан ўтказишнинг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш давомида, агар унинг идорасида рўйхатдан ўтказишни узайтириш тўғрисидаги аризадаги исталган кўрсатма ёки элементнинг ишончлилигига нисбатан асосли шубҳалар пайдо бўлса, унинг идорасига исботлар тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

(6) [Мазмунан экспертиза ўтказишни тақиқлаш] Аҳдлашувчи томонларнинг ҳеч бир идораси рўйхатдан ўтказишни узайтириш мақсадида мазмунан рўйхатдан ўтказишни экспертиза қилиши мумкин эмас.

(7) [Рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддати] Дастлабки Рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддати 10 йилни ташкил этади ва кейинги 10 йиллик даврларга узайтирилиши мумкин.

#### **14-модда**

### **Тахмин қилинадиган рад этишда билдириладиган мулоҳазалар**

Идора 10-13-моддаларга мувофиқ, ҳолатга боғлиқ равишда буюртманома берувчига ёки ариза берган томонга тахмин қилинаётган рад этиш муносабати билан оқилона муддат мобайнида мулоҳазалар билдириш имкониятини бермасдан буюртманомани ёки аризани тўлиқ ёки қисман рад этиши мумкин эмас.

#### **15-модда**

### **Париж конвенциясига риоя қилиш мажбурияти**

Исталган Аҳдлашувчи томон белгиларга нисбатан Париж конвенцияси қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **16-модда**

### **Хизмат кўрсатиш белгилари**

Исталган Аҳдлашувчи томон хизмат кўрсатиш белгиларига нисбатан Париж конвенциясининг товар белгиларига нисбатан тегишли қоидаларини қўллади ва уларни рўйхатдан ўтказди.

#### **17-модда**

### **Йўриқнома**

(1) [Мазмуни] (а) Мазкур Шартномага илова қилинадиган Йўриқномада қуйидагиларга нисбатан қоидалар мавжуд бўлади:

(i) тартибга солинишини мазкур Шартнома махсус "Йўриқномага тегишли» деб ҳисоблайдиган талаблар;

(ii) мазкур Шартнома қоидаларини қўллаш учун фойдали бўлган исталган қўшимча тафсилотлар;

(iii) исталган маъмурий талаблар, саволлар ёки тартиб-қоидалар.

(б) Йўриқномада, шунингдек, Намунавий халқаро бланкалар мавжуд бўлади.

(2) [Шартнома ва Йўриқнома ўртасидаги тафовутлар] Мазкур Шартнома қоидалари билан Йўриқнома қоидалари ўртасида тафовутлар бўлган тақдирда Шартнома қоидалари қўлланилади.



## 18-модда

### Қайта кўриб чиқиш. Баённомалар

(1) [Қайта кўриб чиқиш] Мазкур Шартнома дипломатик конференция томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

(2) [Баённомалар] Белгилар соҳасидаги қонун ҳужжатларини уйғунлаштиришни янада ривожлантириш мақсадлари учун дипломатик конференция, агар ушбу Баённомалар мазкур Шартнома қоидаларига зид бўлмаса, Баённомаларни қабул қилиши мумкин.

## 19-модда

### Шартномада қатнашиш

(1) [Шартномада қатнашиш ҳуқуқи] Халқаро муносабатларнинг қуйидаги субъектлари Шартномани имзолаши ва (2) ва (3)-бандларни, шунингдек, 20(1) ва (3)-моддаларни ҳисобга олган ҳолда, унинг томони бўлиши мумкин:

(i) Ташкилотнинг белгилар унинг ўз идораси томонидан рўйхатдан ўтказилиши мумкин бўлган исталган аъзо давлати;

(ii) ҳудудида амал қиладиган белгиларни рўйхатдан ўтказиши мумкин бўлган идорага эга бўлган, ушбу ҳукуматлараро ташкилотни таъсис этадиган шартнома унга нисбатан қўлланиладиган исталган ҳукуматлараро ташкилот, ушбу ҳукуматлараро ташкилотнинг аъзолари бўлган барча давлатлар Ташкилотнинг аъзолари ҳисобланиши шарти билан унинг таркибига кирадиган аъзо давлатларнинг ҳар бири ёки тегишли буюртманомада бундай мақсадлар учун кўрсатилган аъзо давлатлар;

(iii) Ташкилотнинг белгилар фақат Ташкилотнинг аъзоси ҳисобланган кўрсатиб ўтилган бошқа давлатнинг идораси орқали рўйхатдан ўтказилиши мумкин бўлган исталган аъзо давлати;

(iv) Ташкилотнинг белгилар фақат ушбу давлат аъзоси ҳисобланган ҳукуматлараро ташкилотнинг идораси орқали рўйхатдан ўтказилиши мумкин бўлган исталган аъзо давлати;

(v) Ташкилотнинг белгилар фақат Ташкилотнинг аъзолари бўлган давлатлари гуруҳининг умумий идораси орқали рўйхатдан ўтказилиши мумкин бўлган исталган аъзо давлати.

(2) [Ратификация қилиш ёки қўшилиш] (1)-бандда эслатилган халқаро муносабатларнинг исталган субъекти қуйидагиларни сақлаш учун топшириши мумкин:

(i) ратификация ёрлиғи, агар у ушбу Шартномани имзолаган бўлса,

(ii) қўшилиш тўғрисидаги далолатнома, агар у ушбу Шартномани имзоламаган бўлса.

(3) [Сақлаш учун топшириш санаси] (a) (b)-кичик банд ҳисобга олинган ҳолда:

(i) давлатнинг тегишли ҳужжати сақлаш учун топширилган сана - (1)(i)- бандда эслатилган давлат билан боғлиқ ҳолатда;

(ii) ҳукуматлараро ташкилотнинг тегишли ҳужжати сақлаш учун топширилган сана, ҳукуматлараро ташкилот билан боғлиқ ҳолатда;

(iii) қуйидаги шартлар бажарилган сана: ушбу давлатнинг тегишли ҳужжати ва бошқа кўрсатилган давлатнинг тегишли ҳужжати сақлаш учун топширилган - (1)(iii)- бандда эслатилган давлат билан боғлиқ ҳолатда;

(iv) юқорида кўрсатиб ўтилган (ii)-кичик бандга мувофиқ, қўлланиладиган сана, - (1)(iv) бандда эслатилган давлат билан боғлиқ ҳолатда;

(v) гуруҳнинг барча аъзо давлатлари ҳужжатлари сақлаш учун топширилган сана, - (1)(v)-бандда эслатилган давлатлар гуруҳининг аъзо давлатлари билан боғлиқ ҳолатда.

(b) Исталган ратификация ёрлиғига ёки давлатнинг қўшилиши тўғрисидаги далолатномага (мазкур кичик бандда «ҳужжат» сифатида эслатилади) ариза илова қилиниши мумкин. Аризада ҳужжат, шунингдек, бошқа битта давлатнинг ёки битта ҳукуматлараро ташкилотнинг ҳужжати ҳам сақлаш учун топширилган бўлиши, ёки бошқа икки давлатнинг ҳужжатлари, ёки битта бошқа давлатнинг ва ушбу Шартноманинг томони бўлиш ҳуқуқига эга бўлган битта ҳукуматларо ташкилотнинг ҳужжатлари, уларнинг номлари кўрсатилган ҳолда сақлаш учун топширилиши шarti билан сақлаш учун топширилган деб ҳисобланади. Бундай аризани ўз ичига олган ҳужжат аризада кўрсатилган шартлар бажарилиши санасидан бошлаб сақлаш учун топширилган деб қаралади. Бироқ, агар аризада кўрсатилган ҳужжатни сақлаш учун топширишга, ўз навбатида, бундай турдаги ариза илова қилинса, бундай ҳужжат охириги аризада кўрсатилган шартлар бажарилган санадан бошлаб сақлаш учун топширилган деб ҳисобланади

(c) (b)-кичик бандга мувофиқ, берилган исталган ариза, исталган вақтда тўлиқ ёки қисман чақириб олиниши мумкин. Исталган бундай олиб қўйиш бош директор томонидан тегишли билдиришнома олинган санадан бошлаб кучга киради.

## **20-модда**

### **Ратификациялар ва қўшилишнинг кучга кириш санаси**

(1) [Эътиборга олинадиган ҳужжатлар] Ушбу Модда мақсадлари учун фақат 19(1)-модада эслатиб ўтилган халқаро муносабатлар субъектлари томонидан сақлаш учун топширилган ва 19(3)-моддага мувофиқ, кучга кириш санасига эга бўлган ратификация ёрлиқлари ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар эътиборга олинади.

(2) [Шартноманинг дастлабки кучга кириши] Ушбу Шартнома бешта давлат ўз ратификация ёрлиқлари ва қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатларини сақлаш учун топширгандан сўнг, уч ой ўтгач кучга киради.

(3) [Ушбу Шартнома кучга киргандан кейин ратификациялар ва қўшилишларнинг кучга кириши] Унга (2)-банд қоидалари татбиқ этилмайдиган халқаро муносабатларнинг исталган субъектига нисбатан ушбу Шартнома у ўз ратификация ёрлиғини ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжати сақлаш учун топширган санадан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

## **21-модда**

### **Шартлар**

(1) [Белгиларнинг алоҳида турлари] Исталган давлат ёки ҳукуматлараро ташкилот қайд этиш йўли билан, 2(1)(а) ва (2)(а)-моддага қарамай, у 3(1) ва (2), 5, 7, 11 ва 13-моддаларнинг ҳеч бир қоидасини ассоциация қилинган, тақиқловчи ёки ҳосила белгиларга нисбатан қўлламаслиги ҳақида баёнот бериши мумкин. Бундай қайдда юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалардан тегишли бўлганлари кўрсатилади.

(2) [Мажбурий шартлар] Ҳар қандай қайд (1)-бандга мувофиқ, қайд қиладиган тегишли давлат ёки ҳукуматлараро ташкилотнинг ратификация ёрлиғига ёки ушбу Шартномага қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатига илова қилинадиган аризада амалга оширилади.

(3) [Қайднинг олиб ташланиши] (1)-бандга мувофиқ, қилинган исталган қайд исталган вақтда олиб ташланиши мумкин.

(4) [Бошқа қайдлар қилишга тақиқ] (1)-бандда назарда тутилган ҳолдан ташқари ушбу Шартномага ҳеч бир қайд қилинишига йўл қўйилмайди.

## **22-модда**

### **Ўтувчи қоидалар**

(1) [Бир неча классларга тегишли бўлган товарлар ва хизматлар учун битта буюртманома] (а) Исталган давлат ёки ҳукуматлараро

ташкилот 3(5)-моддага қарамай, унинг идорасида буюртманома фақат Ницца таснифининг бир классига тегишли бўлган товарлар ёки хизматларга нисбатан берилиши мумкинлиги тўғрисида баёнот бериши мумкин.

(b) Исталган давлат ки ҳукуматлараро ташкилот 6-моддага қарамай, агар Ницца таснифининг бир неча классларига тегишли бўлган товарлар ва/ёки хизматлар айти бир буюртманомага киритилган бўлса, у ҳолда бундай рўйхатга олишларнинг ҳар бирида кўрсатиб ўтилган буюртманома асосида амалга оширилган бундай бошқа барча рўйхатга олишларга ҳавола қилиниши шарт билан, ушбу буюртманома бўйича белгилар реестрида бир нечта рўйхатга олишларни амалга оширишлари мумкинлиги тўғрисида баёнот бериши мумкин.

(c) (a)-бандга мувофиқ, баёнот берган исталган давлат ёки ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот, 7(1)-моддага қарамай, буюртманоманинг ажратилишига йўл қўйилмаслиги ҳақида баёнот бериши мумкин.

(2) [Бир нечта буюртманома ва/ёки рўйхатдан ўтказишлар учун битта ишончнома] исталган давлат ёки ҳукуматлараро ташкилот 4(3)(b)-моддага қарамай, ишончнома фақат битта буюртманома ёки фақат битта рўйхатдан ўтказишга тегишли бўлиши мумкинлиги ҳақида баёнот бериши мумкин.

(3) [Ишончномадаги имзолар ва буюртманомалардаги имзолар тасдиқланаши талаб қилинишини тақиқлаш] исталган давлат ёки ҳукуматлараро ташкилот 8(4)-моддага қарамай, исталган ишончномадаги имзо ёки исталган буюртманомадаги ариза берувчининг имзоси тасдиқланаши, нотариал тартибда тасдиқланиши, ... тасдиқланиши, легилизация қилиниши ёки бошқа усул билан тасдиқланиши талаб қилиниши мумкинлиги ҳақида баёнот бериши мумкин.

(4) [Номи ва/ёки манзили ўзгаришига, эгаси ўзгаришига ёки хатолар тузатилишига нисбатан бир нечта буюртманома ва/ёки рўйхатдан ўтказишлар учун битта буюртманома] Исталган давлат ёки ҳукуматлараро ташкилот 10(1)(e), (2) ва (3)-моддага, 11(1)(h) ва (3)-моддага ва 12(1)(e) ва (2)-моддага қарамай, номи ва/ёки манзилига нисбатан ўзгартириш киритиш тўғрисидаги ариза, эгасига нисбатан ўзгартириш тўғрисидаги ариза ва хатоларни тузатишга нисбатан берилган ариза фақат битта буюртманомага ёки фақат

битта рўйхатдан ўтказишга тегишли бўлиши мумкинлиги тўғрисида баёнот бериши мумкин.

(5) [Ариза берилиши ва/ёки рўйхатдан ўтказиш узайтирилиши муносабати билан фойдаланишга нисбатан исботлар тақдим этилиши] Исталган давлат ёки ҳукуматлараро ташкилот 13(4)(iii)-моддага қарамай, рўйхатдан ўтказиш узайтирилиши муносабати билан у белгидан фойдаланишга нисбатан ариза берилиши ва/ёки исботлар тақдим этилишини талаб қилиши ҳақида баёнот бериши мумкин.

(6) [Рўйхатдан ўтказиш узайтирилиши муносабати билан мазмунан экспертиза ўтказиш] Исталган давлат ёки ҳукуматлараро ташкилот 13(6-моддага қарамай), хизматларга татбиқ этиладиган рўйхатдан ўтказиш биринчи марта узайтирилиши муносабати билан, унинг идораси бундай рўйхатдан ўтказишни бундай экспертиза ушбу Шартнома кучга киргунга қадар, уларга хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш имконияти берилган бундай давлат ёки ташкилотнинг қонунчилиги кучга киргандан кейин, олти ойлик давр мобайнида, берилган буюртманомалар асосида амалга оширилган кўплаб рўйхатдан ўтказишларни бартараф этиш билан чекланиши шарти билан, ўтказиши мумкинлиги тўғрисида баёнот бериши мумкин.

(7) [Умумий қоидалар] (а) Исталган давлат ёки ҳукуматлараро ташкилот (1) - (6)-бандларга мувофиқ, фақат агар ратификация ёрлиғи ёки ушбу Шартномага қўшилиши тўғрисидаги ҳужжат топширилган санада унинг қонунчилиги бундай аризасиз қўлланилиши давом этиши ушбу Шартноманинг тегишли қоидасига зид бўлган тақдирдагина баёнот бериши мумкин.

(б) (1) - (6)-бандларга мувофиқ, берилган исталган ариза ариза берган давлат ёки ҳукуматлараро ташкилотнинг ратификация ёрлиғига ёки ушбу Шартномага қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатига илова қилинади.

(с) (1) - (6)-бандларга мувофиқ, берилган исталган ариза исталган вақтда қайтариб олиниши мумкин,

(8) [Аризанинг амал қилиши тўхтатилиши] (а) (с)-кичик бандга мувофиқ, (1) - (5)-бандларга мувофиқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида белгиланган амалиётга мувофиқ, ривожланаётган мамлакат деб ҳисобланган давлат ёки аъзоларидан ҳар бири бундай давлат ҳисобланган ҳукуматлараро ташкилот томонидан берилган исталган ариза, ушбу Шартнома

кучга кирган санадан бошлаб, саккиз йил ўтгач амал қилишини тўхтатади.

(b) (c)-кичик банд ҳисобга олинган ҳолда, (1) - (5)-бандларга мувофиқ, (a)-кичик бандда эслатилган давлатдан бошқа давлат ёки (a)-кичик бандда эслатилган ҳукуматлараро ташкилотдан бошқа ҳукуматлараро ташкилот томонидан берилган исталган ариза ушбу Шартнома кучга кирган санадан бошлаб, олти йил ўтгач, амал қилишини тўхтатади.

(c) Агар берилган ариза 2004 йил 28 октябргача (1)-(5)-бандларга кўра, (7)(c)-бандга мувофиқ, чақириб олинмаган бўлса ёки (a) ёки (b)-кичик бандга мувофиқ, амал қилишини тўхтатмаган бўлса, у 2004 йил 28 октябрда амал қилишини тўхтатади

(9) [Шартномада қатнашиш] 1999 йил 31 декабргача ушбу Шартнома қабул қилиниши санасида Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича халқаро (Париж) иттифоқнинг аъзоси ҳисобланган исталган давлат, Ташкилотнинг аъзоси бўлмаган ҳолда, 19(1)(2)-моддага қарамай, агар унинг белгилари ўз идораси томонидан рўйхатдан ўтказилиши мумкин бўлса, ушбу Шартноманинг қатнашчисига айланиши мумкин.

### **23-модда**

#### **Шартномани денонсация қилиш**

(1) [Хабардор қилиш] Исталган Аҳдлашувчи томон Бош директорга хабар қилиш йўли билан ушбу Шартномани денонсация қилиши мумкин.

(2) [Кучга кириш санаси] Денонсация Бош директор томонидан билдиришнома олинган санадан бошлаб бир йилдан кейин кучга киради. Денонсация кўрсатиб ўтилган давр тамом бўлиши санасида, кўрсатиб ўтилган давр тамом бўлгач, денонсация қилаётган Аҳдлашувчи томон бундай рўйхатдан ўтказиш узайтирилиши керак бўлган санадан бошлаб исталган рўйхатдан ўтказишга нисбатан ушбу Шартноманинг қўлланилишини тўхтатиши мумкинлиги шарти билан, ушбу Шартнома кўриб чиқиётган исталган буюртманомга ёки денонсация қилаётган Аҳдлашувчи томонга рўйхатдан ўтказилган исталган белгига қўлланилишига дахл қилмайди.

### **24-модда**

#### **Шартноманинг тили. Имзолаш**

(1) [Ҳақиқий матнлар. Расмий матнлар] (a) Ушбу Шартнома рус, инглиз, араб, испан, хитой ва француз тилларида бир нусхада имзоланади, барча матнлар тўлиқ асл матнлардир.

(b) а-кичик бандда эслатилган тиллардан ташқари, Аҳдлашувчи томоннинг илтимосига кўра ва у билан ҳамда исталган бошқа Аҳдлашувчи томон билан маслаҳатлашувлардан кейин расмий матн Бош директор томонидан кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томоннинг расмий тили ҳисобланган бошқа тилда ишлаб чиқилади.

(2) [Имзолаш учун муддат] Ушбу Шартнома у қабул қилингандан кейин бир йил мобайнида Ташкилотнинг қароргоҳида имзолаш учун очиқдир.

### **25-модда**

#### **Депозитарий**

Ушбу Шартнома сақлаш учун Бош директорга топширилади.

# БЕЛГИЛАРНИ ХАЛҚАРО РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА МАДРИД БИТИМИГА БАЁННОМА<sup>1</sup>

*1989 йил, 28 июнда қабул қилинган*

## Баённома моддалари рўйхати

1-модда. Мадрид иттифоқига мансублик

2-модда. Халқаро рўйхатдан ўтказиш йўли билан муҳофазага эга бўлиш

3-модда. Халқаро буюртманома

3 bis-модда. Худудий амал қилиш

3 ter-модда. «Худудий кенгайиш» тўғрисида ариза

4 bis-модда. Миллий ёки минтақавий рўйхатдан ўтказишларни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштириш

5-модда. Баъзи Аҳдлашувчи томонларга нисбатан муҳофаза қилишни рад этиш ва халқаро рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш

5 bis-модда. Белгининг алоҳида элементларидан фойдаланишнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар

5 ter-модда. Халқаро реестрдаги ёзувлар нусхаси. Янгиликка изланиш. Халқаро реестрдан кўчирма

6-модда. Халқаро рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддати. Халқаро рўйхатдан ўтказишнинг боғлиқлиги ва боғлиқ эмаслиги

7-модда. Халқаро рўйхатдан ўтказишни узайтириш

8-модда. Халқаро буюртманома ва халқаро рўйхатдан ўтказиш учун йиғимлар

9-модда. Халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси ўзгарганлиги тўғрисидаги ёзувни қайд қилиш

9 bis-модда. Халқаро рўйхатдан ўтказишга тегишли баъзи ёзувларни қайд этиш

9 quinquies-модда. Халқаро рўйхатдан ўтказишни миллий ёки минтақавий буюртманомаларга айлантириш

9 sexies-модда. Мадрид битимини (Стокгольм) сақлаш

10-модда. Ассамблея

11-модда. Халқаро бюро

12-модда. Молия

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси мазкур Баённомага 18.06.2006 йилда қўшилган.



13-модда. Баённоманинг баъзи моддаларига тузатишлар киритиш

14-модда. Баённомада қатнашиш шартлари. Кучга кириш

15-модда. Денонсация

16-модда. Имзолаш. Тиллар. Депозитарий функциялари

### **1-модда**

#### **Мадрид иттифоқига мансублик**

Ҳатто, 1967 йил Стокгольмда қайта кўриб чиқилган ва 1979 йилда ўзгартирилган Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимга (кейинги ўринларда матнда "Мадрид битими (Стокгольм)" деб юритилади) қатнашчилари ҳисобланмаган аъзо-давлатлар ва ушбу Баённомага аъзо бўлган 14.1 (b)-моддада эслатилган ташкилотнинг (кейинги ўринларда матнда "Аҳдлашувчи ташкилотлар" деб юритилади) Мадрид битими (Стокгольм) иштирокчилари аъзо бўлган Иттифоқнинг аъзоларидан ушбу Баённомага аъзо давлатлар (кейинги ўринларда матнда "Аҳдлашувчи давлатлар" деб юритилади) ҳисобланади. Ушбу Баённомада «Аҳдлашувчи томонлар»га ҳаволалар Аҳдлашувчи давлатлар ва Аҳдлашувчи ташкилотларга ҳаволалар ҳисобланади.

### **2-модда**

#### **Халқаро рўйхатдан ўтказиш йўли билан муҳофазага эга бўлиш**

(1) Агар белгини рўйхатдан ўтказиш учун буюртманома Аҳдлашувчи томонлар идорасига берилган бўлса ёки агар белги Аҳдлашувчи томонларнинг идораси реестрида рўйхатга олинган бўлса, ушбу буюртманоманинг буюртманома берувчиси ҳисобланган шахс (кейинги ўринларда матнда «базавий рўйхатдан ўтказиш» деб юритилади) ушбу Баённоманинг таомилларини ҳисобга олган ҳолда:

(i) агар базавий буюртманома Аҳдлашувчи давлатлар идорасига берилган бўлса ёки агар базавий рўйхатдан ўтказиш бундай идора томонидан амалга оширилган бўлса, ушбу буюртманоманинг буюртманома берувчиси ҳисобланган шахс ёки ушбу рўйхатдан ўтказишнинг эгаси ушбу Аҳдлашувчи давлатларнинг фуқароси ҳисобланган, ёки кўрсатилган Аҳдлашувчи давлатларда яшайдиган, ёки ҳақиқий ва сохта бўлмаган саноат, ёки савдо корхонасига эга бўлган тақдирда;

(ii) агар базавий буюртманома Аҳдлашувчи ташкилотларнинг идорасига берилган бўлса ёки агар базавий рўйхатдан ўтказиш бундай идора томонидан амалга оширилган бўлса, ушбу буюртманоманинг буюртманома берувчиси ҳисобланган шахс, ёки

ушбу рўйхатдан ўтказишнинг эгаси ушбу Аҳдлашувчи ташкилотларнинг аъзоси бўлган давлатнинг фуқароси ҳисобланган, ёки кўрсатилган Аҳдлашувчи давлатларда яшайдиган, ёки ҳақиқий ва сохта бўлмаган саноат, ёки савдо корхонасига эга бўлган тақдирда Бутунжаҳон интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ташкилотининг Халқаро бюроси (кейинги ўринларда матнда тегишли равишда "халқаро рўйхатдан ўтказиш", "Халқаро реестр", "Халқаро бюро" ва "Ташкилот" деб юритилади) Реестрида ушбу белгини рўйхатдан ўтказиш йўли билан Аҳдлашувчи томонлар ҳудудида ўзининг белгиси муҳофаза қилинишини таъминлаши мумкин.

(2) Халқаро рўйхатдан ўтказиладиган буюртманома (кейинги ўринларда матнда «халқаро буюртманома» деб юритилади) вазиятга қараб базавий буюртманома берилган ёки базавий рўйхатдан ўтказиш амалга оширилган (кейинги ўринларда матнда «келиб чиқиш идораси» деб юритилади) идора воситачилиги орқали Халқаро бюрога берилиши керак.

(3) Ушбу Баённомада «идора» ёки «Аҳдлашувчи томонлар идораси»га ҳаволалар Аҳдлашувчи томонлар белгиларни рўйхатдан ўтказишни топшириган идорага ҳаволаларни англатади, «белгилар»га ҳаволалар товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларига ҳаволаларни англатади.

(4) Ушбу Баённома мақсадлари учун «Аҳдлашувчи томон ҳудуди» термини: агар Аҳдлашувчи томон давлат бўлса, шу давлат ҳудудини; агар Аҳдлашувчи Томон ҳукуматлараро ташкилот бўлса, ушбу ҳукуматлараро ташкилотни ташкил этиш тўғрисидаги битим қўлланадиган ҳудудни англатади.

### **3-модда**

#### **Халқаро буюртманома**

(1) Ушбу Баённомага мувофиқ берилган исталган халқаро буюртманома Йўриқномада кўрсатилган бланкада тақдим этилиши керак. Келиб чиқиш идораси вазиятга қараб халқаро буюртманомадаги маълумотлар ҳозирги вақтда базавий буюртманомадаги ёки базавий рўйхатдан ўтказишдаги маълумотларга мос келишини тасдиқлайди. Бундан ташқари, эслатилган идора:

(i) агар базавий буюртманома бўлса – ушбу буюртманома санаси ва рақамини;

(ii) агар базавий рўйхатдан ўтказиш бўлса – ушбу рўйхатдан ўтказиш санаси ва рақамини ҳамда унинг асосида базавий рўйхатдан

ўтказиш амалга оширилган буюртманома санаси ва рақамини кўрсатади.

Келиб чиқиш идораси, шунингдек,, халқаро буюртманома санасини ҳам кўрсатади.

(2) Буюртманома берувчи белгини муҳофаза қилиш талаб қилинган товарлар ва хизматларни ҳамда, агар имкони бўлса, белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товар ва хизматларни халқаро таснифлаш тўғрисидаги Ницца битими томонидан таъсис этилган таснифга мувофиқ тегишли класс ёки классларни кўрсатиши керак. Агар буюртманома берувчи классларни кўрсатмаса, Халқаро бюронинг ўзи эслатиб ўтилган таснифнинг тегишли класслари бўйича товарлар ва хизматларни таснифлайди. Ариза берувчи томонидан таснифланган товарлар ва хизматлар таснифи келиб чиқиш идораси билан ҳамкорликда Халқаро бюро томонидан текширилади. Келиб чиқиш идораси ва Халқаро бюро ўртасида тафовут келиб чиқса, кейингисининг қарори ҳал қилувчи қарор ҳисобланади.

(3) Агар буюртманома берувчи белгининг ранги ўз белгисининг ранги фарқланиб турадиган белги сифатида муҳофаза қилинишини сўраса, у ҳолда у:

(i) бу ҳақида маълум қилиши ва сўралаётган ранг ёки ранглар комбинациясини кўрсатган ҳолда ўзининг халқаро буюртманомасини юбориши керак;

(ii) Халқаро бюронинг билдиришномалари билан юбориладиган Ушбу белгининг рангли тасвирларини ўзининг халқаро буюртманомасига илова қилиши керак; бундай тасвирларнинг нусхалари сони Йўриқнома билан белгиланади.

(4) Халқаро бюро 2-моддага мувофиқ берилган белгиларни дарҳол рўйхатга олади. Халқаро бюро ушбу санадан бошлаб икки ой мобайнида уни олган тақдирда келиб чиқиш идораси халқаро буюртманомани олган сана халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси ҳисобланади. Агар халқаро буюртманома ушбу муддатда олинмаган бўлса, халқаро буюртманома олинган сана халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси ҳисобланади. Халқаро бюро манфаатдор идораларга халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида дарҳол хабар қилади. Халқаро реестрда рўйхатдан ўтказилган белгилар халқаро буюртманомалардаги маълумотларга асосланган ҳолда Халқаро бюро томонидан нашр этиладиган даврий бюллетенда эълон қилинади.

(5) Халқаро реестрда рўйхатдан ўтказилган белгилар билан танишиб чиқиш учун ҳар бир идора 10-моддада қайд этилган

Ассамблея (кейинги ўринларда мантда «Ассамблея» деб юритилади) томонидан белгиланган шартларда Халқаро бюродан бепул равишда қайд этилган бюллетеннинг муайян сондаги нусхаларини ва пасайтирилган нархда муайян сондаги нусхаларни олади. Бундай танишиб чиқиш барча Аҳдлашувчи Томонлар учун етарли ҳисобланади ва халқаро рўйхатдан ўтказиш эгасидан бошқа ҳеч нарса талаб қилинмайди.

### **3bis-модда**

#### **Ҳудудий амал қилиш**

Халқаро рўйхатдан ўтказиш натижасида келиб чиқувчи муҳофаза халқаро буюртманомани берувчи шахс ёки халқаро рўйхатдан ўтказишнинг эгаси аризасига биноан Аҳдлашувчи томонга татбиқ этилади. Бироқ бундай ариза идораси келиб чиқиш идораси бўлган Аҳдлашувчи томонларга нисбатан берилиши мумкин эмас.

### **3ter-модда**

#### **«Ҳудудий кенгайиш» тўғрисида ариза**

(1) Халқаро рўйхатдан ўтказиш натижасида келиб чиқувчи муҳофаза қилишни Аҳдлашувчи томонга татбиқ этиш тўғрисидаги исталган ариза халқаро буюртманомада махсус келтирилиши керак.

(2) Ҳудудий кенгайиш тўғрисидаги ариза халқаро рўйхатдан ўтказишдан кейин ҳам берилиши мумкин. Бундай ариза Йўриқномада кўрсатилган бланкада тақдим этилиши керак. Халқаро бюро берилган ариза тўғрисидаги ёзувни Халқаро реестрга киритади ва манфаатдор идорани ёки идораларни у ҳақида хабардор қилади. Ушбу ариза Халқаро бюронинг даврий бюллетенида эълон қилинади. Ҳудудий кенгайиш у тўғрисидаги ёзувни Халқаро реестрга киритиш санасидан бошлаб кучга киради ва у тегишли бўлган халқаро рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин амал қилишини тўхтатади.

### **4-модда**

#### **Халқаро рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиши**

(1) (a) 3 ва 3 ter-моддалар қоидаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган ёки ёзув киритилган санадан бошлаб ҳар бир манфаатдор Аҳдлашувчи томондаги белгини муҳофаза қилиш бу белги бевосита ушбу Аҳдлашувчи томон идорасига маълум қилингани сингари бўлади. Агар Халқаро бюро 5 (1) ва (2)- моддаларга мувофиқ бирор рад этиш тўғрисида хабардор қилинмаган бўлса ёки ушбу моддага мувофиқ хабардор этилган рад этиш кейинчалик қайтариб олинган бўлса, манфаатдор Аҳдлашувчи томондаги белгини муҳофаза қилиш

кўрсатилган санадан бошлаб манфаатдор Аҳдлашувчи томондаги белгини муҳофаза қилиш бу белги Ушбу Аҳдлашувчи томон идорасида рўйхатга олинган сингари бўлади.

(b) 3-моддада назарда тутилган товарлар ва хизматлар классининг кўрсатилиши белгини муҳофаза қилиш ҳажмини белгилаб олиш борасида Аҳдлашувчи томонларни боғлиқ қилмайди.

(2) Исталган халқаро рўйхатдан ўтказиш ушбу модданинг D бўлимида назарда тутилган расмий талабларга риоя этмаган ҳолда Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг 4-моддасида белгиланган устуворлик ҳуқуқидан фойдаланади.

#### **4bis-модда**

### **Миллий ёки минтақавий рўйхатдан ўтказишларни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштириш**

(1) Агар белги Аҳдлашувчи томон идорасида миллий ёки минтақавий рўйхатдан ўтказиш мавзуси ҳисобланса, шунингдек, халқаро рўйхатдан ўтказиш мавзуси ҳисобланади ва агар ҳар икки рўйхатдан ўтказиш айти бир шахсининг номига амалга оширилган бўлса:

(i) халқаро рўйхатдан ўтказиш натижасида келиб чиққан муҳофаза 3 ter (1) ёки (2)-моддага мувофиқ кўрсатилган Аҳдлашувчи томонга татбиқ этилган тақдирда;

(ii) миллий ёки минтақавий рўйхатдан ўтказишда санаб ўтилган барча товарлар ва хизматлар кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонга нисбатан халқаро рўйхатдан ўтказишда ҳам санаб ўтилган тақдирда;

(iii) юқорида қайд этилган муҳофаза қилишни кенгайтириш миллий ёки минтақавий рўйхатдан ўтказиш санасидан кейин кучга кирган тақдирда халқаро рўйхатдан ўтказиш миллий ёки минтақавий рўйхатдан ўтказишда кучга эга бўлга ҳуқуқларга дахл қилмасдан миллий ёки минтақавий рўйхатдан ўтказишнинг ўрнини босувчи сифатида қаралади.

(2) 1-бандда кўрсатилган идора аризага биноан ўзининг реестрида халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қайд қилиши керак.

#### **5-модда**

### **Баъзи Аҳдлашувчи Томонларга нисбатан муҳофаза қилишни рад этиш ва халқаро рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш**

(1) халқаро рўйхатдан ўтказиш натижасида келиб чиққан муҳофазани 3 ter (1) ёки (2)-моддага мувофиқ ушбу Аҳдлашувчи томонга татбиқ этиш тўғрисида Халқаро бюронинг

билдиришномасини олган Аҳдлашувчи томонлар идораси, қўлланаётган қонунчилик бунга имкон берса, рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган Аҳдлашувчи томонга ушбу кенгайишнинг мавзуси бўлган белги муҳофаза қилинмаслигини маълум қилишга ҳақли. Бундай рад этиш Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига мувофиқ буюртманома бевосита рад этиш тўғрисида хабар берган идорага берилган белгига нисбатан қўлланадиган сабабларга асосланиши мумкин. Бироқ миллий қонунчилик классларнинг фақат чекланган сони ёки товарлар, ёки хизматларнинг чекланган сони рўйхатдан ўтказилишини назарда тутиши асосидагина муҳофаза қилиш, ҳатто, қисман рад этилиши мумкин эмас.

(2) ?а) Бундай ҳуқуқдан фойдаланишни хоҳловчи истаган идора ушбу идора учун қўлланиладиган қонунда назарда тутилган муддатда, бироқ «b» ва «c»- бандларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу модданинг 1-бандида назарда тутилган муҳофаза қилишни татбиқ этиш тўғрисидаги билдиришнома Халқаро бюро томонидан ушбу идорага юборилган санадан бошлаб бир йил тамом бўлишидан аввал барча сабабларни кўрсатган ҳолда, ўзининг рад этиши тўғрисида Халқаро бюрони хабардор қилиши керак.

(b) «a»-кичик бандига қарамай, исталган Аҳдлашувчи томон ушбу Баённома туфайли амалга оширилган халқаро рўйхатдан ўтказишлар учун «a»-кичик бандда назарда тутилган бир йиллик муддат 18 ой билан алмаштирилишини маълум қилиши мумкин.

(c) Бундай аризада агар муҳофаза қилишни рад этиш муҳофаза қилишни тақдим этишга эътироз билдириш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлса, у ҳолда эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи томон идораси 18 ой тамом бўлгандан кейин бундай рад этиш тўғрисида Халқаро бюрога хабар бериши мумкин деб кўрсатилиши ҳам мумкин. Агар:

(i) 18 ой тамом бўлгунига қадар у 18 ой тамом бўлгандан кейин эътироз билдирилиши мумкинлиги тўғрисида Халқаро бюрони хабардор этган тақдирда ва

(ii) эътирозга асосланган рад этиш тўғрисидаги билдиришнома эътирозлар учун муддат ҳисобланиши бошланган санадан бошлаб етти ойдан иборат энг кўп муддат ичида амалга оширилган тақдирда, ушбу идора 18 ой тамом бўлгандан кейин муайян халқаро рўйхатдан ўтказишга нисбатан муҳофаза қилишни рад этиши тўғрисида хабар қилиши мумкин; агар эътирозлар учун белгиланган муддат етти

ойдан аввалроқ тамом бўлса, билдиришнома эътирозлар учун кўрсатилган муддат тамом бўлиши санасидан бошлаб бир ойлик муддат ичида юборилиши керак.

(d) «b» ва «с»-кичик бандларига мувофиқ исталган ариза 14 (2)-моддада назарда тутилган ҳужжатларда берилиши мумкин ва ариза берган давлат ёки ҳукуматлараро ташкилотга нисбатан Баённома кучга кириши санаси ариза кучга кирадиган сана ҳисобланади. Бундай ариза кейинроқ ҳам берилиши мумкин; ушбу ҳолатда у Бутунжаҳон интеллектул мулк ташкилотининг бош директори (кейинги ўринларда матнда «Бош директор» деб юритилади) томонидан олингандан сўнг уч ойдан кейин ёки санаси ариза кучга кирадиган сана ҳисобланадиган халқаро рўйхатдан ўтказишларга нисбатан аризада кўрсатилган исталган кечроқ санада, ёхуд янада кечроқ санада кучга киради.

(e) Ушбу Баённома кучга киргандан кейин ўн йил ўтиб, Ассамблея «а»-«d»-кичик бандларда белгиланган тизимларнинг фаолиятини текширади. Кейинчалик кўрсатилган кичик бандларнинг таомиллари Ассамблеянинг бир овоздан қабул қилган қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

(3) Халқаро бюро дарҳол халқаро рўйхатдан ўтказиш эгасига рад этиш тўғрисидаги билдиришномалар нусхаларидан бирини юборади. Кўрсатилган эгаси белги улар томонидан ўзининг рад этиши тўғрисида хабардор қилган идорага бевосита маълум қилингани сингари эътирозларни бериш учун шундай имкониятларга эга бўлади. Агар Халқаро бюро 2 «с»-бандга мувофиқ ахборот олса, у кечикмай уни халқаро рўйхатдан ўтказишнинг эгасига юборади.

(4) Белгини муҳофаза қилишни рад этиш сабаблари тўғрисида Халқаро бюро тегишли сўровнома берган манфаатдор шахсларга хабар қилади.

(5) 1 ва 2 бандларга мувофиқ муайян халқаро рўйхатдан ўтказишга нисбатан дастлабки ёки сўнгги рад этиш тўғрисида Халқаро бюрони хабардор қилмаган ҳар қандай идора ушбу халқаро рўйхатдан ўтказишга нисбатан 1-бандда назарда тутилган ҳуқуқни йўқотади.

(6) Аҳдлашувчи томонлар худудида халқаро рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ушбу Аҳдлашувчи томонларнинг ваколатли органлари томонидан ушбу рўйхатдан ўтказиш эгасига тегишли муддатда ўз ҳуқуқларини муҳофаза қилиш имкониятини бермай туриб чиқарилиши мумкин

эмас. Рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ҳақида Халқаро бюрога хабар қилинади.

### **5bis-модда**

#### **Белгининг алоҳида элементларидан фойдаланишнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар**

Белгилардаги герблар, герб қалқонлари, портретлар, фарқловчи белгилар, унвонлар, фирма номлари ёки буюртманома берувчи номидан ташқари шахсларнинг исмлари сингари алоҳида элементлар ёки Аҳдлашувчи томонларнинг идоралари томонидан талаб қилиниши мумкин бўлган бошқа шунга ўхшаш ёзувлардан фойдаланишнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳар қандай легализациялардан ҳамда келиб чиқиш идораси тасдиғидан ташқари ҳар қандай тасдиқлашдан озод этилади.

### **5ter-модда**

#### **Халқаро реестрдаги ёзувлар нусхаси.**

#### **Янгиликка изланиш. Халқаро реестрдан кўчирма**

(1) Халқаро бюро унинг илтимосига биноан ва Йўриқномада белгиланган йиғимларни тўлаш шарти билан исталган шахсга муайян белгига нисбатан Халқаро реестрга киритилган ёзувлар нусхасини тақдим этади.

(2) Халқаро бюро, шунингдек, тўлов эвазига халқаро рўйхатдан ўтказишлар мавзуси ҳисобланган белгилар фонди бўйича янгиликка изланиш ўтказиши мумкин.

(3) Уларни Аҳдлашувчи томонларнинг бирида тақдим этиш мақсадида сўраладиган Халқаро реестрдан кўчирма ҳар қандай легализациядан озод этилади.

### **6-модда**

#### **Халқаро рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддати.**

#### **Халқаро рўйхатдан ўтказишнинг боғлиқлиги ва боғлиқ эмаслиги**

(1) Белгини Халқаро бюрода рўйхатдан ўтказиш 7-моддада белгиланган шартларда узайтириш имконияти билан ўн йилга амалга оширилади.

(2) Халқаро рўйхатдан ўтказиш санасидан бошлаб беш йиллик муддат тамом бўлгандан кейин, ушбу рўйхатдан ўтказиш унинг асосида амалга оширилган базавий буюртманомога ёки рўйхатдан ўтказишга, ёки қуйидаги таомилларни ҳисобга олган ҳолда вазиятга қараб базавий рўйхатдан ўтказишга боғлиқ бўлмайди.



(3) Агар халқаро рўйхатдан ўтказиш санасидан бошлаб беш йил тамом бўлгунига қадар унинг асосида амалга оширилган базавий буюртманома ёки рўйхатдан ўтказиш, ёки базавий рўйхатдан ўтказиш вазиятга қараб қайтариб олинган бўлса, унинг амал қилиш муддати тамом бўлган бўлса, ёки у рад этилган бўлса, ёки у рад этиш, бекор қилиш, реестрдан олиб ташлаш ёки халқаро рўйхатдан ўтказишда санаб ўтилган товарлар ва хизматларнинг барчасига ёки бир қисмига нисбатан ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги сўнгги қарорнинг мавзуси бўлган бўлса, ҳуқуқни бериш санаси бўлганми йўқми, бундан қатъи назар халқаро рўйхатдан ўтказиш натижасида келиб чиққан муҳофаза сўралиши мумкин эмас. Шунингдек,, агар

(i) базавий буюртманомани ҳақиқий эмас деб эътироф этишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинса,

(ii) базавий буюртманома асосида амалга оширилган базавий буюртманомани ёки базавий рўйхатдан ўтказишни қайтариб олиш ёки бекор қилиш, реестрдан олиб ташлаш ёки рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш билан боғлиқ ҳолда судга мурожаат қилинса ёки суд томонидан текширилса, ёки

(iii) бундай шикоят қилиш, суд текшируви ёки рад этиш эслатиб ўтилган муддат тамом бўлгунига қадар бошланган тақдирда, беш йил тугагандан кейин базавий буюртманомага қарши эътироз билдириш рад этиш, бекор қилиш, реестрдан олиб ташлаш ёки ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги сўнгги қарорга ёки вазиятга қараб унинг асосида амалга оширилган базавий буюртманома ёки рўйхатдан ўтказиш ёки базавий рўйхатдан ўтказиш қайтариб олинishi талаб этиладиган қарорга олиб келса, уни қўллаш мумкин. У, шунингдек,, қайтариб олиш ёки бекор қилиш вақтида кўрсатилган буюртманома ёки кўрсатилган рўйхатдан ўтказиш «i», «ii», «iii»-кичик бандларда назарда тутилган бирор-бир тартиб-таомилларнинг мавзуси бўлган тақдирда ва бу тартиб-таомил кўрсатилган муддат тамом бўлгунига қадар бошланган тақдирда, агар беш йил тамом бўлгандан кейин базавий буюртманома қайтариб олинса ёки унинг асосида амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш ёки базавий рўйхатдан ўтказиш рад этилса, қўлланиши мумкин.

(4) Келиб чиқиш идораси Йўриқномада кўрсатилганидек, 3-бандга мувофиқ тегишли ҳолатлар ва қарорлар тўғрисида Халқаро бюрони хабардор қилади, Халқаро бюро эса манфаатдор томонларни хабардор қилади ва Йўриқномада кўрсатилгани сингари тегишли

эълон қилишни амалга оширади. Келиб чиқиш идораси зарур бўлганда халқаро рўйхатдан ўтказишни белгиланган тартибда халқаро реестрдан олиб ташлаш илтимоси билан Халқаро бюрога муурожаат қилади, ва Халқаро бюро бу илтимосни бажаради.

#### **7-модда**

##### **Халқаро рўйхатдан ўтказишни узайтириш**

(1) Исталган рўйхатдан ўтказиш 8 (7)-моддани ҳисобга олган ҳолда асосий божни ва 8 (2)-моддасида назарда тутилган қўшимча ва қўшилган божни шунчаки тўлаш йўли билан, аввалги муддат тамом бўлган санадан бошлаб ўн йилга узайтирилиши мумкин.

(2) Узайтирилаётганда охирги турдаги аввалги рўйхатдан ўтказишга нисбатан ҳеч бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

(3) Муҳофаза қилиш муддати тамом бўлишидан олти ой аввал Халқаро бюро норасмий хабар бериш йўли билан эслатиб ўтилган муддат тамом бўладиган аниқ санани халқаро рўйхатдан ўтказиш эгасига ва, зарур бўлса, унинг вакилига хабар қилади.

(4) Халқаро рўйхатдан ўтказишни узайтириш учун Йўриқномада белгиланган қўшимча йиғимни тўлаш шарти билан имтиёзли олти ойлик муддат берилади.

#### **8-модда**

##### **Халқаро буюртманома ва халқаро рўйхатдан ўтказиш учун йиғимлар**

(1) Келиб чиқиш идораси ўз ихтиёрига биноан халқаро буюртманомани бериш ёки халқаро рўйхатдан ўтказишни узайтириш учун буюртманома берувчига ёки халқаро рўйхатдан ўтказиш эгасига нисбатан ўз фойдасига миллий йиғимларни белгилаш ва ундиришга ҳақли.

(2) Халқаро бюрода белги халқаро божни дастлабки тўлаш шарти билан рўйхатга олинади. У 7 «а»-банд қоидаларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги бождларни ўз ичига олади:

(i) асосий бож;

(ii) уларга нисбатан белги қўлланадиган товарлар ёки хизматлар киритилган уч классдан ортиқча халқаро таснифнинг ҳар бир классига учун қўшимча бож;

(iii) 3 тер-моддага мувофиқ муҳофаза қилишни кенгайтириш тўғрисидаги ҳар бир ариза учун қўшилган бож.

(3) Бироқ 2 «ii»-бандда кўрсатилган қўшимча бож товарлар ёки хизматлар классларининг сони Халқаро бюро томонидан белгиланган ёки баҳслашилган бўлса, Йўриқномада белгиланган

муддатда халқаро рўйхатдан ўтказишнинг санасига таъсир қилмай тўланиши мумкин. Агар буюртманома берувчи томонидан белгиланган муддат тамом бўлгандан кейин қўшимча бож тўланмаган бўлса, ёки агар товарлар ёки хизматлар рўйхати керакли даражагача камайтирилмаган бўлса, у ҳолда халқаро буюртманома бўйича бундан кейин иш олиб бориш тугатилган деб ҳисобланади.

(4) Халқаро рўйхатдан ўтказиш учун турли тушумлардан тушган йиллик даромад ушбу Баённомани бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар ва харажатлар ҳисоблаб чиқилган ҳолда Халқаро бюро томонидан Аҳдлашувчи томонлар ўртасида теппа-тенг тақсимланади. 2 «ii» ва «iii»-бандда назарда тутилган бождан тушган даромадлар бундан мустасно.

(5) 2 «ii»-бандда кўрсатилган қўшимча божлардан ҳосил бўладиган сумма ҳар бир йил тамом бўлгандан кейин, манфаатдор Аҳдлашувчи томонлар ўртасида ҳар бир тамом бўлган йил давомида уларнинг ҳар бирида муҳофаза қилиш сўралган белгилар сонига мутаносиб равишда тақсимланади, дастлабки экспертизани ўтказадиган Аҳдлашувчи томонларга нисбатан эса ушбу сон Йўриқномада белгиланган коэффициентни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

(6) 2 «iii»-бандда кўрсатилган қўшилган божлардан ҳосил бўладиган сумма 5-моддада назарда тутилган ўша таомилларга мувофиқ тақсимланади.

(7) (а) Исталган Аҳдлашувчи томон 3 ter-моддасига мувофиқ у кўрсатилган ҳар бир рўйхатдан ўтказишга нисбатан ҳамда бундай рўйхатдан ўтказишни узайтиришга нисбатан қўшимча ва қўшилган божлардан тушган ажратмаларнинг бир қисми ўрнига у миқдори аризада кўрсатилган ва бундан кейинги аризаларда ўзгартирилиши мумкин бўлган, бироқ тежам ҳисобдан чиқарилган ташлангани ҳолда халқаро тартиб-таомилнинг натижаси ҳисобланган суммадан ортиқ бўлиши мумкин бўлмаган божни олишни хоҳлайди, кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи Томоннинг идораси буюртманома ушбу идоранинг реестрида белги ўн йилга рўйхатдан ўтказилганлиги учун буюртманома берувчидан ёки белгини рўйхатдан ўтказиш ўн йилга узайтирилганлиги учун рўйхатдан ўтказиш эгасидан олиш ҳуқуқига эга.

Агар якка тартибдаги бож тўланса, у ҳолда:

(i) агар 3 тер-моддага мувофиқ ушбу кичик бандга мувофиқ ариза берган Аҳдлашувчи Томонларгина кўрсатилган бўлса, 2 «ii»-бандда назарда тутилган ҳеч қандай қўшимча талаб қилинмайди;

(ii) ушбу кичик бандга мувофиқ ариза берган исталган Аҳдлашувчи томонларга нисбатан 2 «iii»-кичик бандда назарда тутилган ҳеч қандай қўшилган бож талаб қилинмайди.

(b) Исталган ариза «а»-кичик бандга мувофиқ 14 (2)-моддада назарда тутилган ҳужжатларда берилиши мумкин, бунда ариза берган давлат ёки ҳукуматлараро ташкилотга нисбатан ушбу Баённома кучга кирган сана ушбу ариза кучга кирадиган сана ҳисобланади. Бундай ариза кейинроқ берилиши мумкин; ушбу ҳолатда у Бош директор томонидан олингандан сўнг, уч ойдан кейин ёки санаси ариза кучга кирадиган сана ҳисобланадиган халқаро рўйхатдан ўтказишларга нисбатан аризада кўрсатилган исталган кечроқ санада, ёхуд янада кечроқ санада кучга киради.

### **9-модда**

#### **Халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси ўзгарганлиги тўғрисидаги ёзувни қайд қилиш**

Унинг номига халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ёзув қайд қилинган шахсининг аризасига биноан, ёки ех officio амалга оширилган манфаатдор идора илтимосига биноан, ёки манфаатдор шахс илтимосига биноан Халқаро бюро эгаси 2(1)-моддага мувофиқ халқаро буюртманомаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс бўлган тақдирда уларнинг ҳудудида кўрсатилган рўйхатдан ўтказиш амал қиладиган барча ёки баъзи Аҳдлашувчи томонларга нисбатан ва рўйхатдан ўтказишда санаб ўтилган товарлар ва хизматларнинг барчаси ёки бир қисмига нисбатан ушбу рўйхатдан ўтказишнинг эгаси ўзгарганлиги тўғрисида Халқаро реестрда ёзувни қайд этади.

### **9bis-модда**

#### **Халқаро рўйхатдан ўтказишга тегишли баъзи ёзувларни қайд этиш**

Халқаро бюро Халқаро реестрда қуйидаги ёзувларни қайд этади:

(i) халқаро рўйхатдан ўтказиш эгасининг номи ёки манзилига тегишли ҳар қандай ўзгаришлар тўғрисида;

(ii) халқаро рўйхатдан ўтказишнинг вакилини тайинлаш ва бундай вакилга тегишли ҳар қандай бошқа тегишли маълумотлар тўғрисида;

(iii) барча ёки баъзи Аҳдлашувчи томонларга нисбатан халқаро рўйхатдан ўтказишда санаб ўтилган товарлар ва хизматлар рўйхатини ҳар қандай чеклашлар тўғрисида;

(iv) барча ёки баъзи Аҳдлашувчи томонларга нисбатан ҳар қандай рад этиш, реестрдан олиб ташлаш ёки халқаро рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида;

(v) халқаро рўйхатдан ўтказишнинг мавзуси бўлган белгилар учун ҳуқуқларга тегишли Йўриқномада шартлашилган ҳар қандай бошқа тегишли маълумотлар тўғрисида.

### **9ter-модда**

#### **Баъзи ёзувларни қайд этиш учун йиғимлар**

9 ёки 9 bis-моддаларга мувофиқ исталган ёзувларни қайд этиш учун йиғимлар ундирилиши мумкин.

### **9quater-модда**

#### **Бир қанча Аҳдлашувчи давлатларнинг ягона идораси**

(1) Агар бир қанча Аҳдлашувчи давлатлар белгилар соҳасида ўз миллий белгиларини бир хиллаштиришга келишиб олса, улар:

(i) ягона идора ушбу давлатлардан ҳар бирининг миллий идорасининг ўрнини босади ва

(ii) аввалги ушбу модда таомиллари ҳамда 9 *quinquies* ва 9 *sexies*-моддалар қоидаларининг барчаси ёки бир қисмини қўллаш мақсадлари учун уларга тегишли ҳудудларнинг жами бир давлат сифатида қаралиши кераклиги тўғрисида Бош директорни хабардор қилиши керак.

(2) Ушбу билдиришнома фақат Бош директор шу муносабат билан бошқа Аҳдлашувчи томонларга хабар берадиган санадан бошлаб уч ой тамом бўлгандан кейин кучга киради.

### **9quinquies-модда**

#### **Халқаро рўйхатдан ўтказишни миллий ёки минтақавий буюртманомаларга айлантириш**

Агар келиб чиқиш идораси аризасига биноан халқаро рўйхатдан ўтказиш кўрсатилган рўйхатдан ўтказишда санаб ўтилган товарлар ва хизматларнинг барчаси ёки бир қисмига нисбатан 6 (4)-модда кучига кўра реестрдан олиб ташланса ва халқаро рўйхатдан ўтказишнинг эгаси бўлган шахс уларнинг ҳудудида халқаро рўйхатдан ўтказиш амалда бўлган Аҳдлашувчи томонлардан бирининг идорасига ўша белгини рўйхатдан ўтказиш учун буюртманома берса, у ҳолда ушбу буюртманома 3 (4)-моддага мувофиқ халқаро рўйхатдан ўтказиш санасида ёки 3 *ter* (2)-моддага

мувофиқ ҳудудий кенгайиш тўғрисида ёзувни қайд этиш санасида берилгани сингари қаралади ва, агар халқаро рўйхатдан ўтказиш устуворликка эга бўлса, у ҳолда ушбу буюртманома:

(i) кўрсатилган буюртманома халқаро рўйхатдан ўтказиш реестрдан олиб ташланган санадан бошлаб уч ой мобайнида берилган тақдирда,

(ii) буюртманомада санаб ўтилган товарлар ва хизматлар манфаатдор Аҳдлашувчи томонларга нисбатан халқаро рўйхатдан ўтказишдаги товарлар ва хизматлар рўйхати билан ҳақиқатан ҳам қопланган тақдирда, ва

(iii) кўрсатилган буюртманома қўлланадиган қонунчиликнинг барча талабларига, шу жумладан, йиғимларга тегишли талабларга мувофиқ келган тақдирда шундай устуворликка эга бўлади.

### **9sexies-модда**

#### **Мадрид битимини (Стокгольм) сақлаш**

(1) Агар муайян халқаро буюртманома ёки муайян халқаро рўйхатдан ўтказишга нисбатан келиб чиқиш идораси бир вақтнинг ўзида ушбу Баённома ва Мадрид битими (Стокгольм) иштирокчиси саналган давлат идораси бўлса, у ҳолда ушбу Баённома таомиллари бир вақтнинг ўзида ушбу Баённома ва Мадрид битими (Стокгольм) иштирокчиси саналган исталган бошқа давлат ҳудудида амал қилмайди.

(2) Ассамблея ушбу Баённома кучга кириши санасидан бошлаб ўн йил тамом бўлгунга қадар, бироқ Мадрид битими (Стокгольм) аъзо бўлган кўпчилик мамлакатлар ушбу Баённома Томонлари бўлиши санасидан бошлаб беш йилдан кейин овоз берганларнинг тўртдан уч қисмдан иборат кўпчилик овоз билан бандни бекор қилиши ёки унинг амал қилиш соҳасини чеклаши мумкин. Бир вақтнинг ўзида Ушбу Битим ва Ушбу Баённома Томонлари бўлган давлатларгина Ассамблеяда овоз бериш ҳуқуқига эга.

### **10-модда**

#### **Ассамблея**

(1) (a) Аҳдлашувчи Томонлар Мадрид битими (Стокгольм) иштирокчиси бўлган мамлакатлар аъзо бўлган Ассамблеянинг аъзолари ҳисобланади.

(b) Махсус иттифоққа кирувчи ҳар бир мамлакатнинг ҳукумати бир делегатдан иборат. У ўринбосарлар, маслаҳатчилар ва экспертларга эга бўлиши мумкин.

(с) Ҳар бир делегациянинг харажатларини уни тайинлаган ҳукумат кўтаради, ҳар бир Аҳдлашувчи томоннинг бир делегатининг ҳаракат қилиши ва бўлиши сарф-харажатлари бундан мустасно. Ушбу сарф-харажатлар Иттифоқ зиммасига юкланади.

(2) Мадрид битими (Стокгольм) мувофиқ унга юкланган вазифалардан ташқари Ассамблея:

(i) Ушбу Баённомани қўллашга тегишли барча масалаларни кўриб чиқади;

(ii) Ушбу Баённоманинг томонлари бўлмаган Иттифоқ мамлакатлари мулоҳазаларини тегишли равишда эътиборга олиб, ушбу Баённомани қайта кўриб чиқиш бўйича конференцияларни тайёрлаш борасида Халқаро бюрога кўрсатмалар беради;

(iii) ушбу Баённомани қўллашга тегишли Йўриқнома таомилларига ўзгартиришларни қабул қилади ва киритади;

(iv) ушбу Баённомага мувофиқ унинг зиммасига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

(3) (а) Ҳар бир Аҳдлашувчи томон Ассамблеяда бир овозга эга. Мадрид битими (Стокгольм) иштирокчилари ҳисобланган мамлакатларгагина тегишли масалалар бўйича ушбу Битимнинг иштирокчиси бўлмаган Аҳдлашувчи томонлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди, айти пайтда, фақат Аҳдлашувчи томонларга тегишли масалалар бўйича фақат улар овоз бериш ҳуқуқига эга.

(б) Муайян масала бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Ассамблея аъзоларининг ярми ушбу масала бўйича овоз бериш учун кворумни ташкил этади.

(с) (б)-кичик банд қоидаларига қарамай, агар бирор-бир сессияда муайян масала бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Ассамблея аъзоларининг сони уларнинг ярмидан кам бўлса, ушбу масала бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Ассамблея аъзоларининг учдан бир қисмидан ошса ёки тенг бўлса, Ассамблея қарор қабул қилиши мумкин; бироқ ўз тартиб-таомилига тегишли бўлган қарорлардан ташқари Ассамблея қарорлари қуйида келтирилган шартларга риоя этилгандагина мажбурий бўлади. Халқаро бюро бундай қарорларни кўрсатилган масала бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ва унда вакилига эга бўлмаган Ассамблея аъзоларига юборади, ва уларга қарорлар жўнатилган санадан бошлаб уч ой ичида ёзма шаклда унинг учун овоз бериши ёки унга қарши овоз бериши, ёхуд овоз беришда бетараф қолишини хабар қилишларини таклиф этади. Агар ушбу муддат тамом бўлгандан кейин шу тарзда

овоз берган ёки овоз беришда бетараф қолган аъзолар сони, ҳеч бўлмаганда, сессияда кворумга эришиш учун етишмаган аъзолар сонига тенг бўлса, бундай қарор айтиш бир вақтда зарур кўпчилик овоз мавжуд бўлиши шарти билан кучга киради.

(d) 5 (2) "e", 9 sexies (2), 12 ва 13 (2)-моддалар қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Ассамблея қарори иккидан уч қисмдан иборат кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

(e) Овоз беришда бетараф бўлганлар ҳисобга олинмайди.

(f) Делегат Ассамблеянинг фақат бир аъзоси номидан қатнашиши ва фақат унинг номидан овоз бериши мумкин.

4) Мадрид битимига (Стокгольм) мувофиқ, навбатдаги ва навбатдан ташқари сессиялардан ташқари, Ассамблея ушбу сессиянинг кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалар юзасидан овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Ассамблея аъзоларининг чорак қисми илтимосига биноан Бош директор томонидан навбатдаги сессияга чақарилади.

## **11-модда**

### **Халқаро бюро**

1) Ушбу Баённомага мувофиқ халқаро рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ функциялар ҳамда ушбу Баённомага тегишли бошқа маъмурий функциялар Халқаро бюро томонидан амалга оширилади.

(2) (a) Халқаро бюро Ассамблея кўрсатмаларига мувофиқ ушбу Баённомани қайта кўриб чиқиш бўйича ўтказиладиган конференцияни тайёрлайди.

(b) Халқаро бюро ушбу Баённомани қайта кўриб чиқиш бўйича кўрсатилган конференцияларни тайёрлаш масалалари бўйича ҳукуматлараро ва халқаро ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан маслаҳатлашиши мумкин.

(c) Бош директор ва у томонидан тайинланган шахслар ушбу қайта кўриб чиқиш бўйича ўтказиладиган конференцияларда масалаларни муҳокама этиш жараёнида овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашади.

(3) Халқаро бюро ушбу Баённомага тегишли унинг зиммасига юкланган исталган бошқа функцияларни бажаради.

## **12-модда**

### **Молия**

Кўрсатилган Битимнинг 8-моддаси учун исталган ҳавола ушбу Баённоманинг 8-моддаси учун ҳавола сифатида қаралишини назарда тутган ҳолда, Аҳдлашувчи томонларга нисбатан Иттифоқ молиялари



Мадрид битимининг (Стокгольм) 12-моддасидаги қоидалар билан тартибга солинади. Бундан ташқари, кўрсатилган Битимнинг 12 (б) «b»-моддаси мақсадлари учун Аҳдлашувчи ташкилотлар агар Ассамблея бир овоздан бошқа қарорни қабул қилмаса, Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига мувофиқ 1 бадалларнинг биринчи классига тегишли сифатида қаралади.

### **13-модда**

#### **Баённоманинг баъзи моддаларига тузатишлар киритиш**

(1) 10, 11, 12-моддаларга ва ушбу моддага тузатишлар исталган Аҳдлашувчи томон ёки Бош директор томонидан киритилиши мумкин. Бундай таклифлар Бош директор томонидан улар Ассамблея томонидан кўриб чиқилишидан камида олти ой аввал Аҳдлашувчи томонларга юборилади.

(2) (1)-бандда кўрсатилган моддаларга исталган тузатишлар Ассамблея томонидан киритилади, бунинг учун тўртдан уч қисмдан иборат кўпчилик овоз талаб этилади; бироқ 10-моддага ва макзур бандга киритилдиган исталган тузатишлар бешдан тўрт қисмдан иборат кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

(3) (1)-бандда назарда тутилган моддаларга киритилдиган исталган тузатишлар Бош директор тузатиш киритишда Ассамблея аъзолари бўлган ва ушбу тузатиш бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган давлатлар ва ҳукуматлараро ташкилотларнинг тўртдан уч қисмидан уларнинг конституциявий тартиб-таомилларига мувофиқ қабул қилиш тўғрисида ёзма билдиришномани олгандан кейин бир ойдан кейин кучга киради. Шу тарзда қабул қилинган кўрсатилган моддаларга киритилган исталган тузатиш ушбу тузатиш кучга кирган санада Аҳдлашувчи томонлар бўлган ёки ушбу санадан кейин Аҳдлашувчи томонларга айланадиган барча давлатлар ва ҳукуматлараро ташкилотлар учун мажбурийдир.

### **14-модда**

#### **Баённомада қатнашиш шартлари. Кучга кириш**

(1) (а) Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг иштирокчиси саналган исталган давлат ушбу Баённоманинг қатнашчиси бўлиши мумкин.

(б) Бундан ташқари, исталган ҳукуматлараро ташкилот:

(i) ушбу ташкилотга аъзо бўлган давлатлардан бири Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясининг иштирокчиси ҳисобланса;

(ii) кўрсатилган ташкилот рўйхатдан ўтказиш мақсадлари учун агар бундай идора 9 quater-модда кучига кўра билдиришнома объекти бўлмасагина ушбу ташкилот ҳудудида кучга эга бўлган минтақавий идорага эга бўлса, ушбу Баённоманинг иштирокчисига айланиши мумкин.

(2) (1)-бандда кўрсатилган исталган давлат ёки ташкилот ушбу Баённомани имзолаши мумкин. 1-бандда кўрсатилган исталган давлат ёки ташкилот ушбу Баённомани имзолаган бўлса, ушбу Баённомани қабул қилиш ёки маъқуллаш тўғрисида ратификация ёрлиқлари ва ҳужжатларни сақлаш учун топшириши мумкин ёки агар улар ушбу Баённомани имзоламаган бўлса, ушбу Баённомага қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатларни сақлаш учун топшириши мумкин.

(3) (2)-бандда кўрсатилган ҳужжатлар сақлаш учун Бош директорга берилади.

(4) (a) Ушбу Баённома ушбу ҳужжатлардан камида биттаси Мадрид битими (Стокгольм) иштирокчиси бўлган давлат томонидан топширилган тақдирда ва ушбу ҳужжатлардан камида биттаси Мадрид битими (Стокгольм) иштирокчиси бўлмаган давлат томонидан топширилган тақдирда ёки 1 «b»-бандда кўрсатилган ташкилотлардан бири томонидан топширилган тақдирда тўртта ратификация ёрлиғи, қабул қилиш, маъқуллаш тўғрисидаги ва ҳужжатлар ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар топширилгандан кейин бир ойдан сўнг кучга киради.

(b) 1-бандда кўрсатилган бошқа исталган давлат ёки ташкилотга нисбатан ушбу Баённома Бош директор уни ратификация қилиш, қабул қилиш, маъқуллаш ёки унга қўшилиш тўғрисида билдиришноmani юборган санадан кейин уч ойдан сўнг кучга киради.

(5) (1)-бандда кўрсатилган бошқа исталган давлат ёки ташкилот ўзининг ушбу Баённомани қабул қилиш, маъқуллаш тўғрисидаги ратификация ёрлиқлари ва ҳужжатлари ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатларида ушбу давлат ёки ташкилотга нисбатан ушбу Баённома кучига кўра кучга кириш санасига қадар ушбу Баённома кучига кўра амалга оширилган халқаро рўйхатдан ўтказиш натижасида келиб чиққан муҳофаза уларга татбиқ этилиши мумкин эмаслигини билдириши мумкин.

## **15-модда**

### **Денонсация**

(1) Ушбу Баённоманинг амал қилиш муддати чекланмаган.

(2) Исталган Аҳдлашувчи томон Бош директорга юборилган билдиришнома йўли билан ушбу Хужжатни денонсация қилиши мумкин.

(3) Денонсация Бош директор томонидан денонсация тўғрисида билдиришнома қабул қилингандан сўнг бир йил ўтиб кучга киради.

(4) Ушбу моддада назарда тутилган денонсация қилиш ҳуқуқи, ушбу томонга нисбатан ушбу Баённома кучга кирган санадан бошлаб, беш йилгача Аҳдлашувчи томон томонидан фойдаланиши мумкин эмас.

(5) (а) Агар белги денонсация қилиш кучга кирган санада ушбу Баённомани узайтираётган давлатда ёки ҳукуматлараро ташкилотда амалда бўлган халқаро рўйхатдан ўтказиш мавзуси бўлса, у ҳолда кўрсатилган рўйхатдан ўтказиш эгаси 3(4)-моддага мувофиқ халқаро рўйхатдан ўтказиш санасида ёки 3-тер (2)-моддага мувофиқ ҳудудий кенгайиш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш санасида у берилгани сингари қараладиган ва, агар рўйхатдан ўтказиш устуворликка эга бўлган бўлса:

(i) денонсация қилиш кучга кирган санадан бошлаб икки йил мобайнида бундай буюртманнома берилган тақдирда;

(ii) буюртманномада санаб ўтилган товарлар ва хизматлар ушбу Баённомани денонсация қилган давлатлар ва ташкилотларга нисбатан халқаро рўйхатдан ўтказишда мавжуд бўлган товарлар ва хизматлар рўйхати билан ҳақиқатан ҳам қопланган тақдирда, ва

(iii) бундай буюртманнома қўлланадиган қонунчиликнинг барча талабларига, шу жумладан, йиғимларга тегишли талабларга мувофиқ келган тақдирда шундай устуворликка эга бўладиган белгини рўйхатдан ўтказиш учун буюртманномани бундай давлат ёки бундай халқаро ташкилот идорасига бериши мумкин.

(б) «а»-кичик банд қоидалари денонсация кучга кириши санасида ушбу Баённомани денонсация қилган давлат ёки ҳукуматлараро ташкилотдан бошқа Аҳдлашувчи томонларда амалда бўлган халқаро рўйхатдан ўтказиш мавзуси бўлган, ва унинг эгаси денонсация натижасида 2 (1)-моддага мувофиқ халқаро буюртманномани бериш ҳуқуқига бошқа эга бўлмайдиган исталган белгига нисбатан қўлланади.

## **16-модда**

### **Имзолаш. Тиллар. Депозитарий функциялари**

(1) (а) Ушбу Баённома инглиз, испан ва француз тилларида бир нусхада имзоланади ва сақлаш учун Бош директорга топширилади.

Шундан сўнг у Мадридда имзолаш учун ёпилади. Учта тиллардаги матнлар асл матнлардир.

(b) Ушбу Баённоманинг расмий матнлари манфаатдор ҳукуматлар ва ташкилотлар билан маслаҳатлашилгандан кейин араб, италян, хитой, немис, португал, рус ва япон тилларида ҳамда Ассамблея белгилаши мумкин болган бошқа тилларда Бош директор томонидан ишлаб чиқилади.

(2) Ушбу Баённома 1989 йил 31 декабрга қадар Мадридда имзолаш учун очик.

(3) Бош директор Испания Ҳукумати томонидан тегишли равишда тасдиқланган ушбу Баённоманинг имзоланган матнларининг иккита нусхасини ушбу Баённома қатнашчиси бўлиши мумкин бўлган барча давлатлар ва ҳукуматлараро ташкилотларга юборади.

(4) Бош директор Ушбу Баённомани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятида рўйхатдан ўтказди.

(5) Бош директор ратификация ёрлиқлари, имзо чекиш, қўшилиш, маъқуллаш тўғрисида ёки қўшилиш тўғрисида ҳужжатларни сақлаш учун топшириш, шунингдек, ушбу Баённоманинг кучга кириши, унинг исталган ўзгартирилиши, денонсация тўғрисида исталган билдиришнома ва ушбу Баённомада назарда тутилган исталган ариза тўғрисида ушбу Баённоманинг Томонлари бўлиши мумкин бўлган ёки, аллақачон, Томонлари бўлган барча давлатлар ва ҳукуматлараро ташкилотларни хабардор қилади.

**Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига ва ушбу Битимга Баённомага умумий йўриқнома (1998 йил 1 январдан бошлаб амал қилади)**

**Қоидалар рўйхати**

**1-бўлим: Умумий қоидалар**

1-қоида: Қисқартирилган жумлалар

2-қоида: Халқаро бюро билан алоқа

3-қоида: Халқаро бюродаги вакиллик

4-қоида: Муддатларни ҳисоблаб чиқиш

5-қоида: Почта хизмати кўрсатиш ва етказиб беришдаги узилишлар

6-қоида: Тиллар

7-қоида: Айрим алоҳида талаблар тўғрисида хабар қилиш

## **2-бўлим: Халқаро буюртманома**

8-қоида: Бир нечта буюртманома берувчилар

9-қоида: Халқаро буюртманомага қўйиладиган талаблар

10-қоида: Халқаро буюртманома муносабати билан тўланадиган божлар ва йиғимлар

11-қоида: Қоидаларга риоя қилмаслик, таснифлашга ёки товарлар ва хизматларни кўрсатишга нисбатан қўлланиладиган қоидалар бундан мустасно

12-қоида: Товарлар ва хизматларни таснифлашга нисбатан қўлланиладиган қоидаларга риоя қилмаслик

13-қоида: Товарлар ва хизматларни кўрсатишга нисбатан қўлланиладиган қоидаларга риоя қилмаслик

## **3-бўлим: Халқаро рўйхатдан ўтказиш**

14-қоида: Белгини Халқаро реестрда рўйхатдан ўтказиш

15-қоида: Халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси

**4-бўлим: Аҳдлашувчи давлатларда мавжуд бўлган ва халқаро рўйхатдан ўтказишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фактлар**

16-қоида: Эътироз билдириш асосида рўйхатдан ўтказиш дастлабки рад этилиши тўғрисида дастлабки билдиришнома учун муддат

17-қоида: Дастлабки рад этиш ва муҳофаза тақдим этилиши тўғрисида баёнот

18-қоида: Рўйхатдан ўтказиш дастлабки рад этилиши тўғрисидаги билдиришномага нисбатан қўлланиладиган қоидаларга риоя қилмаслик

19-қоида: Кўрсатилган Аҳдлашувчи томонларда халқаро рўйхатдан ўтказишнинг ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши

20-қоида: Эгасининг халқаро рўйхатдан ўтказишни тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаш

20 bis-қоида: Лицензиялар

21-қоида: Халқаро рўйхатдан ўтказишни миллий ёки минтақавий рўйхатдан ўтказишни алмаштириш

22-қоида: Базавий буюртманоманинг, унга асосланган рўйхатдан ўтказиш ёки базавий рўйхатдан ўтказишнинг амал қилишини тўхтатиш

23-қоида: Базавий буюртманоманинг, унга асосланган рўйхатдан ўтказиш ёки базавий рўйхатдан ўтказишнинг бўлиниши ёки қўшилиши

## **5-бўлим: Бундан кейинги кўрсатмалар, ўзгаришлар**

24-қоида: Халқаро рўйхатдан ўтказишдан кейин берилган кўрсатма

25-қоида: Ҷзгариш ҳақидаги ёзувни киритиш тўғрисидаги ёки бекор қилиш ҳақидаги ёзувни киритиш тўғрисидаги нотўғри расмийлаштирилган баёнот

26-қоида: Ҷзгариш ҳақидаги ёзувни киритиш тўғрисидаги баёнот; бекор қилиш ҳақидаги ёзувни киритиш тўғрисидаги баёнот

27-қоида: Ҷзгариш ҳақида ёки бекор қилиш тўғрисидаги ёзувни киритиш ва билдиришнома; халқаро рўйхатдан ўтказишларни бирга қўшиш; эгаси ўзгариши ёки чеклаш кучга эга эмаслиги тўғрисидаги баёнот

28-қоида: Халқаро реестрда тузатиш

### **6-бўлим: Амал қилиш муддатини узайтириш**

29-қоида: Амал қилиш муддати тамом бўлганлиги тўғрисидаги норасмий билдиришнома

30-қоида: Амал қилиш муддати узайтирилишига нисбатан тафсилотлар

31-қоида: Рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиш муддати узайтирилиши тўғрисидаги ёзувни киритиш; билдиришнома ва гувоҳнома

### **7-бўлим: Бюллетень ва маълумотлар базаси**

32-қоида: Ахборотнома

33-қоида: Маълумотларнинг электрон базаси

### **8-бўлим: Божлар ва йиғимлар**

34-қоида: Божлар ва йиғимлар миқдори ва уларни тўлаш

35-қоида: Тўлаш учун қўлланиладиган пул маблағлари

36-қоида: Божлар ва йиғимлар тўлашдан озод қилиш

37-қоида: Қўшимча ва қўшилган божларни тақсимлаш

38-қоида: Якка тартибдаги божларни тегишли Аҳдлашувчи томонларнинг ҳисоб варақларига ўтказиш

### **9-бўлим: Бошқа қоидалар**

39-қоида: Айрим ворис давлатларда халқаро рўйхатдан ўтказишларнинг амал қилиши давом этиши

40-қоида: Кучга кириш; ўтувчи қоидалар

41-қоида: Маъмурий йўриқнома

## **1-бўлим**

### **Умумий қоидалар**

#### **1-қоида**

#### **Қисқартирилган жумлалар**

(i) "Битим" 1891 йил 14 апрелда қабул қилинган, 1967 йил 14 июлда Стокгольмда қайта кўриб чиқилган ва 1979 йил 2 октябрда

ўзгартирилган Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимини англатади;

(ii) "Баённома" 1989 йил 27 июнда қабул қилинган Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига Баённомани англатади;

(iii) "Аҳдлашувчи томон" Битим қатнашчиси бўлган исталган мамлакатни ёки Баённома қатнашчиси бўлган исталган давлат ёки ҳукуматлараро ташкилотни англатади;

(iv) "Аҳдлашувчи давлат" давлат ҳисобланган Аҳдлашувчи томонни англатади;

(v) "Аҳдлашувчи ташкилот" ҳукуматлараро ташкилот ҳисобланган Аҳдлашувчи томонни англатади;

(vi) "халқаро рўйхатдан ўтказиш" Битимга ёки Баённомага мувофиқ, ёки имкониятга боғлиқ равишда ҳар икки ҳужжатга мувофиқ, амалга оширилган белгининг рўйхатдан ўтказилишини англатади;

(vii) "халқаро буюртманома" Битимга ёки Баённомага мувофиқ, ёки имкониятга боғлиқ равишда ҳар икки ҳужжатга мувофиқ, халқаро рўйхатдан ўтказиш учун берилган буюртманомани англатади;

(viii) "фақат Битим билан тартибга солинадиган халқаро буюртманома" келиб чиқиш Идораси

- Битим билан боғлиқ бўлган, бироқ Баённома билан боғлиқ бўлмаган давлатнинг Идораси;

- агар халқаро буюртманомада кўрсатилган барча давлатлар (ушбу давлатлар Баённома билан ҳам боғлиқ эканлиги ёки боғлиқ эмаслигидан қатъи назар,) Битим билан боғлиқ бўлса, Битим ва Баённома билан боғлиқ давлатнинг Идораси бўлса халқаро буюртманомани англатади;

(ix) "фақат Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманома» келиб чиқиш Идораси

- Баённома билан боғлиқ бўлган, бироқ Битим билан боғлиқ бўлмаган давлатнинг Идораси;

- Аҳдлашувчи ташкилотнинг Идораси, ёки

- агар халқаро буюртманомада Битим билан боғлиқ давлатларнинг бирортасига кўрсатма мавжуд бўлмаса, Битим ва Баённома билан боғлиқ давлатнинг Идораси бўлса халқаро буюртманомани англатади;

(x) "Битим ва Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманнома" келиб чиқиш Идораси Битим ва Баённома билан боғлиқ давлатнинг Идораси ҳисобланган ва рўйхатга олишга асосланган ҳамда:

- ушбу давлат Баённома билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигидан қатъи назар,, Битим билан боғлиқ давлатлардан камида бири ҳақидаги кўрсатма мавжуд бўлган ва

- Баённома билан боғлиқ бўлган, бироқ Битим билан боғлиқ бўлмаган давлатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси ёки, ҳеч бўлмаганда, Аҳдлашувчи ташкилотлардан бири ҳақидаги кўрсатма мавжуд бўлган халқаро буюртманомани англатади;

(xi) "буюртманнома берувчи" унинг номидан халқаро буюртманнома бериладиган жисмоний ёки юридик шахсни англатади;

(xii) "юридик шахс" унга нисбатан қўлланиладиган қонунчиикка мувофиқ, ҳуқуққа эга бўлишга, ўз зиммасига мажбуриятлар олишга, судда даъво қўзғашга ёки суд томонидан таъқиб қилинишга ҳуқуқий лаёқатли бўлган корпорация, уюшма ёки бошқа гуруҳ ёки ташкилотни англатади;

(xiii) "базавий буюртманнома" Аҳдлашувчи томон Идорасига берилган ва ушбу белгини рўйхатдан ўтказиш учун халқаро буюртманнома учун асос ҳисобланадиган белгини рўйхадан ўтказишга буюртманомани англатади;

(xiv) "базавий рўйхатдан ўтказиш" Аҳдлашувчи томон Идораси томонидан амалга оширилган ва ушбу белгини рўйхатдан ўтказиш учун халқаро буюртманнома учун асос ҳисобланадиган белгини рўйхадан ўтказишни англатади;

(xv) "кўрсатма" ҳолатга боғлиқ равишда Битимнинг 3ter(1) ёки (2) ёки Баённоманинг 3ter(1) ёки (2)-моддасига мувофиқ, муҳофаза ёйилиши («худудий кенгайиш») тўғрисидаги баёнотни англатади; ушбу термин шунингдек, Халқаро реестрда рўйхатдан ўтказилган ана шундай кенгайтиришни ҳам англатади;

(xvi) "кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томон" унга нисбатан ҳолатга боғлиқ равишда Битимнинг 3ter(1) ёки (2) ёки Баённоманинг 3ter(1) ёки (2)-моддасига мувофиқ, муҳофаза ёйилиши («худудий кенгайиш»), ёки унга нисбатан бундай кенгайтириш Халқаро реестрда рўйхатдан ўтказилган Аҳдлашувчи томонни англатади;

(xvii) "Битимга мувофиқ, кўрсатилган Аҳдлашувчи томон"

(xvii bis) "У ҳақидаги кўрсатма Битим билан тартибга солинадиган Аҳдлашувчи томон" Битимга мувофиқ, кўрсатилган



Аҳдлашувчи томонни, ёки эгасининг ўзгариши рўйхатдан ўтказилган бўлса ва эгасининг Аҳдлашувчи томони ушбу Битим билан боғлиқ бўлса, у ҳолда ушбу Битим билан боғлиқ бўлган кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонни англатади;

(xviii) "Баённомага мувофиқ, кўрсатилган Аҳдлашувчи томон" унга нисбатан Баённоманинг 3ter(1) ёки (2)-моддасига мувофиқ, сўралган муҳофаза («худудий кенгайтириш») Халқаро реестрда рўйхатдан ўтказилган кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонни англатади;

(xix) "дастлабки рад этиш тўғрисида билдиришнома" кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томон Идорасининг Битимнинг 5(1)-моддасига ёки Баённоманинг 5(1)-моддасига мувофиқ, берилган баёнотини англатади;

(xixbis) "ҳақиқий эмас деб эътироф этиш" кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томон ваколатли органи (маъмурий ёки суд органи)нинг халқаро рўйхатдан ўтказишнинг ушбу Аҳдлашувчи томон кўрсатилиши билан қамраб олинadиган барча ёки айрим товарлар ёки хизматларга нисбатан ушбу Аҳдлашувчи томон ҳудудида амал қилишини бекор қилиш ёки кучдан қолдириш ҳақидаги қарорини англатади;

(xx) "Бюллетень" 32-қоидада эслатилган даврий бюллетенни англатади;

(xxi) "эгаси" Халқаро реестрда халқаро рўйхатдан ўтказиш унинг номига амалга оширилган жисмоний ёки юридик шахсни англатади;

(xxii) "Тасвирий элементларнинг халқаро таснифи" 1973 йил 12 июндаги Белгиларнинг тасвирий элементларини халқаро таснифлашни таъсис этадиган Вена битими билан таъсис этилган таснифлашни англатади;

(xxiii) "Товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифи" Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товарлар ва хизматларни халқаро таснифлаш тўғрисида 1957 йил 15 июнда қабул қилинган, Стокгольмда 1967 йил 14 июлда ва Женевада 1977 йил 13 майда қайта кўриб чиқилган Ницца битими томонидан таъсис этилган таснифлашни англатади;

(xxiv) "Халқаро реестр" Халқаро бюро томонидан юритиладиган ва у ёзиб борилиши улар сақланадиган манбадан қатъи назар, Битим, Баённома ёки Йўриқнома томонидан талаб қилинадиган ёки рухсат бериладиган халқаро рўйхатдан ўтказишлар тўғрисидаги маълумотларнинг расмий тўпламини англатади;

(ххv) "Идора" Аҳдлашувчи томоннинг белгилар рўйхатдан ўтказилиши учун жавоб берадиган Идорасини ёки Битимнинг 9quater-моддасида ёки Баённоманинг 9quater-моддасида эслатилган идорани ёки, ҳолатга боғлиқ равишда, ҳар икки идорани англатади;

(ххvi) "Келиб чиқиш Идораси" таърифи Битимнинг 1(3)-моддасида келтирилган Идорани ёки таърифи Баённоманинг 2(2)-моддасида келтирилган Идорани ёки ҳолатга боғлиқ равишда ҳар икки идорани англатади;

(ххvibis) "эгасининг Аҳдлашувчи томони" идораси келиб чиқиш Идораси ҳисобланган Аҳдлашувчи томонни, ёки агар эгасининг ўзгартирилиши рўйхатдан ўтказилган бўлса Аҳдлашувчи томонни ёки эгаси халқаро рўйхатдан ўтказишнинг эгаси бўлиш учун Битимнинг 1(2) ва 2- моддасига ёки Баённоманинг 2-моддасига мувофиқ, уларга нисбатан шартларни бажарадиган Аҳдлашувчи томонларни англатади;

(ххvii) "расмий бланка" Халқаро бюро томонидан таъсис этилган бланкани ёки ана шундай мазмунга ва форматга эга бўлган исталган бланкани англатади;

(ххviii) "тўланиши керак бўлган бож" ёки "тўланиши керак бўлган йиғим" Божлар ва йиғимлар рўйхатида кўрсатилган тегишли равишда қўлланиладиган бож ва йиғимни англатади;

(ххix) "Бош директор" Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Бош директорини англатади;

(ххx) "Халқаро бюро" Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Халқаро бюросини англатади.

(ххxi) "Маъмурий йўриқнома" 41-қоидада эслатиладиган Маъмурий йўриқномани англатади.

## **2-қоида**

### **Халқаро бюро билан алоқа**

Халқаро бюрога юбориладиган хабарлар Маъмурий йўриқномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

## **3-қоида**

### **Халқаро бюродаги вакиллик**

(1) [Вакил; вакилнинг манзили; вакиллар сони] (a) Буюртманома берувчи ёки эгаси Халқаро бюрода ўз вакилига эга бўлиши мумкин.

(b) Қуйидагилар вакилнинг манзили бўлиши керак:

(i) фақат Битим билан тартибга солинадиган Халқаро буюртманомаларга нисбатан, - Битим билан боғлиқ бўлган Аҳдлашувчи томон ҳудудидаги манзил;

(ii) фақат Баённома билан тартибга солинадиган Халқаро буюртманомаларга нисбатан, - Баённома билан боғлиқ Аҳдлашувчи томон ҳудудидаги манзил;

(iii) Битим ва Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманомаларга нисбатан, - Аҳдлашувчи томонлар ҳудудидаги манзил;

(iv) Халқаро рўйхатга олишларга нисбатан, - Аҳдлашувчи томонлар ҳудудидаги манзил.

(c) Буюртманома берувчи ёки эгаси фақат битта вакилга эга бўлиши мумкин. Агар ишончномада бир неча вакиллар кўрсатилган бўлса, улардан фақат биринчи бўлиб кўрсатилгани вакил ҳисобланади ва вакил сифатида ёзилади.

(d) Агар Халқаро бюрога вакил сифатида патентлар ёки товар белгилари соҳасида ҳуқуқшунослардан ёки ишончли вакиллардан иборат бўлган компания ёки фирма кўрсатилган бўлса, бундай компания ёки фирма бир вакил сифатида қаралади.

(2) [вакилни тайинлаш] (a) Вакилни тайинлаш халқаро буюртманомада амалга оширилиши, кейинчалик 25-қоидага мувофиқ, бажарилган кўрсатмада ёки баёнотда амалга оширилиши мумкин.

(b) Вакилни тайинлаш алоҳида билдиришномада ҳам амалга оширилиши мумкин, у айтилган бир хил буюртманома берувчи ёки эгасининг бир ёки бир неча қайд қилинган халқаро буюртманомаларига ёки халқаро рўйхатга олишларга тегишли бўлиши мумкин. Эслатиб ўтилган билдиришнома Халқаро бюрога

(i) Буюртманома берувчи, эгаси ёки тайинланган вакил томонидан,

(ii) Эгасининг Аҳдлашувчи томон Идораси томонидан тақдим этилади.

Билдиришномага буюртманома берувчи ёки эгаси, ёхуд у орқали тақдим этилган Идора томонидан имзо чекилади.

(3) [Эътироф этилмаган тайинлаш] (a) Агар тахмин қилинаётган вакилнинг манзили (1) (b)-бандга мувофиқ, талабларга мос бўлмаган ҳудуддаги манзил ҳисобланса, Халқаро бюро тайинлашни бўлмаган, деб ҳисоблайди ва бу ҳақида буюртманома берувчини, эгасини ёки мўлжалланаётган вакилни, агар жўнатувчи ёки бераётган бўғин Идора ҳисобланса – ушбу Идорани хабардор қилади.

(b) Агар Халқаро бюро вакил тайинланишини (2)-бандга мувофиқ, нотўғри деб ҳисобласа, бу ҳақида буюртманома

берувчини, эгасини ёки мўлжалланаётган вакилни, агар жўнатувчи ёки бераётган бўғин Идора ҳисобланса – ушбу Идорани хабардор қилади.

(с) (1) (b) ва (2)-бандларнинг тегишли талаблари бажарилмагунига қадар, Халқаро бюро барча зарур хабарларни буюртманома берувчининг ўзига ёки эгасига юборади.

(4) [Вакилни тайинлаш тўғрисидаги ёзувни киритиш ва билдиришнома; тайинлашнинг кучга кириш санаси] (а) Агар Халқаро бюро вакилни тайинлаш тегишли талабларга жавоб беради деб ҳисобласа, Халқаро реестрга буюртманома берувчи ёки эгаси вакилга эга эканлиги тўғрисидаги ёзувни, ушбу вакилнинг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда, киритади. Ушбу ҳолатда тайинлаш санаси деб Халқаро бюро халқаро буюртманомани, бундан кейинги кўрсатмани, вакил тайинланадиган баёнотни ёки алоҳида билдиришномани олган сана тайинлаш кучга кирган мана шундай сана ҳисобланади.

(b) Халқаро бюро (а)-кичик бандда эслатилган ёзув тўғрисида буюртманома берувчини ёки эгасини ва вакилни хабардор қилади. Агар тайинлаш Идора орқали тақдим этилган алоҳида билдиришномада амалга оширилган бўлса, Халқаро бюро ҳам бундай ёзув тўғрисида ушбу Идорани хабардор қилади.

(5) [Вакилни тайинлашнинг оқибатлари] (а) Мазкур Йўриқномада ўзгача ҳол назарда тутилган ҳоллардан ташқари (4) (а)-бандга мувофиқ, кўрсатилган вакилнинг имзоси буюртманома берувчи ёки эгасининг имзосини алмаштиради.

(b) Мазкур Йўриқномада таклифнома, билдиришнома ёки бошқа хабар буюртманома берувчига ёки эгасига ва вакилга маълум қилиши талаби махсус қайд этилган ҳоллардан ташқари, Халқаро бюро (4) (а)-бандга мувофиқ, кўрсатилган вакилга исталган таклифнома, билдиришнома ёки бошқа хабарни юборади. Вакил бўлмаган тақдирда буюртманома берувчига ёки эгасига юборилиши керак; кўрсатиб ўтилган вакилга шу тарзда юборилган исталган таклифнома, билдиришнома ёки бошқа хабар агар у буюртманома берувчига ёки эгасига юборилгандаги бўлгани сингари амал қилишга эга бўлади.

(с) (4) (а)-бандга мувофиқ, кўрсатилган вакил томонидан Халқаро бюрога юборилган исталган хабар у буюртманома берувчи ёки эгаси томонидан Халқаро бюрога юборилганда бўлиши мумкиндек амалда бўлади.

(б) [Ёзувни бекор қилиш; бекор қилишнинг кучга кириш санаси]  
(а) (4) (а)-бандга мувофиқ, бажарилган ҳар қандай ёзув, агар бекор қилиш буюртманома берувчи, эгаси ёки вакил томонидан имзоланган хабарда сўралаётган бўлса, бекор қилинади. Ёзув янги вакил тайинланганда ёки, агар халқаро рўйхатдан ўтказишнинг эгаси вакилни тайинламаса, эгасининг ўзгариши тўғрисидаги ёзув киритилган тақдирда Халқаро бюро томонидан ex officio бекор қилинади.

(б) (с)-кичик банд ҳисобга олинган ҳолда бекор қилиш Халқаро бюро тегишли хабарни олган санадан бошлаб кучга киради.

(с) Агар бекор қилиш вакил томонидан сўралаётган бўлса, у қуйидаги саналардан олдинроқ кучга киради:

(i) Халқаро бюро янги вакилни тайинлаган хабарни олган сана;

(ii) Вакилнинг ёзувни бекор қилиш тўғрисидаги баёноти олинган санасидан бошлаб ҳисобланган икки ойлик муддат тамом бўлиши санаси.

Бекор қилиш кучга киргунгача Халқаро бюро (5) (б)-бандда эслатиб ўтилган барча хабарларни буюртманома берувчига ёки эгасига ва вакилга юборади.

(д) Ҳукумат томонидан берилган бекор қилиш тўғрисидаги баёнот олингандан кейин, Халқаро бюро бу ҳақида буюртманома берувчини ёки эгасини хабардор қилади ва билдиришномага билдиришномадан олдинги олти ой мобайнида вакилга юборилган ва ундан Халқаро бюро олган барча хабарларнинг нусхаларини илова қилади.

(е) Бекор қилиш кучга кирган сана маълум бўлгани заҳоти Халқаро бюро бекор қилиш ва унинг кучга кириш санаси тўғрисида кўрсатмаси бекор қилинган вакилни, буюртманома берувчини ва эгасини ва, агар вакилни тайинлаш Идора орқали тақдим этилган бўлса, ушбу идорани хабардор қилади.

#### **4-қоида**

##### **Муддатларни ҳисоблаб чиқиш**

(1) [Йилларда ифодаланган муддатлар] Йилларда ифодаланган ҳар қандай муддат ўша номдаги ойда тегишли охириги йилда ва ушбу муддатни ҳисоблаш бошланган воқеа юз берган ой ва ўша кунда тамом бўлади; бироқ, агар ушбу воқеа 29 февралда юз берса ва тегишли ундан кейинги йилда февраль оyi 28-кунда тамом бўлса, муддат 28 февралда тамом бўлади.

(2) [Ойларда ифодаланган муддатлар] Ойларда ифодаланган ҳар қандай муддат тегишли кейинги ойда ва ушбу муддатни ҳисоблаш ундан бошланган воқеа юз берган кундаги санада тамом бўлади; бироқ, агар ушбу тегишли ой айна ўша сонли кунга эга бўлмаса, муддат ушбу ойнинг охириг кунда тамом бўлади.

(3) [Кунларда ифодаланган муддатлар] Кунларда ифодаланган исталган муддатни ҳисоблаб чиқиш тегишли воқеа юз берган кундан кейинги кундан бошланади ва ҳисоблашнинг охириг кунни ҳисобланган кунда тамом бўлади.

(4) [Халқаро бюро ёки Идора учун иш кунни ҳисобланмаган кунда муддатнинг давом этиши] Агар муддат Халқаро бюро ёки тегишли Идора учун иш кунни ҳисобланмаган кунда тамом бўлса, эслатиб ўтилган муддат, (1) (3)-бандларга қарамай, Халқаро бюро ёки тегишли Идора очиқ бўлган биринчи кейинги кунда тамом бўлади.

(5) [Муддатнинг тамом бўлиши санасини кўрсатиш] Барча ҳолларда муддат тамом бўлиши тўғрисидаги билдиришномада Халқаро бюро (1)-(3)-бандларга мувофиқ, бундай муддат тамом бўлиши санасини кўрсатади.

## 5-қоида

### **Почта хизмати кўрсатиш ва етказиб беришдаги узилишлар**

(1) [Почта орқали юборилган хабарлар] Манфаатдор томонидан почта орқали Халқаро бюрога юборилган хабар учун муддатга риоя қилинмаслиги, агар манфаатдор томон Халқаро бюрони қониктирадиган қуйидаги исботларни тақдим этса, ўзини оқлаган деб ҳисобланади:

(i) у хабарни муддат тамом бўлишигача, ҳеч бўлмаганда, беш кун олдин жўнатган, агар муддат тамом бўлиши кундан олдинги ўн кундан исталган бирида почта хизмати кўрсатиш уруш, инқилоб, фуқаролар тартибсизлиги, иш ташлашлар, табиий офатлар ёки шунга ўхшаш сабаблар туфайли узилиб қолган бўлса, у почта жўнатмасини почта хизмати иши тикланган санадан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширган,

(ii) хабарнинг почта жўнатмаси жўнатиш вақтида почта хизмати томонидан рўйхатдан ўтказилганлиги ёки бундай жўнатиш реквизитлари ёзилганлиги, ва

(iii) почта жўнатмаси, унинг классидан қатъи назар,, жўнатилганидан кейин икки кундан сўнг, Халқаро бюрога тушмаган ҳолларда хабар почтанинг Халқаро бюро қоидага кўра жўнатиш

санасидан бошлаб икки кун мобайнида ёки авиапочта орқали оладиган класс билан жўнатилган.

(2) [Етказиб бериш хизмати орқали юборилган хабар] Халқаро бюрога етказиб бериш хизмати орқали юборилган хабарни бериш учун манфаатдор томонидан муддатга риюя қилинмаслиги, агар манфаатдор томон Халқаро бюрони қониктирадиган куйидагиларни исботини тақдим этса, ўзини оқлаган деб ҳисобланади:

(i) у хабарни муддат тамом бўлишигача, ҳеч бўлмаганда, беш кун олдин жўнатган, агар муддат тамом бўлиши кунидан олдинги ўн кундан исталган бирида почта хизмати кўрсатиш уруш, инқилоб, фуқаролар тартибсизилиги, иш ташлашлар, табиий офатлар ёки шунга ўхшаш сабаблар туфайли узилиб қолган бўлса, у хабарни жўнатишни етказиб бериш хизмати иши тикланган санадан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширган,

(ii) хабарни жўнатиш реквизитлари етказиб бериш хизмати томонидан жўнатиш пайтида ёзилган.

(3) [Оқлаш имкониятининг чекланганлиги] Мазкур Қоидага мувофиқ, муддатга риюя қилинмаслиги фақат, агар (1) ёки (2)-бандда эслатилган исботлар ва хабар ёки унинг дубликати Халқаро бюро томонидан кўрсатилган муддат тамом бўлгандан сўнг олти ойдан кечикмай олинган бўлса, оқланиши мумкин.

(4) [Халқаро буюртманома ва ундан кейинги кўрсатмалар] Агар Халқаро бюро халқаро буюртманоманинг ёки ундан кейинги кўрсатмани Битимнинг 3(4)-моддасида, Баённоманинг 3(4)-моддасида ва 24 (б) (b)-қоидада эслатилган икки ойлик муддат тамом бўлгандан кейин олса ва манфаатдор Идора олиш билан боғлиқ кечикиш (1) ёки (2)-бандда эслатилган ҳолатлар натижаси бўлганлигини кўрсатса, (1) ёки (2) ва (3)-банд қўлланилади.

#### **6-қоида**

#### **Тиллар**

(1) [Халқаро буюртманома] (а) Фақат Битим билан тартибга солинадиган исталган халқаро буюртманома француз тилида тузилади.

(б) Фақат Баённома билан тартибга солинадиган ёки Битим ва Баённома билан тартибга солинадиган исталган халқаро буюртманома тиллардан қайси бири келиб чиқиш Идораси томонидан кўрсатилганлигига қараб инглиз ёки француз тилида тузилади, бунда келиб чиқиш Идораси буюртманома берувчиларга

инглиз ва француз тиллари ўртасида танлашга рухсат бериши мумкинлиги назарда тутилади.

(2) [Халқаро буюртманомаларга қараганда бошқа хабарлар] (а) Халқаро буюртманомага тегишли бўлган, фақат Битим ёки халқаро рўйхатга олиш билан тартибга солинадиган, бундай буюртманомага асосланган исталган хабар 17(2) (b) ва (3)-қоидалар ҳисобга олинган ҳолда француз тилида тузилади, халқаро буюртманомага асосланган, фақат Битим билан тартибга солинадиган, Баённомага мувофиқ, бундан кейинги кўрсатмалар мавзуси ҳисобланадиган ёки ҳисобланган халқаро рўйхатга олиш бундан истисно – ушбу ҳолатда (b)-кичик банд қоидаси қўлланилади.

(b) Фақат Баённома билан тартибга солинадиган ёки Битим ёки Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманомага тегишли бўлган ҳар қандай хабар, ёки бундай буюртманомага асосланган халқаро рўйхатга олиш 17(2)(v) ва (3)-қоидалар ҳисобга олинган ҳолда:

(i) агар бундай хабар Халқаро бюрога буюртманома берувчи ёки эгаси, ёхуд Идора томонидан юборилса, инглиз ёки француз тилида;

(ii) агар хабар 9(5) (i)-қоидага мувофиқ, халқаро буюртманомага ёки 24(3)(b)(i)-қоидага мувофиқ, кейинчалик бериладиган кўрсатмага илова қилинадиган белгидан фойдаланиш нияти тўғрисидаги баёнотдан иборат бўлса, 7 (2)-қоидага мувофиқ, қўлланиладиган тилда;

(iii) агар хабар Халқаро бюро томонидан Идорага юбориладиган билдиришнома ҳисобланса, агар ушбу Идора Халқаро бюрони бундай барча билдиришномалар инглиз тилида тузилиши кераклигини ёки бундай барча билдиришномалар француз тилида тузилиши кераклигини маълум қилмаган бўлса, халқаро буюртманома тилида тузилади; агар халқаро бюрога юбориладиган билдиришнома Халқаро реестрда халқаро рўйхатдан ўтказиш ёзувига тегишли бўлса унда тегишли халқаро буюртманома Халқаро бюро томонидан олинган тил кўрсатилади;

(iv) агар хабар Халқаро бюро томонидан буюртманома берувчига ёки эгасига юбориладиган билдиришнома ҳисобланса, агар фақат ушбу буюртманома берувчи ёки эгаси, гарчи халқаро буюртманома тили француз тили ҳисобланса ҳам бундай билдиришнома инглиз тилида ёки гарчи халқаро буюртманома тили инглиз тили ҳисобланса ҳам француз тилида олиш истагини билдирмаса, халқаро буюртманома тилида тузилади.



(3) [Ёзувни киритиш ва ёлон қилиш] (а) Агар буюртманома фақат Битим билан тартибга солинса, у ҳолда Халқаро реестрга ёзувни киритиш ва мана шундай буюртманомага асосланган халқаро рўйхатга олиш тўғрисидаги Бюллетенда ёлон қилиш, шунингдек, ёзилиши ва ёлон қилиниши ушбу рўйхатга олишга нисбатан мазкур Йўриқномага мувофиқ, амалга оширилиши керак бўлган исталган маълумотлар, ёзиш ва ёлон қилиш француз тилида амалга оширилади.

(b) Агар халқаро буюртманома фақат Баённома билан тартибга солинса ёки Битим ва Баённома билан тартибга солинса, Халқаро реестрга ёзувни киритиш ва мана шундай буюртманомага асосланган халқаро рўйхатга олиш тўғрисидаги Ахборотномада ёлон қилиш, шунингдек, ёзилиши ва ёлон қилиниши ушбу халқаро рўйхатга олишга нисбатан мазкур Йўриқномага мувофиқ, амалга оширилиши керак бўлган исталган маълумотлар инглиз ва француз тилларида амалга оширилади. Халқаро рўйхатга олишни ёзиш ва ёлон қилиш халқаро буюртманома Халқаро бюро томонидан олинган тилни кўрсатиши керак.

(c) Агар Баённомага мувофиқ, амалга оширилган бундан кейинги кўрсатма мазкур халқаро рўйхатга олишга нисбатан Баённомага мувофиқ, бажарилган биринчи кўрсатма ҳисобланса, у ҳолда Бюллетенда ушбу кейинги кўрсатмани ёлон қилиш билан биргаликда Халқаро бюро халқаро рўйхатга олишни инглиз тилида ёлон қилади ва халқаро рўйхатга олишнинг янги ёлон қилинишини француз тилида амалга оширади. Шундан кейин бундай кейинги кўрсатма тўғрисидаги ёзувни Халқаро реестрга киритиш инглиз ва француз тилларида амалга оширилади. Ёзилиши ва ёлон қилиниши мазкур халқаро рўйхатга олишга нисбатан ушбу Йўриқномага мувофиқ, амалга оширилиши керак бўлган исталган маълумотларни Халқаро реестрга киритиш ва Бюллетенда ёлон қилиш инглиз ва француз тилларида амалга оширилади.

(4) [Таржима] (а) (2)(b)(iii) ва (iv)-бандга мувофиқ, билдиришномалар мақсадлари учун зарур бўлган, шунингдек, 3(b) ва (c)-бандга мувофиқ, ёзувлар ва ёлонларни инглиз тилидан француз тилига ёки француз тилидан инглиз тилига таржима қилиш Халқаро бюро томонидан амалга оширилади. Буюртманома берувчи ёки эгаси, ҳолатга боғлиқ равишда, халқаро буюртманомага ёки баёнотга кейинги кўрсатма ёки халқаро буюртманома ёки баёнотдаги исталган матнли материалнинг таклиф қилинаётган таржимаси

ўзгариши тўғрисидаги ёзувни киритиш ҳақида илова қилиши мумкин. Агар Халқаро бюро таклиф этилаётган таржимани нотўғри деб ҳисобласа, у унга бир ой муддат мобайнида буюртманома берувчи ёки эгасига таклиф қилинган тузатишларга мулоҳазаларни тақдим этишни таклиф қилгандан сўнг тузатишлар киритади.

(b) (a)-кичик бандга қарамай, Халқаро бюро белгини таржима қилмайди. Агар 9(4)(b)(iii)-қоидага ёки 24(3)(c)-қоидага мувофиқ, буюртманома берувчи ёки эгаси таржимани ёки белгининг таржималарини берса, Халқаро бюро бундай таржималарнинг тўғрилигини текширмайди.

## **7-қоида**

### **Айрим махсус талаблар тўғрисида хабар қилиш**

1) [Чиқариб ташланган]

(2) [Белгидан фойдаланиш нияти] Агар Баённомага мувофиқ, кўрсатилган Аҳдлашувчи томон белгидан фойдаланиш нияти тўғрисида баёнот тақдим этилишини талаб қилса, у ушбу талаб тўғрисида Бош Директорни хабардор қилади. Агар ушбу Аҳдлашувчи томон буюртманома буюртманома берувчининг ўзи томонидан имзоланишини ва халқаро буюртманомага илова қилинган алоҳида расмий бланкада бажарилишини талаб қилса, билдиришномада бу ҳақида баёнот бўлиши ва талаб қилинаётган баёнотнинг аниқ фойдаланиши кўрсатилиши керак. Агар Аҳдлашувчи томон бундан ташқари, ҳатто, агар халқаро буюртманома француз тилида тузилган бўлса ҳам баёнот инглиз тилида тузилишини ёки, ҳатто, агар халқаро буюртманома инглиз тилида тузилган бўлса ҳам француз тилида тузилишини талаб қилса, билдиришномада талаб қилинадиган тил кўрсатилиши керак.

(3) [Билдиришнома] (a) (2)-бандда эслатилган Йўриқнома Аҳдлашувчи томон томонидан ратификация ёрлиғини сақлаш учун топшириш вақтида амалга оширилиши мумкин, қабул қилиш, маъқуллаш ёки Баённомага қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат ҳамда билдиришноманинг кучга кириш санаси билдиришномани берган Аҳдлашувчи томонга нисбатан Баённома кучга кириш санаси сингари кучга эга бўлади. Билдиришнома кечроқ ҳам билдирилиши мумкин, бундай ҳолатда у, уни Бош директор олгандан сўнг, уч ойдан кейин кучга киради ёки санаси билдиришнома кучга кириш санасига ўхшаш ёки кечроқ бўлган исталган халқаро рўйхатга олишга нисбатан билдиришномада кўрсатилган кечроқ санада кучга киради.

(б) 2001 йил<sup>1</sup> 4 октябргача амал қилган (1)-бандга ёки (2)-бандга мувофиқ, амалга оширилган билдиришнома исталган вақтда чақириб олиниши мумкин. Чақириб олиш тўғрисидаги билдиришнома Бош директорга юборилади. Чақириб олиш чақириб олиш тўғрисидаги билдиришнома Бош директор томонидан олинган санада ёки билдиришномада кўрсатилган кечроқ санада кучга киради.

## **2-бўлим**

### **Халқаро буюртманома**

#### **8-қоида**

#### **Бир нечта буюртманома берувчилар**

(1) [Фақат Битимга ёки Битим ва Баённомага мувофиқ, рўйхатга олиш учун буюртманома берадиган икки ёки бир неча буюртманома берувчилар] Икки ёки бир неча буюртманома берувчи, агар улар базавий рўйхатга олишнинг биргаликдаги эгалари бўлса ва агар Битимнинг 1(3)-моддасидаги таърифга мувофиқ, келиб чиқиш мамлакати барча буюртманома берувчилар учун айна бир мамлакат бўлса, фақат Битим билан ёки Битим ва Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманомани биргаликда беришлари мумкин.

(2) [Фақат Баённомага мувофиқ, рўйхатга олиш учун буюртманома берадиган икки ёки бир неча буюртманома берувчи] Икки ёки бир неча буюртманома берувчилар фақат Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманомани биргаликда беришлари мумкин, агар базавий буюртманома улар томонидан биргаликда берилган бўлса ёки улар базавий рўйхатга олишнинг биргаликдаги эгалари ҳисобланса унинг идораси келиб чиқиш Идораси ҳисобланган Аҳдлашувчи томонларга нисбатан уларнинг ҳар бири Баённоманинг 2(1)-моддасига мувофиқ, халқаро буюртманома бериш мақсадлари учун талабларга жавоб беради.

#### **9-қоида**

#### **Халқаро буюртманомага қўйиладиган талаблар**

(1) [Тақдим этиш] Халқаро буюртманома Халқаро бюрога келиб чиқиш Идораси томонидан тақдим этилиши керак.

(2) [Бланка ва имзо] (а) Халқаро буюртманома расмий бланкада бир нусхада тақдим этилиши керак.

---

<sup>1</sup> 7-қонданинг (1)-бандида бундай дейилади:

«Агар Аҳдлашувчи томон унинг Идораси келиб чиқиш Идораси ҳисобланган ва эгасининг манзили ушбу Аҳдлашувчи томон ҳудудида бўлган тақдирда халқаро рўйхатга олишдан кейин берилган кўрсатма Халқаро бюрога эслатиб ўтилган Идора томонидан тақдим этилишини талаб қилса, у ушбу талаб тўғрисида Бош Директорни хабардор қилади».

(b) Халқаро буюртманома келиб чиқиш Идораси томонидан ва, агар буни келиб чиқиш Идораси талаб этса, шунингдек, буюртманома берувчи томонидан имзоланиши керак. Агар келиб чиқиш Идораси буюртманома берувчидан халқаро буюртманомани имзолашни талаб қилмаса, бироқ буюртманома берувчи ҳам унинг имзоланишига рухсат берса, буюртманома берувчи имзо чекиши мумкин.

(3) [Бож ва йиғимлар] Халқаро буюртманомаларга тегишли бўлган тўланиши керак бўлган бождар ва йиғимлар 10, 34 ва 35-қоидаларга мувофиқ, тўланиши керак.

(4) [Халқаро буюртманоманинг мазмуни] (a) Халқаро буюртманомада қуйидагилар бўлиши ёки кўрсатилиши керак:

(i) Маъмурий йўриқномага мувофиқ, кўрсатилган буюртманома берувчининг номи;

(ii) Маъмурий йўриқномага мувофиқ, кўрсатилган буюртманома берувчининг манзили;

(iii) Маъмурий йўриқномага мувофиқ, кўрсатилган вакилнинг номи ва манзили, агар бундай вакил мавжуд бўлса;

(iv) Бундай буюртманома берилган Идоранинг номи кўрсатилган ҳолда олдин берилган буюртманома устунлигини сўраётган баёнот, ушбу буюртманоманинг санаси ва, мавжуд бўлса, тартиб рақами ва, агар олдинги буюртманома халқаро буюртманомада сана ўтилган барча товарлар ёки хизматларга тегишли бўлмаса, олдин берилган буюртманома уларга тегишли бўлган товарлар ва хизматлар кўрсатилиши керак. Агар буюртманома берувчи саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенциясига мувофиқ, олдин берилган буюртманома устунлигидан фойдаланишни хоҳласа;

(v) расмий бланкада назарда тутилган квадрат ўлчамига мувофиқ, бўлган белгининг тасвири; бундай тасвир базавий буюртманомада ёки базавий рўйхатга олишдаги тасвир қора-оқ ёки рангли эканлигига боғлиқ равишда қора-оқ ёки рангли бўлиши керак;

(vi) белгининг стандарт шрифт ижроси тўғрисида баёнот, агар буюртманома берувчи белги стандарт шрифтли ижродаги белги сифатида қаралишини хоҳласа;

(vii) рангни муҳофаза қилиш сўралаётгани ҳақида кўрсатма ва унга муҳофаза сўралаётган рангнинг номи ёки рангларнинг бирга қўшилиши тўғрисидаги кўрсатма ва, агар (v)-бандга мувофиқ, тақдим этилган белгининг тасвири қора-оқ бўлса, рангдаги белгининг тасвири, агар рангнинг муҳофаза қилиниши базавий

буюртманомада ёки базавий рўйхатга олишда белгининг фарқ қиладиган элементи сифатида сўралаётган бўлса ёки буюртманома берувчи рангинг муҳофаза қилинишини белгининг фарқланувчи элементи сифатида сўрашни хоҳласа ва базавий буюртманома ёки базавий рўйхатга олишдаги мавжуд белги рангли ҳисобланса;

(viibis) агар базавий буюртманома ёки базавий рўйхатга олиш предмети ҳисобланган белги рангдан ёки ранглар кўшилишидан иборат бўлса, - бу ҳақида кўрсатма;

(viii) «ҳажмли белги» кўрсатмаси, агар базавий буюртманома ёки базавий рўхатга олиш ҳажмли белгига тегишли бўлса;

(ix) «товушли белги» кўрсатмаси, агар базавий буюртманома ёки базавий рўйхатга олиш товушли белгига тегишли бўлса;

(x) «жамоавий белги» «сертификацияли белги» ёки «кафолатли белги» кўрсатмаси, агар базавий буюртманома ва базавий рўхатга олиш ушбу белгиларнинг бирортасига тегишли бўлса;

(xi) халқаро буюртманома тилида тузилган белгининг сўзларда ифодаланган таърифи, агар базавий буюртманома ва базавий рўхатга олишда белгининг сўзларда ифодланган таърифи мавжуд бўлса ва буюртманома берувчи таърифни киритишни хоҳласа ёки келиб чиқиш Идораси таърифни киритишни талаб қилса; агар бундай таъриф халқаро буюртманома тилидан фарқ қиладиган тилда тузилган бўлса, у халқаро буюртманома тилида тақдим этилиши керак;

(xii) агар белги ёки белгининг бир қисми лотин ҳарфларидан бошқа ҳарфларда, ёки рақамлар араб ёки рим рақамларидан бошқа рақамлардан иборат бўлса белги ёки белгининг бир қисмини лотин ҳарфларида ва араб рақамларида транслитерация қилиш; лотин ҳарфлари билан транслитерация қилиш халқаро буюртманома тилининг фонтика қоидаларига мувофиқ, бўлиши керак;

(xiii) товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифланиши класслари бўйича гуруҳлаштирилган, уларга нисбатан белгини халқаро рўйхатга олиш сўралаётган товарлар ва хизматлар номи, ва кўрсатиб ўтилган Таснифлаш тартибида, бунда ҳар бир гуруҳдан олдин товарлар ёки хизматларнинг ушбу гуруҳи тегишли бўлган класснинг тартиб рақами кўрсатилиши керак; товарлар ва хизматлар аниқ терминларда кўрсатилиши, устун даражада кўрсатиб ўтилган таснифлашнинг алифбо рўйхатида қайд этилган терминлардан фойдаланган ҳолда кўрсатилиши керак; халқаро буюртманомада бир ёки бир неча кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонларга нисбатан

товарлар ва хизматлар рўйхати чекланиши мумкин; ҳар бир Аҳдлашувчи томонга нисбатан рўйхатнинг чекланиши ҳар хил бўлиши мумкин;

(xiv) тўланиши керак бўлган божлар ва йиғимлар суммаси ва тўлов усули, ёхуд божлар ва йиғимларнинг зарур суммасини Халқаро бюрода очилган ҳисоб варағидан дебитлаш тўғрисидаги йўриқнома ва тўловни амалга ошираётган ва йўл-йўриқ бераётган шахсни идентификациялаш ва

(xv) кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонлар кўрсатилиши керак.

(b) Халқаро буюртманомада, шунингдек, қуйидагилар бўлиши мумкин:

(i) буюртманома берувчи унинг фуқароси ҳисобланган давлатнинг кўрсатилиши, агар буюртманома берувчи жисмоний шахс бўлса;

(ii) юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий хусусияти ва давлатнинг, зарурат бўлганда эса, унинг қонунчилигига мувофиқ, кўрсатиб ўтилган шахс таъсис этилган бундай давлат таркибидаги ҳудудий бирликнинг кўрсатилиши, агар буюртманома берувчи юридик шахс бўлса;

(iii) агар белги таржима қилиниши мумкин бўлган сўз ёки сўзлардан иборат бўлса ёки сўзлар мавжуд бўлса, бундай сўз ёки сўзларнинг француз тилига таржимаси, агар халқаро буюртманома фақат Битим билан тартибга солинса, ёки инглиз ёки француз тилига ёхуд ҳар икки тилга таржимаси, башарти халқаро буюртманома фақат Баённома билан тартибга солинса ёки Битим ва Баённома билан тартибга солинса;

(iv) агар буюртманома берувчи белгининг фарқланувчи элементи сифатида рангнинг муҳофаза қилинишини сўраётган бўлса, ҳар бир рангнинг сўзларда ифодаланган кўрсатмаси ва рангларнинг ҳар бири муносабати билан ушбу ранглар бажарилган белгининг асосий қисмлари кўрсатилиши;

(v) агар буюртманома берувчи белгининг исталган элементи муҳофаза қилинишидан воз кечишни хоҳласа, ушбу ҳолатнинг кўрсатилиши ва муҳофаза қилиш рад этилишига тегишли бўлган элемент ёки элементларни кўрсатиш.

(5) [Халқаро буюртманоманинг қўшимча мазмуни] (a) Фақат Битим ёки Битим ва Баённома билан тартибга солинадиган халқаро

буюртманомада базавий рўйхатга олиш куни ва санаси бўлиши керак ҳамда қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

(i) буюртманома берувчи Идораси келиб чиқиш Идораси ҳисобланган Аҳдлашувчи давлат ҳудудида ҳақиқий ва сохта бўлмаган саноат ёки савдо корхонасига эга эканлиги;

(ii) агар буюртманома берувчи Битимнинг бирор-бир Аҳдлашувчи давлатида бундай корхонага эга бўлмаса, у Идораси келиб чиқиш Идораси ҳисобланган давлат ҳудудида яшаш жойига эга бўлса;

(iii) агар буюртманома берувчи Битимнинг исталган Аҳдлашувчи давлати ҳудудида бундай корхонага ёки яшаш жойига эга бўлмаса, у Идораси келиб чиқиш Идораси ҳисобланган давлатнинг фуқароси ҳисобланса.

(b) Фақат Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманомада базавий буюртманома ёки базавий рўйхатга олишнинг куни ва санаси бўлиши керак ва қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

(i) агар унинг Идораси келиб чиқиш Идораси ҳисобланган Аҳдлашувчи томон буюртманома берувчи ушбу давлатнинг фуқароси ҳисобланган давлат бўлса;

(ii) агар Идораси келиб чиқиш Идораси ҳисобланган Аҳдлашувчи томон буюртманома берувчи унинг фуқароси ҳисобланган давлатнинг номи – ушбу ташкилотнинг аъзоси бўлган ташкилот ҳисобланса;

(iii) буюртманома берувчи Идораси келиб чиқиш Идораси ҳисобланган Аҳдлашувчи давлат ҳудудида яшаш жойига эга;

(iv) буюртманома берувчи Идораси келиб чиқиш идораси ҳисобланган Аҳдлашувчи томон ҳудудида ҳақиқий ва сохта бўлмаган саноат ёки тижорат корхонасига эга бўлса.

(c) Агар (4) (a) (ii)-бандга мувофиқ, кўрсатилган буюртманома берувчининг манзили Идораси келиб чиқиш Идораси ҳисобланган Аҳдлашувчи томон ҳудудида жойлашмаган бўлса ва (a) (i) ёки (ii)-кичик бандга ёки (b) (iii) ёки (iv)-кичик бандга мувофиқ, буюртманома берувчи ушбу Аҳдлашувчи томон ҳудудида яшаш жойига ёки корхонага эга эканлиги кўрсатилган бўлса, ушбу яшаш жойи ёки бундай корхонанинг манзили халқаро буюртманомада кўрсатилиши керак.

(d) Халқаро буюртманомада қуйидагиларни тасдиқлайдиган келиб чиқиш Идорасининг баёноти мавжуд бўлиши керак:

(i) 11(1)-қоидада назарда тутилганидек, келиб чиқиш Идораси олган сана – Халқаро бюрога халқаро буюртманомани тақдим этиш тўғрисида буюртманома берувчининг илтимоси олинган сана ҳисобланади;

(ii) халқаро буюртманомада кўрсатилган буюртманома берувчи базавий буюртманомада кўрсатилган буюртманома берувчи билан ёки, ҳолатга боғлиқ равишда базавий рўйхатга олишда кўрсатилган эгаси билан айна бир шахс ҳисобланади;

(iii) (4) (a) (viii)дан (xi)-кичик бандларгача эслатилган ва халқаро буюртманомада қайд этилган исталган кўрсатма ҳолатга боғлиқ равишда, шунингдек, базавий буюртманомада ёки базавий рўйхатга олишда ҳам мавжуд бўлади;

(iv) халқаро буюртманома предмети ҳисобланган белги ҳолатга боғлиқ равишда базавий буюртманома ёки базавий рўйхатга олиш предмети ҳисобланган белгига ўхшаш бўлади;

(v) базавий буюртманома ёки базавий рўйхатга олишда белгининг фарқланувчи элементи сифатида рангнинг муҳофаза қилиниши сўралган тақдирда, ушбу талаб халқаро буюртманомага киритилган ёки, агар рангни муҳофаза қилиш базавий буюртманомада ёки базавий рўйхатда олишда сўровсиз халқаро буюртманомада белгининг фарқланувчи элементи сифатида сўралаётган бўлса, базавий буюртманома ёки базавий рўйхатда олишдаги белги амалда унга муҳофаза сўралаётган ранг ёки ранглар чоғиштирилиши ҳисобланади;

(vi) халқаро буюртманомада кўрсатилган товарлар ва хизматлар ҳолатга боғлиқ равишда базавий буюртманомада ёки базавий рўйхатга олишда кўрсатилган товарлар ва хизматлар рўйхатига киритилган.

(e) Агар халқаро буюртманома икки ёки бир неча базавий буюртманомалар ёки базавий рўйхатга олишларга асосланган бўлса, (d) (vii)-кичик бандда эслатилган баёнот барча базавий буюртманомалар ёки базавий рўйхатга олишларга қўлланилиши мумкин деб ҳисобланади.

(f) Агар халқаро буюртманомада 7 (2)-қоидага мувофиқ, билдиришнома берган Аҳдлашувчи томонларнинг кўрсатмаси мавжуд бўлса, халқаро буюртманомада ҳам белгидан ушбу Аҳдлашувчи томонлар ҳудудида фойдаланиш нияти тўғрисидаги баёнот мавжуд бўлиши керак; ушбу баёнот ушбу баёнотни талаб қилган Аҳдлашувчи томоннинг кўрсатмасининг бир қисми деб



ҳисобланиши ва мазкур Аҳдлашувчи томоннинг талабларига мувофиқ,:

(i) буюртманома берувчининг ўзи томонидан имзоланган бўлиши ва халқаро буюртманомага илова қилинадиган алоҳида расмий бланкада тақдим этилиши, ёки

(ii) халқаро буюртманомага киритилиши керак.

### **10-қоида**

#### **Халқаро буюртманома муносабати билан тўланадиган божлар ва йиғимлар**

(1) [Фақат Битим билан тартибга солинадиган халқаро буюртманома] Фақат Битим билан тартибга солинадиган халқаро буюртманомага асосий бож, қўшилган бож ва, зарурат бўлганда, Божлар ва йиғимлар рўйхатининг 1-бандида белгиланган қўшимча бож тўланиши илова қилинади. Ушбу божлар иккита тўлов билан амалга оширилади. Тўловларнинг ҳар бири ўн йиллик давр учун тўланади. Иккинчи марта тўлашда 30-қоида қўлланилади.

(2) [Фақат Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманомалар] Фақат Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманомага асосий бож, қўшилган бож ва ёки якка тартибдаги бож ва, зарурат бўлганда, Божлар ва йиғимлар рўйхатининг иккинчи бандида белгиланган ёки эслатилган қўшимча бож тўланиши илова қилинади. Ушбу божлар ўн йиллик давр учун тўланади.

(3) [Битим ва Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманомалар] Битим ва Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманомага асосий бож, қўшилган бож ва, зарурат бўлганда, якка тартибдаги бож ва Божлар ва йиғимлар рўйхатининг 3-бандида белгиланган ёки эслатилган қўшимча бож тўланиши илова қилинади. Битимга мувофиқ, кўрсатилган Аҳдлашувчи томонларга тегишли қисмда (1)-банд қўлланилади. Баённомага мувофиқ, кўрсатилган Аҳдлашувчи томонларга тегишли қисмда (2)-банд қўлланилади.

### **11-қоида**

#### **Қоидаларга риоя қилмаслик, таснифлашга ёки товарлар ва хизматларни кўрсатишга нисбатан қўлланиладиган қоидалар бундан мустасно**

(1) [Келиб чиқиш Идорасига муддатидан олдин тушган илтимос] (а) Агар келиб чиқиш Идораси Халқаро бюрога ушбу илтимосда эслатилган белги мазкур Идора реестрида рўйхатга

олингунига қадар фақат Битим билан тартибга солинадиган халқаро буюртманомани тақдим этиш тўғрисидаги илтимосни олса, кўрсатиб ўтилган илтимос белги мазкур Идоранинг реестрида рўйхатга олинмиши санасида Битимнинг 3 (4)-моддаси мақсадлари учун келиб чиқиш Идораси томонидан олинган деб ҳисобланади.

(b) (c)-кичик банд ҳисобга олинган ҳолда, агар келиб чиқиш Идораси Битим ва Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманома Халқаро бюрога ушбу илтимосда эслатилган белги ушбу Идора реестрида рўйхатга олингунига қадар тақдим этилиши тўғрисидаги илтимосни олса, халқаро буюртманома фақат Баённома билан рўйхатга олинадиган халқаро буюртманома сифатида қаралади ва келиб чиқиш Идораси Битим билан боғлиқ бўлган ҳар қандай Аҳдлашувчи томон кўрсатилишини истисно этади.

(c) агар (b)-кичик бандда эслатилган илтимосга халқаро буюртманомани белги келиб чиқиш Идорасида реестрда рўйхатга ўтказилган пайтдан бошлаб Битим ва Баённома билан тартибга солинадиган халқаро буюртманома сифатида қаралиши кераклиги ҳақидаги махсус баёнот илова қилинса, ушбу Идора Битим билан боғлиқ бирорта ҳам Аҳдлашувчи томон кўрсатилишини истисно этамайди ва халқаро буюртманомани бериш тўғрисидаги илтимос ушбу Идора томонидан Битимнинг 3(4)-моддаси ва Баённоманинг 3(4)-моддаси мақсадлари учун ушбу Идора томонидан белги ушбу Идора реестрида рўйхатдан ўтказилган санада олинган деб ҳисобланади.

(2) [Буюртманома берувчи томонидан тузатиладиган қоидаларга риоя қилмаслик]

(a) Агар Халқаро бюро халқаро буюртманомада (3), (4) ва (6)-бандларда, шунингдек, 12 ва 13-қоидаларда эслатилганидан бошқа нуқсонлар бор деб ҳисобласа, у бу ҳақида буюртманома берувчини хабардор қилади ва бир вақтнинг ўзида бу ҳақида келиб чиқиш идорасига ахборот беради.

(b) Бундай нуқсонлар буюртманома берувчи томонидан улар ҳақида Халқаро бюро томонидан билдиришнома берилган санадан бошлаб уч ой мобайнида тузатилиши мумкин. Агар Халқаро бюронинг ушбу риоя қилмаслик тўғрисидаги билдиришномаси санасидан бошлаб уч ой мобайнида буюртманома берувчи тузатиш киритмаса, халқаро буюртманома буйича иш юритиш тўхтатилган деб ҳисобланади ва Халқаро бюро айти бир вақтда бу ҳақида

буюртманома берувчини ва келиб чиқиш Идорасини хабардор қилади.

(3) [Буюртманома берувчи ёки келиб чиқиш Идораси томонидан тузатилган қоидаларга риоя қилмаслик] (а) (2)-бандга қарамай, агар зарур божлар 10-қоидага мувофиқ, келиб чиқиш Идораси томонидан Халқаро бюрога тўланган бўлса ва Халқаро бюро олинган божлар суммаси талаб этилганидан кам деб ҳисобласа, у айти бир вақтда бу ҳақида келиб чиқиш Идорасини ва буюртманома берувчини хабардор қилади. Билдиришномада етишмаётган сумма аниқлаштирилади.

(б) Етишмаётган сумма келиб чиқиш Идораси ёки буюртманома берувчи томонидан Халқаро бюро томонидан билдиришнома берилган санадан бошлаб уч ой мобайнида тўланиши мумкин. Агар етишмаётган сумма Халқаро бюронинг қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисидаги билдиришномаси санасидан бошлаб уч ой мобайнида тўланмаган бўлса халқаро буюртманома бўйича иш юритиш тўхтатилган деб ҳисобланади ва Халқаро бюро айти вақтда, бу ҳақида келиб чиқиш Идораси ва буюртманома берувчини хабардор қилади.

(4) [Келиб чиқиш Идораси томонидан тузатиладиган қоидаларга риоя қилмаслик] (а) Агар Халқаро бюро:

(i) халқаро буюртманома 2-қоида талабларини қониктирмаслигини ёки 9(2)(а)-қоидада кўрсатилган расмий бланкада тақдим этилмаганлигини аниқласа;

(ii) халқаро буюртманомада 15(1)-қоидада эслатилган бир ёки бир неча нуқсон борлигини аниқласа;

(iii) халқаро буюртманомада буюртманома берувчининг халқаро буюртманомани бериш ҳуқуқига тегишли қоидаларга риоя қилинмаган деб ҳисобласа;

(iv) халқаро буюртманомада 9(5)(d)-қоидада эслатилган келиб чиқиш Идорасининг баёнотига тегишли қоидаларига риоя қилинмаган деб ҳисобласа;

(v) [чиқариб ташланган]

(vii) халқаро буюртманома келиб чиқиш Идораси томонидан имзоланмаганлигини аниқласа, ёки

(viii) халқаро буюртманомада ҳолатга боғлиқ равишда базавий буюртманома ёки базавий рўйхатга олиш санаси ва тартиб рақами мавжуд эмаслигини аниқласа,

у бу ҳақида келиб чиқиш Идорасини хабардор қилади ва, айти вақтда,, бу ҳақида буюртманома берувчини хабардор қилади.

(b) Бундай нуқсонлар келиб чиқиш Идораси томонидан қоидаларга риоя қилинмаганлиги тўғрисида Халқаро бюро томонидан хабардор қилинган санадан бошлаб уч ой мобайнида тузатилиши мумкин. Агар нуқсонлар улар ҳақида Халқаро бюро томонидан хабардор қилинган санадан бошлаб уч ой мобайнида тузатилмаган бўлса, халқаро буюртманома бўйича иш юритиш тўхтатилган деб ҳисобланади ва Халқаро бюро бу ҳақида айти вақтда, келиб чиқиш Идорасини ва буюртманома берувчини хабардор қилади.

(5) [Божни ундириш] Агар (2)(b), (3) ёки (4)(b)-кичик бандларга мувофиқ, халқаро буюртманома бўйича иш юритиш тўхтатилган деб ҳисобланса, Халқаро бюро Божлар ва йиғимлар рўйхатининг 1.1.1, 2.1.1 ёки 3.1.1-кичик бандларида эслатилган асосий божнинг ярмига мувофиқ, бўлган суммани чиқариб ташлаган ҳолда ушбу буюртманома муносабати билан тўланган божни тўловчига қайтаради.

(6) [Баённомага мувофиқ, Аҳдлашувчи томоннинг кўрсатмасига нисбатан қоидаларга бошқа риоя қилмасликлар] (a) Агар Баённоманинг 3(4)-моддасига мувофиқ, халқаро буюртманома ушбу халқаро буюртманома келиб чиқиш Идораси томонидан олинган санадан бошлаб икки ой мобайнида Халқаро бюро томонидан олинган бўлса ва Халқаро бюро 9(5)(f)-моддага биноан мавжуд бўлмаган ёки тегишли талабларни қондирмайдиган белгидан фойдаланиш нияти тўғрисида баёнот тақдим этилиши талаб этилади деб ҳисобласа, Халқаро бюро дарҳол бир вақтнинг ўзида бу ҳақида буюртманома берувчини ва келиб чиқиш Идорасини хабардор қилади.

(b) Белгидан фойдаланиш нияти тўғрисидаги баёнот, агар мавжуд бўлмаган ёки тузатилган баёнот Халқаро бюро томонидан (a)-кичик бандда эслатилган икки ой муддат мобайнида олинган бўлса, халқаро буюртманома билан биргаликда Халқаро бюро томонидан олинган деб ҳисобланади.

(c) Агар мавжуд бўлмаган ёки тузатилган баёнот (b)-кичик бандда эслатилган икки ойлик муддат тамом бўлгандан кейин олинган бўлса, халқаро буюртманомада бунинг учун белгидан фойдаланиш нияти тўғрисидаги баёнот талаб қилинадиган Аҳдлашувчи томонларнинг кўрсатмаси мавжуд эмас деб

ҳисобланади. Халқаро бюро бир вақтнинг ўзида бу ҳақида буюртманома берувчини ва келиб чиқиш Идорасини хабардор қилади, ушбу Аҳдлашувчи томонларга нисбатан тўланган кўрсатма учун божни қайтаради ва ушбу Аҳдлашувчи томоннинг кўрсатмаси бундай кўрсатмага талаб қилинадиган баёнот илова қилиниши шарти билан 24-қоидага мувофиқ, кейинчалик берилган кўрсатма сифатида амалга оширилиши мумкинлигини қайд этади.

(7) [Халқаро буюртманома деб қаралмайдиган халқаро буюртманома] Агар халқаро буюртманома Халқаро бюрога бевосита буюртманома берувчи томонидан тақдим этилса ёки 6(1)-қоидага биноан талабларга мувофиқ, бўлмаса, халқаро буюртманома халқаро буюртманома деб ҳисобланмайди ва жўнатувчига қайтарилади.

## **12-қоида**

### **Товарлар ва хизматларни таснифлашга нисбатан қўлланиладиган қоидаларга риоя қилмаслик**

(1) [Таснифлаш бўйича таклиф] (а) Агар Халқаро бюро 9(4)(а) (хiii)-қоидалар талабларига риоя қилинмаган деб ҳисобласа, у таснифлаш ва класслар бўйича тақсимлаш бўйича ўз таклифини тақдим этади ва бу ҳақида келиб чиқиш идорасини хабардор қилади, айни вақтда, бу ҳақида буюртманома берувчига маълум қилади.

(б) Таклиф тўғрисидаги билдиришномада шунингдек,, агар бундай зарурат таклиф қилинаётган таснифлаш ва класслар бўйича тақсимлаш муносабати билан пайдо бўлса, тўланиши керак бўлган божлар ва йиғимлар суммаси кўрсатилади.

(2) [Таклиф этилгандан фарқ қиладиган фикр] Келиб чиқиш Идораси Халқаро бюрога таклиф этилган таснифлаш ва класслар бўйича тақсимлаш юзасидан фикрни таклиф тўғрисидаги билдиришнома санасидан бошлаб уч ой мобайнида хабар қилиши мумкин.

(3) [Таклиф тўғрисида эслатиш] Агар 1(а)-кичик бандда эслатилган билдиришнома санасидан бошлаб икки ой мобайнида келиб чиқиш Идораси таклиф қилинган таснифлаш ва класслар бўйича тақсимлаш юзасидан ўз фикрини маълум қилмаса, Халқаро бюро келиб чиқиш Идорасига ва буюртманома берувчига таклиф тўғрисидаги хабарни такроран юборади. Бундай хабарни юбориш (2)-бандда эслатилган уч ойлик муддатга таъсир қилмайди.

(4) [Таклифни чақириб олиш] Агар (2)-бандга мувофиқ, хабар қилинган фикр муносабати билан Халқаро бюро ўз таклифини чақириб олса, у бу ҳақида келиб чиқиш Идорасини хабардор қилади, айни вақтда, буюртманома берувчини ҳам бундан хабардор қилади.

(5) [Таклифни ўзгартириш] Агар (2)-бандга мувофиқ, хабар қилинган фикр муносабати билан Халқаро бюро ўз таклифини ўзгартирса, у келиб чиқиш Идорасини, айти вақтда, буюртманома берувчини хабардор қилган ҳолда бундай ўзгартириш ва (1)(b)-кичик бандда кўрсатилган тўловлар миқдорларининг кейинчалик ҳар қандай ўзгартирилиши тўғрисида хабардор қилади.

(6) [Таклифни тасдиқлаш] Агар (2)-бандда эслатилган фикрга қарамай, Халқаро бюро ўз таклифини тасдиқласа, у бу ҳақида келиб чиқиш Идорасини хабардор қилади, айти вақтда, бу ҳақида буюртманома берувчини хабардор қилади.

(7) [Божлар ва йиғимлар] (а) Агар (2)-бандга мувофиқ, Халқаро бюрога фикр тўғрисида хабар қилинмаган бўлса, (1)(b)-кичик бандда эслатилган сумма (1)(a)-кичик бандда эслатилган билдиришнома санасидан бошлаб тўрт ой мобайнида тўланиши керак. Ушбу муддат мобайнида тўланмаса, халқаро буюртманома бўйича, иш юритиш тўхтатилган деб ҳисобланади ва Халқаро бюро бу ҳақида келиб чиқиш Идорасини хабардор қилади, айти вақтда, буюртманома берувчини бундан хабардор қилади.

(b) Агар (2)-бандга мувофиқ, Халқаро бюрога фикр тўғрисида маълум қилинган бўлса, (1)(b)-кичик бандда эслатилган ёки бу қўлланилган жойда (5)-бандда эслатилган сумма Халқаро бюро томонидан ўзгариш ёки ҳолатга боғлиқ равишда (5) ёки (6)-бандга мувофиқ, унинг таклифи тасдиқланиши тўғрисидаги билдиришнома санасидан бошлаб уч ой мобайнида тўланиши керак. Ушбу муддат мобайнида тўланмаган тақдирда, халқаро буюртманома бўйича иш юритиш тўхтатилган деб ҳисобланади ва Халқаро бюро бу ҳақида келиб чиқиш Идорасини хабардор қилади, айти вақтда, бу ҳақида буюртманома берувчини хабардор қилади.

(c) Агар (2)-бандга мувофиқ, Халқаро бюрога фикр тўғрисида маълум қилинган бўлса ва агар ушбу фикр муносабати билан Халқаро бюро (4)-бандга мувофиқ, ўз таклифини чақириб олса, (1)(b)-кичик бандда эслатилган сумма тўланмайди.

(8) [Божни қоплаш] Агар (7)-бандга мувофиқ, халқаро буюртманома бўйича иш юритиш тўхтатилган деб ҳисобланса, Халқаро бюро Божлар ва йиғимлар рўйхатининг 1.1.1, 2.1.1 ёки 3.1.1-кичик бандларда эслатилган асосий божнинг ярмига мувофиқ, бўлган суммани чиқариб ташлаган ҳолда, ушбу буюртманома муносабати билан тўланган божни тўловчига қайтаради.

(9) [Рўйхатга олишда кўрсатилган таснифлаш] Халқаро буюртманома бошқа қўлланиладиган талабларга мувофиқ, бўлиши шарти билан белги Халқаро бюро тўғри деб ҳисоблайдиган таснифлаш ва класслар бўйича тақсимлаш бўйича рўйхатга олинади.

### **13-қоида**

#### **Товарлар ва хизматларни кўрсатишга нисбатан қўлланиладиган қоидаларга риоя қилмаслик**

(1) [Халқаро бюро томонидан қоидаларга риоя қилинмаганлиги тўғрисида келиб чиқиш Идорасига хабар қилиш] Агар Халқаро бюро халқаро буюртманомада кўрсатилган қандайдир товарлар ва хизматлар таснифлаш мақсадлари учун ҳаддан ташқари ноаниқ ёки тушунарсиз, ёки лингвистик нуқтаи назардан нотўғри термин билан белгиланган деб ҳисобласа, у бу ҳақида келиб чиқиш Идорасини хабардор қилади, айти вақтда, бу ҳақида буюртманома берувчини хабардор қилади. Ушбу билдиришномада Халқаро бюро кўрсатиб ўтилган терминни алмаштиришни ёхуд чиқариб ташлашни таклиф қилиши мумкин.

(2) [Нуқсонни тузатиш учун муддат] (а) Келиб чиқиш Идораси нуқсонни тузатишга доир таклифни (1)-бандда эслатилган билдириш-нома санасидан бошлаб уч ой мобайнида тақдим қилиши мумкин.

(б) Агар (а)-кичик бандда кўрсатилган муддат мобайнида Халқаро бюрога нуқсонни тузатишга йўналтирилган ҳеч қандай мақбул таклиф тақдим этилмаган бўлса, Халқаро бюро терминни халқаро рўйхатга олишга халқаро буюртманомада мавжуд бўлган шаклда киритади, бунда келиб чиқиш Идораси бундай термин тегишли бўлиши керак бўлган классни кўрсатади; халқаро рўйхатга олишда Халқаро бюронинг фикрига кўра кўрсатиб ўтилган термин ҳолатга боғлиқ равишда, таснифлаш мақсадлари учун ҳаддан ташқари ноаниқ ёки тушунарсиз, ёки лингвистик нуқтаи назардан нотўғри эканлиги тўғрисидаги фикр кўрсатилиши керак. Агар келиб чиқиш Идораси ҳеч бир классни кўрсатмаган бўлса, Халқаро бюро ушбу терминни ex officioдан чиқариб ташлайди ва бу ҳақида келиб чиқиш Идорасини хабардор қилади, айти вақтда, бу ҳақида буюртманома берувчини хабардор қилади.

### **3-бўлим**

#### **Халқаро рўйхатдан ўтказиш**

### **14-қоида**

#### **Белгини Халқаро реестрда рўйхатдан ўтказиш**

(1) [Белгини Халқаро реестрда рўйхатга олиш] Агар Халқаро бюро халқаро буюртманома унга қўлланиладиган талабларга

мувофик, деб ҳисобласа, у белгини Халқаро реестрда рўйхатдан ўтказди, кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонларнинг Идораларини халқаро рўйхатга олиш тўғрисида хабардор қилади, бу ҳақида келиб чиқиш Идорасини хабардор қилади ва гувоҳномани эгасига юборади. Агар келиб чиқиш Идораси хоҳласа ва бу ҳақида тегишли тарзда Халқаро бюрони хабардор қилса, гувоҳнома келиб чиқиш Идораси орқали эгасига юборилади.

(2) [Рўйхатга олишнинг мазмуни] Халқаро рўйхатга олишда:

(i) халқаро буюртманномадаги барча маълумотлар мавжуд бўлади, агар анча олдинроқ бериш санаси билан халқаро рўйхатга олиш санаси ўртасидаги муддат олти ойдан ортиқ бўлса, 9 (4) (a) (iv)-қоидага мувофик, устунликка эга бўлган ҳар қандай даъво бундан мустасно;

(ii) халқаро рўйхатга олиш санаси,

(iii) халқаро рўйхатга олишнинг тартиб рақами,

(iv) халқаро бюро томонидан аниқланадиган белгиларнинг тасвирий элементлари, халқаро таснифининг тегишли классификация рамзлари, - агар белги эслатиб ўтилган таснифлашга мувофик, таснифланиши мумкин бўлса ва халқаро буюртманнома буюртманнома берувчи белги стандарт шрифт ижросидаги белги сифатида қаралиши тўғрисида баёнот мавжуд бўлмаса;

(v) у битимга мувофик, кўрсатилган Аҳдлашувчи томон ёки Баённомага мувофик, кўрсатилган Аҳдлашувчи томон ҳисобланишини аниқлаштирадиган ҳар бир кўрсатилган Аҳдлашувчи томонга нисбатан кўрсатма мавжуд бўлиши керак.

## **15-қоида**

### **Халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси**

(1) [Халқаро рўйхатдан ўтказиш санасига дахл қиладиган қоидаларга риоя қилмаслик] (a) Агар Халқаро бюро томонидан олинган халқаро буюртманномада қуйида санаб ўтиладиган барча элементлар мавжуд бўлмаса:

(i) буюртманнома берувчининг шахсини аниқлаш имконини берадиган ва буюртманнома берувчи ёки унинг вакили, бундай вакил бўлган тақдирда, алоқа ўрнатиш учун етарли бўлган кўрсатмалар;

(ii) Аҳдлашувчи томонларни кўрсатадиган;

(iii) белгининг тасвири;

(iv) улар учун белги рўйхатга олинishi сўралаётган товарлар ва хизматлар кўрсатилиши,



мавжуд бўлмаган элементлар охириги Халқаро бюро томонидан олинган сана халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси ҳисобланади; агар мавжуд бўлмаган элементлардан охириги Халқаро бюро томонидан битимнинг 3 (4)-моддасида ва Баённоманинг 3 (4)-моддасида эслатилган икки ойлик муддат мобайнида олинган тақдирда, тўлиқ бўлмаган халқаро буюртманомани олинган ёки 11 (1)-қоидага мувофиқ, келиб чиқиш Идораси томонидан олинган деб ҳисобланадиган сана халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси деб ҳисобланади.

(2) [Бошқа ҳолларда халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси] Барча бошқа ҳолларда битимнинг 3 (4)-моддасига ва Баённоманинг 3 (4)-моддасига мувофиқ, рўйхатдан ўтказилган сана халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси ҳисобланади.

#### **4-бўлим**

### **Аҳдлашувчи давлатларда мавжуд бўлган ва халқаро рўйхатдан ўтказишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фактлар**

#### **16-қоида**

**Эътироз билдириш асосида рўйхатдан ўтказиш дастлабки рад этилиши тўғрисида дастлабки билдиришнома учун муддат**

(1) [Бўлиши мумкин бўлган эътирозларга тегишли ахборот] (а) Агар Аҳдлашувчи томонлардан бири Баённоманинг 5(2)(b) ва (с)-моддаси биринчи жумласига мувофиқ, баёнот берса, ушбу Аҳдлашувчи томоннинг Идораси Халқаро бюрога, агар ушбу Аҳдлашувчи томонни кўрсатадиган ушбу халқаро рўйхатдан ўтказишга нисбатан 5(2)(b)-моддада эслатилган 18 ойлик муддат мобайнида Халқаро бюрога маълум қилиниши керак бўлган эътироз асосида исталган дастлабки рад этиш учун эътироз билдириш муддати ҳаддан ташқари кеч тамом бўлиши аниқ бўлиб қолса, халқаро рўйхатдан ўтказишнинг тартиб рақами ва эгасининг номини хабар қилади.

(b) Агар (а)-кичик бандда эслатилган ахборотни хабар қилиш пайтида эътироз беришнинг бошланиши ва муддати тамом бўлиши санаси маълум бўлса, ушбу саналар хабарда кўрсатилади, агар ушбу саналар хабар бериш пайтида ҳали маълум бўлмаса, ушбу саналар Халқаро бюрога эътироз билдириш асосида олдиндан рад этиш тўғрисидаги исталган билдиришномадан кечикмай маълум қилиниши керак.

(с) Агар (а)-кичик банд қўлланилса ва ушбу кичик бандда эслатилган Идора айна ўша кичик бандда эслатилган 18 ойлик муддат тамом бўлгунига қадар Халқаро бюрони эътироз билдириш муддати 18 ойлик муддат тамом бўлишигача 30 кун мобайнида тамом бўлиши, шунингдек, ушбу 30 кун мобайнида эътироз билдириш имконияти тўғрисида хабар қилган бўлса, Халқаро бюро эътироз берилган санадан бошлаб бир ой мобайнида мана шу эътироз билдиришнинг 30 куни мобайнида берилган эътирозга асосланиб олдиндан рад этиш тўғрисида хабардор қилиниши мумкин.

(2) [Ёзувни киритиш ва ахборотни бериш] Халқаро бюро Халқаро реестрга (1)-бандга мувофиқ, олинаниган ахборотни киритади ва ушбу ахборотни эгасига беради.

### **17-қоида**

#### **Дастлабки рад этиш ва муҳофаза тақдим этилиши тўғрисида баёно**

(1) [Дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришнома] (а) Дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришнома билдиришнома бераётган Идора муҳофаза тегишли Аҳдлашувчи томонга берилиши мумкин эмас деб ҳисоблайдиган билдиришномани бераётган асослар баёни билан биргаликда баёнотни («дастлабки рад этиш ех officio») ёки муҳофаза берилган эътироз туфайли («эътироз асосида дастлабки рад этиш») ёки униси ҳам, буниси ҳам туфайли тегишли Аҳдлашувчи томонга берилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги баёнотни ўз ичига олиши мумкин.

(б) Дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришнома битта халқаро рўйхатдан ўтказишга тегишли бўлиши, санаси бўлиши ва уни юбораётган Идоранинг имзоси бўлиши керак.

(2) [Билдиришноманинг мазмуни] Дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришномада қуйидагилар мавжуд бўлиши ёки кўрсатилиш керак:

(i) билдиришномани юбораётган Идора;

(ii) халқаро рўйхатдан ўтказишнинг тартиб рақами, халқаро рўйхатдан ўтказишнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш имконини берадиган белгининг сўзли элементлари ёки базавий буюртманоманинг, ёки базавий рўйхатдан ўтказишнинг тартиб рақами сингари бошқа кўрсатмалар билан биргаликда;

(iii) [чиқариб ташланган];

(iv) қонунчиликнинг тегишли асосий қоидаларига ҳавола қилган ҳолда рўйхатдан ўтказишнинг дастлабки рад этилиши барча асослари;

(v) агар рўйхатдан ўтказиш дастлабки рад этиш асослари буюртманома бериш ёки рўйхатдан ўтказиш предмети ҳисобланган ва халқаро буюртманома предмети ҳисобланган белгига зид қўйилаётган белгига тегишли бўлса, у ҳолда буюртманома бериш санаси ва тартиб рақами, устуворлик санаси (агар бундай устуворлик мавжуд бўлса), рўйхатдан ўтказиш санаси ва тартиб рақами (агар улар мавжуд бўлса), эгасининг исми ва манзили, буюртманомада унга тегишли бўлган барча товарлар ва хизматларнинг рўйхати билан биргаликда олдинги белгининг тасвири ёки ушбу олдинги белгининг рўйхатдан ўтказилиши маълум қилинади; бунда эслатиб ўтилган рўйхат ушбу буюртманома ёки рўйхатдан ўтказиш тилида тақдим этилиши мумкинлиги тушунилади;

(vi) ёхуд, дастлабки рад этиш уларга асосланган сабаблар барча товарлар ва хизматларга дахл қилса, дастлабки рад этиш дахл қиладиган ёки дахл қилмайдиган товарлар ва хизматларни кўрсатиш;

(vii) дастлабки рад этиш *ex officio*ни қайта кўриб чиқиш ва унинг устидан шикоят қилиш тўғрисидаги илтимос учун ушбу ҳолатлар учун оқилона муддат ёки, ҳолатга қараб, эътирозга жавоб бериш учун кўрсатиб ўтилган ушбу муддат тамом бўладиган сана ва қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги бундай илтимос ёки шикоят ёки жавоб юборилиши керак бўлган органнинг номи устун даражада кўрсатилган ҳолда, тегишли ҳолларда қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимос ёки шикоят манзили Идораси рад этиш тўғрисида қарор чиқарган Аҳдлашувчи томон ҳудудида жойлашган вакил орқали берилиши кераклиги кўрсатилиши лозим.

(3) [Эътироз билдириш асосида дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришномага қўйиладиган қўшимча талаблар] Агар муҳофаза қилишнинг дастлабки рад этилиши эътирозга ёки бошқа сабаблар бўйича эътирозга асосланган бўлса, билдиришномада, (2)-бандда эслатилган талабларга мувофиқ, бўлганидан ташқари ушбу фактнинг кўрсатилиши, шунингдек, эътироз билдираётган томоннинг номи ва манзили кўрсатилиши керак; бироқ, (2) (v)-бандга қарамай, агар эътироз буюртманома ёки рўйхатдан ўтказиш предмети бўлган белгига асосланса, билдиришнома бераётган Идора эътироз уларга асосланган товарлар ва хизматини маълум қилиш керак ва, бундан ташқари, ушбу олдинги буюртманома ёки рўйхатга олишнинг

товарлари ва хизматлари тўлиқ рўйхатини маълум қилиши мумкин. Бунда эслатиб ўтилган рўйхатлар бундан олдинги буюртманомалар ёки рўйхатдан ўтказишлар тилида тақдим этилиши мумкинлиги тушунилади.

(4) [Ўзувни киритиш; билдиришнома нусхаларини қайта юбориш] (а) Халқаро бюро билдиришнома юборилган санани ёки 18(1)(d)-қоидага мувофиқ, Халқаро бюрога юборилган деб ҳисобланадиган санани кўрсатган ҳолда билдиришномадаги маълумотлар билан биргаликда Халқаро реестрда рўйхатдан ўтказиш дастлабки рад этилиши тўғрисидаги ўзувни киритади ва, агар ушбу Идора Халқаро бюрони бундай нусхаларни олиш хоҳиши тўғрисида хабардор қилган бўлса, билдиришнома нусхасини келиб чиқиш Идорасига ҳамда эгасига юборади.

(5) [Дастлабки рад этишни тасдиқлаш ёки чақириб олиш] (а) Халқаро бюрога дастлабки рад этиш тўғрисида билдиришнома юборган Идора белгини муҳофаза қилишга тегишли бўлган кўрсатиб ўтилган Идорага нисбатан барча тартиб-таомиллар бажарилгандан кейин Халқаро бюрога қуйидагилар кўрсатилган баёнотни юборади:

(i) белгини муҳофаза қилиш рад этилиши Аҳдлашаётган томонда барча товарлар ва хизматларга тегишли эканлиги;

(ii) белгини муҳофаза қилиш Аҳдлашаётган томонда барча сўралган товарлар ва хизматлар тегишли эканлиги; ёки

(iii) уларга нисбатан белги тегишли Аҳдлашаётган томонда муҳофаза қилинадиган товарлар ва хизматлар.

(b) Агар (а)-кичик бандга мувофиқ, баёнот юборилгандан кейин бошқа қарор белгининг муҳофаза қилинишига дахл қилади. Идора, агар унга ушбу қарор маълум бўлса, Халқаро бюрога уларга нисбатан белги тегишли Аҳдлашувчи томонда муҳофаза қилинадиган товарлар ва хизматларни кўрсатган ҳолда қўшимча баёнотни юбориши зарур<sup>1</sup>.

(c) Халқаро бюро (а) ёки (b)-кичик бандга мувофиқ, олинган исталган баёнот тўғрисидаги ўзувни Халқаро реестрга киритади ва нусхасини эгасига юборади.

(d) Аҳдлашувчи томон Идораси баёнотда Бош Директорни ушбу Аҳдлашувчи томоннинг қонунчилигига мувофиқ, қўйидагилар тўғрисида хабардор қилиши мумкин:

---

<sup>1</sup> Мадрид иттифоқи Ассамблеяси томонидан маъқулланган талқин қилиш тўғрисидаги баёнот: «17(5)(b)-қоидада белгининг муҳофаза қилинишига дахл қиладиган бошқа қарорга ҳавола ушбу бошқа қарор Идора томонидан, масалан, Идора тартиб-таомиллар бажарилганлиги тўғрисида баёнот берганлигига қарамай, тўлиқ реституция ҳолатини ҳам ўз ичига олади».

(i) Халқаро бюро хабардор қилинган исталган дастлабки рад этиш бундай қайта кўриб чиқиш эгаси томонидан сўралганидан қатъи назар,, юқорида кўрсатиб ўтилган Идора томонидан қайта кўриб чиқилиши керак; ва

(ii) юқорида кўрсатиб ўтилган қайта кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарор Идорада қўшимча кўриб чиқиш ёки шикоят мавзусига айланиши мумкин.

Агар ушбу баёнот қўлланилса ва Идора юқорида кўрсатиб ўтилган қарор тўғрисида тегишли халқаро рўйхатдан ўтказишнинг бевосита эгасига хабар қила олмаса, Идора, белгини муҳофаза қилишга тегишли бўлган барча тартиб-таомиллар юқорида кўрсатиб ўтилган Идорада тугатилмаган бўлиши мумкинлигига қарамай, (а)-кичик бандда эслатиб ўтилган баёнотни юқорида кўрсатиб ўтилган қарор қабул қилингани заҳоти Халқаро бюрога юборади. Белги муҳофаза қилинишига дахл қиладиган исталган қўшимча қарор, (b)-кичик бандга мувофиқ,, Халқаро бюрога юборилиши зарур.

(e) Аҳдлашувчи томоннинг Идораси баёнотда Бош Директорни ушбу Аҳдлашувчи томоннинг қонунчилигига мувофиқ, Халқаро бюро хабардор қилинган исталган ех officio дастлабки рад этиш юқорида кўрсатиб ўтилган Идорада қайта кўриб чиқиш мавзусига айланмаслиги тўғрисида хабар қилиши мумкин. Агар ушбу баёнот қўлланилса, юқорида кўрсатиб ўтилган Идора томонидан дастлабки рад этиш тўғрисидаги исталган ех officio билдиришнома (a)(i) ёки (iii)-кичик бандга мувофиқ, баёнотни ўз ичига оладиган деб ҳисобланиши керак.

(б) [Муҳофазани тақдим этиш тўғрисидаги баёнот]  
(a) Муҳофазани тақдим этишни дастлабки рад этиш тўғрисида билдиришнома юбормаган Идора Битимнинг 5(2)-моддасига ёки Баённоманинг 5(2)(a) ёки (b)-моддасига мувофиқ, қўлланиладиган муддат мобайнида Халқаро бюрога қуйидаги ҳужжатларнинг исталган бирини юбориши мумкин:

(i) Идора томонидан назарда тутилган барча тартиб-таомиллар бажарилганлиги ва Идора халқаро рўйхатдан ўтказиш предмети ҳисобланган белгини муҳофаза қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ҳақидаги баёнот;

(ii) ех officio экспертиза тугалланганлиги ва Идора муҳофазани тақдим этишни рад этиш учун сабаблар топмаганлиги, белгига муҳофазани тақдим этиш ҳамон учинчи томонларнинг эътироз ва мулоҳазалар билдириш мавзуси эканлиги тўғрисидаги баёнот,

бундай эътирозлар берилиши мумкин бўлган сана кўрсатилган ҳолда;

(iii) (ii)-кичик бандга мувофиқ, баёнот юборилган тақдирда, эътирозларни юбориш муддати тамом бўлганлиги, бироқ бирор-бир эътироз ёки мулоҳазалар берилмаганлиги ва шу муносабат билан Идора халқаро рўйхатдан ўтказиш предмети ҳисобланган белгига муҳофазани тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ҳақидаги бошқа баёнот<sup>1</sup>.

(b) Халқаро бюро Халқаро реестрга (a)-кичик бандга мувофиқ, олинган исталган баёнотлар тўғрисидаги ёзувни киритади ва нусхасини эгасига юборади.

### **18-қоида**

#### **Рўйхатдан ўтказиш дастлабки рад этилиши тўғрисидаги билдиришномага нисбатан қўлланиладиган қоидаларга риоя қилмаслик**

(1) [Битимга мувофиқ, кўрсатилган Аҳдлашувчи томон] (a) Битимга мувофиқ, кўрсатилган Аҳдлашувчи томон Идораси томонидан юборилган дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришнома Халқаро бюрода:

(i) агар унда бирор-бир халқаро рўйхатдан ўтказишнинг тартиб рақами мавжуд бўлмаса, агар билдиришномадаги мавжуд бошқа кўрсатмалар дастлабки рад этиш унга тегишли бўлган халқаро рўйхатдан ўтказишни идентификациялаш имконини бермаса;

(ii) агар унда рад этишнинг ҳеч бир сабаблари мавжуд бўлмаса, ёки

(iii) агар у Халқаро бюрога ҳаддан ташқари кеч юборилса, айнан олганда, агар у халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ёзув ёки халқаро рўйхатдан ўтказишдан кейин амалга оширилган кўрсатма тўғрисидаги ёзув амалга оширилган санадан бошлаб бир йил ўтгандан кейин юборилса, бундай билдиришнома сифатида қаралмайди; бунда эслатиб ўтилган сана халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома жўнатилган ёки кечроқ амалга оширилган кўрсатма санаси сингари сана ҳисобланади.

(b) (a)-кичик банд қўлланилган тақдирда Халқаро бюро, шунга қарамай, билдиришнома нусхасини эгасига юборади, шунингдек, эгасини ва билдиришномани юборган Идорани дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришнома Халқаро бюро томонидан бундай

---

<sup>1</sup> Мадрид Иттифоқи Ассамблеяси томонидан маъқулланган талкин қилиш тўғрисидаги баёнот: «17 (b) (a) (ii) ва (iii)-қоидада учинчи томонларнинг мулоҳазаларига ҳаволалар фақат конунчилиги бундай мулоҳазалар берилишини назарда тутадиган Аҳдлашувчи томонларга нисбатан қўлланилади».

билдиришнома сифатида эътироф этилмаслигидан хабардор қилади ва бунинг сабабларини кўрсатади.

(с) Агар билдиришнома:

(i) билдиришномани юборган Идора номидан имзоланмаган бўлса ёки бошқача тарзда 2-қоида талабларига ёки 6(2)-қоидага мувофиқ, қўлланиладиган талабларга мувофиқ, бўлмаса;

(ii) эҳтимолки (17(2)(v) ва (3))-халқаро рўйхатдан ўтказиш предмети ҳисобланган белгига зид қўйиладиган белги тўғрисида, бу қўлланиладиган жойларда, батафсил маълумотлар мавжуд бўлмаса;

(iii) (17(2)(vi))-қоида талабларига мувофиқ, бўлмаса;

(iv) (17(2)(vii))-қоида талабларига мувофиқ, бўлмаса, ёки;

(v) [чиқариб ташланган];

(vi) бу қўлланиладиган жойларда эътироз билдирадиган томоннинг номи ва манзили, шунингдек, (17(3))-қоида) эътироз унга асосланадиган товарлар ва хизматлар кўрсатилмаган бўлса,

у ҳолда Халқаро бюро, (d)-кичик банд қўлланилиши ҳолларидан ташқари, шунга қарамай Халқаро реестрга дастлабки рад этиш тўғрисидаги ёзувни киритади. Халқаро бюро дастлабки рад этиш тўғрисида хабар берган Идорадан тузатилган билдиришномани илтимос қилинган пайтдан бошлаб икки ой мобайнида юборишни илтимос қилади ҳамда эгасига нотўғри тузилган билдиришнома нусхасини ва тегишли Идорага юборилган илтимосномани юборади.

(d) Агар билдиришнома 17(2)(vii))-қоида талабларига мувофиқ, бўлмаса, дастлабки рад этиш тўғрисидаги ёзув Халқаро реестрга киритилмайди. Агар бироқ тузатилган билдиришнома (с)-кичик бандда эслатилган муддат мобайнида юборилган бўлса, у ҳолда Битимнинг 5-моддаси мақсадлари учун у Халқаро бюрога нотўғри тузилган билдиришнома юборилган санада юборилган деб ҳисобланади. Агар билдиришнома белгиланган муддатда тузатилмаган бўлса, у ҳолда дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришнома деб эътироф қилинмайди. Охириги ҳолатда Халқаро бюро айна бир вақтда эгасини ва билдиришномани юборган Идорани дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришнома Халқаро бюро томонидан бундай билдиришнома деб ҳисобланмаслигидан хабардор қилади ва бунинг сабабларини кўрсатади.

(е) Исталган тузатилган билдиришнома, агар бунга қўлланиладиган қонунчилик билан рухсат берилса, ех officio дастлабки рад этишни қайта кўриб чиқиш ёки унинг устидан шикоят қилиш ёки эътирозга асосланган дастлабки рад этиш ва тегишли

ҳолларда эътирозга жавоб бериш учун илтимосномани юбориш учун вазиятга боғлиқ равишда янги оқилона муддатни, устун даражада ушбу муддат тамом бўладиган санани кўрсатади.

(f) Халқаро бюро исталган тузатилган билдиришнома нусхасини эгасига беради.

(2) [Баённомага мувофиқ, кўрсатилган Аҳдлашувчи томон] (a) (1)-банд, шунингдек, Баённомага мувофиқ, кўрсатилган Аҳдлашувчи томоннинг Идораси томонидан юборилган дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришнома билан бўлган ҳолатда ҳам қўлланилади; бунда (1)(a)(iii)-кичик бандда эслатилган муддат Баённоманинг 5(2)(a) (b) ёки (c)(ii)-моддасига мувофиқ, қўлланиладиган муддат ҳисобланиши тушунилади.

(b) 1(a)-кичик банд Баённоманинг 5(2)(c)(i)-бандида эслатилган ахборот тегишли Аҳдлашувчи томон Идораси томонидан Халқаро бюрога тамом бўлиш муддатигача тақдим этилишига риоя қилинишини аниқлаш учун қўлланилади. Агар бундай ахборот ушбу муддат тамом бўлгандан кейин тақдим этилса, у ҳолда тақдим этилмаган деб ҳисобланади ва Халқаро бюро бу ҳақида тегишли Идорани хабардор қилади.

(c) Агар эътироз билдириш асосидаги дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришнома Баённоманинг 5(2)(c)(i)-моддаси талабларига риоя қилинмасдан Баённоманинг 5(2)(c)(ii)-моддасига мувофиқ, амалга оширилган бўлса, дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришнома сифатида қаралмайди., Шунга карамай, бундай ҳолатда Халқаро бюро билдиришнома нусхасини эгасига юборади, айти вақтда, эгасини ва ушбу билдиришномани юборган Идорани дастлабки рад этиш тўғрисидаги билдиришнома Халқаро бюро томонидан бундай билдиришнома сифатида қаралмаслигидан хабардор қилади ва бунинг сабабларини кўрсатади.

### **19-қоида**

#### **Кўрсатилган Аҳдлашувчи томонларда халқаро рўйхатдан ўтказишнинг ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши**

(1) [Рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги билдиришноманинг мазмуни] Халқаро рўйхатдан ўтказиш битимнинг 5(6)-моддасига ёки Баённоманинг 5(6)-моддасига мувофиқ, кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонда ҳақиқий эмас деб эътироф этилса ва рўйхатдан ўтказиш ҳақиқий эмаслиги эътироф этилиши тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинмаган бўлса, унинг ваколатли органи рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас



деб эътироф этиш тўғрисида қарор чиқарган ушбу Аҳдлашувчи томон Идораси бу ҳақида Халқаро бюрони хабардор қилади. Билдиришномада қуйидагилар бўлиши ёки кўрсатилиши керак:

(i) халқаро рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида қарор чиқарган орган;

(ii) рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят бериши мумкин эмаслиги тўғрисидаги кўрсатма;

(iii) халқаро рўйхатдан ўтказишнинг тартиб рақами;

(iv) эгасининг номи;

(v) агар халқаро рўйхатдан ўтказишнинг ҳақиқий эмаслиги эътироф этилиши барча товарлар ва хизматларга тегишли бўлмаса, улардан уларга нисбатан белгини рўйхатдан ўтказиш ҳақиқий эмас деб эътироф этилганлари ёки уларга нисбатан рўйхатдан ўтказиш ҳақиқий эмас деб эътироф этилганлари; ва

(vi) халқаро рўйхатдан ўтказиш ҳақиқий эмас деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор чиқарилган сана ва, имкони борича, унинг кучга кириш санаси.

(2) [Халқаро рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги ёзувни киритиш ва ахборотни эгасига ва тегишли Идорага юбориш] Халқаро бюро халқаро рўйхатдан ўтказиш ҳақиқий эмас деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги ёзувни халқаро рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги билдиришномадаги маълумотлар билан биргаликда Халқаро реестрга киритади ва бу ҳақида эгасига хабар беради. Халқаро бюро, шунингдек, халқаро рўйхатдан ўтказиш ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши тўғрисидаги билдиришнома юборилган Идорани, агар ушбу Идора бундай ахборотни олиш тўғрисида илтимос қилган бўлса, рўйхатдан ўтказиш ҳақиқий эмас деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги ёзув Халқаро реестрга киритилган санани маълум қилади.

## **20-қоида**

### **Эгасининг халқаро рўйхатдан ўтказишни тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаш**

(1) [Ахборот бериш] Халқаро рўйхатдан ўтказишнинг эгасининг Аҳдлашувчи томони Идораси Халқаро бюрони эгасининг халқаро рўйхатдан ўтказишни тасарруф этиш ҳуқуқи чекланганлиги тўғрисида, ва, агар бу зарур бўлса, тегишли Аҳдлашувчи томонларни кўрсатиш тўғрисида хабардор қилиши мумкин.

(b) Исталган кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томоннинг Идораси Халқаро бюрони эгасининг халқаро рўйхатдан ўтказишни тасарруф этиш ҳуқуқи ушбу Аҳдлашувчи томон ҳудудида чегараланганлиги тўғрисида хабардор қилиш мумкин.

(c) (a) ёки (b)-кичик бандга мувофиқ, тақдим этиладиган ахборот бундай чеклашга тегишли бўлган асосий фактларнинг қисқача баёнидан иборат бўлиши керак.

(2) [Чеклашни қисман ёки тўлиқ олиб ташлаш] Агар Халқаро бюро (1)-бандга мувофиқ, эгасининг халқаро рўйхатдан ўтказишни тасарруф этиш ҳуқуқи чекланганлиги тўғрисида хабардор қилинган бўлса, ушбу ахборотни берган томон, шунингдек, Халқаро бюрони ушбу чеклашнинг исталган қисман ёки тўлиқ олиб ташланиши тўғрисида ҳам хабардор қилиш керак.

(3) [Ўзувни киритиш] Халқаро бюро (1) ва (2)-бандларга мувофиқ, олинган ахборот тўғрисидаги ўзувни Халқаро реестрга киритади ва бу ҳақида эгасига, тегишли кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонларга ва, агар ахборот Идора томонидан тақдим этилган бўлса, ушбу Идорага маълум қилади.

## **20 bis-қоида**

### **Лицензия**

(1) [Лицензия тўғрисидаги ўзувни киритиш ҳақидаги илтимос]

(a) Лицензия тўғрисидаги ўзувни киритиш ҳақидаги илтимос Халқаро бюрога эгаси томонидан тегишли расмий бланкада ёки, агар Идора бундай тақдим этишга рози бўлса, эгасининг Аҳдлашувчи томони Идораси ёки унга нисбатан лицензия тақдим этилган Аҳдлашувчи томон Идораси томонидан тақдим этилиши керак.

(b) Бундай илтимосномада қуйидагилар бўлиши зарур:

(i) тегишли халқаро рўйхатдан ўтказишнинг тартиб рақами;

(ii) эгасининг номи;

(iii) Маъмурий йўриқномага мувофиқ, тақдим этиладиган лицензиатнинг номи ва манзили;

(iv) уларга нисбатан лицензия тақдим этилган кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонлар;

(v) лицензия халқаро рўйхатдан ўтказиш томонидан қамраб олинандиган барча товарлар ва хизматлар учун тақдим этилганлиги, ёки улар учун лицензия тақдим этилган товарлар ва хизматлар Товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифи тегишли класслари бўйича гуруҳлаштирилганлиги.

(с) Илтимосномада куйидагилар ҳам кўрсатилиши мумкин:

(i) лицензиат жисмоний шахс ҳисобланган ҳолатларда лицензиат фуқароси ҳисобланган давлат;

(ii) агар лицензиат юридик шахс ҳисобланса, ушбу орган ёки давлатнинг ҳуқуқий хусусияти ва, зарур ҳолларда, унинг қонунчилигига мувофиқ, юқорида кўрсатиб ўтилган юридик шахс ташкил этилган давлатдаги ҳудудий бўлинма;

(iii) лицензия фақат аниқ кўрсатилган Аҳдлашувчи томон ҳудудининг бир қисмига тегишли эканлиги;

(iv) агар лицензиат вакилга эга бўлса, вакилнинг Маъмурий йўриқномага мувофиқ, кўрсатилган номи ва манзили;

(v) лицензия агар бундай бўлган ҳолларда фавқулодда лицензия ёки ягона лицензия эканлигининг тасдиғи<sup>1</sup>;

(vi) зарур ҳолларда лицензиянинг амал қилиши қанча давом этиши.

(d) Илтимоснома эгаси ёки у орқали тақдим этилган Идора томонидан имзоланиши керак.

(2) [Илтимосномага нисбатан қўлланиладиган қоидаларга риоя қилмаслик] (a) Агар лицензия тўғрисидаги ёзувни киритиш тўғрисидаги илтимоснома (1) (a), (b) ва (d)-банд талабларига мувофиқ, бўлмаса, Халқаро бюро ушбу факт тўғрисида эгасини ва, агар ушбу илтимоснома Идора томонидан тақдим этилган бўлса, ушбу Идорани хабардор қилади.

(b) Агар кўрсатиб ўтилган камчиликлар Халқаро бюронинг камчиликлар тўғрисидаги билдиришномаси санасидан бошлаб уч ой мобайнида тузатилмаган бўлса, илтимоснома амал қилиши тўхтатган деб ҳисобланади ва Халқаро бюро бу ҳақида эгасига хабар беради ва, агар илтимоснома Идора томонидан тақдим этилган бўлса, ушбу Идорани хабардор қилади ҳамда Божлар ва йиғимлар рўйхатининг 7-бандида эслатиладиган йиғимларнинг иккидан бирига тенг бўлган сумма чиқариб ташлангандан кейин, исталган тўланган йиғимларни ушбу йиғимларни тўлаган томонга қайтаради.

(3) [Ёзувни киритиш ва билдиришнома] Агар илтимоснома (b) (a), (b) ва (d)-банд талабларига мувофиқ, бўлса Халқаро бюро илтимосномадаги ахборот билан биргаликда лицензия тўғрисидаги ёзувни Халқаро реестрга киритади, бу ҳақида уларга нисбатан лицензия тақдим этилган кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи

---

<sup>1</sup> Мадрид Иттифоқи Ассамблеяси томонидан маъқулланган талқин қилиш тўғрисидаги баёнот: «Агар лицензия тўғрисидаги ёзувни киритишдаги илтимоснома 20bis (1) (c) (v)-қоидада назарда тутилган лицензия фавқулодда ёки ягона лицензия эканлиги тўғрисидаги кўрсатмани ўз ичига олмаса, лицензия фавқулодда эмас деб ҳисобланиши мумкин».

томонларнинг Идораларини, айти вақтда, агар илтимоснома Идора томонидан тақдим этилган бўлса, ушбу Идорани хабардор қилади.

(4) [Лицензия тўғрисидаги ёзувни киритишни ўзгартириш ёки бекор қилиш] (1)-(3)- бандлар лицензия тўғрисидаги ёзувни киритишни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги илтимосга нисбатан тегишли ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда қўлланалиди.

(5) [Бирор-бир ушбу лицензия тўғрисидаги ёзувни киритиш бундан кейин кучга эга эмаслиги ҳақидаги баёнот] (а) Халқаро бюро томонидан ушбу Аҳдлашувчи томонга нисбатан лицензия тўғрисидаги ёзувни киритиш ҳақида хабардор қилинган кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томон Идораси бундай ёзув кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонга бундан кейин ҳақиқий эмаслиги ҳақида баёнот бериши мумкин.

(b) (a)-кичик бандда эслатилган баёнотда қуйидагилар кўрсатилади:

(i) унга кўра лицензия тўғрисидаги ёзув кучга эга эмаслиги сабаблари;

(ii) агар баёнот лицензия тегишли бўлган барча товарлар ва хизматларга дахл қилмаса, улардан баёнот дахл қилмайдиганлари ёки баёнот томонидан дахл қилинмайдиганлари;

(iii) қонунчиликнинг тегишли асосий қоидалари; ва

(iv) бундай баёнот қайта кўриб чиқилиши ёки унинг устидан шикоят қилиниши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги.

(c) (a)-кичик бандда эслатилган баёнот Халқаро бюрога (3)-бандда эслатилган билдиришнома тегишли Идорага юборилган санадан бошлаб 18 ой ўтгунигача юборилиши керак.

(d) Халқаро бюро (c)-кичик бандга мувофиқ, бажарилган исталган баёнот тўғрисидаги ёзувни Халқаро реестрга киритади ва бу ҳақида лицензия тўғрисидаги ёзувни киритиш ҳақидаги илтимосномани тақдим этган томонларни (эгасини ёки Идорани) хабардор қилади.

(di)(e) (c)-кичик бандга мувофиқ, амалга оширилган баёнотга тегишли исталган узил-кесил қарор Халқаро бюро эътиборига етказилиши керак. Халқаро бюро у тўғрисидаги ёзувни Халқаро реестрга киритади ва бу ҳақида лицензия тўғрисидаги ёзувни киритиш ҳақидаги илтимосномани тақдим этган томонларни (эгасини ёки Идорани) хабардор қилади.

(б) [Лицензия тўғрисидаги ёзувни Халқаро реестрга киритиш Аҳдлашувчи томонда кучга эга эмаслиги тўғрисидаги баёнот] (а) Қонунчилиги товар белгиларига лицензиялар тўғрисидаги ёзув киритилишини назарда тутмайдиган Аҳдлашувчи томон Идораси Бош директорни лицензия тўғрисидаги ёзув Халқаро реестрга киритилиши ушбу Аҳдлашувчи томонда кучга эга эмаслиги тўғрисида хабардор қилиши мумкин.

(б) Қонунчилиги товар белгиларига лицензиялар тўғрисидаги ёзув киритилишини назарда тутадиган Аҳдлашувчи томон Идораси ушбу қоида кучга кирадиган санагача ёки юқорида кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томон Битим ёки Баённома билан боғлиқ бўлиши санасигача Бош директорни Халқаро реестрда лицензия тўғрисидаги ёзув ушбу Аҳдлашувчи томонда кучга эга эмаслиги тўғрисида хабардор қилиш мумкин. Бундай билдиришнома исталган вақтда чақириб олинishi ҳам мумкин<sup>1</sup>.

## 21-қоида

### Миллий ёки минтақавий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказиш билан алмаштириш

(1) [Билдиришнома] Агар битимнинг 4bis(2)-моддасига ёки Баённоманинг 4bis(2)-моддасига мувофиқ,, кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томоннинг Идораси бевосита ушбу Идорага мурожаат қилган эгасининг Идораси илтимоси бўйича ўзининг реестрида миллий ёки минтақавий рўйхатдан ўтказиш халқаро рўйхатдан ўтказиш билан алмаштирилганлиги тўғрисидаги белгини қўйган бўлса, у ҳолда ушбу Идора бу ҳақида Халқаро бюрони хабардор қилади. Бундай билдиришномада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

(i) тегишли халқаро рўйхатдан ўтказишнинг тартиб рақами,

(ii) агар алмаштириш халқаро рўйхатдан ўтказишда санаб ўтилган барча товарлар ва хизматларга тегишли бўлса ўша товарлар ва хизматлар; ва

(iii) буюртма берилган сана ва унинг тартиб рақами, рўйхатдан ўтказиш санаси ва унинг тартиб рақами ва, агар мавжуд бўлса, халқаро рўйхатдан ўтказиш билан алмаштириладиган миллий ёки минтақавий рўйхатдан ўтказиш устуворлиги санаси.

---

<sup>1</sup> Мадрид Иттифоқи Ассамблеяси томонидан маъқуланган талқин қилиш тўғрисидаги баёнот: «20bis(6)-қоиданинг (а)-кичик бандида қонунчилиги товар белгиларига лицензиялар тўғрисидаги ёзув киритилишини назарда тутмайдиган Аҳдлашувчи томонни хабардор қилиш ҳолати кўриб чиқилади; бундай билдиришнома исталган вақтда берилиши мумкин; (б)-кичик бандда, қонунчилиги товар белгиларига лицензиялар тўғрисидаги ёзув киритилишини назарда тутадиган Аҳдлашувчи томонни хабардор қилиш ҳолати кўриб чиқилади, бироқ ҳозирги вақтда унга Халқаро реестрга лицензия тўғрисидаги ёзув кучи берилиши мумкин эмас; бу исталган вақтда чақириб олинishi, ушбу Қоидалар кучга киргунгача ёки Аҳдлашувчи томон Битим ёки Баённома билан боғлиқ бўлишигача берилиши мумкин бўлган охириги билдиришнома».

(2) [Ёзувни киритиш] Халқаро бюро Халқаро реестрга (1)-бандга мувофиқ, олинган кўрсатмалар тўғрисидаги ёзувни киритади ва бу ҳақида эгасини хабардор қилади.

## 22-қоида

### Базавий буюртманоманинг, унга асосланган рўйхатдан ўтказиш ёки базавий рўйхатдан ўтказишнинг амал қилишини тўхтатиш

(1) [Базавий буюртманоманинг амал қилиши тўхтатилишига тегишли бўлган, унга асосланган рўйхатдан ўтказиш ёки базавий рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома] (а) Агар Битимнинг 6(3) ва (4)-моддаси ва Баённоманинг 6(3) ва (4)-моддаси қўлланилса ёки ҳар икки модда қўлланилса келиб чиқиш Идораси бу ҳақида халқаро Идорани хабардор қилади ва қуйидагиларни кўрсатади:

(i) халқаро рўйхатдан ўтказишнинг тартиб рақами;

(ii) эгасининг номи;

(iii) базавий рўйхатдан ўтказишга дахл қиладиган фактлар ва қарорлар ёки – агар тегишли халқаро рўйхатдан ўтказиш рўйхатдан ўтказилмаган базавий буюртманоманга асосланган бўлса, базавий буюртманоманга дахл қилдиган фактлар ва қарорлар, ёки – агар халқаро рўйхатдан ўтказиш предмети ҳисобланган базавий буюртманоманга асосланган бўлса, ушбу рўйхатдан ўтказишга дахл қиладиган фактлар ва қарорлар ҳамда ушбу фактлар ва қарорларнинг кучга кириш санаси; ва

(iv) фактлар ва қарорлар дахл қиладиган товарлар ва хизматлар ёки фактлар ва қарорлар дахл қилмайдиган товарлар ва хизматлар, агар эслатиб ўтилган фактлар ва қарорлар халқаро рўйхатдан ўтказишга фақат айрим товарлар ва хизматларга нисбатан дахл қилса.

(б) Агар Битимнинг 6(4)-моддасида эслатилган суд иши ёки Баённоманинг 6(3)-моддаси (i), (ii) ва (iii)-кичик бандларида эслатилган тартиб-таомил беш йиллик муддат тамом бўлгунча бошланган бўлса, бироқ ушбу муддат тамом бўлгунигача Битимнинг 6(4)-моддасида эслатилган узил-кесил қарорни қабул қилиш тугалланмаган бўлса ёки Баённоманинг 6(3)-моддаси иккинчи жумласида эслатилган узил-кесил қарор қабул қилиниши ёки Баённоманинг 6(3)-моддаси учинчи жумласида эслатилган чақириб олиш, ёки рад этиш билан тугалланмаса, келиб чиқиш Идораси, бундан хабардор бўлгандан кейин ва кўрсатиб ўтилган муддат тамом бўлгач дарҳол тегишли равишда Халқаро бюрони хабардор қилади.

(с) (b)-кичик бандда эслатилган суд иши ёки тартиб-таомил Битимнинг 6(4)-моддасида эслатилган узил-кесил қарор, Баённоманинг 6(3)-моддасининг иккинчи жумласида эслатилган узил-кесил қарор қабул қилиниши, ёки Протоколнинг 6(3)-моддасининг учинчи жумласида эслатилган чақириб олиш ёки рад этиш билан тугаллангани заҳоти келиб чиқиш Идораси, бундан хабардор бўлгач, дарҳол тегишли равишда Халқаро бюрони хабардор қилади ва (a)(i) - (iv)-кичик бандларда эслатилган кўрсатмаларни беради.

(2) [Ёзувни киритиш ва билдиришномаларни қайта юбориш; халқаро рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш] (a) Халқаро бюро Халқаро реестрга (1)-бандда эслатилган исталган билдиришнома тўғрисидаги ёзувни киритади ва билдиришнома нусхасини кўрсатиб ўтилган Ахдлашувчи томонлар Идораларига ва эгасига юборади.

(b) Агар (1) (a) ёки (с)-кичик бандларда эслатилган исталган билдиришнома халқаро рўйхатдан ўтказиш бекор қилинишини талаб қилса ва ушбу кичик бандлар талабларини қониқтирса, Халқаро бюро тегишли равишда Халқаро реестрдаги халқаро рўйхатдан ўтказишни бекор қилади.

(с) Агар халқаро рўйхатдан ўтказиш (b)-кичик бандга мувофиқ, Халқаро реестрда бекор қилинган бўлса, Халқаро бюро кўрсатиб ўтилган Ахдлашувчи томонларнинг Идораларини ва эгасини қуйидагилар тўғрисида хабардор қилади:

(i) халқаро рўйхатдан ўтказиш Халқаро реестрда бекор қилинган сана;

(ii) бекор қилиш, агар бу мавжуд бўлса, барча товарлар ва хизматларга тегишлилиги тўғрисида;

(iii) агар бекор қилиш фақат айрим товарлар ва хизматларга тегишли бўлса, (1)(a)(iv) –кичик бандга мувофиқ, кўрсатилган товарлар ва хизматлар тўғрисида.

### **23-қоида**

**Базавий буюртманоманинг, унга асосланган рўйхатдан ўтказиш ёки базавий рўйхатдан ўтказишнинг бўлиниши ёки қўшилиши**

(1) [Базавий буюртманомани ажратиш ёки базавий буюртманомаларни қўшиш тўғрисидаги билдиришнома] Агар Баённоманинг 6(3)-моддасида эслатилган беш йиллик муддат мобайнида базавий буюртманома икки ёки бир неча буюртманомаларга бўлинган, ёки бир нечта базавий буюртманомалар ягона буюртманомага қўшилган бўлса, келиб

чиқиш Идораси бу ҳақида Халқаро бюрони хабардор қилади ва қуйидагиларни кўрсатади:

(i) халқаро рўйхатдан ўтказишнинг тартиб рақами ёки халқаро рўйхатдан ўтказиш ҳали амалга оширилмаган бўлса, базавий буюртманоманинг тартиб рақами;

(ii) эгасининг ёки буюртманома берувчининг номи;

(iii) бўлиш натижаси ҳисобланган ҳар бир буюртманоманинг тартиб рақами ёки қўшиш натижаси ҳисобланган буюртманоманинг тартиб рақами.

(2) [Ёзувни киритиш ва Халқаро бюро томонидан хабардор қилиш] Халқаро бюро билдиришноманинг (1)-бандида эслатилган ёзувни Халқаро реестрга киритади ва айтилиш вақтида, кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонлар Идораларини ва эгасини хабардор қилади.

(3) [Базавий буюртманомалар ёки базавий рўйхатдан ўтказишлар асосида рўйхатдан ўтказишларни бўлиш ёки қўшиш] (1) ва (2)-бандлар, тегишли ўзгартиришлар ҳисобга олинган ҳолда, исталган рўйхатдан ўтказишни бўлишга ёки исталган рўйхатдан ўтказишларни бирга қўшишга нисбатан Баённоманинг 6(3)-моддасида эслатилган 5 йиллик давр мобайнида базавий буюртманома ёки буюртманомалар асосида ва Битимнинг 6(3)-моддасида ва Баённоманинг 6(3)-моддасида эслатилган 5 йиллик давр мобайнида базавий рўйхатдан ўтказишни бўлиш ёки базавий рўйхатдан ўтказишларни қўшишга нисбатан қўлланилади.

## **5-Бўлим**

### **Кейинги кўрсатмалар, ўзгартиришлар**

#### **24-қоида**

#### **Халқаро рўйхатга олингандан кейин амалга оширилган кўрсатма**

(1) [Ҳуқуқий лаёқатлилиқ] (а) Аҳдлашувчи томон агар бундай кўрсатма вақтида эгаси Битимнинг 1(2) 2-моддаси ёки Баённоманинг 2-моддасига мувофиқ ва Баённоманинг 9sexies моддасини ҳисобга олган ҳолда бундай Аҳдлашувчи томоннинг кўрсатмаси ҳуқуқига эга бўлса, халқаро рўйхатга олингандан кейин амалга оширилган кўрсатманинг (кейинги ўринларда матнда «кейинги кўрсатмалар» деб юритилади) предмети бўлиши мумкин.

(б) Фақат Битим томонидан рўйхатга олинган халқаро баёнолга асосланган халқаро рўйхатга олиш эгаси ушбу кўрсатма вақтида унинг Идораси келиб чиқиш Идораси ҳисобланган Аҳдлашувчи томон ёки, агар эгаси ўзгариши тўғрисида ёзув қайд



этилган бўлса, уларга нисбатан янги эгаси халқаро рўйхатга олиш эгаси бўлиш учун шартларни бажарувчи Аҳдлашувчи томон, ёки камида Аҳдлашувчи томонлардан бири Баённома билан боғлиқ бўлган бўлса, Баённома билан боғлиқ бўлган, бироқ Битим билан боғлиқ бўлмаган Аҳдлашувчи томонларни кўрсатиши мумкин.

(с) Фақат Баённома томонидан тартибга солинадиган халқаро баёнотга асосланган халқаро рўйхатга олиш эгаси ушбу кўрсатма вақтида унинг Идораси келиб чиқиш идораси бўлган Аҳдлашувчи томон Битим билан боғлиқ бўлган бўлса ёки агар эгаси ўзгариши тўғрисида ёзув қайд этилган бўлса, уларга нисбатан янги эгаси халқаро рўйхатга олиш эгаси бўлиши учун шартларни бажарувчи Аҳдлашувчи томон, ёки камида Аҳдлашувчи томонлардан бири Битим билан боғлиқ бўлган бўлса ва базавий рўйхатга олишга асосланган халқаро рўйхатга олиш, ёки агар у базавий баёнотга асосланган бўлса, ушбу баёнот рўйхатга олиш предмети бўлган тақдирда, ушбу Аҳдлашувчи томонлар Баённома билан боғлиқ бўлганлигидан қатъи назар, Битим билан боғлиқ бўлган Аҳдлашувчи томонларни кўрсатиши мумкин.

(2) [Тақдим этиш; бланка ва имзо] (а) кейинги кўрсатма бу ҳақида эгаси сўраса, ушбу Идора бундай тақдим этишга йўл қўйса, эгаси, келиб чиқиш Идораси ёки бошқа манфаатдор Идора томонидан Халқаро бюрога тақдим этилади; бироқ:

(i) агар 7(1)-қоида қўлланса, у келиб чиқиш Идораси томонидан тақдим этилиши керак;

(ii) агар исталган Аҳдлашувчи томон Битимга мувофиқ кўрсатилган бўлса, кейинги кўрсатма келиб чиқиш Идораси ёки бошқа манфаатдор Идора томонидан тақдим этилиши керак.

(б) кейинги кўрсатма бир нусхада расмий бланкада тақдим этилади. Агар у эгаси томонидан тақдим этилса, у ҳолда у эгаси томонидан имзоланиши керак. Агар у Идора томонидан тақдим этилса, у ҳолда у ушбу Идора томонидан имзоланиши керак ва, агар буни Идора талаб қилса, эгаси томонидан ҳам имзоланиши керак. Агар у Идора томонидан тақдим этилса ва бу Идора у эгаси томонидан ҳам имзоланишини талаб қилмай уни имзолаш учун эгасига рухсат бериши мумкин, эгаси буни имзолаши мумкин.

(3) [Мундарижа] (а) Кейинги кўрсатмада қуйидагилар бўлиши ёки қуйидагилар кўрсатилиши керак:

(i) тегишли халқаро рўйхатга олишнинг тартиб рақами;

(ii) эгасининг исми ва манзили;

(iii) кўрсатиладиган Аҳдлашувчи томон;

(iv) кейинги кўрсатма тегишли халқаро рўйхатга олишда санаб ўтилган барча товарлар ва хизматларга тааллуқли эканлигига кўрсатма; ёки агар кейинги кўрсатма товарлар ва хизматларнинг бир қисмига тааллуқли бўлса, кейинги кўрсатма тааллуқли бўлган тегишли халқаро рўйхатга олишда санаб ўтилган ўша товарлар ва хизматларга тааллуқли эканлигига кўрсатма;

(v) тўланиши лозим бўлган бож ва йиғимлар суммаси ва тўлаш усули, ёхуд Халқаро бюрода очилган ҳисобдан бож ва йиғимларнинг зарур суммасини дебетлаш тўғрисида йўриқнома ва ҳақ тўловчи ёки йўриқнома берувчи шахсни идентификациялаш; ва

(vi) агар у Идора томонидан тақдим этилса, кейинги кўрсатма Идора томонидан олинган сана.

(b) Агар кейинги кўрсатма мазкур Аҳдлашувчи томон ҳудудида белгидан фойдаланишни хоҳлаш тўғрисида эга бўлиши кераклиги тўғрисида 7(2)-қоидага мувофиқ билдиришнома юборган Аҳдлашувчи томонга тааллуқли бўлса, эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи томон талабига биноан баёнот:

(i) баёнот берувчи томонидан имзоланган ва кейинги кўрсатмага илова қилинган алоҳида расмий бланкада тақдим этилган бўлиши керак, ёки

(ii) кейинги кўрсатмага киритилган бўлиши керак.

(c) Кейинги кўрсатма, шунингдек,:

(i) 9(4)(b)-қоидада эслатиб ўтилган ҳолатларга қараб кўрсатма ёки таржима ёки таржималарга;

(ii) кейинги кўрсатма мазкур халқаро рўйхатга олиш ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши тўғрисида ёзув қайд этилгандан кейин, ёхуд ушбу халқаро рўйхатга олиш узайтирилгандан кейин кучга кириши лозимлиги тўғрисида баёнотга эга бўлиши мумкин.

(d) Агар халқаро рўйхатга олиш базавий баёнотга асосланган бўлса, у ҳолда кейинги кўрсатма Идора томонидан имзоланган ва агар Халқаро бюро бундай баёнотни олмаган бўлса, ушбу баёнот асосида бундай рўйхатга олишнинг санаси ва тартиб рақами кўрсатилган халқаро рўйхатга олиш амалга оширилганлигини тасдиқловчи баёнотга эга бўлиши керак.

(4) [Бож] Кейинги кўрсатма Бож ва йиғимлар рўйхатининг 5-бандида кўрсатилган ёки эслатиб ўтилган божга тортилади.

(5) [Қоидаларга риоя этмаслик] (a) Агар кейинги кўрсатма қўлланадиган талабларга мувофиқ келмаса ва (9)-бандни ҳисобга

олган ҳолда, агар кейинги кўрсатма Идора томонидан тақдим этилган бўлса, Халқаро бюро ушбу ҳолат тўғрисида эгаси ва Идорани хабардор этади.

(b) Агар қоидаларга риоя этмаслик Халқаро бюро қоидаларга риоя этилмаганлиги тўғрисида хабардор этган кундан бошлаб уч ой мобайнида тузатилмаган бўлса, у ҳолда кейинги кўрсатма бўйича иш юритиш тугатилган ҳисобланади ва Халқаро бюро, агар кейинги кўрсатма Идора томонидан тақдим этилган бўлса, бир вақтда ҳам эгасини, ҳам Идорани бу ҳақида хабардор этади, шунингдек, Бож ва йиғимлар рўйхатининг 5.1-кичик бандида эслатиб ўтилган асосий божнинг ярмига тегишли суммани ҳисоблаб чиққан ҳолда исталган тўланган божни тўловчига тўлайди.

(c) (a) ва (b)-кичик бандларга қарамай, агар кейинги кўрсатма (1)(b) ёки (c)-кичик бандларга мувофиқ тақдим этилса ва агар (1)(b) ёки (c)-кичик банд талабларига ҳолатларга қараб бир ёки бир нечта Аҳдлашувчи томонларга нисбатан риоя этилмаган бўлса, у ҳолда кейинги кўрсатма ушбу Аҳдлашувчи томонларнинг кўрсатмасига эга эмас деб ҳисобланади ва ушбу Аҳдлашувчи томонларга нисбатан тўлаб бўлинган исталган қўшиладиган ва якка тартибдаги божлар қайтариб берилади. Агар (1)(b) ёки (c)-кичик бандлар талабларига барча кўрсатилган Аҳдлашувчи томонларга нисбатан риоя этилмаган бўлса, (b)-кичик банд қўлланади.

(b) [Кейинги кўрсатма санаси] (a) Халқаро бюрога (c)(i)-кичик бандни ҳисобга олган ҳолда эгаси томонидан тақдим этилган кейинги кўрсатма санаси у Халқаро бюро томонидан олинган сана ҳисобланади.

(b) (c)(i)-кичик бандни ҳисобга олган ҳолда Идора томонидан Халқаро бюрога тақдим этилган кейинги кўрсатма санаси эслатиб ўтилган кўрсатма Халқаро бюро томонидан ушбу санадан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинган тақдирда ушбу Идора томонидан қабул қилинган сана ҳисобланади. Агар кейинги кўрсатма ушбу муддат мобайнида Халқаро бюро томонидан қабул қилинмаган бўлса, у ҳолда (c)(i)-кичик бандни ҳисобга олган ҳолда Халқаро бюро томонидан у қабул қилинган сана унинг санаси ҳисобланади.

(c) Агар кейинги кўрсатма қўлланадиган талабларга мувофиқ келмаса ва қоидаларга риоя этмаслик (5)(a)-кичик бандда эслатиб ўтилган хабар берилган санадан бошлаб уч ой мобайнида тузатилса, у ҳолда:

(i) қоидаларга риоя этмаслик (3)(a)(i),(iii) ва (iv) ва (b)(i)-кичик бандларда эслатиб ўтилган талабларнинг исталган бирига тааллуқли бўлса, ушбу кўрсатма ушбу талабларга мувофиқ келтирилган сана кейинги кўрсатма санаси ҳисобланади. Мазкур кўрсатма Идора томонидан Халқаро бюрога тақдим этилган, ва қоидаларга риоя этмаслик (b)-кичик бандда эслатиб ўтилган икки ойлик муддатда тузатилган ҳолатлар бундан мустасно. Кейинги ҳолатда у мазкур Идора томонидан қабул қилинган сана кейинги кўрсатма санаси ҳисобланади;

(ii) (a) ёки (b)-кичик бандга мувофиқ қўлланадиган сана ҳолатга боғлиқ равишда, тегишли талабларга риоя этмаслик билан дахл қилинмайди, (3)(a)(i),(iii) ва (iv) ва (b)(i)-кичик бандларда эслатиб ўтилганлар бундан мустасно .

(d) (a), (b) ва (c)–кичик бандларга қарамай, агар кейинги кўрсатма (3)(c)(iii)-кичик бандга мувофиқ берилган баёнотга эга бўлса, у ҳолда (a), (b) ёки (c)-кичик бандлардан келиб чиқувчи санага нисбатан кечроқ сана кейинги кўрсатма санаси бўлиши мумкин.

(7) [Ёзувларни қайд этиш ва хабар бериш] Агар Халқаро бюро кейинги кўрсатма қўлланадиган талабларга мувофиқ келади деб ҳисобласа, у Халқаро реестрда у ҳақида ёзувни қайд этади ва агар кейинги кўрсатма Идора томонидан тақдим этилган бўлса, бир вақтнинг ўзида ҳам эгасини, ҳам Идорани хабардор этган ҳолда кейинги кўрсатмада кўрсатилган Аҳдлашувчи томон Идорасига бу ҳақида хабар беради.

(8) [Рад этиш] Тегишли ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда 16-18-қоидалар қўлланади.

(9) [Бундай кўрсатма сифатида қаралмайдиган кейинги кўрсатма] Агар (2)(a)-кичик банд талабига риоя этилмаган бўлса, у ҳолда кейинги кўрсатма бундай кўрсатма сифатида қаралмайди ва Халқаро бюро бу ҳақида жўнатувчини хабардор этади.

## **25-қоида**

**Ўзгартириш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисида баёнот;  
бекор қилиш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисида баёнот**

(1) [Баёнот бериш] ( a) Ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот агар ушбу баёнот:

(i) барча ёки баъзи товарлар ва хизматлар, шунингдек, барча ёки баъзи кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонларга нисбатан халқаро рўйхатга олиш эгасини ўзгартириш;

(ii) барча ёки баъзи кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонларга нисбатан товарлар ва хизматлар рўйхатини камайтириш,

(iii) барча товарлар ва хизматлар учун баъзи Аҳдлашувчи томонларга нисбатан ҳимоя қилишни рад этиш,

(iv) эгасининг номи ёки манзили ўзгариши,

(v) барча ёки баъзи товарлар ва хизматлар учун барча кўрсатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонларга нисбатан халқаро рўйхатга олишни бекор қилишга тааллуқли бўлса, ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот бир нусхада тегишли расмий бланкада Халқаро бюрога тақдим этилади.

(b) Баёнот эгаси ёки келиб чиқиш Идораси томонидан, ёки бошқа манфаатдор Идора томонидан тақдим этилиши керак, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

(i) эгасининг ёки вакилнинг номи ёки манзили ўзгартирилишидан ташқари ўзгартиришлар тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот, агар ўзгартириш Битимга мувофиқ кўрсатилган исталган Аҳдлашувчи томонга дахл қилса, келиб чиқиш Идораси ёки бошқа манфаатдор идора томонидан тақдим этилиши керак; ва

(ii) халқаро рўйхатга олишни бекор қилиш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот, агар баёнотнинг предмети ҳисобланган халқаро рўйхатга олиш билан қамраб олинган кўрсатилган Аҳдлашувчи томонлардан исталган бири Битимга мувофиқ кўрсатилган бўлса, келиб чиқиш Идораси ёки бошқа манфаатдор идора томонидан тақдим этилиши керак.

(c) Агар баёнот эгаси томонидан тақдим этилса, у эгаси томонидан имзоланиши керак. Агар у Идора томонидан тақдим этилса, у ҳолда у ушбу Идора томонидан имзоланиши керак ва, агар буни Идора талаб қилса, эгаси томонидан имзоланиши керак. Агар у Идора томонидан тақдим этилса ва ушбу Идора эгаси томонидан имзоланишини талаб қилмай, эгаси томонидан ҳам имзоланишига рухсат беради, эгаси буни имзолайди.

(2) [Баёнот мазмуни] (a) Ўзгариш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот ёки халқаро рўйхатга олишни бекор қилиш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот сўралаётган ўзгартиришлар ёки бекор қилишлар билан бир қаторда, қуйидагиларга эга бўлиши ёки қуйидагилар кўрсатилиши керак:

(i) тегишли халқаро рўйхатга олишнинг тартиб рақами;

(ii) агар ўзгартириш вакилнинг номи ёки манзилига тааллуқли бўлмаса, эгасининг номи;

(iii) халқаро рўйхатга олиш эгаси ўзгарган тақдирда – Маъмурий йўриқномага мувофиқ кўрсатилган, халқаро рўйхатга олишнинг янги эгаси (кейинги ўринларда матнда «хуқуқий ворис» деб юритилади) сифатида баёнотда қайд этилган жисмоний ёки юридик шахс номи ва манзили;

(iv) халқаро рўйхатга олиш эгаси ўзгарган тақдирда – халқаро рўйхатга олишнинг эгаси бўлиш учун уларга нисбатан хуқуқий ворис Битимнинг 1(2) ва 2-моддалари ёки Баённоманинг 2(1)-моддасига мувофиқ шартларни бажарувчи Аҳдлашувчи томон ёки томонлар;

(v) агар (a)(iii)-кичик бандга мувофиқ хабар қилинадиган хуқуқий вориснинг манзили (a)(iv)-кичик бандга мувофиқ хабар қилинадиган Аҳдлашувчи томон ёки Аҳдлашувчи томонлардан бирининг ҳудудида бўлмаса ва агар хуқуқий ворис Аҳдлашувчи давлатнинг ёки Аҳдлашувчи ташкилотга аъзо давлатнинг фуқароси эканлигини кўрсатмаган бўлса, халқаро рўйхатга олиш эгаси ўзгарган тақдирда – уларга нисбатан хуқуқий ворис халқаро рўйхатга олиш эгаси бўлиш учун зарур шартларни бажарувчи Аҳдлашувчи томонда ёки Аҳдлашувчи томонлардан бирида хуқуқий ворис корхонаси ёки яшаш жойининг манзили;

(vi) халқаро рўйхатга олиш эгаси ўзгарган тақдирда – барча товарлар ва хизматлар ва барча кўрсатилган Аҳдлашувчи томонларга тааллуқли бўлмаган товарлар ва хизматлар, шунингдек, эгаси ўзгариши тааллуқли бўлган кўрсатилган Аҳдлашувчи томонлар; ва

(vii) тўланиши лозим бўлган бож ҳамда йиғимлар суммаси ва тўлаш усули, ёхуд Халқаро бюрода очилган ҳисоб варағидан бож ва йиғимларнинг зарур суммасини дебетлаш тўғрисида йўриқнома ва ҳақ тўловчи ёки йўриқнома берувчи шахсни идентификациялаш.

(b) Халқаро рўйхатга олиш эгаси ўзгартирилиши тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот, шунингдек, қуйидагиларга эга бўлиши мумкин:

(i) агар хуқуқий ворис жисмоний шахс бўлса, хуқуқий ворис фуқароси бўлган давлат;

(ii) агар хуқуқий ворис юридик шахс бўлса, юридик шахс ва давлатнинг ташкилий-хуқуқий характериға, зарурат бўлса, ушбу юридик шахс ташкил этилган қонун бўйича давлат ичкарисидаги ҳудудий бирликка тааллуқли кўрсатма.

(с) халқаро рўйхатга олишни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот, шунингдек, у бошқа ўзгартириш, ёки бошқа бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, у бошқа ўзгартириш ёки бошқа бекор қилиш, ёки мазкур халқаро рўйхатга олишга нисбатан кейинги кўрсатмага нисбатан, ёхуд мазкур халқаро рўйхатга олиш узайтирилгандан олдин ёки кейин ёзув қайд этилгандан сўнг киритилиш тўғрисидаги баёнотга ҳам эга бўлиши мумкин.

(3) [Номақбул баёнот] Халқаро рўйхатга олиш эгасини ўзгартириш тўғрисидаги баёнот агар ушбу Аҳдлашувчи томон:

(i) Битим билан боғлиқ бўлган, бироқ Баённома билан боғлиқ бўлмаган ва (2)(a)(iv)-кичик бандга мувофиқ кўрсатилган Аҳдлашувчи томон Битим билан боғлиқ бўлмаган, ёки юқорида эслатиб ўтилган кичик бандда кўрсатилган Аҳдлашувчи томонлардан ҳеч бири Битим билан боғлиқ бўлмаган бўлса;

(ii) Баённома билан боғлиқ бўлган, бироқ Битим билан боғлиқ бўлмаган ва (2)(a)(iv)-кичик бандга мувофиқ кўрсатилган Аҳдлашувчи томон Баённома билан боғлиқ бўлмаган, ёки юқорида эслатиб ўтилган кичик бандга мувофиқ кўрсатилган Аҳдлашувчи томонлардан ҳеч бири Баённома билан боғлиқ бўлмаган бўлса мазкур кўрсатилган Аҳдлашувчи томонга нисбатан қайд этилиши мумкин эмас.

(4) [Бир нечта ҳуқуқий ворис] Агар халқаро рўйхатга олиш эгасини ўзгартириш тўғрисидаги баёнотда бир қанча ҳуқуқий ворислар кўрсатилган бўлса, у ҳолда ушбу ўзгартириш тўғрисидаги мазкур ёзув, агар исталган ҳуқуқий ворислардан бири ушбу Аҳдлашувчи томонга нисбатан халқаро рўйхатга олиш эгаси бўлиш учун шартларни бажармаса, мазкур кўрсатилган Аҳдлашувчи томонга нисбатан қайд этилиши мумкин эмас.

## **26-қоида**

### **Ўзгартириш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисида нотўғри расмийлаштирилган баёнот**

(1) [Нотўғри расмийлаштирилган баёнот] Агар 25(1)(a)-қоидада эслатилган ўзгартириш тўғрисида ёзувни қайд этиш ёки бекор қилиш тўғрисида ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот (3)-бандни ҳисобга олган ҳолда тегишли талабларни қондирмаса, у ҳолда Халқаро бюро ушбу ҳолат ҳақида эгасини, агар баёнот Идора томонидан берилган бўлса, у ҳолда ушбу Идорани хабардор этади.

(2) [Нотўғри расмийлаштирилган баёнотни тузатиш учун рухсат берилган муддат] Нотўғри расмийлаштирилган баёнот баёнотнинг нотўғри расмийлаштирилганлиги ҳақида Халқаро бюро хабардор этилган санадан бошлаб уч ой мобайнида тузатилиши мумкин. Агар нотўғри расмийлаштирилган баёнот нотўғри расмийлаштирилганлиги ҳақида Халқаро бюро хабардор этилган санадан бошлаб уч ой мобайнида тузатилмаган бўлса, баёнот бўйича иш юритиш тўхтатилган ҳисобланади, бу ҳақида Халқаро бюро, агар ўзгартириш тўғрисида ёзувни қайд этиш ёки бекор қилиш тўғрисида ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот Идора томонидан тақдим этилган бўлса, у ҳолда бир вақтнинг ўзида ҳам эгасини, ҳам Идорани хабардор этади ҳамда Бож ва йиғимлар рўйхатининг 7-бандида эслатиб ўтилган тегишли божнинг ярмига мувофиқ келувчи суммани ҳисоблаб чиққан ҳолда исталган тўланган божни тўловчига тўлайди.

(3) [Бундай баёнот сифатида эътироф этилмайдиган баёнотлар] Агар 25(1)(b)-қоида талабларига риоя этилмаса, баёнот бундай баёнот сифатида эътироф этилмайди, бу ҳақида Халқаро бюро жўнатувчини хабардор этади.

### **27-қоида**

#### **Ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ёзувни қайд этиш ёки хабар бериш; эгасининг ўзгартирилиши кучга эга эмаслиги тўғрисида баёнот**

(1) [Ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ёзувни қайд этиш ва хабар бериш]

(а) Халқаро бюро, 25(1)(a)-қоидада эслатиб ўтилган баёнот талабларга мувофиқ келган тақдирда, дарҳол Халқаро реестрда ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ёзувни қайд этади ва ушбу ўзгартириш кучга эга бўлган кўрсатилган Аҳдлашувчи томонлар Идорасини, бекор қилинган тақдирда, агар баёнот Идора томонидан тақдим этилган бўлса, бир вақтнинг ўзида ҳам эгасини, ҳам Идорани хабардор этган ҳолда барча кўрсатилган Аҳдлашувчи томонларнинг Идорасига хабар беради. Агар эгаси тўлиқ ўзгарган тақдирда, ёзувни қайд этиш эгасининг ўзгартирилиши билан боғлиқ бўлса, Халқаро бюро, шунингдек, аввалги эгасини, эгаси қисман ўзгартирилган бўлса, ўзгага берилган ёки бошқача тарзда берилган халқаро рўйхатга олишнинг у қисмининг эгасини хабардор этади. Агар бекор қилиш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот Битимнинг 6(3)-моддасида ва Баённоманинг 6(3)-моддасида эслатиб ўтилган беш йиллик муддат мобайнида эгаси ёки манфаатдор Идора



томонидан тақдим этилган бўлса, у ҳолда Халқаро бюро келиб чиқиш Идорасини ҳам хабардор этади.

(b) Ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш Халқаро бюро қўлланадиган қоидаларга мувофиқ келувчи баёнотни қабул қилган санада амалга оширилади. Баёнот 25(2)(c)-қоидага мувофиқ берилган ҳолат бундан мустасно – ушбу ҳолатда ёзувни қайд этиш кечроқ санада амалга оширилиши мумкин.

(2) [Эгасининг қисман ўзгартирилиши тўғрисидаги ёзувни қайд этиш] Фақат баъзи товарлар ва хизматлар ёки фақат баъзи кўрсатилган Аҳдлашувчи томонларга нисбатан халқаро рўйхатга олишни ўзгага бериш ёки бериш тўғрисидаги ёзув унинг бир қисмини қайта бериш ёки берилган халқаро рўйхатга олишнинг рақами остида Халқаро реестрда қайд этилади. Исталган қайта бериш ёки берилган қисм эслатиб ўтилган халқаро рўйхатга олиш рақами остида бекор қилинади ва у тўғрисидаги ёзув алоҳида халқаро рўйхатга олиш сифатида қайд этилади. Ушбу алоҳида халқаро рўйхатга олиш бир қисми бош ҳарфлар илова қилинган ҳолда ўзгага берилган ёки берилган рўйхатга олиш тартиб рақамига эга бўлади.

(3) [Халқаро рўйхатга олишларнинг қўшилиши тўғрисидаги ёзувни қайд этиш] (2)-бандга мувофиқ эгасининг қисман ўзгартирилиши натижасида айна бир жисмоний ёки юридик шахс икки ёки бир нечта халқаро рўйхатга олишлар эгаси сифатида қайд этилган бўлса, у ҳолда эслатиб ўтилган жисмоний ёки юридик шахс илтимосига биноан бевосита келиб чиқиш Идорасига юборилган бундай рўйхатга олишлар ёки ушбу Идора, ёки бошқа манфаатдор Идора орқали қўшиб юборилади. Қўшилиш натижасида келиб чиққан халқаро рўйхатга олишга бир қисми бош ҳарфлар илова қилинган ҳолда, ўзгага берилган ёки берилган рўйхатга олиш тартиб рақами берилади.

(4) [Эгасининг ўзгартирилиши кучга эга бўлмаслиги тўғрисида баёнот] (a) Халқаро бюро ушбу Аҳдлашувчи томонга дахл қилган эгасини бу ҳақида хабардор этадиган кўрсатилган Аҳдлашувчи томон Идораси эгасининг ўзгартирилиши эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонда кучга эга бўлмаслигини маълум қилиши мумкин. Бундай баёнот эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонга нисбатан тегишли халқаро рўйхатга олиш аввалги эгасининг номига қолишидан иборат бўлади.

(b) (a)-кичик бандда эслатиб ўтилган баёнотда куйидагилар кўрсатилиши керак:

(i) эгасининг ўзгартирилиши кучга эга бўлмайдиган сабаблар;

(ii) қонунчиликнинг тегишли асосий қоидалари, ва

(iii) бундай баёнот қайта кўриб чиқилиши ёки унинг устидан шикоят қилиниши мумкинлиги.

(c) (a)-кичик бандда эслатиб ўтилган баёнот ҳақида Халқаро бюро хабардор этилади, у эса эгасининг ўзгартирилиши тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот тақдим этган томонни (эгаси ёки Идора) ҳамда янги эгасини бу ҳақида хабардор этади.

(d) юқорида (a)-кичик бандда эслатиб ўтилган баёнотга тааллуқли исталган узил-кесил қарор тўғрисида Халқаро бюро хабардор этилади, у эгасининг ўзгартирилиши тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот тақдим этган томонни (эгаси ёки Идора) ҳамда янги эгасини бу ҳақида хабардор этади.

(e) Халқаро бюро қайта кўриб чиқилмайдиган ва шикоят қилинмайдиган (a)-кичик бандда эслатиб ўтилган исталган баёнот тўғрисида ёки (d)-кичик бандда эслатиб ўтилган исталган узил-кесил қарор тўғрисидаги ёзувни Халқаро реестрда қайд этади ва, ҳолатга боғлиқ равишда, кўрсатилган баёнот ёки узил-кесил қарор предмети бўлган халқаро рўйхатга олиш қисмини алоҳида рўйхатга олиш сифатида ёзувни қайд этади. Алоҳида халқаро рўйхатга олиш бир қисми бош ҳарфлар илова қилинган ҳолда ўзгага берилган ёки берилган рўйхатга олиш тартиб рақамига эга бўлади.

## **28-қоида**

### **Халқаро реестрга тузатиш киритиш**

(1) [Тузатиш] Агар Халқаро бюро, *ex officio* ёхуд эгасининг ёки Идоранинг илтимосига биноан халқаро рўйхатга олишга тааллуқли Халқаро реестрда хато бор деб ҳисобласа, тегишли равишда реестрга ўзгартириш киритади.

(2) [Хабар бериш] Халқаро бюро тегишли равишда эгасини ва бир вақтнинг ўзида тузатиш кучга эга бўлган кўрсатилган Аҳдлашувчи томонларнинг Идорасини хабардор этади.

(3) [Тузатиш амал қилишини рад этиш] (2)-бандда эслатиб ўтилган исталган Идора Халқаро бюрони хабардор этишда у тузатиш амал қилишини рад этиши ҳақида маълум қилишга ҳақли. Бу ҳолда, тегишли ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, Битимнинг 5-моддаси ва Баённоманинг 5-моддаси ҳамда 16-18-қоидалар қўлланади; бунда рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш

тўғрисидаги муддат ҳисоблаб чиқиладиган сана тузатиш тўғрисида билдиришнома юборилган сана эканлиги тушунилади.

## **6-БЎЛИМ**

### **Амал қилиш муддатини узайтириш**

#### **29-қоида**

#### **Амал қилиш муддати тамом бўлганлиги тўғрисида норасмий билдиришнома**

Битимнинг 7(4)-моддасида ва Баённоманинг 7(3)-моддасида эслатилган норасмий билдиришномани олмаслик, 30-қоидага мувофиқ ҳар қандай муддатлар бузилишини оқламайди.

#### **30-қоида**

#### **Амал қилиш муддатини узайтириш борасидаги тафсилотлар**

(1) [Бож ва йиғимлар] (а) Халқаро рўйхатга олиш энг кечи билан халқаро рўйхатга олиш узайтирилиши керак бўлган санада:

(i) асосий бож;

(ii) бу қўлланадиган жойда, қўшимча бож; ва

(iii) Бож ва йиғимлар рўйхатининг 6-бандида назарда тутилганидек ёки эслатиб ўтилганидек, барча тегишли товарлар ва хизматларга нисбатан рад этиш ёки халқаро рўйхатга олишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги ёзув Халқаро реестрга киритилмаган ҳар бир кўрсатилган Аҳдлашувчи томон учун ҳолатга боғлиқ равишда, қўшилган бож ёки якка тартибдаги божни тўлаш йўли билан узайтирилади. Бироқ, бундай тўлаш бир вақтнинг ўзида, Бож ва йиғимлар рўйхатининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган бож ҳам тўланган тақдирда, халқаро рўйхатга олиш узайтирилиши керак бўлган санадан бошлаб олти ой мобайнида амалга оширилиши мумкин.

(b) Агар узайтириш мақсадларида амалга оширилган исталган тўлов халқаро рўйхатга олиш узайтирилиши керак бўлган санадан уч ой аввал Халқаро бюро томонидан олинган бўлса, у ҳолда у ушбу санадан уч ой аввал олинган ҳисобланади.

(2) [Бошқа тафсилотлар] (а) Агар эгаси барча тегишли хизматлар ва товарларга нисбатан рад этиш тўғрисидаги ёзув Халқаро реестрга киритилмаган бирор-бир кўрсатилган Аҳдлашувчи томонга нисбатан халқаро рўйхатга олишни узайтиришни хоҳламаса, талаб қилинаётган бож ушбу Аҳдлашувчи томонга нисбатан халқаро рўйхатга олишни узайтириш тўғрисидаги ёзув Халқаро реестрга киритилмаслиги ҳақидаги баёнот илова қилинган ҳолда тўланиши керак.

(b) Агар эгаси барча тегишли товарлар ва хизматларга нисбатан ушбу Аҳдлашувчи томон учун рад этиш тўғрисидаги ёзув Халқаро реестрга киритилишига қарамай, бирор-бир кўрсатилган Аҳдлашувчи томонга нисбатан халқаро рўйхатга олишни узайтиришни хоҳласа, ушбу Аҳдлашувчи томон учун талаб қилинаётган бож, шу жумладан, ҳолатга боғлиқ равишда, қўшилган бож ёки яқка тартибдаги бож Халқаро реестрда эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи томонга нисбатан халқаро рўйхатга олишни узайтириш тўғрисидаги ёзув қайд этилиши ҳақидаги баёнот илова қилинган ҳолда тўланиши керак.

(c) Халқаро рўйхатга олиш унга нисбатан 19(2)-қоидага мувофиқ барча товарлар ва хизматлар учун уни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги ёзув қайд этилган ёки 27(1)(a)-қоидага мувофиқ рад этиш тўғрисидаги ёзув қайд этилган Аҳдлашувчи томонга нисбатан узайтирилиши мумкин эмас. Халқаро рўйхатга олиш унга нисбатан 19(2)-қоидага мувофиқ мазкур Аҳдлашувчи томонда халқаро рўйхатга олишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида ёзув қайд этилган ёки 27(1)(a)-қоидага мувофиқ чеклаш тўғрисида ёзув қайд этилган товарлар ва хизматлар учун кўрсатилган Аҳдлашувчи томонга нисбатан узайтирилиши мумкин эмас.

(d) Барча кўрсатилган Аҳдлашувчи томонларга нисбатан халқаро рўйхатга олишни узайтирмаслик Битимнинг 7(2)-моддаси ёки Баённоманинг 7(2)-моддасига мувофиқ ўзгартириш ҳисобланмайди.

(3) [Божни тўлиқ тўламаслик] (a) Агар олинган бож суммаси узайтириш учун талаб қилинган бож суммасидан камроқ бўлса, Халқаро бюро бир вақтнинг ўзида ҳам эгасига, ҳам вакил бўлса вакилга бу ҳақида билдиришнома юборади. Билдиришномада етишмаётган сумма кўрсатилади.

(b) Агар (1)(a)-кичик бандда эслатилган олти ойлик муддат тамом бўлгандан кейин олинган бож суммаси (1)-бандга мувофиқ талаб қилинаётган суммадан камроқ бўлса, Халқаро бюро (c)-кичик бандни ҳисобга олган ҳолда узайтириш тўғрисидаги ёзувни қайд этмайди ва уни тўлаган томонга олинган суммани тўлайди, ва ҳам эгасини, ҳам вакил бўлса вакилни бу ҳақида хабардор этади.

(c) Агар (a)-кичик бандда эслатилган билдиришнома (1)(a)-кичик бандда эслатилган олти ойлик муддат тамом бўлишидан аввалги уч ой мобайнида юборилган бўлса ва агар (1)(a)-кичик бандда эслатилган ушбу муддат тамом бўлгандан кейин олинган бож суммаси (1)-бандга мувофиқ талаб этилаётган суммадан камроқ

бўлса, бироқ ушбу сумманинг камида 70 фоизини ташкил этса, Халқаро бюро 31(1) ва (3)-қоидада назарда тутилганидек ҳаракат қилади. Агар юқорида айтиб ўтилган билдиришнома юборилган санадан бошлаб уч ой мобайнида талаб қилинаётган сумма тўлиқ тўланмаган бўлса, Халқаро бюро узайтиришни бекор қилади, бу ҳақида эгасини ва вакил бўлса вакилни хабардор этади ва узайтириш тўғрисида хабардор этилган Идоралар тўловчига олинган суммани тўлайди.

(4) [Узайтириш учун бож тўланадиган муддат] Ҳар бир узайтириш учун олинадиган бож халқаро рўйхатга олиш кўрсатилган Аҳдлашувчи томонлар рўйхатида фақат Битимга мувофиқ кўрсатилган Аҳдлашувчи томонлар фақат Баённомага мувофиқ кўрсатилган Аҳдлашувчи томонлар, ёки Битимга мувофиқ кўрсатилган Аҳдлашувчи томонлар, Баённомага мувофиқ кўрсатилган Аҳдлашувчи томонларга эга эканлигинидан қатъи назар, ўн йил мобайнида тўланади. Битимга мувофиқ, тўловларга келганда, ўн йил учун бундай тўлов ўн йиллик давр учун тўлов ҳисобланади.

### **31-қоида**

#### **Рўйхатдан ўтказишнинг амал қилиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш; билдиришнома ва гувоҳнома**

(1) [Ёзувларни қайд этиш ва узайтиришнинг кучга кириши] Узайтириш тўғрисидаги ёзув Халқаро реестрга киритилади ва, ҳатто, узайтириш учун талаб қилинаётган бож Битимнинг 7(5)-моддаси ва Баённоманинг 7(4)-моддасида эслатилган имтиёзли давр мобайнида тўланса ҳам, ушбу узайтириш амалга оширилган санага эга.

(2) [Кейинги кўрсатмалар билан боғлиқ ҳолатда узайтириш санаси] Узайтиришнинг кучга кириш санаси ҳамма учун бир хил бўлган бундай кўрсатмалар тўғрисидаги ёзув Халқаро реестрга киритилган санадан қатъи назар, халқаро рўйхатга олишда мавжуд бўлган барча кўрсатмалар ҳисобланади.

(3) [Билдиришнома ва гувоҳнома] Халқаро бюро узайтириш тўғрисида кўрсатилган Аҳдлашувчи томонларга тегишли Идораларни хабардор этади ва эгасига гувоҳнома юборади.

(4) [Узайтирилмаганда хабар бериш] (а) Агар халқаро рўйхатга олиш узайтирилмаса, у ҳолда Халқаро бюро ушбу халқаро рўйхатга олишда кўрсатилган барча Аҳдлашувчи томонларнинг Идораларини бу ҳақида хабардор этади.

(b) Агар халқаро рўйхатга олиш бирор-бир кўрсатилган Аҳдлашувчи томонга нисбатан узайтирилмаса, у ҳолда Халқаро бюро тегишли равишда ушбу Аҳдлашувчи томоннинг Идорасини хабардор этади.

**7-Бўлим**  
**Бюллетень ва маълумотлар базаси**  
**32-қоида**  
**Бюллетень**

(1) [Халқаро рўйхатга олишга тааллуқли ахборот] (a) Халқаро бюро қуйидагиларга оид тегишли маълумотларни Бюллетенда чоп этади:

(i) 14-қоидага мувофиқ амалга оширилган халқаро рўйхатга олишлар;

(ii) 16(1)-қоидага мувофиқ берилган ахборот;

(iii) 17(4)-қоидага мувофиқ, қайта кўриб чиқиш ёки шикоят қилиш имконияти кўрсатилган ҳолда, бироқ рад этиш сабаблари ва 17(6)(b)-қоидага мувофиқ, ёзув қайд этилган муҳофаза қилиш тақдим этилиши тўғрисидаги баёнот кўрсатилмаган ҳолда муҳофаза қилиш рад этилиши;

(iv) улар тўғрисида 31(1)-қоидага мувофиқ ёзув қайд этилган узайтиришлар;

(v) улар тўғрисида 24(7)-қоидага мувофиқ ёзув қайд этилган кейинги кўрсатмалар;

(vi) 39-қоидага мувофиқ халқаро рўйхатга олиш амал қилишини узайтириш;

(vii) улар тўғрисида 27-қоидага мувофиқ ёзув қайд этилган эгасининг ўзгартирилиши, чекловлар, химоя қилишни рад этиш ва эгасининг номи ёки манзили ўзгартирилишини рад этишлар;

(viii) 22(2)-қоидага мувофиқ амалга оширилган ёки улар тўғрисида 27(1)-қоидага мувофиқ ёзув қайд этилган хатти-ҳаракатларни тўхтатиш;

(ix) 28-қоидага мувофиқ амалга оширилган тузатишлар;

(x) улар тўғрисида 19(2)-қоидага мувофиқ ёзув қайд этилган халқаро рўйхатга олишларни ҳақиқий эмас деб эътироф этишлар;

(xi) улар тўғрисида 20, 21, 22(2)(a), 23, 27(4) ва 40(3)-қоидаларга мувофиқ ёзув қайд этилган ахборот;

(xii) узайтирилмаган халқаро рўйхатга олишлар.

(b) Белги тасвири у халқаро буюртманомада акс этган шаклда эълон этилади. Агар буюртманома берувчи 9(4)(a)(vi)-қоидада

эслатиб ўтилган баёнот берган бўлса, у ҳолда эълон қилишда бу ҳолатни кўрсатиши керак.

(с) Агар 9(4)(a)(v) ёки (vii)-қоидага мувофиқ белгининг рангли тасвири келтирилса, у ҳолда Бюллетень белгининг оқ-қора ва рангли тасвирига эга бўлиши керак.

(2) [Ахдлашувчи томонларнинг алоҳида талаблари ва баъзи баёнотларига тааллуқли ахборот ва бошқа умумий ахборот] Халқаро бюро Бюллетенда қуйидагиларни эълон қилади:

(i) 7-қоидага мувофиқ юборилган исталган билдиришнома;

(ii) Баённоманинг 5(2)(b)-моддаси ёки 5(2)(b) ва (с)-моддасига мувофиқ берилган исталган баёнот;

(iii) Баённоманинг 8(7)-моддасига мувофиқ берилган исталган баёнот;

(iv) 34(1)(b)-қоидага мувофиқ юборилган исталган билдиришнома;

(v) Халқаро бюро жорий ва кейинги календарь йилларда оммавий ташриф буюриш учун ёпиқ бўлган кунлар рўйхати ҳамда уни Халқаро бюрога хабар қилган ҳар бир Идора учун шундай рўйхат.

(3) [Йиллик кўрсаткич] Ҳар йили Халқаро бюро бир йил давомида Бюллетенда чоп этилган бир ёки бир нечта ёзувлар чоп этилган халқаро рўйхатга олиш эгаларининг алифбо тартибидаги номларига эга кўрсаткични эълон қилади. Эгасининг номига халқаро рўйхатга олиш тартиб рақами, халқаро рўйхатга олишга дахл қиладиган Бюллетенда эълон қилинган ва ушбу ёзувнинг характери, жумладан, муҳофаза қилиш рўйхатга олиш, узайтириш, рад этиш, рўйхатга олиш ҳақиқийлиги эътироф этилганлиги, бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлиги кўрсатилган саҳифасининг рақами илова қилинади.

(4) [Ахдлашувчи томонларнинг идораси учун нусхалар сони] (а) Халқаро бюро ҳар бир Ахдлашувчи томон Идорасига Бюллетень нусхаларини юборади. Ҳар бир Идора икки нусхани бепул олишга ҳақли ва агар мазкур календарь йил мобайнида тегишли Ахдлашувчи томонга нисбатан рўйхатга олинган кўрсатмалар сони икки мингдан ошса, у ҳолда кейинги йилда у қўшимча битта нусхани ҳамда икки мингдан ортиқ ҳар бир 1000 кўрсатма учун қўшимча нусхаларни олади. Ҳар бир Ахдлашувчи томон ҳар йили имзоланган нархнинг ярмига у бепул олишга ҳақли бўлган миқдордаги нусхаларни харид қилиши мумкин.

(b) Агар Бюллетень турли манбаларда бўлса, ҳар бир Идора у ҳақли бўлган исталган нусхани олиш учун манбани танлаши мумкин.

### **33-қоида**

#### **Маълумотларнинг электрон базаси**

(1) [Маълумотлар базаси мазмуни] У тўғрисидаги ёзув Халқаро реестрга киритиладиган ҳамда, бир вақтнинг ўзида, Бюллетенда чоп этиладиган маълумот 32-қоидага мувофиқ маълумотларнинг электрон базасига киритилади.

(2) [Халқаро буюртманомага тегишли маълумотлар ва кўриб чиқиладиган кейинги кўрсатмалар] Агар халқаро буюртманома ёки 24-қоидага мувофиқ кўрсатма Халқаро бюро томонидан халқаро буюртманома ёки кўрсатма олинган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида Халқаро реестрга киритилмаса, Халқаро бюро олинган халқаро буюртманома ёки кўрсатмада сақланувчи қоидаларга ҳар қандай риоя этмасликка қарамай, халқаро буюртманомада ёки кўрсатмада сақланувчи барча маълумотларни маълумотларнинг электрон базасига киритади.

(3) [Маълумотларнинг электрон базасидан фойдаланиш] Маълумотларнинг электрон базаси Аҳдлашувчи томонлар Идоралари фойдаланиши учун очик, агар бундай бож тўлаш ёзилган бўлса, ёзилган бож тўланган тақдирда унга "он-лайн" режимида фойдаланиш йўли билан ёки Халқаро бюро томонидан белгилаб бериладиган бошқа воситалар ёрдамида бошқа фойдаланувчилар фойдаланиши учун ҳам очик. Фойдаланиш қиймати фойдаланувчи томонидан тўланади. (2)-бандга мувофиқ киритилган маълумот Халқаро бюро ҳали 24-қоидага мувофиқ халқаро буюртманома ёки кўрсатма бўйича қарор қабул қилмаганлиги ҳақидаги огоҳлантиришга эга бўлади.

### **8-Бўлим**

#### **Бож ва йиғимлар**

### **34-қоида**

#### **Бож ва йиғимлар миқдори ва уларни тўлаш**

(1) [Тўловлар] (a) Бож ва йиғимлар рўйхатида кўрсатилган бож ва йиғимлар Халқаро бюрога буюртманома берувчи ёки эгаси томонидан, ёхуд буюртманома берувчи ёки эгасининг хоҳишига кўра тўланиши мумкин. Келиб чиқиш Идораси ёки бошқа манфаатдор Идора ўз зиммасига йиғимлар ва бундай божни қайта юборишни қабул қилса, у ушбу Идора томонидан тўланиши мумкин.



(b) Идораси ўз зиммасига йиғимларни ва божни қайта юборишни қабул қилган исталган Аҳдлашувчи томон бу ҳақида Бош директорни хабардор этади.

(c) [Тўлаш усуллари] Бож ва йиғимлар рўйхатида кўрсатилган бож:

(i) Халқаро бюрода очилган жорий ҳисоб варағидан чиқариш йўли билан;

(ii) швейцарча почта чек ҳисоб варағига ёки Халқаро бюронинг белгиланган банк ҳисобварақларидан исталган бирига ҳисоблаб чиқиш йўли билан;

(iii) банк чекининг кўрсатмаси йўли билан,

(iv) Халқаро бюрода нақд пул тўлаш йўли билан Халқаро бюрога тўланиши мумкин.

(3) [Тўловга илова қилинадиган кўрсатмалар] Халқаро бюрога исталган бож тўлашда:

(i) халқаро рўйхатга олиш олдида – буюртманома берувчи номи, тўловнинг тегишли белгиси ва мақсади;

(ii) халқаро рўйхатга олишдан олдин - буюртманома берувчи номи, тўловнинг тегишли белгиси ва мақсади кўрсатилиши керак.

(4) [Тўлаш санаси] (a) 30(1)-қоидасини ва (b)-кичик бандни ҳисобга олган ҳолда исталган бож ёки йиғим Халқаро бюро талаб қилинаётган суммани олган санада Халқаро бюрога тўланган ҳисобланади.

(b) Агар талаб қилинаётган сумма Халқаро бюрода очилган ҳисоб варағида мавжуд бўлса ва бюро ҳисоб рақами эгасидан уни олиш тўғрисида йўриқнома олган бўлса, бож халқаро буюртманома, кейинги кўрсатма, халқаро рўйхатга олиш муддатини ўзгартириш тўғрисида ёзувни қайд этиш тўғрисида баёнот ёки халқаро рўйхатга олиш муддатини узайтириш тўғрисида йўриқнома олган кунда Халқаро бюрога тўланган ҳисобланади.

(5) [Бож миқдорининг ўзгариши] (a) Агар халқаро буюртманома бериш учун тўланадиган бож миқдори, бир тарафадан, Халқаро бюрога халқаро буюртманомани тақдим этиш тўғрисида келиб чиқиш Идораси баёнот олган ёки 11(1)(a) ёки (c)-қоидасига мувофиқ олинган сана деб ҳисобланган сана билан, бошқа тарафдан Халқаро бюро томонидан халқаро буюртманома олинган сана билан ўзгартирилса, у ҳолда биринчи санага қадар амал қилган бож қўлланади.

(b) 24-қоидага мувофиқ кўрсатма келиб чиқиш Идораси ёки исталган бошқа манфаатдор Идора томонидан тақдим этилган

тақдирда, ушбу кўрсатма учун бож миқдори, бир тарафдан, Идора томонидан эгасининг кўрсатилган кўрсатмани тақдим этиш олинган сана билан, бошқа тарафдан, Халқаро бюро томонидан кўрсатмани олиш санаси билан ўзгартирилса, биринчи санага қадар амал қилган бож тўланади.

(с) Халқаро рўйхатга олишнинг амал қилиш муддатини узайтириш учун тўланадиган бож миқдори тўлаш санаси ва узайтириш амалга оширилиши керак бўлган сана билан ўзгартирилса, тўлаш санасида ёки 30(1)(b)-қоидасига мувофиқ тўлаш санаси ҳисобланган санада амал қилган бож қўлланади.

(d) (a), (b) ва (с)-кичик бандларида эслатиб ўтилган бож ва йиғимлардан фарқ қилувчи бирор-бир бож ва йиғим миқдорлари ўзгарган тақдирда, Халқаро бюро томонидан бож ёки йиғим олинган санада амал қилган миқдор қўлланилади.

### **35-қоида**

#### **Тўлаш учун қўлланадиган пул маблағлари**

(1) [Швейцария пул маблағларидан фойдаланиш мажбурияти] Мазкур Йўриқномага мувофиқ барча тўловлар агар ҳақ тўлаш бундай Идора томонидан амалга оширилса, ушбу бож ва йиғимлар келиб чиқиш Идораси ёки бошқа манфаатдор Идоралар томонидан бошқа пул маблағларига қабул қилинганлигидан қатъи назар, Швейцария пул маблағларида олдиндан Халқаро бюрога тўланади.

(2) [Швейцария пул маблағларида якка тартибдаги бож миқдорини белгилаш] (a) Аҳдлашувчи томон Баённоманинг 8(7)(a)-моддасига мувофиқ у якка тартибдаги божни олишни хоҳлаётганлиги ҳақида маълум қилса, Халқаро бюрога кўрсатиладиган якка тартибдаги бож миқдори унинг Идораси томонидан фойдаланиладиган пул маблағларида келтирилади.

(b) Агар бож (a)-кичик бандда эслатилган баёнотда Швейцария пул маблағларидан фарқ қилувчи пул маблағларида кўрсатилса, Бош директор якка тартибдаги бож миқдорини манфаатдор Идоралар билан маслаҳатлашиб олганидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий айирбошлаш курси асосида Швейцария пул маблағларида белгилайди.

(с) Кейинги кетма-кет уч ой мобайнида Швейцария валютаси ва Аҳдлашувчи томон томонидан кўрсатилган якка тартибдаги бож миқдори кўрсатилган валюта ўртасидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий айирбошлаш курси Швейцария франкларида якка тартибдаги бож миқдорини белгилаш учун фойдаланилган

охирги айирбошлаш курсига нисбатан камида 5 фоизга ошса ёки камайса ушбу Аҳдлашувчи томон Идораси илтимоснома берилган кундан аввалги кунда мавжуд бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий айирбошлаш курсига мувофиқ якка тартибдаги божнинг янги миқдорини Швейцария валютасида белгилаш илтимоси билан Бош директорига мурожаат қилиши мумкин. Бош директор тегишли чора-тадбирларни амалга оширади. Янги миқдор Бош директор томонидан белгиланадиган санадан бошлаб қабул қилинади, боз устига, ушбу сана Бюллетенда кўрсатилган миқдор эълон қилингандан кейин, биринчи ва иккинчи ой ўртасида бўлиши назарда тутилади.

(d) Кейинги кетма-кет уч ой мобайнида Швейцария валютаси ва Аҳдлашувчи томон томонидан кўрсатилган якка тартибдаги бож миқдори кўрсатилган валюта ўртасидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий айирбошлаш курси Швейцария франкларида якка тартибдаги бож миқдорини белгилаш учун фойдаланилган охирги айирбошлаш курсига нисбатан камида 5 фоизга ошса ёки камайса, Бош директор ўша куни амалда бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий айирбошлаш курсига мувофиқ Швейцария валютасида якка тартибдаги божнинг янги миқдорини белгилайди. Янги миқдор Бош директор томонидан белгиланадиган санадан бошлаб қабул қилинади, боз устига, ушбу сана Бюллетенда кўрсатилган миқдор эълон қилингандан кейин, биринчи ва иккинчи ой ўртасида бўлиши назарда тутилади.

### **36-қоида**

#### **Бож ва йиғимлар тўлашдан озод этиш**

Ёзувларни қайд этиш қуйидаги ҳолатларда бож ва йиғимлар тўлашдан озод этилади:

(i) вакил тайинланганлиги учун вакилга ва вакил тўғрисидаги ёзув бекор қилинишига тегишли бўлган ҳар қандай ўзгартириш;

(ii) эгасининг телефон ёки телефакс рақамларига тегишли исталган ўзгариш;

(iii) халқаро рўйхатга олишни Реестрдан чиқариб ташлаш учун;

(iv) 25(1)(a)(iii)-қоидасига мувофиқ рўйхатга олишни исталган рад этиш учун,

(v) 9(4)(a)(xiii)-қоидага мувофиқ халқаро буюртманомада ёки 24(3)(a)(iv)-қоидага мувофиқ кейинги кўрсатмада амалга оширилган исталган чеклов учун;

(vi) 6(4)-моддага мувофиқ, Идоранинг ҳар қандай баёноти, биринчи таклиф, Битим ёки 6(4)-моддага мувофиқ,, биринчи таклиф, Баённоманинг;

(vii) базавий буюртманомага дахл қиладиган ёки унга рўйхатга олиш ёки базавий рўйхатга олишга асосланган суд жараёни ёки узил-кесил қарор мавжуд бўлиши учун;

(viii) 17-қоида, 24(8)-қоида ёки 28(3)-қоидага мувофиқ исталган рад этиш учун, 27(4)-қоидага мувофиқ исталган баёнот учун ёки 17(4)(b)-қоидага мувофиқ исталган буюртманома учун;

(ix) халқаро рўйхатга олишни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш учун;

(x) 20-қоидага мувофиқ хабар берилган ахборот учун;

(xi) 21-қоида ёки 23-қоидага мувофиқ исталган билдиришнома учун;

(xii) Халқаро реестрда амалга оширилган исталган тузатиш учун.

### **37-қоида**

#### **Қўшимча ва қўшилган бож тақсимои**

(1) Битимнинг 8(5) ва (6)-моддаси ва Баённоманинг 8(5) ва (6)-моддасига мувофиқ кўрсатилган коэффицент кўйидаги аҳамиятга эга:

Экспертизани амалга оширадиган Аҳдлашувчи томонлар учун фақат рад этиш учун мутлақ асослар икки

Бундан ташқари аввалги ҳуқуқларнинг мавжудлигини экспертизадан ўтказувчи Аҳдлашувчи томонлар учун:

(a) учинчи шахсларнинг эътирози бўйича. уч

(b) *ex officio* тўрт

(2) Тўртинчи коэффицент жиддийроқ ҳаволаларни кўрсатган ҳолда аввалги ҳуқуқларнинг мавжудлигини *ex officio* изловчи Аҳдлашувчи томонларга нисбатан ҳам қўлланади.

### **38-қоида**

#### **Тегишли аҳдлашувчи томонларнинг ҳисоб варақларига якка тартибдаги божни ўтказиш**

Баённоманинг 8(7)(a)-моддасига мувофиқ баёнот берган Аҳдлашувчи томонга нисбатан Халқаро бюрога тўланадиган исталган якка тартибдаги бож унинг учун бож тўланган кейинги кўрсатма ёки узайтириш мазкур Аҳдлашувчи томоннинг Халқаро

бюрода очилган ҳисоб варағига халқаро рўйхатга олиш тўғрисидаги ёзув қайд этилган вақтдан кейинги ой мобайнида ўтказилади.

## **9-Бўлим**

### **Бошқа қоидалар**

#### **39-қоида**

#### **Баъзи ворис-давлатларда халқаро рўйхатга олиш амал қилишини давом эттириш**

(1) Агар ушбу давлат мустақилликка эришишидан аввал унинг ҳудуди Аҳдлашувчи давлат ("ҳуқуққа эга бўлган олдинги мамлакатлар») ҳудудининг бир қисми бўлган исталган давлат ("ворис-давлат") Битим ворис-давлат томонидан қўлланишидан иборат бўлган амал қилишни узайтириш тўғрисидаги баёнотни Бош директорга сақлаш учун топширган бўлса, у ҳолда ҳуқуққа эга бўлган олдинги мамлакатга кучга кириш санаси (2)-бандга мувофиқ, белгиланган сандан олдин бошланадиган ҳудудий кенгайтириладиган исталган халқаро рўйхатга олишнинг ворис-давлатда амал қўйидаги шартларда амалга оширилади:

(i) Халқаро бюро томонидан халқаро рўйхатга олиш эгасига тегишли хабар юборилган санадан бошлаб олти ой мобайнида ворис-давлатда бундай халқаро рўйхатга олиш амал қилишини узайтириш тўғрисидаги баёнот Халқаро бюрога топширилган тақдирда; ва

(ii) ўша муддат давомида Халқаро бюро томонидан ворис-давлат идорасига ўтказиладиган 23 Швейцария франки миқдоридаги бож ва Халқаро бюро фойдасига тўланадиган 41 Швейцария франки миқдоридаги бож Халқаро бюрога тўлаган тақдирда.

(2) (1)-бандда кўрсатилган сана бундай сана ворис-давлат мустақилликка эришган санага нисбатан вақтлироқ бўла олмаса, мазкур Қоида мақсадлари учун ворис-давлат бу ҳақида Халқаро бюрони хабардор этадиган сана ҳисобланади.

(3) (1)-бандда кўрсатилган баёнотни олгандан кейин ва божни тўлагандан кейин Халқаро бюро ворис-давлат Идорасини бу ҳақида хабардор этади ва Халқаро реестрга тегишли ёзувни киритади.

(4) Унга нисбатан (3)-бандга мувофиқ ворис-давлат Идораси билдиришнома олган исталган халқаро рўйхатга олиш муносабати билан агар бундай Идора Битимнинг 5(2)-моддасида кўрсатилган ҳуқуқий ворис мамлакатга ҳудудий кенгайтириш муддати тамом бўлмаган бўлса ва агар ушбу муддат давомида Халқаро бюро рад этиш тўғрисида билдиришнома олмаган бўлса, бундай Идора муҳофаза қилишни рад этиши мумкин.

(5) Мазкур Қоида Россия Федерациясига татбиқ этилмайди.

#### **40-қоида**

##### **Кучга кириш;ўтувчи қоидалар**

(1) [Кучга кириш] Мазкур Йўриқнома 1996 йил 1 апрельда кучга киради ва, ушбу санадан бошлаб, 1996 йил 31 мартга қадар амалда бўлган Белгиларни халқаро рўйхатга олиш тўғрисидаги Мадрид битимига Йўриқнома (кейинги ўринларда матнда "Битимга Йўриқнома" деб юритилади) ўрнини босади.

(2) [Умумий ўтувчи қоидалар] (а) (1)-бандга қарамай:

(i) тақдим этилиши тўғрисидаги илтимос Халқаро бюрога берилган халқаро буюртманома 11(1)(а) ёки (с) Баённомага мувофиқ,, унинг Битимга Йўриқнома талабларига мувофиқ,лиги ҳисобга олинган ҳолда, келиб чиқиш Идораси томонидан 1996 йил 1 апрелгача олинган ёки олинган деб ҳисобланади, 14-қоида мақсадлари учун зарур талабларга мувофиқ, деб ҳисобланади;

(ii) келиб чиқиш Идораси ёки бошқа манфаатдор Идора томонидан 1996 йил 1 апрелгача Халқаро бюрога юборилган Битимга Йўриқноманинг 20-қоидасига мувофиқ ўзгартириш тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисидаги баёнот ёки агар бундай сана келиб чиқиш Идораси, ёки бошқа манфаатдор Идора томонидан Халқаро бюрога тақдим этиш учун олинган сана сифатида белгиланиши мумкин бўлса ва у 1996 йил 1 апрель санасидан олдинги сана бўлса, у Битимга Йўриқнома талабларига мувофиқ,лиги ҳисобга олинган ҳолда 24(7)-қоида ёки 27-қоида билан белгиланган тегишли тартиб мақсадлари учун зарур талабларга мувофиқ, деб ҳисобланади;

(iii) Битимга Йўриқноманинг 11, 12, 13 ёки 21-қоидаларига мувофиқ 1996 йил 1 апрельга қадар Халқаро бюро томонидан исталган хатти-ҳаракатларнинг предмети бўлган Битимга Йўриқноманинг 20-қоидасига мувофиқ ўзгартиришлар тўғрисидаги ёзувни қайд этиш тўғрисидаги халқаро буюртанома ёки баёнот кўрсатилган қоидаларга мувофиқ Халқаро бюро томонидан қайта ишлаб чиқиш давом эттирилади; халқаро рўйхатга олиш ёки Халқаро реестрда ёзувни қайд этиш санаси Битимга Йўриқноманинг 15 ёки 22-қоидалари томонидан тартибга солинади;

(iv) унинг Битимга Йўриқнома талабларига мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда 1996 йил 1 апрельга қадар кўрсатилган Аҳдлашувчи томон Идораси томонидан жўнатилган халқаро рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида билдиришнома ёки ҳақиқий

эмас деб эътироф этиш тўғрисида билдиришнома 17(4) ва (5)-қоида, ёки 19(2)-қоида мақсадлари учун мувофиқ зарур талаблар ҳисобланади.

(b) 34(5)-қоида мақсадлари учун Битимга Йўриқноманинг 32-қоидасида кўрсатилган божлар ва йиғимлар 1996 йил 1 апрелгача исталган санада амалда бўлган божлар ва йиғимлар ҳисобланади.

(c) 10(1)-қоидага қарамай, агар 34(5)(a)-қоидага мувофиқ халқаро буюртманома бериш учун тўланган бож 20 йил мобайнида Битимга Йўриқноманинг 32-қоидасида ёзилган бож ҳисобланса, у ҳолда иккинчи марта тўлаш талаб этилмайди.

(d) Агар 34(5)(b)-қоидага мувофиқ кейинги кўрсатма учун тўланган бож Битимга Йўриқноманинг 32-қоидасида ёзилган бож ҳисобланса, у ҳолда (3)-банд қўлланмайди.

(3) [Бож 20 йил мобайнида тўланган халқаро рўйхатга олишга тўланадиган ўтиш қоидалари] (a) Агар талаб қилинган бож 20 йил мобайнида халқаро рўйхатга олиш 24-қоидага мувофиқ кейинги кўрсатманинг предмети ҳисобланса ва агар ушбу халқаро рўйхатга олишни ҳимоя қилишнинг жорий муддати 24(6)-қоидага кўра белгилаб олингани сингари кейинги кўрсатма кучга кирган санадан кейин 10 йил ўтиб тамом бўлса, (b) ва (c)-кичик бандлар қоидалари қўлланади.

(b) Халқаро рўйхатга олишни муҳофаза қилиш жорий муддатининг дастлабки ўн йиллик муддати тамом бўлишига қадар Халқаро бюро дастлабки ўн йиллик муддат тамом бўладиган аниқ санани кўрсатувчи хабарни эгасига, унинг вакили бўлса, вакилга ҳамда (a)-кичик бандда эслатиб ўтилган кейинги кўрсатманинг предмети бўлган Ахдлашувчи томонларга юборади. 29-қоида тегишли ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қўлланади.

(c) (a)-кичик бандда эслатилган кейинги кўрсатмага нисбатан иккинчи ўн йиллик муддат учун 30(1)(iii)-қоидада эслатилган божга мувофиқ қўшилган ва якка тартибдаги божни тўлаш талаб этилади. 30(1) ва (3)-қоида тегишли ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қўлланади.

(d) Халқаро бюро иккинчи ўн йиллик муддат учун Халқаро бюрога тўлов амалга оширилганлиги ҳақидаги ёзувни Халқаро реестрда қайд этади. Ҳатто, талаб қилинадиган бож Битимнинг 7(5)-моддасида ва Баённоманинг 7(4)-моддасида эслатилган имтиёзли давр мобайнида тўланадиган бўлса ҳам, биринчи ўн йиллик муддат тамом бўлган сана ёзув санаси ҳисобланади.

(е) Халқаро бюро иккинчи ўн йиллик муддат учун тўлов амалга оширилганлиги ёки амалга оширилмаганлиги тўғрисида кўрсатилган Аҳдлашувчи томонлар Идорасини ҳамда эгасини хабардор этади.

#### **41-қоида**

##### **Маъмурий йўриқнома**

(1) [Маъмурий йўриқноманинг қабул қилиниши; ушбу Йўриқнома билан тартибга солинадиган масалалар] (а) Бош директор Маъмурий Йўриқномани қабул қилади. Бош директор уни ўзгартириши мумкин. Бош директор Маъмурий йўриқномани қабул қилиш ёки ўзгартиришдан олдин таклиф этилаётган Маъмурий йўриқномадан ёки таклиф этилаётган ўзгартиришлардан манфаатдор бўлган Идоралар билан маслаҳатлашади.

(б) Маъмурий йўриқнома ушбу Йўриқнома билан унинг юритиши доирасига тегишли деб ҳисобладиган масалаларни, шунингдек, ушбу Йўриқномани қўллаш тафсилотларини кўриб чиқади.

(2) [Ассамблея томонидан назорат қилиш] Ассамблея Бош директорга Маъмурий йўриқноманинг исталган қоидасини ўзгартиришни таклиф қилиши мумкин ва Бош директор ушбу илтимосга биноан иш кўради.

(3) [Эълон қилиш ва амал қилишнинг бошланиши санаси] (а) Маъмурий йўриқнома ва унга киритиладиган исталган ўзгартириш Бюллетенда эълон қилинади.

(б) Исталган эълон қилишда эълон қилинадиган қоида кучга кирадиган сана кўрсатилади. Ҳар хил қоидалар учун ҳеч бир қоида Бюллетенда эълон қилингунга қадар амалдаги қоида деб эълон қилиниши мумкин эмаслиги шарти билан турли саналар кўрсатилиши мумкин.

(4) [Битим, Баённома ёки ушбу Йўриқнома билан қарама-қаршилиқлар] Маъмурий йўриқноманинг исталган қоидаси билан, бир томондан, иккинчи томондан, Битим, Баённома ёки ушбу Йўриқноманинг исталган қоидаси ўртасида қарама-қаршилиқ келиб чиққан тақдирда, Битим, Баённома ёки ушбу Йўриқнома устунлик кучига эга бўлади.



## Мундарижа

<b>Кириш</b> .....	3
<b>I Боб. Товар белгиларининг ҳуқуқий табиати</b> .....	4
1.1. Товар белгиси тушунчаси ва хусусиятлари.....	4
1.2. Товар белгилари мақомининг ҳуқуқий асослари.....	10
<b>II Боб. Товар белгиларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг муҳим жиҳатлари</b> .....	15
2.1. Товар белгиларини рўйхатга олиш ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига киритиш тартиби.....	15
2.2. Товар белгиларини ҳимоя қилиш механизмлари.....	28
<b>III Боб. Товар белгиларига оид низоларни хал этишнинг хусусиятлари</b> .....	33
3.1. Товар белгисидан қонунсиз фойдаланганлик учун ҳуқуқий жавобгарлик келиб чиқиш асослари.....	33
3.2. Товар белгисидан қонунсиз фойдаланганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик.....	38
3.3. Товар белгисидан қонунсиз фойдаланганлик учун маъмурий жавобгарлик.....	43
3.4. Товар белгисидан қонунсиз фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик.....	48
3.5. Товар белгиларига оид низоларни хал этиш тартиби.....	57
<b>Хулоса</b> .....	63
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	66
<b>Иловалар</b> .....	75

**БОБОҚУЛ ТОШЕВ  
ФИРУЗ НАБИЕВ**

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ:  
ТОВАР БЕЛГИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ**

**(ўқув кўлланма)**

Муҳаррир: Муродуллаева Г.  
Саҳифаловчи: Нарманов А.

Нашр. Лиц. АИ №009 20.07.2018.  
Босишга русхат этилди 28.12.2019. Формат 60x84 <sup>1/16</sup>  
Гарнитура Times. Офсет қоғози. Ризограф босма усули.  
Шартли босма табоғи 13,37. Нашр босма табоғи 10,42.  
Адади 50. Буюртма № 7370030

“Инновацион ривожланиш  
нашриёт-матбаа уйи” ДУКда чоп этилди  
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,  
Олмазор кўчаси, 171-уй.